

Жаҳон АДАБИЁТИ

Арабий-бағрий, илғимий-публицистик журнал

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 11 (174)

2011 йил, ноябр

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

www. jad.uz

М У Н Д А Р И Ж А

ПУБЛИЦИСТИКА

Шухрат РИЗАЕВ. **Раҳнамо шахс иродаси**.....3
Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ. **Иккинчи тўлқин муқаррарми**..... 144

НАСР

Артур ШНИЦЛЕР. *Ҳикоялар*.....7
Жалил МАММАДКУЛИЗОДА. **Донобош қишлоғи аҳволотлари. Қисса**.....33
Фрэнсис Скотт ФИЦЖЕРАЛЬД. **Буюк Гэтсби. Роман**.....76

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Нодим УЧАР. **Юракдаги ишқ гули сўлмас... Тўртликлар**.....27
А. ПУШКИН, М. ЛЕРМОНТОВ. *Шеърлар*.....67
К. БОБОЖОНОВА. **Маҳорат мактаби**.....73

АДАБИЙ САБОҚЛАР

Фёдор ДОСТОЕВСКИЙ. **Мактублар**..... 126

АДАБИЙ ЖАРАЁН

Александр КУШНЕР. **Шеър — бу дил таскини**..... 137

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Нўмон РАҲИМЖОНОВ. **«Дарё мавжларига ёзилмиш газал»**..... 149
Хулқар МУҲАМЕДОВА. **Порлоқ келажак башоратчиси**..... 154

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Шабот ХЎЖАЕВ. **Дунё тан олган аллома** 156

ТАҚРИЗ

А. ҚОСИМОВ, И. МИГОС. **Янги ҳалқа — янги саҳифа**.....159
Волида АБДУЛЛАЕВА. **Дунё кезаётган китоб**..... 161
Манзар АБДУЛХАЙРОВ. **Кўнгил куши наволари**.....162

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Густав ЭМАР. **Соҳибчангал. Роман**..... 166

ТОШКЕНТ
НОЯБР

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**

Мирпўлат МИРЗО

Таҳрир ҳайъати:

Усмон ҚЎЧҚОР
(масъул котиб)

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

Амир ФАЙЗУЛЛА

Назира ЖЎРАЕВА

Гулнора МУҲАММАДЁРОВА

Жамоатчилик кенгаши:

Бобур АЛИМОВ

Абдулла АРИПОВ

Эркин ВОҲИДОВ

Абдулла ИСМОИЛОВ

Абдурахим МАННОНОВ

Темур ШИРИНОВ

Ғулом МИРЗО

Абдулла ОРИПОВ

Баҳодир ХОДИЕВ

Навбатчи муҳаррир Н. ЖЎРАЕВА
Техник муҳаррир У. КИМ
Мусаҳҳиҳ Д. АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи Н. ДАВЛАТОВА

Жаҳон адабиёти, 11. 2011

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №174

Уч босма тобоқ ҳажмига бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 8.11.2011 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.

Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.

Жами 1335 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

«Жаҳон адабиёти» журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Ғулом номидаги НМИУда чоп этилди.
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© **Жаҳон адабиёти, 2011 й.**

Раҳнамо шахс иродаси

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўқиб

Россия Президенти Дмитрий Медведев шу йил 20 октябрь куни Москва Давлат университетининг журналистика факультетида талаба ёшлар билан учрашув ўтказди. Учрашувда собиқ Совет республикалари билан боғлиқ саволлар берилди. Уларга жавоб қайтара туриб жаноб Президент шундай фикр билдирди: “Аввалги йилларда айримлар, биз қачонгача бу иттифоқдош республикаларни боқиб ўтираемиз, Украинани боқамиз, Белоруссия, Болтиқ бўйи республикаларини, қачонгача Кавказни боқамиз, қачонгача Ўрта Осиёни боқамиз, деб ўз норозиликларини билдирар эдилар. Бу гаплар охир-оқибат катта бир маҳобатли давлатнинг парчаланишига олиб келди. Хўш, натижа нима бўлди? Биз хануз уларни боқяпмиз. Ҳозирги кунда собиқ иттифоқдаги бирор республика Россия кўмагисиз яшай олаётгани йўқ”. Бу фикрдан шундай хулоса чиқадик, СССРнинг парчаланиши Россияга керак эмас эди. Бу унинг “буюк давлатчилик” манфаатларига зид бўлди.

Катта бир мамлакат раҳбарининг бундай фикри халқ, жумладан, ёшлар олдида ўз рейтингини кўтариб олиш мўлжалида айтилган бўлиши мумкин. Аммо ўша номлари зикр этилган мамлакат ва минтақалардаги давлатлар фуқароларида бу фикр қандай акс садо уйғотаркин?! Битиб-битмай турган хўрлик, алам яралари захмини, оддий инсоний ҳамиятни кўзгаб юбормасмикан?! Шулар ҳақида ўйлаб туриб, беихтиёр Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Истиқлолимиз XX йиллиги арафасида эълон қилинган “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобида акс этган ниҳоятда мураккаб, ўта таҳликали кунлар гувоҳликлари бўлган ҳужжатлар – ўтган аср 80-йиллари адоғи – 90-йиллар ибтидоси кечмишлари хаёлдан ўтаверади, қиёс-муқоясада таассуротлар жонланаверади.

Демократияни гўёки бор бўйича жорий этмоқчи бўлаётган Россия раҳбарининг бу кунлардаги гапи шу бўлса, бундан йигирма йиллар аввалги ҳолат, муносабатнинг нечоғлик хатарли, кўрқинч бўлганини тасаввур этиш қийин эмас. Буни “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобидаги жуда кўп шохидликлар аён этади.

1991 йил 26 мартда Тошкентда Республика қишлоқ хўжалиги ходимлари қурултойи бўлиб ўтади. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, мавжуд вазиятни бор жиддияти билан очиқ-ошкора баён қилади: “Қурултойимиз бутун мамлакат учун мураккаб ва оғир бўлган пайтда ўтмоқда. Улуғ Ватан уруши давридан бери жамиятимизда бунчалик оғир шароит бўлмаган эди десам, янглишмасам керак. Сиёсий тарафқашлик кучайди. Турли-туман ижтимоий гуруҳларнинг ўзбошимчалиги, қарама-қаршилик, адоват уруғлари жамият барқарорлигини ларзага солмоқда... миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви ҳам барчамизни ниҳоятда ташвишга солмоқда... содир бўлаётган жиддий тўқнашувлар мамлакатимиз-

ни граждандлар уруши ёқасига олиб келиб қўймоқда”. (306-307 бетлар).

Мана, СССР номли дунёнинг олтидан бирини эгаллаган мамлакатнинг ўша пайтдаги бор манзараси.

Ҳаққоний манзара акс этган ана шу нутқ ирод этилишидан роппа-роса бир йил аввал Ўзбекистонда Президентлик институти жорий этилди. Бутун СССР ҳудудидаги республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда таъсис этилган бу лавозим ўн кун аввал СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съездида таъсис этилган СССР Президенти лавозимининг зиддига жорий этилгандек эди гўё. Чунки шу пайтгача Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг саркотиби сифатида ишлаб келган М.С.Горбачёв бутун дунёда қабул қилинган ижтимоий-сиёсий ёндашувларга кўра партия раҳнамоси бўлиб мамлакатнинг бутун давлат тизимини юритувчи ва тўла ваколатли ягона раҳбар бўлиб туриши тўғри эмас эди. Партия – гарчи у ҳукмрон бўлса-да, асосан унга аъзо бўлганлар хоҳиш-иродасининг ифодаси, Бош котиб эса, билназар, шуларгагина раҳнамо бўлиши лозим эди. Бундан ташқари, хориждаги йирик давлатлар билан муайян муносабатларга киришиш учун ҳам бу лавозим керак эди. Шу ва яна бошқа мулоҳазалар туфайли навбатдан ташқари съездда у президентлик курсисини эгаллади. Айни чоғда бу лавозим Иттифоқдаги республикаларда етилиб келаётган Истиқлол кайфиятини сўндириш, ўз ҳуқуқларини ошқора талаб қила бошлаганларни жиловлаш, Ўзбекистонда эса шу кезлар оловланаётган бузғунчилик, миллатлараро низо, “пахта иши”, “ўзбек иши” дея бутун халқ номини бадном этаётган адолатсизликларни авжлантириш учун чексиз ваколат олиш ҳам эди. Ана шу ҳолатни тўлиқ тушуниб, келгусида Ўзбекистон учун рўй бериши мумкин бўлган фожиаларни аниқ тасаввур қила билган Ислом Каримов фақат ўз халқи иродасига таяниб, ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари билан кенгашиб, Республикада Президентлик институтини жорий этди. Бошқа барча республикалар у ёки бу тарзда норозиликларини билдириб, мустақил бўлишни фақат орзулаб турганларида, Ислом Каримов қатъият кўрсатиб, Мустақилликни қўлга киритиш йўлида яна бир ўта муҳим амалий қадам ташлаган эди.

Орада қисқа фурсат ўтиб, Москвада Иттифоқдош республикалар компартиялари раҳбарлари йиғилар экан, СССР Президенти М.С.Горбачёв Ислом Каримовни истеҳзо билан кутиб олади, гўё бир мамлакатда икки Президент пайдо бўлди деб. Ислом Абдуганиевич эса шу заҳотиёқ М.С.Горбачёвга юзланиб, агар йиғилишда киноя оҳанги давом этса, мажлисни намоийшқорона тарк этишини билдиради ва ўзига нисбатан тенг муносабатда бўлишни талаб қилади. Шу билан яқка ҳукмронлик даъвосидаги СССР Президентига ўз иродасини, наинки ўзи, балки “Марказ”дагилар ўта беписанд қараётган халқнинг иродасини кўрсатади. Чунки Ўзбекистонда Президентлик институтини жорий этиб, Ислом Каримов халқ иродасини ҳамма жойда ифода этишдек улкан масъулият ва ваколатни ўз зиммасига олган эди.

Аслида Ислом Каримовнинг раҳбар сифатидаги қатъият ва иродаси ўтган аср 80-йиллари мамлакатда ўта мураккаб ва таҳликали жараёнлар бошланаётган пайтларда Ўзбекистон ССР Молия вазири (1983 йил), Республика Давлат план қўмитаси раиси (1986 йил) ва, айниқса, Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё вилояти комитетининг биринчи котиби (1986-1989 й.й.) лавозимларида ишлаган кезларида намоён бўлган эди. Жумладан, Қашқадарё вилоятида эканидаёқ, юқорига тикилиб ўтирмай, аҳолига ер участкалари, томорқалар ажрата бошлагани, мутасадди раҳбарларнинг “белгиланганидан сал оширадиган бўлсанг ўзингдан кўр, партбилетингни топширишингга тўғри келади” дея дўқ-пўписа қилишларига қарамай, мева-сабзавот экинлари учун белгиланган 235 минг гектар ер лимити устига қўшимча 7 минг гектар ерга ҳам шундай экинлар эктиргани (42-б.), пахта яккаҳоқимлигини Республика раҳбарларининг “зимдан амалга оширилган хушомадгўйлиги” (42-бет) дея вилоят доирасида бу нуқсонни бартараф этишга киришгани, Қашқадарё ва

Бухоро вилоятларини қўшиб юбориш бўйича Москва режасини барбод этгани ва энг муҳими, “пахта иши” бўйича Республика раҳбарияти ўнлаб, юзлаб одамларни қамаб, қатагон қилишга фатво бериб турганида, уларга терс бориб, ноҳақ жазоланганларни оқлаб, оиласига қайтариш учун курашгани бу Ўзбекистон халқининг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган тарихий бурилиш палласида тарих майдонига ўз сўзига эга қатъиятли раҳбар, йирик шахс, катта давлат арбоби чиқиб келаётганидан далолат эди. Бу ҳодиса 1989 йил 23 июнида амалга ошди.

Шу кун Ислом Каримов Республика Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби этиб сайланди. 24 июнда Ўзбекистон ССР Министрлар Советида Фарғона водийсидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол бўйича катта нутқ сўзлади ва 25 июнь – раҳбарликнинг иккинчи кунидек бузғунчи кучлар авжи қон тўқаётган оловли Фарғона вилоятига йўл олди. У ердаги ниҳоятда фожиа аҳволни кўриб, аҳоли, оддий фуқаролар билан суҳбатлашиб, вилоятдаги вазиятни оқилона изга солиш чораларини белгилади. Москвада мухташам саройларда ялпайиб, ялтоқланиб ўтириб, олис юртлардаги инсонлар тақдирини ўзича ҳал қилиб турган мутасаддиларнинг ғаразли ниятларини рўйи-рост кўрсатиб беради. “Ўзбек халқининг виждони пок. Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тугуруқсиз ва ғаразли мақсадларни кўзлаб, ким қандай бўёқ бермасин, тарих албатта, ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради” (52-б.). Бу сўзлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида, 1989 йил 19 августдаги нутқда айтилади.

Ислом Каримов назарда тутаётган “тугуруқсиз ва ғаразли мақсадларни кўзлаган”лардан бири Фарғона воқеаларини уч-тўртта безорининг “қулупнай можароси” дея хаспўшлаб кўрсатишга уринаётган эди. Ўз ғаразли нияти учун ўзи мансуб бўлган халқни бутун дунёга қора чаплаб кўрсатишдан тоймаётган, юзсизлик қилаётган эди. Ислом Каримов ана шуни ҳам кўрқмай айтади. Ҳар қанча душман орттирмасин, халқнинг манфаати, юрт садоқати, юксак мақсадлар уни рост сўзни айтишга даъват этади, журъат бағишлайди.

Китобда бу санадан кейинги икки йилдан ошиқроқ давр манзараларини акс эттирган бошқа талай ҳужжатлар Президент Ислом Каримовнинг қатор хислатлари билан бирга қатъият ва иродасининг бутун Ўзбекистон халқи учун не-не вазиятларда ҳал этувчи аҳамият касб этганини намойиш қилади. Бу 1990 йил 20 июнда қабул қилинган “Мустақиллик декларацияси” бўладими, Ўзкомпартия марказқўми съезд ва пленумларидаги ёки Ўзбекистон Олий Совети сессияларидаги, Қишлоқ хўжалик ходимлари курултойидаги нутқларми, “Известия”, “Комсомольская правда”, “Ди Цайт” (немис ҳафталиги), “Рабочая трибуна”, “Таймс оф Индия” газеталари мухбирларига интервьюлари бўладими ва яна маънавият масалалари билан боғлиқ қатор чиқишлар, Фармон ва қарорларми – барчасида раҳнамо шахс иродаси ва қатъияти равшан сезилиб туради.

Мисол тариқасида – 1991 йил 14 февралдаги Иттифоқ Шартномаси бўйича Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 4-сессиясида сўзланган нутқдан бир иқтибос: “Бизнинг асосий талабимиз (эйтибор қилинг – ҳали расман мустақил бўлмаган давлат раҳбари халқ номидан талаб қўйяпти – Ш.Р.) мулкчилик тўғрисида. Ўзини мустақил деб билган давлат ўз ҳудудида бўлган барча ер остию ер усти бойликларига, ишлаб чиқарувчи кучларга ҳеч сўзсиз фақат ўзи эғалик қилмоғи керак”.

Бу ўринда “талабимиз”, “ҳеч сўзсиз”, “фақат ўзи”, “эғалик” “керак” каби айнан қатъият ва иродани англатувчи сўзлар ва иборалар ифода этиладики, буларнинг ортида қанча журъат, мардлик, шижоат ётганини тасаввур этиш мумкин.

Яқин тарихдан маълумки, 1991 йил 18 – 21 август кунлари ГКЧП – Давлат фавқулодда ҳолат қўмитаси аъзолари СССРда Давлат тўнтариши содир этишга уриндилар. Бу мамлакатдаги бошбошдоқчиликнинг энг авж нуқтаси эди. Айни шу пайтда Ўзбекистон Президенти илк бор мустақил ҳолда

Ҳиндистонда расмий Давлат ташрифи билан меҳмонда эди. 19 август куни мавжуд аҳвол туфайли ўз ташрифини тўхтатиб, Ўзбекистонга қайтган Президентни Тошкент аэропортида ҳар қандай тартиб-қоидага зид ҳолда Туркистон ҳарбий округи қўмондони ва Совет армиясининг учта нотаниш генераллари кутиб олади. Бу ГКЧП муносабати билан бўйсунмас Президентга психологик таъсир кўрсатишнинг яна бир йўли эди. Ҳар қанақа одам беихтиёр саросимага тушиб қоладиган шундай қалтис вазиятда Президент Ислом Каримов 20 август куни Республика аҳолисига Мурожаат эълон қилади. Халқни вазминликка, тинчлик-осойишталикни сақлашга даъват этгани ҳолда, ўта қатъият билан қуйидаги сўзларни айтади: “Ўзбекистон Республикаси, унинг раҳбарияти қайта қуриш даврида ҳам ҳеч қачон бировнинг гапига кириб иш тутган эмас. Марказдан, бошқа баъзи республикалардан қандай қарор чиқмасин, ваъдалар берилмасин, ҳар қандай чақириқлар, даъватлар, йўл-йўриқ кўрсатишга ҳаракатлар бўлмасин, биз ўзимиз танлаган йўлимиздан ва белгилаб олган мақсадларимиздан қайтганимиз йўқ.

Бу йўл – бизнинг халқимиз тарихига, урф-одатларига, табиатимиз шарт-шароитларига, хуллас, халқимиз манфаатларига мос йўлдир.

Бу йўлни бир нарса билан солиштириш мумкин. У ҳам бўлса ўтқир, қиррали тоғ устидан йўл топиб юриш билан баробардир” .

ГКЧП барчани сўзсиз ўзига бўйсунганини талаб этиб, деярли ҳарбий ҳолат эълон қилиб турган пайтда бундай сўзларни айтиш уларга ошқора бўйсунмасликка чақириқ эди. Фақат халқ иродаси билан иш тутишга, фақат Ўзбекистон раҳбариятининг қарорларигагина амал қилишга даъват эди. Айнан тиг устида туриб, ўз бошини кундага қўйиб иш тутиш эди бу. Бу ҳам инсоний қатъият ва ироданинг бетакрор намунаси бўлиб Мустақиллик тарихи саҳифаларидан жой олди.

Ана шуларнинг барчаси Ўзбекистон Президенти “Юксак маънавият – энгилмас куч” рисоласида илгари сурган ва ҳозирда ўзига хос миллий ғоя тусини олаётган “маънавий жасорат” тушунчасини ёдга солади ва мазкур китоб саҳифаларидаги воқеликларни унинг муаллифи мисолида “маънавий жасорат” намуналари деб айтишга тўла асос беради.

Мўйсафид тарих не-не шоҳу ҳукмдорларни кўрмади. Фақат “элим, юртим деб яшаган” раҳнамоларгина барча “қўрқув деворларини емириб” (355-бет), Ватанга ҳуррият ва фаровонлик келтирган, аждодларини улуғлаб, авлодларни нурли истиқбол сари бошлаган. Бу йўлларда қатъият ва сабот, ирода ва интилиш маърифат билан қўшилиб, элни нурафшон манзилларга етказган.

Бугун матонатли халқимиз Ислом Каримов сиймосида ана шундай буюк иродали собит-қадам раҳбарни кўриб турибди.

*Шухрат РИЗАЕВ,
филология фанлари номзоди*



Артур ШНИЦЛЕР

РЕДЕГОНДАНИНГ КУНДАЛИГИ

Ўтган тунда Шаҳарбоғи орқали уйга қайтаётиб, бир оз муддат ўриндиқда ўтирдим, шу топ эгнига узун кулранг пальто, қўлига сариқ қўлқоп кийган аллақандай жаноб ёнимга келиб ўтирди. Қизиқ, бир дақиқа аввал у бу ерда кўринмаганди. Боғда шунча бўш жойлар туриб, унинг айнан менинг ўриндиғимга келиб ўтириб олгани кўнглимда шубҳа туғдирди; агар нотаниш одам шляпасини бошидан олиб, исмимни айтиб, сўрашмаганида, энди жуфтакни ростламоқчи бўлиб тургандим. Шунда бирдан уни таниб қолдим-у, бу ҳайратим ўзимга ҳам хуш ёқиб кетди. Ёш ва ниҳоятда одобли бу одам доктор Готфрид Вейвальд эди; у ўз олийжаноблиги билан ҳурматини сақлар, мулойим муомаласи эса ўзига завқ бағишлаши сезилиб турарди. Тўрт йил бурун уни Венадан Қуйи Австрияга ҳуқуқшунос ёрдамчиси қилиб ўтказишганди, лекин у, аҳён-аҳёнда бўлса-да, қаҳвахоналарда уни вазмин илтифот билан кутиб олувчи оғайнилари орасида пайдо бўладиган одат чиқарди: доктор Вейвальдга ҳаддан зиёд такаллуфлар ёқавермасди. Мен Рождество байрамидан бери уни кўрмагандим, оқшом чоғи шаҳар боғида тўсатдан учратиб қолдим-у, аммо ҳайратимни унга ошкор қилмасликка уриндим. Илтифотига илтифот кўрсатдим-да, сир бой бермасликка ҳаракат қилдим, саломига алик олдим. У билан оқсуякларга хос тарзда суҳбатлашмоқчи бўлиб чоғланган ҳам эдимки, бир пайт у худди ўзини мендан ҳимоя қилгандек, қўлини кўтарди-да:

— Узр, вақтим жуда зиқ, шундай бўлса-да, сизга ғалати бир воқеани сўзлаб бериш ниятида келгандим бу ерга, агар гапимни тинглаш сизга малол келмаса, албатта, — деди.

Унинг гап-сўзлари мени қанчалик ҳайрон қолдирмасин, уни жон-

*Рус тилидан
Дилдора АЛИЕВА
таржимаси*

Машҳур драматург ва ёзувчи Артур Шницлер 1862 йилда Венада ўзига тўқ яхудий оиласида туғилди. Отаси машҳур шифокор бўлиб, А. Шницлер ҳам шифокор бўлиш орзусида 1879-1884 йилларда Вена университетига ўқишга киради. Аммо адабиётга бўлган ҳавас, иштиёқ уни шифокорлик касбидан воз кечишга мажбур қилади. У адабий асарлар ёзиш билан бирга З.Фрейднинг руҳий таҳлилига оид назарияларига ҳам қизиққан. Унинг поэзияси, драматургияси кенг шухрат қозонган ва XX аср мобайнида кўп маротаба экранлаштирилган. XX асрнинг Йозеф Рот, Музиль, Герман Брох ва унинг замондоши Франц Кафкадек адабиёт дарғаларининг асарлари энди-энди шов-шув таратаётганда Шницлер ижодининг бой психологик жиҳатлари ўзини намоён этиб улгурганди. Унинг бир қанча пьесалари Россия сахналарига ҳам олиб чиқилган.

А. Шницлер 1931 йилда Венада вафот этган. Ундан иккита роман, битта пьеса ва йигирмадан ортиқ қисса ва ҳикоялар адабиёт ихлосмандларига мерос бўлиб қолган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

қулоғим билан тинглашга тайёр эканимни билдирган бўлмай, барибир ўзимни саволдан тийиб туrolмадим: у мени нега қаҳвахонадан қидирмай, кечкурун боғдан излаб топди ва бунга қандай уддалади? Кейин, айнан менга кўрсатилаётган бундай иззат-иқромнинг боиси нимада?

— Дастлабки иккита саволга жавобни, — деди у, ўзига одат бўлмаган кўполлик билан, — менинг ҳикоямдан топасиз. Сизни танлашимнинг боиси, азиз биродарим, энди у менга фақат шу тахлит мурожаат қиларди, — билишимча, сиз қоғоз қоралашга ишқибоз экансиз, менинг боши-кети йўқ ғалати ҳикоямни сиз мақбул шаклга келтириб, унинг дунё юзини кўришига ёрдам берарсиз деб умид қиламан.

Мен камтарлик билан эътироз билдирмоқчи бўлгандим, лекин доктор Вейвальд, юзини ғалати тириштирди-да, дангал бундай деди:

— Ҳикоям қаҳрамонининг исми — Редегонда. У, Х. Драгун полкидан бўлган ротмистр, барон Т.нинг хотини бўлиб, Z шаҳридаги уйлардан бирига жойлаштирилганди.

Гарчанд мен нафақат бу кичик шаҳарчани, балки, ротмистрнинг исмини, ҳатто полк рақамини ҳам яхши билсам-да, у менга фақат бош ҳарфларнигина айтарди, холос. Буларнинг бари менга нечук маълум эканини сиз бир оз кейинроқ билиб оласиз.

— Редегонда, — давом этди сўзида доктор Вейвальд, — гўзалликда беназир эди, ва мен уни бир кўришдаёқ севиб қолганман. Минг афсуски, у билан танишишнинг имконини тополмадим, негаки, зобитлар ҳарбий бўлмаганлар билан борди-келди қилиш у ёқда турсин, ҳатто, биздек, шаҳар бошқармасининг амалдорларидан ҳам ўзларини олиб қочиб юришарди. Шу боис Редегондани узоқдан кўрардим, холос; ўшанда ҳам у, ё эрининг, ёки бўлмаса, бошқа зобитлар ва уларнинг хотинлари ҳамроҳлигида бўларди. Баъзан уйининг марказий майдон томонга қараган деразаси ёнида пайдо бўларди. Оқшомлари кўпинча шалдироқ извошда ўзининг махсус ложаси бўлган театрда жўнаб кетарди; мен бахтдан масрур, партердан туриб, сездирмай уни кузатардим, мана, танаффус ҳам бошланди, уни яна ёш зобитлар қуршаб олишди. Баъзан у менга бепарво эмасдек туюларди. Башарти, у менга бепарво нигоҳ ташлаганида ҳам кўзидагини барибир уқиб ололмаган бўлардим.

Кузнинг эрта тонглиридан бирида мен Редегондани шаҳарнинг шарқий дарвозасидан сўнг бошланиб кетган чоққина боғда, ўрмонга ўхшаш ерда учратиб қолдим ва унга бўлган чексиз муҳаббатимни пойига садқа қилиш умидидан Мосуво бўлганимни англаб етдим. У шундай ёнгинамдан, балки, мени сезмай, ёдига тушиб қолган алланималардан табассум қилиб ўтиб кетди-да, кўп ўтмай ўзини қирмизи ўрмонга урди. У мендан икки қадам наридан ўтган бўлса-да, унга бош иргашга, ҳаттоки, биринчи бўлиб гап бошлашга ҳам фаҳмим етмабди! У ўрмонга яширинган ўша лаҳзаларда мен шундай имкониятни бой берганимдан асло ўкинмаганман, — чунки бундан барибир бирон нима чиқишига кўзим етмасди. Шунда ғалати бир ҳолатга тушдим: ичимдаги амрона янграган сирли овозга итоат этиб, Редегондани тўхатсам-да, ўзим гап бошласам, нималар бўлишини кўз олдимга келтирдим. Менинг жунбишга келган тасаввурларимга кўра, Редегонда дил изҳоримни рад этмаган, ҳатто журъатим унга ҳузур бағишлаган бўларди. У ҳаётининг маънисиз ўтаётганидан, уни қуршаб олган одамларнинг эса бир пулга қимматлигидан зорланди ва ниҳоят, кўнглини топа олган мендек меҳрибон дўстни учратганидан хурсандлигини яшириб ўтирмади. Мен тўқиб чиқарганларнинг бошидан охиригача, — унинг қарашларида шу қадар чуқур маъно бор эдики,

ажралиш онларимизда ҳам худди шундай бўлган эди, — Редегондани оқшом театр ложасида кўрганимда, бизни аллақандай сирли ришта боғлаб турганини ҳис этдим.

Тасаввурларим билан бунёдга келиб, кўп ўтмай яна бошқаларига уланиб кетган бу антиқа учрашувимиз, ишонаманки, қимматли дўстим, сизни ажаблантирмайди ва кеч куз кунларининг бирида Редегонда менинг қайноқ бағримга ўзини топширмагунча суҳбатларимиз учрашувдан учрашувгача борган сари дўстона, самимий тус олиб ва кейинчалик янада қалинлашиб бораверади. Тасаввурларим зўрайгандан зўрайди! Ахийри шаҳар четидаги оддийгина уйимга Редегонданинг ўзи кириб келди ва мен шундай бир роҳатбахш ҳузурни туйдимки, ҳатто ўша ғарибона ҳақиқат ҳам менга бундай тухфани тақдим этолмаган бўларди.

Бизни хавф-хатар ҳар қадамда таъқиб қилгани сайин, ҳис-туйғуларим шунчалик тасаввурларга бойиб бораверарди. Бир куни кечқурун пўстинларга бурканиб олиб, чанада қаергадир елдек учиб кетаётгандик, ротмистр ёнимиздан от солиб ўтиб қолди. Бир фалокат юз беришини ўшандаёқ кўнглим сезганди.

Баҳорнинг бошларида Редегонданинг эри хизмат қилаётган драгун полки Галицинга кўчириляётгани бутун шаҳарга овоза бўлганди. Менинг ҳам, барчамизнинг ҳам тушкунлигимизга чек-чегара йўқ эди. Бундай боши берк кўчага кириб қолган ошиқлар қандай чора-тадбир қўллаши лозим бўлса, барини бирма-бир хаёлдан ўтказиб чиққандик: қочиш ё ўлим, бундай ачинарли тақдирга тан бермасдан илож йўқ эди. Сўнгги оқшом етиб келган бўлса-да, бизни ҳамон шубҳалар қийнарди. Мен хонани гуллар билан безатдим-да, Редегондани кута бошладим; барига тайёр туриш учун жомадонга нарсаларни жойлаб, тўппончани ўқладим ва видолашув мактубини ёздим. Қимматли дўстим, буларнинг бари чин ҳақиқат. Менга танҳо хаёлларимгина эгалик қилармиди, билмадим, ўша кеча мен Редегонданинг келишига на фақат умидвор бўлгандим, йўлларига интизор кўз тиккандим. Ҳар доим бўлганидек, уни бағримга босиб тургандек хаёл қилмадим, йўқ, бу сафар гўё аллақандай сирли, ҳаттоки даҳшатли нимадир маҳбубамни уйдан чиқармай ушлаб турарди; мен, кимдир зинадан чиқиб келяптими-йўқми, деб эшик олдида тинмай бориб-келардим, узоқдан Редегондани яна кўриш умидида деразадан бошимни чиқариб мўраладим. Талвасали ҳаяжонда ҳеч бир тўсиқни ҳам писанд қилмай, уни қидириб топиш учун бор кучимни сарфлашга, севувчи ва севикли маҳбубам ҳаққи, Редегондани эридан тортиб олишга тайёр эдим.

Кўққисдан ярим кечага яқин кўнғироқ овози эшитилди. Юрагим шув этиб кетди. Бу тунги кўнғироқ энди хаёлда эмасди, тушуняпсизларми. Кўнғироқ иккинчи, учинчи бор жиринглаганда, унинг қулоқни қоматга келтирувчи жарангидан сўнг мен бир зумда ўзгартириб бўлмас ҳақиқатга қайтдим-қўйдим. Шу оқшомгача менинг ғалати саргузаштларим фақатгина тушлар силсиласидан иборат эканини тушуниб етган дамимдан бошлаб, менда, жўшқин эҳтиросларимдан қочиб қутулолмаган Редегонда ёнимга келди, ҳозир остонада турибди, шу тобда киради-ю, ўзини бағримга отади деган бемулоҳаза умид уйғонди. Буткул ана шу лаззат оғушида эшик олдида бордим-да, уни очдим. У Редегонда эмасди. Рўпарамда танасиз шарпа эмас, бутунбошли тирик жон, унинг эри турарди. Шу онда сизни қандай кўриб турган бўлсам, уни ҳам худди шундай аниқ-тиниқ кўриб турардим.

Ротмистр менга тикилиб қаради. Тушунарли, уни уйга таклиф этиб, келинг, ўтиринг дейишдан ўзга чорам қолмаганди. Бироқ у, ҳамон

кўкрагини кериб турганча, таърифга сизмас заҳархандалик билан:

— Сиз Редегондани кутяпсизми; бахтга қарши унинг бу ерга келишига баъзи бир ҳолатлар халақит қилади. Биласизми, у ўлиб қолди, — деди.

— Ўлиб қолди, — тақрорладим мен ва шу заҳоти дунё кўзимга қоронғу кўриниб кетди. Ротмистр қатъий оҳангда:

— Бир соат бурун қарасам у ёзув столи олдида экан. Ёнидан мана бу дафтар чиқди, атайлаб уни ўзим билан олиб келдим. Афтидан, мен хонага кўққисдан бостириб кирганимда юраги ёрилиб ўлди, шекилли. Илтимос, бир кўз ташланг!

У очилган сафсарранг тери билан муқоваланган дафтарни менга узатди ва мен уни ўқий бошладим:

“Шундай қилиб, мен энди уйимни бутунлай тарк этаман, мени маҳбубим кутяпти.” Мен дафтарни ёпдим-да, тасдиқлагандек бош иргадим.

— Кўлингиздаги Редегонданинг кундалиги эканини, — давом этди ротмистр, — сиз тўғри фаҳмладингиз. Эҳтимол, яна бир илтифот кўрсатиб, уни варақлаб ҳам кўрарсиз. Шунда тонишдан фойда йўқлигига ўзингиз ҳам амин бўлардингиз.

Мен кундаликни варақлай, тўғрироғи, уни ўқий бошладим. Ёзув столига тирсагимни тираб ўтириб, уни деярли бир соатча ўқидим, бу вақт орасида ротмистр ҳам дивандан қимирламади. Яна ўша ҳайратомуз муҳаббатимиз: эрта куз ўрмонда Редегонда билан илк суҳбатимиз, биринчи бўса, шаҳар ташқарисидаги сайримиз, хушбўй ҳид анқиб турган хонадаги ҳузур-ҳаловатга тўлиб-тошган дамларимиз, қочиш ё ўлим ҳақидаги режаларимиз, бахтли ва дилхаста ўтмишимиз кўз олдимда жонлана бошлади. Ҳали ўзим чинакамига бошимдан кечирмаган, фақат тасаввуримдагина бунёд этганларимнинг бари ажабланарли даражада аниқ ва равшан тарзда кундалик саҳифаларига муҳрланганди. Сизга ҳақиқат бўлиб кўринганлар, менга нимаси биландир сира тушунтириб бўлмайдигандек туюляпти. Редегонда танҳо уники бўлишимни истагани боис ҳам тасаввурларимиздан бунёдга келган барча азоб-уқубатлар, севинч ва шодликларни мен билан баҳам кўриши учун унга сирли ихтиёр берилганини баногоҳ тушуниб етдим. Бошқа аёллар каби Редегонда ҳам ҳаётнинг бошланишига мендан кўра яқини бўлгани боис орзу-ҳавас ва унинг рўёби орасидаги фарқдан беҳабар ўзининг сафсарранг дафтарига битаётган дил изҳорларининг бари ўнгида бўлаётганига қаттиқ ишонарди. Балки бари бошқача бўлиши ҳам мумкин. Балки, шундайдир. Редегонда бу маккорона кундаликни журъатсизлигим туфайли мендан ўч олишни кўзлаб тутганди, чунки менинг — бўлмайти деган сўзим сабаб бизнинг барча орзу-ниятларимиз ушалмай қолганди; у, бу кундалик шу тариқа чув тушган эрининг қўлига тушишини ўйлаб, ўз ихтиёри билан ўзини ўлимга гирифтор қилганди. Аммо бу шубҳа-гумонларни бир ёқли қилишга менда вақт йўқ эди, чунки ротмистр менинг мутлақо айбдор эканимга астойдил ишонарди, шу боис мен ҳам вазият тақозо этгандек, унинг хизматига доим тайёр эканимни билдирдим.

— Уриниб ҳам кўрмасдан-а?..

— Ҳали тонмоқчиман денг?! — жаҳл билан гапимни бўлди доктор Вейвальд. — Асло! Ҳаттоки бу уриниш муваффақият қозонишингиз учун зигирча умид ваъда қилганида ҳам бу ҳаракатни номуносиб дея баҳолаган бўлардим. Негаки, мен чидашни истаган, аммо кўрқоқлигим панд бериб, бардошим етмаган бу даҳшатли ҳодисанинг оқибатига ўзимни жавобгар ҳис этаман.

— Ҳали Редегонданинг ўлими ҳақида бирон гап маълум бўлмай туриб, мен бу ишни охирга етказмоқчи эдим, — деди ротмистр. —

Ҳозир соат роппа-роса тунги бир, учда секундантлар учрашуви, бешда эса бари ҳал бўлиши керак.

Мен яна бош ирғаб розилик билдирдим. Ротмистр совуққина хайрлашди-да, кетди. Мен қоғозларни тартибга солдим, уйдан чиқиб, бош округ бошқармасидаги танишларимни тўғри ётган еридан тургаздим, улардан бири граф эди. Уларни шошириш мақсадида фақат энг зарур бир-икки оғиз сўзни лўнда қилиб тушунтирдим-да, ўзим асосий майдонга тушиб кетдим ва Редегонданинг жасади ётган қоронғи хона деразаси тагида у ёқдан-бу ёққа юра бошладим. Мени шундай бир туйғу чулғаб олдики, гўёки мен ўз тақдирим йўлига пешвоз чиқиб бораётгандим.

Мен Редегондани илк бора учратиб, унга гапиришга барибир ботинолмаган ўша ерга яқин бўлган ихчамгина ўрмончада тонгги соат бешда ротмистр ва мен бир-биримизга рўпарама-рўпара турардик.

— Сиз уни отиб ташладингизми?

— Йўқ, ўқим унинг чаккаси тепасидан учиб ўтиб кетди. У тўғри менинг юрагимга келиб қадалди. Айтишганидек, мен ўша заҳоти тил тортмай ўлдим.

— О-о-о. — Мен ғалати суҳбатдошимга саросимали нигоҳим билан боқдим-да, инграб юбордим. Лекин бирон тирик жонни кўрмадим. Ўриндиқлар бўм-бўш эди. Ҳатто айтиш мумкинки, бари менга шундай кўринди. Кеча қаҳвахонада аллақандай Гейергейн исмли ротмистр доктор Вейвальдни отиб қўйгани ҳақида миш-мишлар ёйилганини фақат ўшандагина эсладим.

Бу хабар чекка жойлардаги одамларнинг дилини сиёҳ қилганди; бироқ, ўша куниеқ фрау Редегонданинг қандайдир ёш лейтенант билан беном-нишон ғойиб бўлгани мана шундай қалтис ҳазилнинг келиб чиқишига сабаб бўлганди.

Кимдир, доктор Вейвальд камдан-кам учрайдиган ўзидаги оддийлик, олийҳимматлилиқ билан ўзидан хийла омадли рақибининг ҳам ўлимини ўз бўйнига олиб кетганини айтди. Шаҳар боғидаги Вейвальднинг арвоҳининг пайдо бўлишига келсак, агар мен унинг ўхшашини унинг мардонавор ўлимидан аввал учратганимда, унда унинг таъсири янада кучлироқ ва ажойиброқ бўлган бўларди. Агар воқеалар жараёни хаёлда бир оз кейинга сурилса, шу билан унинг таъсири бундан-да зўрроқ бўлиши бошда менга қизиқарлироқ туюлганини яширмайман. Бундай пухтароқ ўйлаб кўрадиган бўлсам, мени кўрқув босяпти, агар воқеалар тартиби ўзгарса, мени мистикада, арвоҳлар билан мулоқот бор гаплигига ишонишда айблаб, таъна-дашномларга кўмиб ташлашади. Ҳикоям уйдирмалардан иборат эмасми, ёки, умуман, бундай воқеалар ақлга тўғри келадими ўзи, деган шунга ўхшаш саволлар туғилишини, ва жавобга қараб, менга башоратчи ёки қаллоб дея тамға босишларини мен олдиндан сезгандим. Буларнинг ичида биронта қулоққа ёқадигани бўлмаса, нима ҳам дердим. Ҳар қадамда учрайдиган ишончсизликка гарчи бошқалар кўпроқ лойиқ бўлсалар-да, лекин, одатда шоирларга шундай муносабатда бўлганлари боис, кўрқаманки, барибир, бунинг тўғрилигига кўпчилик шубҳа билан қарайди.

БАШОРАТ

I

Боцандан сал нарида, ўрмонга бурканганидан катта йўлдан деярли кўзга ташланмайдиган, чоғроқ тепаликда барон фон-Шоттенеснинг ихчамгина ер-мулки жой олган. Ўн йилдан буён Меранда истиқомат

қилаётган оғайнимни кузда яна ўша ерда учратиб қолгандим ва у мени барон билан таништириб қўйганди. Ўшанда ёши элликларга бориб қолган барон санъатга ишқибоз одам бўлиб, унинг ҳар хил турлари билан шуғулланарди. У скрипкани, роялни бинойидек чалар, бошқаларга жўр ҳам бўларди, расми ҳам дурустгина чизарди. Ўз вақтида у, санъатнинг драматик тури билан ҳам жиддий шуғулланганди. Айтишларича, у ёшлик чоғларида вилоятнинг чекка-чекка жойларида сохта ном остида бир неча йил айланиб ҳам юрган экан. Отасининг қаршилиги сабаб бўлганми, қобилият ё омад панд берганми, нима бўлганда ҳам у, бу йўлдан воз кечиб қўя қолди ва ота-боболари изидан боришни маъқул топди-да, фурсатни ганимат билиб, шартта давлат хизматига кирди. Ҳар ҳолда жуда иштиёқ билан киришиб кетмаса-да, барибир у, бир неча ўн йиллар давомида ўз вазифасини сидқидилдан, ҳалол адо этиб юрди. Эндигина қирққа чиққанда, отаси вафот этди, шундан сўнг у ҳам хизматдан бўшади ва ёшликдаги ҳаваслари ҳамон уни тарк этмаганини англаб етди. У Гунчн тоғи ёнбағридаги боғ-роғли ҳовлини тартибга келтиришни буюрди-да, асосан ёз, куз мавсумларида у ерга бир талай эркак ва аёлларни тўплаб, қисқа-қисқа, кўнгилочар пьесалар, қувноқ сахна асарларини намойиш эта бошлади. Унинг хотини эски тироль буржуа наслидан бўлиб, санъатга унчалик иштиёқи йўқ эди, лекин ақлли, эрига чинакам меҳрини қўйган вафодор аёл эди. Гарчи эрининг ишқибозликларига бир мунча киноя билан қараса-да, турмуш ўртоғининг бу қизиқишлари хотинининг жамиятга бўлган мойиллик талабларига жавоб беришини тан оларди. Сарой муҳити қаттиққўл ҳакамларга у қадар ёқимли бўлиб туюлмаса-да, бу ердаги меҳмонлар ёшликдан табақа урф-одатларига мойил тарбия топганликларига қарамай, тўгаракдаги санъат тури ўзини етарли даражада оқлаб улгургани боис унинг фаолиятига сира қаршилиқ кўрсатмадилар; шунингдек, эр-хотин баронларнинг номи ва обрўйининг ўзиёқ тўгарак ишига халал берувчи ҳар қандай ахлоқсизлик борасидаги шубҳа-гумонларни бир четга суриб қўярди. Ҳозир кимлиги ёдимда йўқ одамлар орасидан мен инсбрукс комендантлигидан ёш графни, Ривдан егер офицерини, бош штаб полковнигини хотини ва қизи билан, Берлиндан оперетта қўшиқчисини, Боцендан ликёр фабрикаси эгасини ўғиллари билан, яқинда дунё бўйлаб сафаридан қайтган барон Мецдольтни, Бюкебургдан сарой артистини, ёшлик чоғларида артист бўлган бева графиня Саймани қизи билан ва даниялик рассом Петерсенни учратиб қолдим.

Саройнинг ўзида меҳмонлардан баъзиларигина яшардилар, холос. Бошқаларининг Боценда ўз хонадонлари бор эди. Учинчилари бўлса, хийла тор кўчаси саройга олиб чиқадиган чорраҳада жойлашган оддийгина меҳмонхонада истиқомат қилишарди. Тўгарак аъзолари кўпинча тушдан сўнг юқорига тўпланишарди-да, баъзан собиқ сарой артисти режиссёрлигида, баъзан эса ўзи ҳеч иштирок этмайдиган барон бошчилигида бошда ҳазил-ҳузул, кулги билан, кейинроқ пьеса воқеаларининг қаерда бўлиб ўтишига қараб, бу ўрмон этагидаги, сарой боғчаси орқасидаги кичик ўтлоқзор бўладими, ёки деразалари готик услубида ишланган бир қаватли бинонинг танобийсидами, об-ҳавога, кайфиятга, тайёргарликка қараб намойиш этиладиган томоша қўйиладиган кун яқинлашгунга қадар машқлар борган сари жиддий тус олиб бораверарди.

Баронни илк бора кўргани келганимда, кунимни бу нотаниш одамлар орасида қандай вақтичоғлик билан ўтказишни ўйлашдан бўлак дардим йўқ эди. Негаки, баъзан мутлақо бемақсад қолиб кетиб, тентираб, ҳайё-ху деб бошинг оққан томонга кетиб қолгинг келади ва бундай

ҳолат тез-тез такрорланиб турарди, шу боисдан ҳам бу ерларда қолиб кетишим учун баронни кўндиришга ҳаракат қилардим. Кунларга кунлар уланаверди, шундай қилиб, мен сарой юқорисидаги пойида сой ясланиб ётган ихчамгина миноранинг атайлаб камина учун ажратилган, қулай ва шинам қилиб жиҳозланган хонасида бамайлихотир кеч кузгача қолиб кетдим. Тоғлиқ ерларда мен илгари сира яшаб кўрмаган эдим. Атрофдаги ўйин-кулги, ғала-говур мени қанчалик қуршаб олмасин, Гунчнда кўрганларимнинг бари беозор ва илиқ хотира бўлиб қолади, негаки, лаҳзалик суҳбатларни инобатга олмаганда, меҳмонларнинг биронтаси билан деярлик тузук-куруқ муносабатда бўлмадим, бунинг устига ўрмондаги ёлғиз сайрларим чоғида вақтимни ижодга ва ўй-хаёлларимга теппа-тенг тақсимлаб чиқдим. Бир куни барон ҳурматимни жойига қўйиб, кичик пьесаларимдан бирини саҳналаштирганида, кўнглимда заррача ўзгариш сезмадим, негаки, ёзувчи эканим биронтанинг хаёлига ҳам келмаганди. Тўғриси айтсам, бу кеча менга ажойиб бир воқеани тухфа этганди, чунки, очиқ осмон остида, майсалар устида ўтказилган бу томоша менинг ёшлиқдаги орзуларимни кеч бўлса-да, кутилмаганда рўёбга чиқарганидан бошим кўкка етганди. Саройни завқ-шавққа тўлдириб турган жонланиш ҳам анча тинчиб қолди, турли лавозимдаги жанобларнинг ҳам таътиллари тугаб, энди саройда онда-сонда меҳмон бўлиш шу яқин-атрофда яшовчи ёр-дўстларгагина қолганди, холос. Ҳаваскор-ишқибозларга хос бўлган ўзига танқидий кўз билан қараш баронда ҳаддан зиёд эканини у билан яқин бўлганимдан кейингина пайқаб қолдим-у, бундан роса ҳайратландим. Саройда нима билан шуғулланишаётган бўлишса, барон бунинг барини ўзгача бир машғулот, жамоат ўйинларининг энг сараси деб биларди, лекин, буни санъат деб у ўзини сира алдамасди. Негаки, умри мобайнида кўнгил қўйган иши — санъат билан узоқ ва жиддий шуғулланиш баронга насиб этмаганди, шу туфайли саройдаги камтарин саҳна фаолиятини бу соҳа узоқдан бўлса-да, ўз шуъласи билан ёритиб турганининг ўзи унга кифоя эди, боз устига профессионалларга хос бўлган санъатни бўғишга уринишдек кайфият бу ерда сезилмагани уни мамнун этарди.

У билан ўтказган сайрларимизнинг бирида, бир кун келиб, очиқ осмон остида, ўз саҳнасида саҳнанинг бепоён эканини кўрсатиб, табиий шароитга мослаб ёзилган пьесани кўриш унинг орзуси эканини айтиб қолди. Бу фикр мен анчадан буён кўнглимга тугиб қўйган мақсадимни рўёбга чиқариш учун қўл келгани боис, унинг бу ниятини амалга оширишга сўз бердим.

Кўп ўтмай мен саройни тарк этдим.

Баҳорнинг илк кунларидан бирида, ўтган куздаги ажойиб кунларимизни эслатиб, чамаси, шароит талабларидан келиб чиқиб ёзилиши кутилаётган пьесамни илтифот билан баронга жўнатдим, сўнг ундан миннатдорчилик билдириб, мени яқин кузда чин дилдан таклиф этиб ёзган жавоб мактубини олдим. Мен ёзни тоғда ўтказдим ва сентябр ойининг илк совуқ кунлари бошланиши биланоқ барон фон-Шоттенеснинг саройига яқин жойда эканимни ҳам унутиб, Гардск кўлига жўнаб кетдим. Ҳа, мен, ўша бир пайтлар ҳаёт қайнаган ихчамгина қасрни энди мутлақо унутгандек эдим. Венадан кетишим билан саккизинчи сентябрда барондан хат олдим; унда, мендан ҳеч бир дарак бўлмаётганидан ажаблангани айтилганди ва тўққизинчи сентябрда унга юборган ихчамгина пьесамнинг намоиши кутилаётгани, менинг бунда иштироким шартлиги ҳақида хабар берилганди. Пьесада қатнашган, энди эса машқлардан сўнг ўзларига ярашиб турган костюмларда майсалар устида маза қилиб ўйнашдан тийила олмаётган болалар

томонидан барон менга алоҳида хурсандчилик ваъда қилганди. Бош қаҳрамон роли устида у узоқ ишлаганди ва бир қатор тасодифлардан сўнг бу роль, янглишмасам, жонли картиналарда бор-йўғи икки марта иштирок этиб, ҳозир актёр сифатида ўзидаги ажойиб иқтидорни намойиш эта олган бароннинг жияни Француа фон-Умпредтга топширилганди.

Мен жўнаб кетдим ва кечга яқин Боценга етиб келдим, томоша куни саройга ташриф буюрдим, мени бу ерда барон, хотини иззат-икром билан кутиб олишди; у ерда мен яна бошқа танишларни: истейфодаги сарой артистини, графиня Саймани қизи билан, жаноб фон-Умпредтни гўзал хотини билан, шунингдек, менинг ишимнинг муқаддимасини ўқиши керак бўлган ўрмончининг ўн тўрт яшар қизини учратиб қолдим. Тушдан сўнг анча-мунча одам келиши, оқшомги томошага эса нафақат бароннинг шахсий меҳмонлари, балки, аввал ҳам томошага киришга бир неча бор рухсат этилган шу яқин-атрофда яшовчилардан юзтачасининг келиши кутилаётганди. Устига-устак, бу гал боцен капелласи мусиқачиларидан иборат бўлган кичик оркестр ва Вебернинг увертюрасини, сўнг бароннинг ўзи ёзган антракт мусиқасини ижро этиш учун бир нечта ҳаваскорлар ҳам таклиф этилганди.

Стул атрофига йиғилганларнинг кайфиятлари чоғ эди, ёлғиз фон-Умпредтгина бошқаларга қараганда менга хийла вазмин кўринди. Бошда уни деярли эслолмадим ва бир оғиз ҳам сўз демай баъзан дўстона, баъзан шубҳа билан менга тез-тез кўз қирини ташлаётганини пайқаб қолдим. У борган сари кўзимга иссиқ кўрина бошлади ва бирдан уни ўтган йил менинг жонли картиналаримда шахмат тахтаси устида тирсагига суяниб ўтирган роҳибни тасвирлаганини эслаб қолдим. Яна адашаётган бўлмай тагин, деб унинг ўзидан ҳам сўрадим. Уни суҳбатга тортмоқчи эдим, бир оз хижолатга тушгандек бўлди: барон ўз жияни ҳақида гапириб, саҳна яна бир иқтидорни кашф этганини ҳазиломуз тарзда менга изоҳлади-да, жиянининг ўрнига жавоб бериб қўя қолди.

Шунда, жаноб фон-Умпредт ғалати кулди-да, гўё орамизда ҳали бунга ўзим ҳам тушуниб етолмаётган қандайдир битим бордек ялт этиб менга қаради. Бироқ, яна шу лаҳзадан бошлаб, мендан яна кўзларини олиб қоча бошлади.

II

Тушликдан сўнг дарров хонамга чиқиб кетдим. Мана, худди ўтган йилдагидек, мен яна ўша очиқ дераза олдида турибман, шаҳар ва далани ўз бағрига чорлаганча, худди оёғим остидан энсизгина бошланиб, аста-секин катталаша бора-бора қўл-оёғини бутунлай ёзиб юборган водий порлаб турган қуёш нуридан яна-да гўзаллашиб кетиши менга завқ бағишларди.

Бир мунча вақт ўтгач, эшик тақиллади. Жаноб фон-Умпредт кирди-да, остонада таққа тўхтаб:

— Беговта қилганим учун узр сўрайман, — деди тортинибгина.

Сўнг яқинроқ келиб, сўзида давом этди:

— Агар мендан чорак соатгина вақтингизни аямасангиз, унда Сизни беговта қилганим учун гуноҳимдан ўтишингиз турган гап.

Мен жаноб фон-Умпредтга ўтиришни таклиф этгандим, у бунга эътибор ҳам қилмай, куйиб-пишиб гапида давом этди:

— Мен сиздан жуда ғалати бир тарзда қарздорман, шу боис сизга қанча миннатдорчилик билдирсам шунча оз.

Жаноб фон-Умпрехт ўз ролини назарда тутаётган бўлса керак, деб ўйлашдан бўлак фикр калламга келмади, яна у ўз сўзларини шундай мулойимлик билан айтирдики, ҳатто эътироз билдириб юборишимга ҳам сал қолди. У ўша заҳоти сўзимни бўлиб:

— Бу билан мен нимани назарда тутаётганимни сиз хаёлингизга ҳам келтиролмайсиз. Сиздан илтимос, ўтинчимга қулоқ солсангиз.

У дераза тоқчасига ўтириб олиб, оёғини чалиштирди-да, ўзини хотиржам кўрсатишга астойдил уринаётганини яширмай, сўзлай кетди:

— Мен энди катта ер эғасиман, қулоғингизга чалинганми, йўқми, аввал зобит бўлганман. Ўша, бундан ўн йил муқаддам, — ўн йил муқаддам айнан шу бугунги кунгача давом этиб, сизнинг шарофат ва кўмагингиз сабаб ўз ниҳоясига етай деб қолган зулмингиз остида ажабтовур бир воқеани бошимдан ўтказганман. Иккимизнинг ўртамызда, худди мендек сиз ҳам аранг тушунтириб бера оладиган аллақандай ёвуз муносабат ўрнатилган; лекин, оз бўлса-да, сиз унинг борлигидан боҳаддан бўлишингиз керак. Ушанда менинг полким овлқ поляк маконидан жой олганди. Унчалик ҳам толиқтирмас хизматдан ташқари, кўнгил очиш борасида ҳам фақат ароқхўрлик, қиморбозлик бўлганди, холос. Устига-устак, келажакда, ҳали-бери ўзгариши маҳол бўлган ва ичимизда унча-мунчамизнинг бардошимиз етмайдиган бундай ҳаётда яна узоқ йиллар яшашга маҳкум эдик. Келганимизнинг учинчи ойида менинг энг яқин дўстларимдан бири ўзини отиб қўйди. Илгари хушмуомала бўлган собиқ зобит дўстим эса бирдан ашаддий ароқхўрга, қўпол, жиртаки, нима қилаётганини ҳатто ўзи ҳам англолмай қолган бир жирканч кимсага айланди-қолди ва қандайдир адвокат билан ораларида бўлиб ўтган қандайдир кўнгилсизликдан кейин хизматидан ҳам айрилиб қўя қолди. Уйланган батальон полковниги, бунга унинг далил-исботи бормиди-йўқмиди, билмадим-у, бир куни рашқдан хотинини деразадан улоқтириб юборди. Ақл бовар қилмас ҳолатда хотини ўлмай қолди; эри эса ажални жиннихонадан топди. Ўша-ўша ёқимтой, лекин ҳайратомуз даражада эси паст бўлган юнкерларимиздан биттаси, кесакдан ўт чиққандек, фалсафани яхши тушунишини, Кант ва Гегелни ўқиб-ўрганганини маълум қилди ва худди ёш болалар алифбони ёдлагандек, уларнинг асарларидан катта-катта парчаларни ёддан айтиб берди. Менга келсак, азбаройи ансам қотганидан шундай хунобим чиқардики, баъзан тушдан сўнг ўрнимда ётиб, ишқилиб, ақдан озиб қолмасам гўрга эди, деб юрагим орқамга тортиб кетарди. Бизнинг казармамиз йиғиштириб келганда ўттизтача хонадондан иборат бўлган қишлоқ ортига жойлашганди; ифлос, жирканч ва бадбўй ҳидли одамларга лиқ тўла шаҳар бу ердан бир соатлик йўл бўлиб, унга камдан-кам ҳоллардагина ишимиз тушарди. Қаҳвахона хўжайини, этикдўз ва бошқалар сингари меҳмонхона эгаси ҳам яҳудийлардан эди. Уларни нега бунчалик таҳқирлаганимизни энди тушунгандирсиз. Бизнинг полкка бириктирилган майор унвонидаги бир княз ҳазил қилибми ё ўзи хайрихоҳмиди, билмадим-у, яҳудийларнинг саломига ўта одоб билан алик олгани етмагандек, яна келиб чиқиши яҳудий бўлган полкимиз шифокорини очикдан-очик қўллаб-қувватларди, бу эса яҳудийларга бўлган газабимизни баттар кўзитиб юборди. Агар князнинг айнан мана шу инжиқликлари сабаб, тақдир мени ўша одам билан учраштириб, бизнинг шу қадар сирли тарздаги алоқаларимизнинг бошланишига туртки бўлмаганида, балки буларнинг барини сизга сўзлаб ўтирмаган бўлардим. Бу фирибгар, қўшни полк шаҳри майхона эгаси бўлган яҳудийнинг ўғли эди. У йигитлик чоғлари иш юзасидан Львовга, сўнг Венага борганларида, қартада кўзбойлоқчилик сирларини билиб олган

экан. Кейинчалик ўз устида ишлаб, бу хунарини янада бойитибди, аста-секин саёҳатларга чиқа бошлабди ва шантан-қаҳвахоналарида ва клуб сахналарида бўлиб, муваффақият қозона бошлабди.

Ёзда у ота-онасидан хабар олгани, албатта, ўз шаҳрига қайтарди. Бу ерларда у ҳеч қачон жамоат орасида хунарини намойиш этмасди, шу боисдан ҳам у ўзининг ташқи кўриниши билан эътиборимни торгани учун уни илк бор кўчада учратиб қолгандим. Ўшанда унинг ёши ўттизлар атрофида бўлиб, эгнига умуман фаслга мос тушмаган, кулгингни қистатадиган серҳашам кийимдаги кичкинагина, озгин, соқолсиз одам эди; эгнида қора сюртук, бошига эса дабдабали шляпа кийиб олиб, ҳашамдор духобадан тикилган нимчада сайр қилиб юрарди; ҳаво очиқ кунлари кўзига, албатта, қора кўзойнак тақарди.

Бир куни кечки овқатдан сўнг ўн беш-ўн олти киши бўлиб, ўзимизнинг узун стол атрофида зобитлар йиғилишиб ўтирардик. Кечқурун ҳаво дим бўлганидан деразалар ланг очиб қўйилганди. Баъзи ўртоқларимиз ўйинни бошлаб юборишганди, бошқалари эса дераза олдида ўтириб, гап сотишарди, учинчилари, дамларини чиқармай, ичиб, чекиб ўтиришарди. Навбатчи унтер-зобит кирди-да, кўзбойлогич келганини маълум қилди. Бошда биз бир оз ҳайрон бўлдик. Лекин, ўша айтилган одам гап туташини ҳам кутиб ўтирмай, шартта кириб келди-да, енгилгина фирибгарлар тилида бир нима деб қўйди, кейин икки оғиз кириш сўзини айтди ва таклиф қилганимиз учун миннатдорчилик билдирди. У аввал унга пешвоз чиққан князга мурожаат қилди ва, албатта, бизнинг гашимизга тегиш мақсадида у билан қўл бериб кўришди.

Кўзбойлогич ҳам бунинг бўлгани шу экан деб ўйлади-да, бошда қартада бир нечта фокус кўрсатиб, сўнг магнетизм ва хиромантияга ўтишини айтди. У гапини охирига етказмай туриб, бир бурчакда қарта ўйнаётган баъзи зобитлар расмли қарталарнинг ғойиб бўлиб қолаётганини пайқаб қолишди; лекин қарталар кўзбойлогичнинг ишораси билан очиқ турган деразадан яна қайтиб учиб кирарди. Кейинги ўйин(фокус)лар ҳам бу борада қанча кўрганларимдан ошиб тушса тушдики, аммо кам бўлмади. Менга унинг кейинги бажарган сеҳрли тажрибалари анча ғалати кўринди. Сафсатабоз юнкернинг қандай қилиб уйқуга кетгани, сеҳргарнинг буйруғига бўйсуниб, очиқ турган деразадан лип этиб сакраб тушиб, теп-текис деворга тирмаша-тирмаша томга чиқиб олгани ва бутун бошли томнинг тўрттала бурчагидан гир айланиб, сўнг яна қайтиб ерга тушганини ваҳимасиз кузатиб туrolмадик. Ҳали уйқуси тарқамаган юнкернинг пастда турганини кўрган полковник:

— Менга қаранг, Худо кўрсатмасин, бирон кор-ҳол бўлганда борми, унда сиз казармадан асло тирик чиқмасдингиз, — деди сеҳргарга.

Бу тенбехга яҳудийнинг нафрат тўла нигоҳ билан жавоб бергани сира ёдимдан чиқмайди.

Кейин:

— Жаноб полковник, сизга казармани ё тирик, ё ўлик, қачон тарк этасиз, шуни кўлингизга қараб айтиб берайми? — деди у хотиржам ҳолда.

Бундай кўполдан-кўпол гапга полковник ёки бизлар нима деб жавоб қилардик, билмадим-у, лекин умумий кайфият шундай кўтаринки эдики, полковник ҳам унга кўлини узата қолди-да, олчоқлар тилида:

— Майли, қани бир ўқиб кўринг-чи, — деганида ҳам бунга ҳеч ким ҳайрон бўлмади.

Буларнинг бари ҳовлида содир бўлаётганди, ва юнкер уйқули кўзлари билан қўлларини кериб, ҳали ҳам деворга михлангандек турарди.

Шунда сеҳргар полковникнинг қўлидан тутди-да, диққат билан унинг қўлидаги чизиқларга разм сола бошлади.

— Сен яҳудийга бирон нима кўриняптими ўзи? — деди ғирт маст поручик.

— Менинг саҳнадаги исмим — Марко Поло, — деди у савол берган кишига жиддий оҳангда.

Князь яҳудийнинг елкасига қўлини қўйди-да:

— Менинг дўстим Марко Полонинг кўзлари ўткир, — деди.

— Қани, нималар бор экан? — деди полковник мулойимлик билан.

— Билмадим, айтсаммикан, йўқми? — деди Марко Поло.

— Ихтиёрингиз, — деди князь.

— Гапира қолинг, — бақирди полковник.

— Яхшиси, оғиз очмаганим маъқул, — эътироз билдирди Марко Поло.

— Қани, борини тўкиб-солинг-чи, жуда унчалик ҳам ёмон эмасдир, ахир, мабодо, шундай бўлганда ҳам бунинг ҳақиқат экани ҳали номаълум-ку, — деди полковник қаҳ-қаҳ уриб кулганча.

— Сўраганингизга ҳали пушаймон бўласиз, — деди сеҳргар, — айтганларимнинг бари содир бўладиган, рост гаплар.

Ҳамма жим турарди.

— Қани, унда эшитайлик-чи, — илтимос қилди полковник.

— Энди совуқдан қийналишингизга ҳожат йўқ, — жавоб қилди Марко Поло.

— Қанақасига? — қичқирди полковник, — наҳотки полкимизни барибир ҳам Ривага кўчиришса?

— Полк ҳақида бирон нима дея олмайман-у, фақат мен сизни кузгача тирик қолмаслигингизни кўриб турибман, холос.

Полковник кулиб юборди, қолганлар ҳамон жим турарди; сизни ишонтириб айтишим мумкинки, ўша лаҳзанинг ўзидаёқ полковник бизга ўлимга маҳкум одамдек туюлиб кетди. Бирдан кимдир дабдурустдан овозининг борича атайлаб кулиб юборди-да, шовқин-сурон ва кулги аралаш барча зобитлар йиғилишга қайтишди.

— Энди, — баланд овозда деди полковник, — бари тугади. Бунга яна қизиқсинаётганлардан борми, жаноблар?

Кимдир ҳазиллашиб бақирди:

— Асло, биз буни эшитишни ҳам истамаймиз!

— Агар диний сабабларга амал қилинса, — деди бошқа бир киши тўсатдан фикр билдириб, — тақдирни бу тахлит башорат қилишга йўл қўйиб бўлмайди.

— Марко Полога ўхшаганларни бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилиш керак, — деди бир ёш лейтенант. Мен князни бурчакда эски бир зобит билан чекиб турганини кўриб қолдим; унинг:

— Башорат қачон бошланади? — дегани қулоғимга чалинди.

Шу орада мен кетишга тараддулланаётган Марко Полонинг ёнига келдим-да, бошқалар эшитмайдиган қилиб:

— Менга ҳам бир нималарни каромат қилиб кўринг-чи, — дедим унга.

У беҳосдан қўлимдан тутди-да, кейин:

— Бу ерда яхши кўролмаёйман, — деди у. Мен, фонус алангаси тебранаётганини ва қўлимдаги чизиқлар ҳам титраётганини сезиб қолдим. — Юринг, жаноб поручик, ташқарига чиқамиз. Менга ойдинда яхшироқ кўринади.

У қўлимдан тутганча ташқарига судради ва мен ҳам унга эргашиб, очиқ турган эшикдан ташқарига чиқдим.

Бирдан калламга ажабтовур фикр келди.

— Қулоқ солинг, Марко Поло, — дедим мен, — агар полковникни ҳозирги кўйга солганингиздан бўлак ҳунар қўлингиздан келмаса, яхшиси, бу ишни йиғиштириб қўя қолинг.

Сеҳргар шу заҳоти қўлимни қўйиб юборди-да:

— Жаноб поручик қўрқяптиларми, дейман? — деди жилмайиб.

Мен битта-яримта одам эшитиб қолмадимикан деб у ёқ-бу ёққа алангладим; лекин биз алақачон казарма дарвозасидан ташқарига чиқиб, шаҳарга олиб борадиган йўлда турардик.

— Мен оз бўлса ҳам тайинли бирон нима билишни истардим, — дедим мен. — Аравани қуруқ олиб қочишдан нима фойда.

Марко Поло менга қаради.

— Жаноб поручик нимани истайдилар ўзи? Балки кўнгиллари бўлажак қаллиғларининг суратини кўришни тусар?

— Наҳотки бу қўлингиздан келса?

Марко Поло елка қисди.

— Келади... нега энди келмас экан?...

— Лекин мен буни истамайман, — унинг гапини бўлдим мен. — Тўғриси, кейинроқ, ҳеч бўлмаганда ўн йиллардан сўнг менга нима бўлишини билишни хоҳлардим.

Марко Поло бошини сарак-сарак қилди-да:

— Буни айтолмайман-у, бироқ, бундан бошқасига қурбим етса керак, — деди.

— Масалан, нимага?

— Келгуси ҳаётингиздан биронта лаҳзани, жаноб поручик, худди суратдагидек сизга тасвирлаб беришим мумкин.

Унинг нима демоқчи бўлганини ҳадеганда тушунмадим.

— Яъни, ўз фаразингизни тасвирлаб бермоқчисиз, шундайми?

— Менинг фаразим мана бундай: мен сизнинг келажакдаги ҳаётингиздан бир лаҳзанигина узиб оламан-да, биз сиз билан турган худди мана шу ерга ҳозироқ чақириб оламан.

— Қандай қилиб?

— Жаноб поручик, сиз айнан қайси лаҳзани кўнглингиз тусаётганини айтсангиз бўлди.

Мен унинг гапларини яхши тушунолмаётган бўлсам-да, бунга ўлгудек қизиқаётгандим.

— Яхши, — дедим мен, — агар эплосангиз, унда ўн йилдан сўнг худди шу бугун ва худди мана шу лаҳзаларда менга нималар бўлишини кўрмоқчиман... гапимни тушунаёпсизми, Марко Поло?

— Бўлмасам-чи, поручик жаноблари, — жавобан деди Марко Поло ва ўйчан нигоҳини менга қадади.

Мана, у гойиб бўлди... ҳозиргина ой нурида ял-ял ёниб турган казарма ҳам, текисликдаги ранги ўчиб ётган яккам-дуккам ёғоч уйлар ҳам гойиб бўлди-қолди, баъзан ўзингни ўзинг тушда кўргандек, мен ҳам ўзимни шундай тушда кўрдим... ўн ёшга улгайган, мошкичири пахмоқ соқолли, пешонамда чандиқ, ўрмондаги ялангликнинг қоқ ўртасида замбилда ётибман, олдимда бир хушрўй аёл, ёнимда бир ўғил ва бир қиз бола, орқа томонда қоронғи ўрмон ва ундан берироқда қўлида машъала тутган икки овчи... Ҳайратдан ёқа ушляёпсиз, шундай эмасми, ёқа ушляёпсиз!

Мен ростдан ҳам ҳайратдан ёқа ушлагандим, чунки у менга тасвирлаб берган ўша манзара айнан шу бугун оқшом соат ўнда якунига етай деб қолган пьесамдаги жон бераётган қаҳрамон ролини у ўйнаши керак эди.

— Биламан, менга ишонмаяпсиз, — давом этди фон-Умпрехт. — Бунинг учун сиздан хафа эмасман, лекин, шундай бўлса-да, сизнинг бу шубҳа-гумонларингизга чек қўяман.

Фон-Умпрехт чўнтагига қўлини олиб борди-да, ундан елимланган конвертни олди.

— Илтимос, бир қараб кўринг-чи, орқа томонига нималар ёзилган экан.

Мен баланд овозда ўқий бошладим: “1859 йил 8 январда нотариал томонидан муҳрланган, 1868 йил 9 сентябрда очилади”. Тагида менга шахсан таниш Венадаги нотариус, доктор Артинернинг имзоси турарди.

— Ўша кун шу бугун, — деди менга фон-Умпрехт. — Роса шу бугун Марко Поло билан бўлиб ўтган сирли учрашувимизга нақ ўн йил бўлди, лекин, барибир, мен учун тагига етиб бўлмас жумбоқлигича қолди. Чунки, тақдир гўё ҳар йили мен билан худди бекинмачоқ ўйнаётгандек эди, энди рўёбга чиқай деб турган “башорат” бирданига яна гойиб бўлиб қоларди ва уни ўзгартириб бўлмаслигига ишонтириб, аллақерларга яна жуфтакни ростлаб қоларди-да, яна изига қайтиб келаверарди. Қўйинг, ижозатингиз билан ўз ҳикоямга қайтсам.

Хаёлот олами узоқ эмас, бир лаҳзагина чўзилди, холос, чунки у бошланмасдан аввалроқ казармадан келаётган поручикнинг қаттиқ кулгани қулоғимга чалинган эди. Мана, Марко Поло яна қаршимда табассум қилиб турарди, лекин бу табассум на аламдийда ва на истеҳзоли эди. У шляпасини бошидан олиб:

— Хайрли кеч, жаноб поручик, энди, ҳар ҳолда мендан кўнглингиз тўлгандир, — деди-да, орқасига ўгирилиб, бамайлихотир шаҳар томонга йўл олди. Эртаси куни у жўнаб кетди.

Казармага қайтганимдан сўнг калламга келган дастлабки фикр шу бўлдики, балки, Марко Поло аллақандай номаълум ёрдамчини ишга солиб, қандайдир кўзгу орқали бу ҳодисани чақириб олгандир? Мен ҳовлидан ўтиб келаётганимда юнкернинг ҳали ҳам ўшандай қўлларини ёйганча деворга суяниб турганини кўрдим-у, ўтакам ёрилай деди. Ҳаяжонларини ичларига сиғдиrolмаётган одамларнинг баҳс аралаш ўзаро суҳбатлари шундай эшитилиб турарди. Мен шартта юнкернинг қўлидан тутдим, у шу заҳоти кўзини очди, лекин кўрганларининг биронтасига ажабланмади, фақатгина полк зобитлари нега бунчалик даргазаб бўлишаётганини тушунолмай ҳайрон эди, холос. Мен ҳам азбаройи газабланганимдан бу ишга аралашмоқчи бўлдим, бироқ биз кўриб турган бу ғалати ҳодисаларнинг барчаси тўғрисида беҳуда миш-мишлар тарқала бошласа, эҳтимол, мен ҳам аҳмоқликда бошқалардан қолишмас эканман деган ўйга боришдан истиҳола қилдим. Шунда полковник:

— Жаноблар, мен яна келгуси баҳоргача ўлмайман деб гаров ўйнашга тайёрман! Қирқ бештага якка ўзим! — дея дабдурустан хитоб қилди.

Шу гапни айтди-да, у қиморбоз ва жанжалкаш сифатида ном чиқарган зобитларимиздан бири бўлган поручикка мурожаат қилди:

— Сиз бунга нима дейсиз?

Поручик ўйиндан ўзини аранг тийиб турган бўлса-да, барибир, бошлиғининг ўлими билан боғлиқ масала борасида унинг ўзи билан бас боғлашга жазм этмади, унга индамай қулиб қўя қолди. Балки, кейинроқ бундан афсус қилган бўлиши ҳам мумкиндир. Чунки, орадан роппа-роса бир ҳафта ўтиб, эрта тонгда полковнигимиз император машқларидан бирида оддан йиқилиб, тил тортмай ўлди. Шунда,

ҳаммамиз бундан бошқача бўлишини кутмаганимизни айтгандик. Шу лаҳзадан эътиборан, мен ғалати бир журъатсизлик билан ҳали ҳеч кимга ошкор этилмаган тунги “башорат” ҳақида ич-этимни еб ўйлай бошладим. Фақат Венага саёҳат баҳонасидагина Рождествода ошнам Фридрих фон-Гулленд деган кимсагагина юрагимда борини тўкиб солгандим. Балки сиз у ҳақда эшитгандирсиз, жуда чиройли шеърлар ёзарди, афсус, дунёдан жуда эрта кетди... Хуллас, биз мана шу конвертдан топишингиз мумкин бўлган тасвирнинг хомаки суратини у билан бирга чизгандик. У, ўз якуний хулосаларида гарчанд бундай ҳодисаларга ишониш қийин бўлса-да, барибир, фан уларни қўлдан бой бермаслиги лозим деган, фикрда эди. Икковимиз доктор Артинер ҳузурида бўлганимизда чизмани кўз ўнгимизда конвертга солиб, муҳрлашганди. Конверт шу чоққача нотариуснинг девонхонасида сақланиб, кун-кеча илтимосимга кўра ўзимга келтириб берилди. Гулянднинг бу ишга жиддий ёндошиши, тан олиб айтишим керакки, бошда мени роса ранжитди, лекин уни бошқа кўрмаганим ҳам, айниқса, вафотидан кейинги барча воқеалар ҳам менга кулгили туюла бошлади. Мен, аввало, тақдирим ўз қўлимда эканини тушуниб етдим. Дунёда ҳеч бир куч 1868 йил 9 сентябр тунги соат ўндагидек мени қоп-қора пахмоқ соқолим билан замбилда ётишга мажбурлай олмайди; мен ўрмон ва даладан қочиб қутулишим, худди шунингдек, малла сочи аёлга уйланмаслигим ва ҳатто фарзанд кўрмаслигим ҳам мумкин. Мен қочиб қутулишим маҳол бўлган ёлғиз нарса бу — дуэлдаги бахтсиз ҳодиса ёки ундан пешонамда қолиши мумкин бўлган чандиққина бўлиши мумкин, холос. Демак, вақтинча бўлса-да, хотиржамман.

Бу башоратдан сўнг бир йил ўтиб, мен ҳозирги рафиқам фрейлейн фон-Геймзалга уйландим, ундан кейин сал ўтмай истеъфога чиқдим-да, ўзимни қишлоқ хўжалиги юмушларига бағишладим. Бу сизга кулгили туюлмаса-да, мен тушимдаги (буни хаёлот олами деб аташни яхши кўраман) ўтлоқни ёдга солмайдиган, иложи борича ери бўлмаган бир нечта ихчам-ихчам уй-жойларни кўриб чиқдим. Хотиним меросни қабул қилиб олганидан сўнг Каринтидаги ер-мулк эгаси бўлганим боис мен ҳафсала билан рўзгоримизга у-бу харид қилишга тайёр эдим. Янги ер-мулкимизни томоша қилгани чиқдим-у, адашиб қолдим ва юриб-юриб атрофи ўрмон билан ихоталаб ташланган яйловга дуч келдим. У менга бекорга кўрқмайдиган ўша ерни ғалати бир тарзда ёдимга солди. Юрагимни бир оз ваҳима босди. Хотинимга башорат тўғрисида оғиз ҳам очмадим; у ирим-сиримларга ишонувчан аёл эди, агар буларнинг барини унга айтиб берганимда, унинг ҳозиргача ўтган бутун ҳаётини заҳар-заққумга айлантирган бўлардим.

У энгил нафас олди-да, аста жилмайиб қўйди.

— Шундай қилиб, кўнглим нотинчлиги тўғрисида унга ҳеч нима айтмадим. Лекин 1868 йил сентябрини ўз мулкимда ўтказмайман деган хаёл билан ўзимга тасалли бериб қўя қолдим.

Мен 1860 йилда ўғил кўрдим. У бир ёшга тўлганда, менга тушимда кўрган худди ўша болани эслатаётгандек туюлаверди; бу ўхшашлик баъзан йўқоларди, баъзан янада яққолроқ намоён бўларди ва тан олиб айтишим керакки, бугун оқшом соат ўнда мен ётган замбил ёнида турадиган бола билан ўша мен тушимда кўрган бола худди икки томчи сувдек бирига ўхшаш эди. Менда қиз йўқ, лекин бундан уч йил бурун бева қолиб, ҳозирда Америкада яшаган хотинимнинг опаси вафот этгач, ундан бир қизча қолганди. Хотинимнинг илтимосига кўра, қизчани ўзимиз катта қиламиз дедик ва мен денгиз оша Америкага бориб, уни олиб келдим. Қизчага илк бор кўзим тушганда, у худди ўша, мен тушимда кўрган

қизчани ёдимга солгандек бўлаверди. Болани ўзга юртда, бегона одамларга ташлаб кетиш фикри бир бор бўлса-да, йилт этиб хаёлдан ўтди. Хаёлимдан ўтган бу бадбин ўйни шу заҳоти даф қилдим-да, биз қизчани жон-жон деб бағримизга олдик. Башоратга қурилган бу хаёлот оламимда болаларнинг борган сари бир-бирига ўхшаб кетишига қарамай, яна хотиржам торгдим-да, болалар баҳона ўша тушни эсга олавериш яхшиликка олиб бормади, деган хулосага келдим. Ҳаётим бирмунча вақт тинчлик ва осойишталикда ўтди. Бундан икки йил бурун тақдирнинг яна бир янги огоҳлантириши мени ҳаяжонга солмаганида, Польша шаҳарчасида ўтган ўша ғалати кечани деярли ўйламай ҳам қўйгандим. Мен икки ойга жўнаб кетишим керак эди; қайтиб келганимда не қўз билан кўрайки, мени кутиб олишга чиққан хотинимнинг сочлари малла рангда бўлиб, у, ўша, тушимдаги мен юзини кўрмаган аёл билан икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш эди. Кўрқувни қаҳр-ғазаб билан босиш энг қулай усул деб ўйладим; ҳа, ростдан ҳам шартакилим борган сари авжга чиқиб борарди, чунки, ўша телба-тескари фикрлар менга ҳеч тинчлик бермай қўйганди; мабодо оиламдан кечсам, унда хавф-хатар ўз-ўзидан йўқолади ва мен ўшанда тақдирни ўз ногорамга ўйнатган бўламан. Хотиним тиз чўкиб йиғлади-сиқтади, ялинди-ёлворди, ўзидаги ўзгаришлар сабабини куйиб-пишиб тушунтирди. Бир йил бурун Мюнхен сафари чоғида, расмлар кўргазмасида мен малла сочли аёл портретига жуда маҳлиё бўлиб қолгандим ва буни кўрган хотиним қулай фурсат топилса, мен ҳам ўша аёлга ўхшаб сочимни малла ранга бўййман деб кўнглига туғиб қўйган экан.

Мен ундан иложи борича тезроқ бу рангни йўқотиб, сочини ўз табиий ҳолига қайтаришини сўрадим ва у бунга кўнганидан сўнг яна ҳаммаси ўз изига тушиб кетгандек бўлди. Ҳатто мана шу ҳам тақдир менинг изимда эканидан далолат эмасми?.. Наҳотки ҳозирга довур бўлиб ўтган воқеаларнинг барини табиий содир этилган деб бўлмаса?.. Наҳотки бошқа минглаб одамларда мана шундай ўрмон ва яйловдан иборат ер-мулк, бола-чақа, оила деганлари бўлмаса?.. Ирим-сиримга ишонувчининг юрагини така-пука қиладиган пешонамдаги мана бу чандиқ ҳам ҳозирги қишгача йўқ эди. Кўрқоқ эмаслигимни тушунтирай сизга: зобитлик чоғларим жуда хавфли вазиятда дуэлда олишганман, бундан бошқа саккиз йил бурун тўйимдан сал ўтмай, хизматдан кетганимда, ўтган йил қандайдир хурсандчилик муносабати билан алақандай жанобга тузукроқ салом бермаганим учун у мендан бунинг сабабини тушунтириб беришимни талаб қилганди — фон-Умпрехт бундан бир оз хижолат торгандек бўлди, мен эса жанобдан узр сўраб қўя қолишни маъқул кўрдим. Хайриятки, бари яхшилик билан ҳал бўла қолди, бўлмаса, сизни ишонтириб айтаманки, бу сафар ҳам муштлашим, рақибим пешонамдан дарча очиши, тақдирнинг қўлига яна бир қартани тутқизишдан кўрқиб, мен аросатда қолишим турган гап эди. Кўряпсизми, бу ҳам менга ёрдам бермади: чандиқ эса ҳамон мен билан. Балки, ўша, жароҳатланган кунимдан бошлаб ўн йил мобайнида ожизлигим туйғуларимга ўз таъсирини ўтказгандир, эҳтимол. Бу воқеа мана шу қиш оқшомида содир бўлганди; мен ўзимга мутлақо нотаниш бир қанча бегона одамлар билан поездда Клагенфуртдан виллага кетаётгандим. Тўсатдан дераза ойнаси жаранглаб синди-ю, шу заҳоти пешонамда оғриқ ҳис эта бошладим; айни вақтда қаттиқ бир нима полга тарақлаб тушганини ҳам эшитдим; мен дарҳол жароҳатланган еримни ушладим, у ердан қон оқарди; шунда тезда энгашдим-да, полдан қиррали тошни олдим; купедаги одамлар ваҳимадан сапчиб тушишди.

— Нима гап ўзи? — ҳайқирди улардан бири.

Пешонамдан қон оқаётганини кўриб, дарров ёрдамга чоғланишди, лекин бир жаноб ўзини бурчакка отганини аниқ кўрдим. Яқин ўртадаги бекатдан сув олиб келишди, темир йўл шифокори ярамни боғлаб қўйди, бироқ мен шу жароҳат орқасидан ўлиб кетишдан кўрқмайман, ахир яранинг чандиққа айланиб қолиши менга олдиндан маълум-ку. Бу қасддан қилинган жиноят бўлса-чи? Болалар шунчаки шўхлик қилишган деган миш-мишлар авж олди; бурчакка тиқилиб олган жаноб ҳам рўпарага қараб ўтирганча чурқ этмасди. Мен Виллахда тушаман. Етти ёт бегона мана бу одам дабдурустдан ёнимга келди-да:

— Бу аслида менга отилганди, — деди-ю, мен жавоб беришга улгурмасимдан қаергадир ғойиб бўлди-қолди; унинг кимлиги менга номаълумлигича қолди. Балки, у таъқиб дардига мубтало савдойилардандир... балки, чандиқ менга тегишли бўлгани учун мен кутқариб қолган, аламзада эр ёки ака таъқиб қилиб юрган бошқа бировдир... Яна ким билади дейсиз?..

Бир неча ҳафтадан сўнг чандиқ мен тушимда кўрган пешонамнинг худди ўша ерида манамен деб турарди. Шунда аллақандай номаълум куч билан олишаётганимга имоним комил бўла бошлади ва мен кун сайин ортиб бораётган хавотир билан қачон бўлмасин ҳал қилувчи куч сифатида юзага чиқадиган ўша кунни интизорлик билан кутардим.

Баҳорда амакимдан таклифнома олдик. Бу таклифга мен тиш-тирноғим билан қарши эдим, негаки, гарчанд хотирамда бирон аниқ тасаввур намоен бўлмаса-да, ҳар ҳолда, ўша қарғиш теккан жой айнан амакимнинг ҳовлисида эди. Хотиним рад жавобим сабабини тушуна олмаслигини ҳисобга олдим-да, тезроқ саройни тарк этиб, ундан нарироққа, тўғри жанубга, Венецияга, Лидога жўнаб кетишни қатъий кўнглимга тугдим ва июлнинг бошида оилам билан саройга боришга аҳд қилдим.

Келган биринчи кунимизданоқ пьесангиздан гап очилиб, амаким пьесадаги болаларга атаб ёзилган кичкинагина ролни фарзандларим ижро этиб беришига розилигимни сўради. Бунга қаршилигим йўқ эди. Ўшандагина бош қахрамон ролини профессионал актёрга топшириш керак деган бир тўхтамга келинди. Бир неча кун ўтгач, қаттиқ бетоб бўлиб, кетолмай қолсам-чи, деб мени ваҳима боса бошлади. Шунда мен, бир куни оқшом чоғи эртадан бир неча кунга денгизга чўмилишга кетишимни маълум қилдим. Сентябрьнинг бошларига келаман деб ваъда беришим керак эди. Ўша оқшом барон қандайдир сабаб билан ролни қайтариб бераётган актёрдан хат олди. Бундан хабар топган амакимнинг таъби хира бўлди. У, мендан аввал пьеса билан танишиб чиқишимни ва мана шу ролга танишларим ичидан биронта муносиб одамни топиб беришимни сўради. Шундай қилиб, пьесани ўзим билан олиб кетдим ва уни ўқиб чиқдим. Шу йилнинг тўққизинчи сентябрида, ўша, менга башорат қилинганларнинг бари пьесада оқизмай-томизмай тасвирлаб берилганини ўқиганимда, менинг қай аҳволга тушганимни ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг-а. Шу ролни мен ўзим ўйнашни хоҳлаётганимни айтишга тонггача сабрим чидамади. У бунга рози бўлмас деб кўрққандим, чунки пьесани ўқиб чиққанимдан бери ўзимни хавф-хатардан холи ҳис эта бошлагандим, мабодо, агар пьесангиздаги ролдан куруқ қолсам, унда, мен яна аллақандай номаълум кучларга қурбон бўлишим турган гап эди. Амаким дарров рози бўлди ва ўша дақиқадан бошлабоқ ишлар яна жўнашиб кетди. Биз, мана, бир неча ҳафтадирки, тинмай машқ қиламиз ва мен бошимга тушиши муқаррар кўргиликни ўзимда ўн беш мартача синаб кўриш имконига эга бўлгандим: мен замбилда ётибман, ажойиб малла сочли графиня Сайма эса юзини қўллари билан тўсиб, рўпарамда тиз чўкиб турарди, болалар ҳам шу ерда эдилар.

Жаноб Умпрехт шу сўзларни гапириб турган бир пайтда нигоҳим ҳали ҳам сургичи бузилмай ётган конвертга тушди. Жаноб Умпрехт жилмайиб қўйди.

— Дарвоқе, ҳали мен сизга далил тақдим этмадим-а, — деди-ю, муҳрни бузди. Тахланиб ётган қоғоз ниҳоят ёруғликка чиқди. Рўпарамда мукамал, хомакиси гўё мен томондан ишланган *mise-en-scene* пьесанинг сўнгги воқеаси ётарди, саҳнанинг орқа томони ва теварак атрофи ўрмон кўринишидаги манзара билан безатилган; тагига тахтачаси билан эркак кишининг гавдаси деярли саҳнанинг ўртасида турарди, унинг устига: “замбиллар...” — деб ёзиб қўйилганди. Бошқа гавдаларга қизил сиёҳ билан: “малла сочли аёл”, “ўғил бола”, “қиз бола”, “машғалчи”, “қўл кўтарган одам” деб ёзиб қўйилганди.

Жаноб фон-Умпрехтга:

— Бу қўлларини кўтариб турган одам нимани англатади ўзи? — сўрадим ундан.

— Қаранг-а, — деди жаноб фон-Умпрехт хижолат тортиб, — сизга айтиш мутлақо ёдимдан кўтарилибди-ку. Демак, ишларнинг аҳволи бундай: хаёлотнинг анави тасаввурида лопиллаб ёниб турган машғала тутган тепакал, соч-соқоли силлиқ қиртишланган, кўзойнакли, бўйнига тўқ яшил шол ташлаб олган, кўзлари катта-катта очилган ва қўллари кўтарилган одам бор эди.

Бу сафар лол қолгандим. Биз бир муддат жим қолдик. Кейин мен:

— Аслида бу ким бўлиши мумкин, сиз нима деб ўйлайсиз? — дея ажиб бир ташвиш билан сўрадим ундан.

— Мен, — деди фон-Умпрехт ўзини хотиржам тутиб, — бу биронта томошабин ёки амакимнинг хизматкорларидан биридир деб ўйлайман ёки пьесанинг сўнгида пайдо бўлиб, ҳаддан зиёд тўлқинланиб кетганидан ўзини саҳнага отган биронта деҳқондир... йўқ, балки, энди мен мутлақо ажабланмай қўйган тасодифлардан бири бўлган, жиннихонадан жуфтакни ростлаган тентаклардан бирини, мен замбилда ётишим керак бўлган худди ўша жойдан югуриб ўтишини тақдирнинг ўзи хоҳлаб қолгандир.

Мен бош чайқадим.

— Айтишингизга қараганда... тепакал — кўзойнак — яшил шол?.. Бу иш менга аввалгидан ҳам ғалатиноқ туюла бошляпти. Сиз кўрган ўша одамнинг қиёфасини мен ҳақиқатан ҳам пьесамга киритишни мўлжаллагандим, бироқ кейин ундан воз кечдим. Бу биринчи пардада тилга олинган ва пьеса сўнгида саҳнага ўзини отиши керак бўлган рафиқаннинг ақлдан озган отаси бўлиши лозим эди.

— Лекин шол ва кўзойнак-чи?

— Буни актёр ўзидан тўқиб чиқарган.

— Бўлиши мумкин.

Сухбатимиз бўлинди. Фон-Умпрехт хоним томоша олдидан гаплашиб олиш учун ёнига эрини чақирди ва биз у билан хайрлашдик.

Мен яна бир оз вақт турдим-да, Умпрехт столда қолдириб кетган *tise-en-scene* ни диққат билан кўздан кечирдим.

III

Кўп ўтмай, томоша кўрсатиладиган ўша жойга боргим келаверди. У жой сарой орқасида бўлиб, кўркам хиёбон билан чегарадош эди. Хиёбон эса пастак-пастак буталарга бориб тақалиб, поёнига етган жойгача ўн қатор қилиб ёғоч ўриндиқлар қўйиб чиқилганди; олдинги қатордаги ўриндиқларга қизил гилам тўшалганди. Биринчи қаторнинг олдида бир

нечта нота курсичалари ва курсилар қўйилганди; саҳнада парда йўқ эди. Саҳна билан томошабинлар ўртасидаги чегара икки туп баланд арча дарахти билан ажратилганди, ўнг томонда унга ёнма-ён ёввойи бута ўсган, унинг орқасида эса суфлёр учун томошабинларга кўринмайдиган қилиб махсус оромқурси қўйилганди. Чап томондаги майдонча бўм-бўш бўлиб, водийнинг кўркига кўрк қўшиб турарди. Саҳнанинг орқа томонида баланд-баланд дарахтлар саф тортган; уларнинг ўртадагиларигина сершоҳ эди, холос, чапдан, соядан тор сўқмоқ бошланарди. Нарироқда ўрмон ичкарисидagi тор сўқмоққа актёрлар ўз чиқишларини кутиб, ўтириб туришлари учун стол ва стуллар қўйилганди. Ёритиш учун эса саҳнага ва томошабинлар залининг ҳар икки томонига улкан шамлардан иборат баланд чилчироқ ўрнатилганди. Унг томонда бута орқасидаги очиқ жойда саҳна жиҳозларига ўхшаш нимадир бор эди; у ердаги пьеса учун зарур бўлган жиҳозлар орасидан мен, яна, пьеса сўнгида фон-Умпрехт ўлиши керак бўлган замбилга ҳам кўзим тушди.

Яланглик орасидан юриб борарканман, кечки куёшнинг сокин нури бирдан уни ёритиб юборди... Турган гапки, хаёлим фон-Умпрехтнинг ҳикояси билан банд эди. Мен фон-Умпрехтни одамларни ўзига қизиқтириш мақсадида уларни аввалдан авраб туриб тайёрлаб борадиган устомон фирибгарлар тоифасига мансуб эмас, деб ҳисобламаганман. Мен, ҳатто нотариуснинг имзоси қалбаки ва фон-Умпрехт ишни қойилмақом қилиб уддалаш ниятида, бунга бошқа одамларни ҳам жалб қилган бўлиши мумкин деб ҳисоблайман. Менда, ҳозирча номаълум ва Умпрехт балки ҳали шартлашиб улгурмаган, қўлларини кўтарган одам сабаб гайриоддий шубҳа уйғонди; ва бу менинг биринчи, ҳали номаълум режамдаги шу кишига аталган рол эди; бундан ташқари, жаноб фон-Умпрехт шахс сифатида менда яхши таассурот уйғотганди. Унинг ҳикояси қанчалик ғалати ва қанчалик ваҳимали туюлмасин, унга ишонмасам бўлмаслигини ҳис этиб турардим, балки, бунга устимиздан тегирмон тоши юргизаётган истак-хоҳишларимизнинг ижрочиси деб ўзини ҳисоблаётган унинг манманлиги сабабдир.

Шу топ менинг ёнимдагилар гимирлай бошлашди; саройдан хизматкорлар кела бошлашди, шамлар ёқилди, яқин-атрофдаги одамларнинг кўпи қишлоқ либосида тепалиқдан тушиб келишди-да, одоб билан ўриндиқ олдига келиб тўхташди. Тортинмай ўз жойларини эгаллаган бир талай хониму жаноблар орасида кўп ўтмай уй эгаси ҳам пайдо бўлди. Мен ҳам уларга қўшилдим-да, ўтган йилги ошнам билан роса чақчақлашдим. Муסיқачилар келиб, ўз жойларини эгаллашди; уларнинг таркиби анча ўзгача бўлиб, иккита скрипка, виолончель, виоль д'амур, контрабас, флейта ва гобойдан иборат эди. Улар шу заҳотиёқ, чамаси, жуда эрта Вебернинг увертюрасини ижро эта бошлашди. Олдинда, оркестрга жуда яқин ерда бўйнига қора рўмолга ўхшаш алланима ташлаб олган кекса, тепакал бир эркак турарди. “Балки, кўзойнакни олиб ташлаб, эс-ҳушидан айрилиб, ўзини саҳнага отиш унга тақдир томонидан тайинлангандир,” – кўнглимдан кечирдим мен.

Енгилгина эсган шамолдан шамнинг алангаси оҳиста тебранди, атрофни шом қоронғулиги чулғай бошлади. Мен ҳозиргина бошқа қатнашувчилар тўғрисида яна ўйладим ва Умпрехт, унинг фарзандлари, ўрмончининг қизидан бўлак ҳеч кимга кўзим тушмаганини эсладим. Энди менга режиссёрнинг баланд овози ва ёш графиня Сайманинг кулгиси эшитилди. Барча курсилар эгаллаб бўлинганди, барон эса графиня билан биринчи қатордаги ўриндиқлардан бирига ўтириб олиб, гап сотишарди. Оркестр ижрони бошлади ва ўрмончининг қизи чиқиб, пьеса муқаддимасини ўқиди.

Пьеса мазмуни, тўсатдан олисадаги саргузаштларни кўмсаб қолиб, оиласи билан хайр-хўшлашмай, уларни тақдир измига ташлаб, бир кун ичида дард-алам, кўнгилсизликлар жабрини тортиб, тавбасига таянган ва оиласи унинг йўқлигини сезмасдан бурун орқага қайтишни ихтиёр этган инсон қисмати ҳақида борарди; у уйига қайта туриб, ўз остонасида жони узилиши билан унинг сўнгги саргузашти ҳам ўз поёнига етади ва ўлими олдидан унинг қочиб кетиши, ҳалокати сабаблари улар учун жумбоқлигича қолган, ташлаб кетган оиласига сўнгги сўзини айтишигагина имкон қолганди, холос.

Томоша бошланди. Хонимлар ва жаноблар ўз ролларини бинойидек уддалашарди; мени кўпроқ баён қилишдаги табиийлик хурсанд қиларди, мен энди фон-Умпрехтнинг ҳикоясини ўйламасдим ҳам.

Биринчи пардадан сўнг оркестр яна куй чалишни бошлади, бироқ, томошабинларнинг ғала-ғовуридан куйни ҳеч ким эшитмаётганди. Менинг ўзим, чап томонда, йўл оппа-осон водийга олиб тушадиган, саҳнага хийла яқин, одамлар кўзидан йироқ жойда тик турардим. Иккинчи парда бошланди; шамолнинг секин-аста кучайиб бораётгани ёруғликни тебратиб оз бўлса-да, пьесанинг таъсири чиқишига кўмаклашаётганди.

Ижрочилар яна ўрмон ичида ғойиб бўлишди ва оркестр садоси янгради. Кутилмаганда нигоҳим соч-соқоли силлиқ қилиб олинган кўзойнакли флейтачига тушди: лекин, унинг сочлари узун, оппоқ бўлиб, ҳеч қандай шол-пол кўринмасди. Оркестрнинг овози ўчди ва ижрочилар яна саҳнада пайдо бўлдилар. Мен флейтачининг чолғусини олдидаги нота курсчасига қўйиб, чўнтагидан яшил шолни олганини ва бўйнига ўраганини кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолдим; галдагисида жаноб фон-Умпрехт чиқди; мен уни флейтачига эътибор билан қараганини кўрдим ва бўйнидаги шолга кўзи тушиши билан дудуқланиб қолди; сал ўтмай ўзига келди-да, яна ўз ролига киришиб кетди. Мен ёнимда турган оддий кийимдаги ёшгина йигитдан флейтачининг кимлигини сўрагандим, унинг Кальтердан келган ўқитувчи эканини айтди. Томоша давом этарди, хотима ҳам яқинлашиб қолганди. Саҳнада қандай юриш талаб қилинган бўлса, икки бола худди ўшандай гандираклаб юрарди, ўрмондаги шовқин-сурон эса борган сари яқинлашар, дол-фарёд ва нидо овозлари эшитиларди; шамол янада қаттиқроқ эсиб, шохларни тебратганда янада яхши бўларди; ва ниҳоят, саргузаштлар ишқибози бўлган талвасадаги фон-Умпрехтни замбилда олиб чиқишди. Болалар ўзларини унинг устига отишди, машғалачилар қимир этмай туришарди, унинг хотини бошқалардан кўра кечроқ келди ва кўрқувдан башараси буришиб кетиб, эрининг ёнига чўкди; у оғзини очишга уриниб, нимадир демоқчи бўларди-ю, аммо, ўйнаётган роли бунга изн бермасди. Шамол тўсатдан ғалати бир шиддат билан эсди, машғалалар деярли ўчиб қолди; мен аллакимнинг оркестр ёнига лип этиб чиқиб олганини кўрдим — бу флейтачи эди; ясама сочи учиб кетганида, унинг бошида бир дона ҳам тук йўқлигини кўриб ҳайрон қолдим; бўйнидаги шол рўмолини ҳилпиратиб, кўлини кўтарди-да, ўзини саҳнага отди. Мен беихтиёр Умпрехтга қарадим. У сеҳрлангандек флейтачига қараб қолганди. У нимадир демоқчи бўлди-ю, афтидан, эпполмай йиқилди; кўпчилик, буларнинг бари пьесага тегишли ҳаракатлар деб ўйларди, мен бўлсам икки маротаба тақрорланган бу қулашни қандай тушунтиришга ҳам ожиз эдим; шу орада ясама сочлининг орқасидан кетаётган одам замбил ёнидан югуриб ўтди-да, ўрмонга кириб ғойиб бўлди. Умпрехт ўрнидан турмади, янгитдан зўрайган шамол машғалаларни ўчирди; олдинда ўтирганларнинг баъзи бирлари жонсарақ бўла бошлашганди, мен бароннинг: “Жим бўлинг, секин!” — деган овозини эшитдим. Ҳамма

тинчланди ва шамол ҳам эсмай қўйди; лекин Умпрехт миқ этмай турарди. Лаблари ҳам қимирламасди. Графиня Сайма бақриб юборганди, одамлар бу ҳам пьесага тегишли гап бўлса керак деб ўйладилар. Мен оломон ичига ўзимни урдим-да, бориб саҳнага отилдим, орқамдан одамларнинг тобора безовта бўлаётганини эшитиб турардим, улар оёққа туриб изимдан келар эдилар, замбиллар ўраб олинганди...

— Нима бўлди, нима гап?

Мен машғалачилардан бирининг қўлидан машғалани юлиб олдим-да, ерда ётганнинг юзига тутдим... уни силкитдим, нимчаларини тортқиладим; шу орада шифокор ҳам етиб келди-да, Умпрехтнинг юрагини эшитди, томирини ушлаб кўрди ва ҳамманинг нари кетишини сўраб, бароннинг қулоғига алланималарни шивирлади... Замбилда ётганнинг хотини етиб келди-да, қичқирганча ўзини унинг устига отди, болалар бўлса, ҳанг-манг, нима бўлганига ақли етмай қотиб қолган эдилар. Воқеани кўриб турганларнинг биронтаси ҳеч кўзига ишонмасди, ҳамма нима бўлди-нима бўлди, деб бир-биридан сўрарди, холос. Ҳаял ўтмаёқ жаноб Умпрехтнинг замбилда тўсатдан жони узилганини атрофдагилар эшитиб бўлганди... Мен ўзим ҳам ўша куни оқшомдаёқ бу даҳшатлардан карахт бир аҳволда водийга жўнаб кетдим. Мен шу билан саройга бошқа қайтишга журъат этолмадим. Чунки юрагимни аллақандай бир ваҳима чулғаб олганди. Эртаси куни барон билан Боценда кўришиб қолдим; Умпрехтнинг бошидан кечирганларини унга сўзлаб бердим. Барон аввалига ишонмади; шунда ҳамёнимдан сирли варақани чиқариб, унга кўрсатдим; у менга ғалати, ҳаттоки ҳадиксираб қараб қўйди-да, варақни қайтариб берди. Қоғоз топ-тоза эди, унда на бирон сўз ва на бирон расм бор эди...

Мен Марко Полони излаб топишга уриниб, бирдан-бир билганларим шу бўлдики, бундан уч йил бурун у Гамбургдаги энг жўн кўнгилочар жойлардан бирида сўнги маротаба томоша кўрсатган. Ўшанда қўлларини кўтариб, ясама сочлининг орқасидан ўрмон ичига кириб, ғойиб бўлган ўқитувчини шундан сўнг бошқа ҳеч ким кўрмабди — ўлигини ҳам, тиригини ҳам, — бу, бари жумбоқлар ичида жумбоқ бўлиб қолганди.

НОШИР СЎНГСЎЗИ

Мазкур ҳикоя муаллифи билан шахсан таниш бўлмаганман. У ўз даврининг машҳур ёзувчилардан бўлиб, бундан ўн йил бурун 60 ёшида вафот этгунига қадар деярли унутилиб кетганди. Ундаги бор мерос ортиқча васиятномасиз ушбу китоб саҳифаларида номи зикр этилган унинг ёшликдаги меранлик дўстига ўтганди. Ўтган қиш сўнги бор Меранда бўлганимда шифокор билан ҳар хил шубҳали мавзулар — башорат, телепатия тўғрисида суҳбатлашдим ва ушбу кўлёмани нашр эттириш учун олдим. Унинг мазмунини жон-жон деб ижод маҳсули деган бўлардим-у, лекин кўришиб турганидек, ғойиб бўлган ўқитувчини шахсан таниган шифокор тасвирлаб берилган томошанинг сўнгида иштирок этмади. Сеҳргар Марко Пологача, мен ёшлик чоғларим Вердск кўли яқинидаги дала ҳовлилар жойлашган ерда унинг номи ёзилган афишани кўрганим ҳали-ҳануз ёдимда; айни ўша пайтда мен худди шу номдаги машҳур денгиз сайёҳининг сафари ҳақида ёзиб қолдирган муфассал таърифини ўқиётганим учун ҳам у хотирамда сақланиб қолганди.

Юракдаги ишқ гули сўлмас...

Тўртликлар

* * *

Ҳануз йўлнинг ярмидир, элликдан ўтди ёшим,
Сигмади денгизларга, булут бўлди кўз ёшим.
Ёлғизлигим ўраркан ҳасратнинг деворини,
Боши кўкларга теккан тоғлардир қабртошим.

* * *

Кўкдаги сариқ юлдуз қўршаркан мовий ойни,
Кечанинг мотамида ортмоқда ёлғизлигим.
Сенга етишмоқ учун бу ёлғончи дунёни
Кўнгил тарозусида тортмоқда ёлғизлигим.

* * *

Мендан шундай хабарсиз кечиб кетмоқ бўлмас, ахир,
Юракдаги ишқ гули сувсиз қолса сўлмас, ахир.
Ғамнинг чуқур қудуғи уч-беш кунда тўлмас, ахир,
Қисмат шудир дерсан Сен, кўз ёш тўккан қулмас, ахир.

* * *

Очиқ мовий дунёда сув ичра менман сувсиз,
Тўқадирман дардимни тунларга ора-чора.
Сени Сенингсиз севиб яшайпман қўрқувсиз,
Гуноҳимни излама, туғилдим бахтиқора.

Нодим УЧАР 1945 йилда Туркиянинг Навшаҳарига қарашли Кўшектош қишлоғида туғилди.

У бошланғич таълимни қишлоғида, ўрта маълумотни Ҳожибектош шаҳарчасида эгаллади. 1960-1963 йилларда Полиция коллежида, 1964-1967 йиллар мобайнида Анқара Полиция академиясида таҳсил олди.

Нодим Учар адабиётга 1974 йилда нашр этилган “Ёлғиз” номли илк шеър китоби китоби билан кириб келди. Шундан сўнг “Ёмғир билан келмоқдаман” (1991), “Юлдузлар тушар ховучларимга” (1992), “Кўз учирган юлдузлар” (1992), “Замон кун ёғдусида” (турк ва инглиз тилларида, 1993), “Титроқ сувлар” (турк ва инглиз тилларида, 1993), “Яшил водийларда оқшом” (2000), “Кўнглимнинг ирмоқлари” (2010) каби шеърий тўпламлари, “Улар нега музламадилар” (1992) номли романи, “Кечанинг бургутлари” (1992), “Бир кун 24 соат” (1995) каби драматик асарлари эълон қилинди. Туркияда унинг асарлари кўп нусхада чоп этилади ва севиб ўқилади.

Шоир ва ёзувчи Нодим Учар Туркия ва халқаро миқёсда ташкил этилган турли кўрик-танлов ҳамда фестивалларда мукофотлар билан тақдирланган. Унинг ижодидан намуналар ўзбек ўқувчиларига илк мартаба тақдим этилмоқда.

* * *

Баҳор фасли келганда яшил тупроқлардаман,
Ёз иссиғи келганда эсан шамоллардаман.
Ҳазон фасли келганда сариқ япроқлардаман,
Қиш мавсуми келганда ёққан оппоқ қордаман.

* * *

Севгингни узоқ этма, кўнгил боғим сўлмасин,
Энг бахтли онимизда кўзимга ёш тўлмасин.
Рухимнинг кўрфазида топинган бандаргоҳ бўл,
Тақдир бўрони бизни ҳар қаерда қўлласин.

* * *

Бу оқшом уйимизга чуқур бир ҳузун тўлди,
Ўтган сониялик вақт гўёки аср бўлди.
Оллоҳ раҳмат айласин, ҳўб собир банда эди,
Бир тошнинг соясида — ишончли жойда энди.

* * *

Шунча йўлни қатладим, умидларим битмади,
Ўша маъсум боқишинг хаёлимдан кетмади.
Изларканман бахтни мен кўнгилдек зарра-зарра,
Қайтадан етишмоққа умрим вафо этмади.

* * *

Ўз дардимдан ортиқроқ бошқасига ёнарман,
Мен ҳар зарра қалбимда Оллоҳни ёд этарман.
Баъзан совуқ сув каби муҳаббатга қонарман,
Бир хато қилганимда уятдан тош қотарман.

* * *

Бир шамнинг оловидек қоронғулик ичидан
Моҳтобнинг қанотида юраман денгизларга.
Эланаркан хотира замоннинг сузгичидан,
Кўк гумбаз маскан бўлар кўрпасиз, уйсизларга.

* * *

Кеч кузнинг сукунати тоғларни қоплар экан,
Бормикан бу дунёда мақсади-ла бирлашган?
Чечакнинг мафтунидир учи ўткир бир тикан,
Сенинг ҳам дардинг борми оёғингга илашган?

* * *

Титраган дудоқларинг ранг оларкан гилосдан,
Шамолнинг саси тинди, қор ёғади оз-оздан.
Бу ёлгончи дунёда ҳам ёлғизман, ҳам етим,
Сира вафо кўрмадим на баҳордан, на ёздан.

* * *

Ҳар икки жаҳонда ҳам меҳнат қилган қозонар,
Табиат кўклам чоғи ол, яшилга безанар.
Ичаркан тонг юлдузи кечанинг қорасини,
Оқ сочли улуғ тоғлар самоларга узанар.

* * *

Биллур қадаҳлар каби парчаланса-да қалбим,
Шамол бўлиб, ел бўлиб яна Сенга борарман.
Ҳузун булутларида кечса-да бутун умрим,
Ёмғир бўлиб, сел бўлиб яна Сенга борарман.

* * *

Ҳаётимнинг сояси узанмоқда тупроққа,
Куз қучган умидларим дўнди қуруқ япроққа.
Шоҳ синди, қушлар учди, парвоз қилди бу кўнгил,
Ёзди қанотларини кўнмоқ учун йироққа.

* * *

Минг бир қийинчиликда кўнглим ғурурин енгди,
Тик турган мағрур бошим эгилди, ерга инди.
Бутун юким устига оламнинг юки минди,
Дардларим кўпайганда ичимга соям сингди.

* * *

Очиб кирсанг қалбимга, гўшасида Сен борсан,
Кўзимдан ёққан ёмғир, сочимга тушган қорсан.
Неча йил ўтгандан сўнг мен қадрингни англадим,
Менинг учун энг гўзал, энг вафоли дилдорсан.

* * *

Тутилмаган қўллардан, сўзлашмаган тиллардан,
Баҳор чоғи сарғайган ифори йўқ гуллардан —
(Сен билан умр бўйи бахтни тотган эканман) —
Тангрим, бизни асрасин севгисиз кўнгиллардан.

* * *

Кетсам гар узоқларга олиб ғариб бошимни,
Ўша дамда тўкарман юракка кўз ёшимни.
Баҳорнинг ёмғирлари тушаркан яйловларга,
Тоғларнинг чўққисига кўйинг қабртошимни.

* * *

Шамолнинг қанотида булутлар қор чечаги,
Кўёшнинг қўлларида уфқ анор чечаги.
Уфқ қизиллигига қадаларкан кўзларим,
Титраб турган қўлимда бир даста ёр чечаги.

* * *

Кечалар бўлишаркан фурсатни кундуз билан,
Фақат тин олмоқ эмас, уйқудир Сенинг ишинг.
Кезган ҳар маконимда бирор из пайдо Сендан,
Кетишинг айрилиқдир, қувончимдир келишинг.

* * *

Шамолнинг макони тоғнинг бошидир,
Булутлар тоғларнинг ҳилол қошидир.
Висолга етишда худбинлик нега?
Айрилиқ дўстликнинг синов тошидир.

* * *

Поезд саси келади сўл кўксимнинг бошидан,
 Кўл бўлди кулгичларим кўзларимнинг ёшидан.
 Бир кунни голиб чиқсам одамийлик жангида,
 Ўқирсиз ҳикоятим мозоримнинг тошидан.

* * *

Сенинг бу ҳасратингдан оловланар, ёнар кўнглим,
 Беркилар висол йўли, узоқ вақт қонар кўнглим,
 Сўнгсизлик маконида қуш бўлар, қанот қоқар,
 Бир бўсалик лаҳзада манзилга кўнар кўнглим.

* * *

Қиш кўлларин тортаркан кўкламойнинг бошидан,
 Кўчанинг саси келар йўлкаларнинг тошидан.
 Кўкдаги сариқ юлдуз уйғонганда тушидан,
 Тупроқнинг юзи кулар булутларнинг ёшидан.

* * *

Туйғуларим Сен билан, хаёлимда Сен борсан,
 Соҳилда сентябрни секин-аста ичарман.
 Мавсумлар орасида Сен ҳамиша баҳорсан,
 Баҳорнинг шамолига алданарман, учарман.

* * *

Ой сузилиб бораркан булутлар орасидан,
 Юлдузлар хабар берар турналарнинг кўчидан.
 Ясминнинг хуш ифори чирмовиқни қуршаркан,
 Томар шабнам томчиси оппоқ гулнинг сочидан.

* * *

Саргайган япроқларда хазоннинг сояси бор,
 Ишқ томон кетган йўлда кечадан қолган тузоқ.
 Чечак очган гунчада булбуллар азаси бор,
 Сен боққан кўзгу орти гиж-гиж сир. Билгум қандоқ?

* * *

Мен бахтга атарканман умримнинг сўнг дамини,
 Совурдим юлдузларга кўзларимнинг намини.
 Висолга етмоқ учун ой ёғдуси остида
 Хуззам*дан кўшиқ қилдим кечанинг мотамини.

* * *

Ёз қуёши остида мени ҳасрат қовурди,
 Эсан заиф қора ел кулларимни совурди.
 Аслида, бу дунёда муҳаббат бир салтанат,
 Яраланган йилларим юрагимга ин қурди.

* * *

Сен оташнинг чўгисан юрагимда сўнмаган,
 Жайронлар кезган ўша булоқларнинг кўзисан.
 Баҳорнинг сабоҳида мен рангига тўймаган,
 Уфқлардан юксалган куннинг ойдин юзисан.

* Х у з з а м — мумтоз турк мусиқасидаги Сегоҳ туркумига оид мақом тури.

* * *

Кечанинг қандиллари тўкилар бошимиздан,
 Нажотнинг машғаласи дилда ёнган ҳавасдир.
 Бир синиқ ўриндиқда юзма-юзман Сен билан,
 Мени Сенга боғлаган меҳр тўла бир сасдир.

* * *

Севгимнинг бадалини Сен қачон билажаксан?
 Чуқур денгиз кабидир туйғумнинг турғунлиги.
 Қиш, баҳор, ёз ҳам битди, қишдами келажаксан?
 Юзимдаги ажинлар йилларнинг ҳорғинлиги.

* * *

Ҳар кун ошиқ бўларман боққанимда кўзингга,
 Маёно кўшар кулишинг ширин, латиф сўзингга.
 Умидларим Сен билан, туйғуларим Сенгадир,
 Дунёни берсалар-да, алишмам ҳеч изингга.

* * *

Менинг ҳорғин юрагим тоғдаги бир ҳовуч қор,
 Инар баъзан водийга, бўлар шохдан тушган нор.
 Ёлғизликдан ташқари кўрқмадим ҳеч нарсадан,
 Бошимда ғам шамоли, ичимда телба дард бор.

* * *

Урушнинг ҳолатида дағаллашган туйғулар —
 Шамоллар йиртган ўша япроқларнинг ўлиши.
 Ўчмас из қолдиради ҳар инсоннинг қалбида
 Ўққа учган гўдакнинг маъсумона кулиши.

* * *

Булутлардан англарсан ёмғирнинг келганини,
 Кўрадирсан юлдузлар осмонни тилганини.
 Сувииз тупроқ ҳирс ила ютаркан ёмғирларни,
 Томоша қил дарахтнинг кўкка юксалганини.

* * *

Хотирангни қалбимнинг энг тубига қўмганман,
 Муҳаббатинг ўтида ёниб-ёниб сўнганман.
 Борим Сенда яширин, йўқлигим Сендан нари,
 Баҳорда хазонларнинг япроғига дўнганман.

* * *

Неча йилки, кул бўлган қалбимдаги оташни
 Ой ёғдуси остида ёқмоққа ким келади?
 Рухимда сақлаган илк севгимнинг қуёшига,
 Айтгин, Сенинг номингдан боқмоққа ким келади?

* * *

Ҳануз қулоқларимда Сен сўйлаган ёлғонлар,
 Мен Сени юрагимдан севгандим бир замонлар.
 Бир уммон ичра мени томчига муҳтож этдинг,
 Бўронларда йиқилди мен топинган маконлар.

* * *

Мени йўлнинг сўнгида телба этдинг, тоқ этдинг,
Ўзинг салқин сувдасан, мени-чи, ўтда ёқдинг.
Янги тўлган ой каби қаршимдан чиқдинг мудом,
Тонг юлдузи мисоли келдинг, қалбимда оқдинг.

* * *

Шаррос қуйган ёмғирда кўзларинг сархуш боқар,
Тупроқдан сизган сувлар сой томон ҳорғин оқар.
Сойнинг чечакларини сочига тақар денгиз,
Денгизнинг нигоҳлари қалбимни тинмай ёқар.

* * *

Сенсиз кечган йилларга қайрилиб боқмасман ҳеч,
Гул тўккан юрагимни Сенингсиз ёқмасман ҳеч.
Севгимиз эртак эмас, айнаи бир ҳақиқатдир,
Баҳор сели мисоли бекорга оқмасман ҳеч.

* * *

Ошмоқ учун тоғларни умрим жуда оз қолди,
Бир ёнимни кун урди, бир ёнимни ел олди.
Етти иқлим, тўрт мавсум айланаркан самода,
Дайди кўнглим умидга чулғаниб нурга тўлди.

*Турк тилидан
Алишер Турсунов таржималари*



Жалил МАММАДҚУЛИЗОДА

Донобош қишлоғи аҳволотлари

Ҳикоя қилувчи
Лаққи Содиқ

Ёзиб олувчи
газетчи Халил

Қалбимдан чиққан овоз менга кўп нарсаларни ўргатади. Бу овоз тоза, покиза виждонимнинг овозидирки, ушбу виждон ҳаммада бор. Ҳар бир киши унинг буюрганига астойдил қулоқ солиб, амрига амал қилса, кўп нарсалардан огоҳ бўлиб, кўп нарсаларни билиб олади.

Сукрот

ЕНГИЛГИНА БИР МУҚАДДИМА

Менинг отим Халил, ўртоғимнинг оти эса Содиқ. Ҳар иккаламиз ҳам Донобош қишлоғида туғилганмиз. Мен бундан роса ўттиз йил илгари дунёга келганман; яъни ўттиз ёшдаман. Ўртоғим Содиқ ҳам, тахминимча, менга тенгдош. Бироқ мен ундан бир оз ёшроқ кўринаман. Унинг бўйи баланд, мен пакана, аммо ундан семизман. У қорамағиз ва кўса, мен оқмағиз ва серсоқолман. Бир тафовутимиз шундаки, мен кўзойнак тақаман, кўзим анча хира; лекин ўртоғимнинг кўзлари жуда ўткир. Бунинг сабаби — мен савод аҳлиданман, ёзув-чизув кўзимни хиралаштириб қўйган.

Қисқаси, ҳар иккаламиз Донобош қишлоғида яшаймиз. Менинг

Озарбойжончадан
Усмон ҚУЧҚОР
таржимаси

Озарбойжон реалистик насрини янги мақомга кўтарган атоқли адиб Жалил Маммадқулизода 1866 йилда Озарбойжоннинг Нахчивон вилоятидаги Неҳрам қишлоғида туғилган. Отаси уни етти-саккиз ёшларида мактабга беради. Сўнгра Нахчивон шаҳрига бориб, рус-озарбойжон мактабида ўқиди. У 1889 йилда илк асари — “Чой дастгоҳи” маснавийсини ёзди. Ёши қирқларга борганда Жалил Маммадқулизода ёзувчи ва журналист сифатида танилди. Узининг “Таржимаи ҳол”ида бундай деб ёзади: “Мен дорилмуаллиминни тугатганимдан сўнг Нахчивонда кўплаб ижодкор дўстларим билан яқинлашдим. Мен хотин-қизларни ҳимоя қилувчи сўзларни Жон Стюарт Милнинг китобида учратдим”.

Жалил Маммадқулизода Озарбойжон адабиёти тарихида таниқли журналист ва публицист, истеъдодли ёзувчи бўлиши билан биргаликда ажойиб драматург сифатида ҳам танилган. У йирик ҳажмли “Ўликлар”, “Онамнинг китоби”, “Донобош қишлоқ мактаби”, “Жиннилар йиғини” ҳамда кичик ҳажмли “Чой дастгоҳи”, “Кишмиш ўйини”, “Камонча”, “Соқов” ва “Йиғилиш” номли драматик асарлар ҳам ёзиб қолдирди. Ёзувчи 1906 йилда ташкил этган “Мулла Насриддин” ҳажвий журнали 25 йил давомида — ёзувчи вафотига қадар (1931 й.) чиқиб турди ва бутун туркий дунёга машҳур бўлди. Ж.Маммадқулизоданинг адабий мероси бой ва ранг-баранг. Унинг реалистик-демократик руҳдаги ижоди мазмуни ва ғоявий-бадиий юксаклиги билан бугунги кунда ҳам бутун инсониятга фаол хизмат қилмоқда.

касбим баззозлик, яъни тўрт-беш тўп газламани қўлтигимга қистираман-да, ўз қишлоғимиз ёки қўшни қишлоқларга чит-мит сотиб, баҳарнав рўзгоримни тебратаман. Ўртоғимнинг касби баққоллик, яъни ўз дўкончасида уч-тўрт пуд туз, бир қоп кишмиш ва тўрт-беш қути тамаки сотади ва у ҳам ана шу тариқа ўз рўзгорини тебратади.

Бор гап шу, ҳар иккимиз ҳам Оллоҳ таолонинг камбағал бандалари бўламиз.

Хуллас, жиндай бош оғриғи бўлса ҳам, барибир айтиб ўтмоғим керак, чунки биламанки, бу ҳикоятни ўқиган биродарлар, газетчи Халил билан лаққи Содиқ ким бўлди экан, деб хийла таажжубга тушишлари аниқ. Бу биродарларни интизор этмаслик учун, гарчи бош оғриғи бўлса ҳам, яна баъзи бир гапларни арз этиб ўтишим лозим.

Мен бутун Қофқозия вилоятида бизнинг Донобош қишлоғи каби аломат қишлоқ йўқ деб дангал айта оламан. Уни ёмон демоқчи эмасман, худо сақласин. Мен ҳеч қачон ҳақ гапдан қайтмайман. Тўғри, менинг қишлоғимиздан бир оз ранжиган жойим бор, лекин бу қишлоғимизнинг ёмонлигига далил бўлолмайди-ку! Қишлоғимиздан мен каби икки юзта чувринди ранжиганида ҳам, бу билан бизнинг қишлоқни ёмон қишлоқ дейиш ҳақдан йироқ бўлган бир нарсадир.

Йўқ, худо ҳақи, бизнинг қишлоқ жудаям ажойиб қишлоқ. Иншооллоҳ, менинг арзимни охиригача сабр билан эшитсанг, бизнинг қишлоқ ёмон қишлоқ эмаслигига ўзинг ҳам амин бўласан. Ҳозирча унинг яхшию ёмонлиги бир четда тура турсин. Гап унда эмас; гап шундаки, бизнинг қишлоқда бирорта ҳам айёмасиз кимса йўқ.

Бизларда айёма дейди. Билмадим, тушундингизми ёки йўқ? Аёма дегани — лақаб дегани.

Шу ўринда энди бир оз четга чиқайлик.

Мен лақаб сўзини бултурга қадар билмасдим; чунки саводим мақтагудек эмас. “Жомеи Аббос”дан¹ бошқа бирорта ҳам китоб ўқимаганман. Бултур бизнинг қишлоққа нариги томондан² келган бир мулла марсия ўқиб юрарди. Афсуски, оти эсимдан чиққан. Бир куни мулланинг гузари Содиқнинг дўконига тушди. Аён бўлдики, Содиқни Содиқ лаққи дейишларини мулла илгаридан билар экан. Дўконда мендан бошқа яна бир неча қишлоқдошлар ҳам бор эди. Мулла Содиқдан икки қути тамаки олиб, улардан бирини очди-да, чубуғини³ тўлдириб, тутатмоқчи бўлди. Содиқ гугурт чақди. Мулла чубуғини ёндириб, Содиққа:

— Оллоҳ отангни раҳмат қилсин, — деди.

Сўнгра чубуғини бир неча марта сўриб-сўриб тортгач, Содиққа юзланди:

— Ахавизода⁴, бу на иллатки, жанобингиз исми шарифларига лаққи лақабини изофа орттирадилар?

Охунднинг бу сўзларини наинки қишлоқдошлар, ҳатто менинг ўзим ҳам тушунолмадим. Ваҳолонки, мен буларнинг олдида олим мақомида эдим. Аммо, гап йўқ, ҳаммамиз англаб етдикки, охунд Содиқнинг нега лаққи деб аташларини сўрамоқда эди. Содиқ бир оз сукут сақлагач, лаққи менинг айёмам, деб жавоб берди. Охунд иккинчи бора таажжуб билан сўради:

— Сизлар жудаям авом-да, ўлон⁵, айёма нима дегани, ахир?

Содиқ бунинг маъносини айтгач, охунд “лаққи” Содиқнинг айёмаси

¹ Жомеи Аббос — Шайх Баҳонинг шариат китоби.

² Нариги томон — Жанубий Озарбойжон назарда тутилмоқда. (Тарж.)

³ Чубуғ — тамаки чекиладиган трубка, мундштук.

⁴ Ахавизода — жиан.

⁵ Ўлон — ўлон, йигит.

эмас, лақаби, дея бизга тушунтира кетди. Айёма деб авомлар айтади, арабчасига бу лақаб бўлади, деди у. Охирида охунд, айёма деган сўзни зинҳор тилингизга олманг, лақаб деб айтинг, дея қаттиқ тайинлади. Биз ҳаммамиз рози бўлдик ва “албатта” деб жавоб бердик. Сўнгра Содиқ охундга юзланиб сўраб қолди

– Охунд, жанобингизнинг арабчадан саводлари жуда зўр бўлса керак-а?

Мулла жавоб берди:

– Нима деяпсан, нодон? Мулла бўлиш, марсия айтиш осон иш деб ўйлайсанми? Арабчадан саводи бўлмаган кишини минбарга қўяр эканларми?

Қўққисдан Содиқ охунддан:

– Охунд, арабчада нонни нима дейдилар? – дея сўраб қолди.

Охунд чубуғини сўриб, ерга боқиб олди-да, томоқ қирганича жавоб берди:

– Бародарим¹, Арабистонда нон бормидики, унга ном қўйсалар. У ерда гуручдан бошқа нарса емайдилар.

Содиқ яна охунддан сўраб қолди:

– Хўш, унда гуручни арабчада нима дейди?

Охунд чубуғини сўриб йўталди ва бир оздан сўнг деди:

– Сен ҳақиқатан ҳам лаққи экансан, жиян. Қишлоқилар ўрнида сенга лаққи дер эканлар.

Шундай дея охунд абосини² тузатганича дўкондан чиқиб кетди. Биз барчамиз ўша куни оқшомгача ўзимизни кулгидан тия олмадик. Масалан, менинг асли отим Халил, лекин ҳамма мени газетчи Халил деб атади. Мен, худо ҳақи, газет нималигини билмайман. Газетчи дегани қизиқ воқеотлар, яхши хабарларни чоп этиб, у ёқ-бу ёққа тарқатадиган ақлли, комил бир инсон. Бироқ мен қаердан газетчи бўлиб қолганимни ўзим ҳам билмайман. Иншооллоҳ, нима учун мени газетчи дейдилар, менинг ўртоғимни нима сабабдан лаққи, яъни эзма деб атайдилар – ҳаммасини айтиб бераман.

Ҳалиям бу бизни ҳурмат қилганлари, бизнинг лақабимиз унчалик кулгили эмас. Бизнинг Донобош қишлоғида шунақанги лақаблар борки, айтсам қулавериб ичагинг узилади. Масалан, Ҳасан тараша, Ҳайдар туя, Сабзали ёлғончи, Мухтор эшшак, Қосим товушқон. Бундай айёмалар бизнинг Донобош қишлоғида тиқилиб ётибди. Агар ҳаммасини бир бошдан айтаверсам, бутун Русийят³ корхоналарида қоғоз қолмайди. Менинг ўртоғим Содиқни лаққи деб атайдилар. Яратганнинг номига онт ичаман, бу лақаб унга сираям ёпишмайди. Тўғри, Содиқ кўп гапиради. Қаерда бўлса гапираверди. Гапираверади, гапираверади, сираям чарчашни билмайди. Аммо на илож, аниқ айтманки, ундай ширинсўз киши дунёда йўқ.

Бизнинг Донобош қишлоғида, ҳар қандай кўп гапирган кишини лаққи деб атаса бўлади, деб ўйлайдилар. Ахир, кўп гапирадигандан кўп гапирадиганнинг фарқи бор. Мен шундай кишиларни кўрганманки, улар саҳардан оқшомгача гапирса ҳам суҳбатларидан тўймаганман. Агар ҳар бир кўп гапирадиган кишини лаққи десак, барча воизларни лаққи дейишимиз керак эди, чунки улар бир минбарга чиқиб олсалар, пастга тушишни билмайдилар.

Йўқ, ҳар қандай кўп гапирган кишини лаққи деб бўлмайди. Биттаси Оллоҳ таоло борасида гапга тушиб кетади, бошқаси ўзининг Карбалого

¹ Бародар – ука, ини.

² Абo – чакмон.

³ Русийят – Россия.

ёки Маккага борганидан ҳикоят қилади, наҳотки шундай кишиларни лаққи деб бўлса? Йўқ, бўлмайди; бундай дейиш гуноҳ ва ҳақиқатдан узоқ саналади.

Майли, ким нима деса десин. Майли, Содиқни лаққи десинлар; лекин у то ўла-ўлгунча менинг дўстим, суҳбатдошим ва ҳамдардим бўлиб қолади! Бировга иссиқ ёқади, бировга совуқ.

Эҳтимол, Содиқ ростдан ҳам лаққидир. Аммо у гапираётганда чиндан ҳам мен туриб бориб унинг лабларидан ўпиб олгим келади.

Хўш, мени нега газетчи дейдилар? Бунинг сабабини ҳам айтиб бераман. Содиқ билан ҳамсуҳбат бўлган кунларимданоқ мени газетчи деб атай бошладилар. Ҳақиқатан ҳам менинг газетчи деб аташларига шу ўртоғим Содиқ сабабчи бўлди.

Шу ўринда гапни олисроқдан бошлашга тўғри келади.

Биз, айтиш мумкинки, икки йилча олдин топишиб қолдик. Воқеа бундай бўлди: кунларнинг бирида қўлтигимга бир неча түп чит қистириб, Содиқнинг дўконига йўл олдим. У пайтлар ҳали ўртамизда дўстлик пайдо бўлмаган эди. Бирпас ўтириб қолдим. Содиқ менга битта чубуқ тўлдириб берди, мен чекишга тушдим. Содиқ ҳам, табиийки, суҳбатини бошлаб юборди. Фақир юқорида айтиб ўтганим каби, унинг суҳбати менга жуда ёқиб тушарди; аммо бу гал мен унга шайдо бўлиб қолдим. Бу сафар дўстим шундай бир ширин ҳикоят бошладики, йигирма-ўттиз киши дўконга кириб, бўм-бўш қайтиб чиқди, десам хато бўлмас. Ҳар бир кирган харидорга, сен сўраган нарса бу дўконда йўқ, деб жавоб берардик. У гапира-гапира охири бир жойга етганда тўхтади. Юзимга диққат билан тикилганича бир оҳ тортди ва:

— Халил дўстим, менинг бир орзуйим бор, — деб қолди.

— Қанақа орзуйинг бор, ўртоқ? — деб сўрадим мен.

— Дўстим, мен шунисига қаттиқ афсус чекамани, — деди у, — биз ўлиб кетамиз, шундай ажойиб ҳикоятлар унутилади.

— Ҳеч юрагинг сиқилмасин, ўртоқ, мен бу ҳикоятларни ёзиб чиқаман ва бир китоб қилиб, номини “Донобош...” деб қўяман. Биз ўлиб кетамиз, мен васият қолдирамани, ўлгандан кейин мени на Карбалого элтсинлар, на менга хайру эҳсон берсинлар; чунки мен Оллоҳ таолонинг саодатли бандаларидан бўлсам, эҳсонсиз ҳам охиратда юзим ёруғ бўлади, агар гуноҳкор банда бўлсам, на хайру эҳсон фойда беради, на бошқаси. Мен васият қиламанки, бор-йўғимни сотиб пул қилсинлар, ёзган ҳикоятларимни чоп этсинлар ва бу китобларни унга-бунга текин тарқатсинлар.

Бу сўзларни айтиб бўлганим заҳоти Содиқ шарт ўрnidан туриб келди-да, мени қаттиқ кучоқлаб олди, у юзим-бу юзимдан ўпар экан, йиглаб юборганича:

— Дўстим, менинг орзуйим ҳам худди ана шу эди. Бунинг сен амалга оширар бўлдинг, икки дунёда кам бўлмагин, — деди.

Хуллас, азизларим, бизнинг дўстлигимиз ана шундай бошланди. Шу-шу Содиқнинг ёдига бир нарса тушиб қолса, бирор қизиқ хабар, ҳикоят эшитса ёки бошқа воқеани эслаб қолса, дарҳол келиб мени топарди. Мен дафтарни чиқариб, қаламни олганча ёза бошлардим. Чунки бу дафтар ҳамини менинг ички чўнтагимда юрар, касбим қишлоқма-қишлоқ кезиб юриш бўлгани учун ҳам, ҳар бир қулай вақтда дафтарни чиқариб ўқишга тушардим.

Бунинг охири жуда маза бўлди. Мени қаерда кўриб қолсалар, дарҳол меҳмонга чақирардилар. Янги ҳикоятлардан ўқиб бермоғим учун. Аввал менинг отимни эртақчи деб қўйдилар; аммо кейин кўрсалар, бу от менга ёпишмаяпти. Хулласи калом, шундан сўнг

менинг отим газетчи бўлиб қолди.

Шубҳа йўқки, ўзингиз ҳам кўриб турганингиз каби, менинг газетчи деб ном олишимга ўртоғим сабабчи бўлди ва шубҳа йўқки, ота-онам қўйган отимнинг ёнига яна битта от ёпиштириш менга унчалик ёқмайди; лекин бунга сиқилиб ўтирмайман. Майли, авом нима деса деяверсин. Аксар ҳолларда авом яхшини ёмон, ёмонни яхши дейди. Ҳозир авом бизнинг устимиздан кулса ҳам, бундан фахр этишимиз керак. Дунёда қўллаб инсонлар авомдан норози бўлиб ўтганлар. Биз ҳам катта қоплар қаторига ўз халтачамизни қўямиз-да энди.

*Иравон губернияси Донобош қишлоғида 1894 санада ёзилди.
Лаққи Содиқ ва газетчи Халил.*

ЙЎҚОЛГАН ЭШАК

I

Милодий тарихнинг минг саккиз юз тўқсон тўртинчи йили август ойининг бошларида Донобош қишлоғида қизиқ бир воқеа содир бўлди. Гап шундаки, Муҳаммадҳасан амакининг эшагини ўғирлаб кетишди. Бу воқеадан хабари йўқ киши, шубҳасиз, менинг гапимга ишонмайди; чунки чиндан ҳам эшакнинг йўқолиши унчалик таажжубли бир нарса эмаски, бу воқеанинг бирор қизиқ жойи бўлса. Ҳар бир қишлоқ, ҳар бир шаҳарда эшак йўқолмайдиган куннинг ўзи йўқ. Аммо, шошманг, Муҳаммадҳасан амаки эшагининг йўқолиши бошқа эшакларнинг йўқолишига зиғирча ҳам ўхшамайди. Худо ҳақи, Муҳаммадҳасан амакининг эшагининг йўқолиши бағоят қизиқ бир воқеаки, мен айтмай, сиз эшитиб, маза қилинг.

Аввало Муҳаммадҳасан амакининг ўзи кимлигини билиб олайлик. Донобош қишлоғини билган одам Муҳаммадҳасан амакини ҳам таниса керак; чунки Муҳаммадҳасан амаки қишлоқнинг таниқли зотларидан бири. Унинг ёши эллик тўрт-эллик бешлар атрофида. Шундан катта эмас. Гарчи соқолига оқ тушган бўлса ҳам, ўзи, агар мени камбағаллик эзиб қўймасайди, ҳеч ким қирқдан ошган деб ўйламасди, деб онт ичади. Муҳаммадҳасан амакининг бу гапи ёлғон эмас; чунки у шу ёшга кирган бўлса-да, икки юздан қон томади.

Муҳаммадҳасан амакининг бошига кўп савдолар тушган. Агар ҳаммасини бир бошдан айтадиган бўлсак, ҳикоямиз чўзилиб кетади. Хўш, Муҳаммадҳасан амакининг бошига қандай савдолар тушди, у нималарга дуч келди экан?

Қисқаси, бу кишининг уй-рўзғордан омади чопмаган. Отаси Ҳожи Ризо вафот этганида Муҳаммадҳасан ўн-ўн икки яшар бола эди. Икки йил ўтмасдан онаси ҳам ўлди. Яхшигина давлат қолган эди марҳум отасидан: анчагина ер, бир неча от, палос-гилам, каттагина маблағ. Аммо минг афсус! Ҳожи Ризо ва хотини ўлиши билан Муҳаммадҳасан амакига бош-қош бўладиган одам топилмади. Амакилари бир йилнинг ичида ҳамма нарсани совурдилар ва охирида Муҳаммадҳасан амакига шашмалоқ кўрсатдилар. Муҳаммадҳасан амаки ўзини таниб, кўзини очганида шир ялонғоч бўлиб қолганини кўрди. Сўнгра бир қиз билан севишди, унга уйланди ва тўрт-беш танга сармоя қилиш учун бир неча йил Иравон томонларда гурбатлик дардини чекиб юрди. Лекин иши юришмади, бўм-бўш қўл билан қишлоғига қайтди-да, уч-тўртта эшак сотиб олиб, чорвадорликни бошлаб юборди. Аммо бу иши ҳам орқа тортса тортдики, олға босмади. Охир-оқибат табла¹ сини иккига

бўлиб, кўча томондан бир эшик очди, бу ерга бир-икки пуд ун, буғдой, тутмайиз, жийда қўйиб, савдо-сотикни бошлаб юборди ва ҳозиргача шу иш билан шуғулланиб келмоқда эди; ташвиши ҳам, шубҳасиз, тобора ортгандан-ортиб борарди.

Хуллас, Маҳаммадҳасан амаки эндиликда бир амаллаб рўзгор тебратиб турибди. Аммо у камбағал бўлса-да, жуда яхши одам эди. Чиндан ҳам у фақат ўзининг ғамини емасди. Биров келиб: “Муҳаммадҳасан амаки, менга уч-тўрт манат² керак бўлиб қолди”, деса, агар ўзида бўлса дарҳол чиқариб берар, бўлмаса, ҳар қандай йўл билан бошқа бировдан топиб бериб, бу ишни битказиш пайида бўларди. Чиндан ҳам, жуда ажойиб киши эди у. Муҳаммадҳасан амакининг дунё молига асло рағбати йўқ, лекин биргина орзуси бор. Уч-тўрт йилдан бери Муҳаммадҳасан амаки Карбало зиёратига бориш ниятида юрарди. У ўта диндор одам эди. Агар рўзгори бут бўлганида, у аллақачон чаҳордаҳ маъсум³ зиёратини ўтаган бўлур эди. Лекин на илож, камбағаллик ҳамма ишнинг белига тепар экан.

Қисқаси, Муҳаммадҳасан амаки кўпдан бери Карбало зиёратини қасд қилиб юрарди. Муҳаммадҳасан амакининг бундай кутлуғ фикрни бошидан кечирмаган йили йўқ эди. Зиёратчиларнинг зиёратга кетаётган ёки қайтаётгандаги шовқин-суронини эшитганда Муҳаммадҳасан амакининг кўз ёшлари чашма каби оқа бошларди.

Аммо на илож, камбағалликнинг уйи куйсин. Камбағаллик у шўрликнинг қўл-оёғини боғлаб олган, қимир этгани қўймасди.

Бу уч-тўрт ой олдинги гап. Муҳаммадҳасан амаки бир туш кўрди, уйқудан уйғониб ёнига хотинини чақирди ва унга, хотин, бу йил, иншооллоҳ, нима қилиб бўлса ҳам Карбалога боришим керак, деди. Кўрган тушини ҳозиргача ҳеч кимга айтиб бергани йўқ. Бироқ нуқул, бир хосиятли туш кўрдим, қандай қилиб бўлса ҳам Карбалога бориб, олти гўшали мақбарани⁴ зиёрат қилишим керак, дерди.

Хуллас, уч-тўрт ойдан бери Муҳаммадҳасан амаки сафар тадорикида эди... Зиёрат шавқи Муҳаммадҳасан амакини дунё ишларидан бутунлай совутган эди. Бундай фикрга келгандан бери дўконини бўшатиб, жиндай арпа ё тариқ уни ва бошқа рўзгор учун зарур бўлган баъзи бир нарсаларни ғамлаб қўйиб, зиёратчиларнинг йўлга чиқишини кутмоқда эди.

Аввалига Муҳаммадҳасан амаки пиёда кетмоқчи бўлди, чунки, маълумки, уловда боргандан кўра пиёда борганнинг савоби каттароқ. Кейин ўйлаб қараса, икки ойлик йўлга пиёда бориб келадиган ёшдан ўтиб қолган. Нима қилиш керак? Охири ноилоҳ ундан-бундан пича пул қарз кўтариб, ўзининг йиққанига қўшиб бир эшак олди. Уловга гап йўқ, отдан авло эди. Аввало шунинг учунки, эшак отдан арзон эди. Муҳаммадҳасан амакининг от олиш учун ўттиз-қирқ манат топиши гумон эди. Қолаверса, кимдир зиёратга эшакда боради, кимдир отда. Албатта, Оллоҳ таоло ҳузурда эшакда борганнинг зиёрати тез қабул бўлади.

Хуллас, Муҳаммадҳасан амаки бир эшак олди. Аммо бу эшак эшак эмас, касофатнинг ўзгинаси экан.

Кунлардан бир куни Муҳаммадҳасан амаки тонг саҳар уйғониб, таҳорат қилди, намозини ўқиди, ҳовлига чиқиб бирпас айланди. Товуқ-жўжаларини чақириб, дон сепди, таблага кириб, эшагининг охурига

¹ Табла — от-улов, эшаклар сақланадиган жой.

² Манат — пул.

³ Чаҳордаҳ маъсум — мусулмонлар зиёратга борадиган шаҳарлар.

⁴ Олти гўшали мақбара — Карбалодаги имом Ҳусайн дафн этилган мақбара назарда тутилмоқда. (*Муаллиф изоҳи*).

бир-икки ҳовуч арпа ташлади, сўнг кўчага чиқиб, дарвозаси олдида чўнқайиб ўтирганича чубуғи ва тамаки халтасини чиқарди, чубуғини тамакига тўлдириб, чека бошлади. Орадан бир оз вақт ўтгач Муҳаммадҳасан тенги бир неча ҳамқишлоғи унинг ёнига келиб саломлашди-да, саф бўлиб ўтирганча чубуқларини чиқариб, чекишга тушдилар. Бу кишиларнинг ҳаммаси Муҳаммадҳасан амакининг кўшнилари эди.

Ҳамқишлоқлар бир оз чубуқ тортгач, йўтала-йўтала суҳбатни бошлаб юбордилар. Суҳбат карбалойиларнинг йўлга чиқиши ҳақида эди. Чунки ўтирганларнинг барчаси Муҳаммадҳасан амакининг зиёратга бориш ниятида хабардор эдилар, шубҳасиз, бу суҳбатда Муҳаммадҳасан амакининг номи ҳам тилга олинмоқда эди. Суҳбат анча чўзилди. Аввал зиёратга боришнинг савобидан гап бошладилар, сўнг зиёрат шартларига кўчдилар. Муҳаммадҳасан амакининг сўл томонида ўтирган киши бир муаммони ўртага ташлади:

– Мана, кимдир зиёратга кетди, дейлик, у зиёратини қилиб, ўз юртига қайтиб келади, биз йиғилиб, тўп-тўп бўлиб уни кўргани борамиз, қўлни қўлга уриб, “Зиёратинг қабул бўлсин”, деймиз, мана, бизнинг гапимиз билан унинг зиёрати қабул бўладими ёки йўқ? Мана, биз айтган сўзларнинг у кишига бирор фойдаси борми ёки йўқ? Масалан, Муҳаммадҳасан амаки, сенинг зиёрат қилиш ниятинг бор. Оллоҳ саломатликни берсин, эсон-омон бориб, эсон-омон ўз хонадонингга қайтиб кел. Кейин, шубҳасизки, худо хоҳласа, сен қайтиб келганингдан сўнг ҳаммамиз сени кўргани борамиз, бизлар сенга: “Зиёратинг қабул бўлсин”, деймиз, бу сўзнинг, бу ниятнинг сенга бирор хайри тегадими ёки йўқ? Мен, йўқ, дейман. Шунинг учунки, сен бундан бир ой, бир ярим ой аввал зиёрат қилгансан. Агар сенинг зиёратинг Оллоҳ даргоҳида қабулга ўтган бўлса, тагин биз сени дуо қилишимизнинг нима фойдаси бор? Йўқ, агар қабулга ўтмаган бўлса, тагин фойдаси йўқ. Биз айтган билан қабул тушмайди-ку, ахир!

Бу киши сўзини тугатгач, Муҳаммадҳасан амакининг юзига савол назари билан боқди. Бошқалар ҳам кўзларини ерга тикканча чуқур хаёлга чўмган эдилар; чунки, аслида, бу масала теран бир масала эди. Муҳаммадҳасан амаки янгидан тамаки халтасини чўнтагидан олиб, чубуғини тўлдириш билан машгул бўлди, сўнг сўл томондан ўтирган кўшнисига жавоб қила кетди:

– Тўғри айтасан. Машади Ўруж оғайни. Лекин сен айтгандай бўлса унда яхши иш бўлмайди, ўртадан меҳр-оқибат кўтарилади. Биров зиёратга бориб, уйига қайтиб келса-ю, уни кўргани ҳеч ким бормаса, бу мусулмончиликдан эмас-да, ахир! Масалан, мен бориб зиёрат қилгач, уйимга қайтиб келсам, қани айт-чи, сен мени кўргани келмайсанми? Кейин мен сенинг юзингга қарамай қўяман-ку...

Машади Ўруж дарҳол Муҳаммадҳасан амакига қўлини паҳса қилиб, ўтирган ўрнидан бир оз тиккайганича жаврай кетди:

– Йўқ, худо ҳақи, Муҳаммадҳасан амаки, сен менинг гапимни тушунмадинг. Сенинг бу гапинг мен айтган масаланинг жавоби эмас. Мен, гап йўқ, сени кўргани келаман, албатта. Гап шундаки, мана, менинг шу келишимнинг сенга бирор фойдаси борми ёки йўқ? Мен ана шуни сўраяпман.

Муҳаммадҳасан амаки қайта жавоб бериб айтдики, ҳар ҳолда, бундай кўришувнинг фойдаси бор, чунки ана шундай кўришувлар бўлмаса, ўртадан меҳр-оқибат кўтарилади. Ўтирган ҳамқишлоқларнинг ҳаммаси бу хусусда Муҳаммадҳасан амакининг тарафида эдилар; чунки Машади Ўружнинг масаласи жўяли масала бўлса-да, бироқ ақлга тўғри келмасди.

Биров зиёратдан қайтиб келса-ю, қандай қилиб уни кўргани бормайсан?!

Бу баҳс камида бир соат давом этди. Чубуқлар қайта-қайта тўлиб, қайта-қайта бўшарди. Ҳар бир кишининг олдида дурустгина кул тепачаси пайдо бўлди.

Сухбат роса лаззатли жойига етганда сўл томондан, муюлишдан бир киши эран-қаран ҳамқишлоқлар олдига келиб, салом берди ва Муҳаммадҳасан амакига юзланиб:

– Муҳаммадҳасан амаки, тез ўғлингга айт, оғилдан эшакни олиб чиқсин, шаҳарга миниб бораман, начарник¹ чақирибди, – деди. Ҳамқишлоқлар шарт оёққа қалқиб саломга жавоб қайтардилар.

– Бош устига, бош устига, сизга садқа бўлсин битта эшак. Ҳозир бориб ўзим олиб чиқаман.

Муҳаммадҳасан амаки шундай дея дарҳол ўзини ҳовлига урди. Муҳаммадҳасан амаки эшакни олиб чиқаверсин, энди кўрайлик-чи, бу келган одам ким бўлди ва нима иш қилади экан?

Бу киши майда одам эмаслигини билиши қийин эмасди. Аввало шунинг учунки, сухбатнинг ширин бир асносида бунга кўрган ҳамқишлоқлар дарҳол оёққа қалқидилар, ҳатто бош ҳам эгдилар. Қолаверса, маълумки, Муҳаммадҳасан амакининг кўз нури – фақат шу битта эшаги; чунки уни Карбалого миниб бориш учун олган. Ярим йўлда судралиб қолмасин дея кечаю кундуз бу эшакка кўз-қулоқ эди. Шундан гумон қилиш мумкин эдики, Муҳаммадҳасан амаки эшакни толиқтириб қўймасин дея ҳеч кимга бермас эди. Аммо бу киши сўраган заҳоти Муҳаммадҳасан амаки дарҳол эшакни олиб чиққани кириб кетди.

Хўш, кўрайлик-чи, бу киши ким экан ва нима иш қилар экан?

Ҳа, кичкина одам эмас эди бу эшакни сўраган киши. Бу Донобош қишлоғининг каттаси Худоёр бек эди. Мен Худоёр бекнинг ўтмишидан гапирмоқчи эмасман; чунки унинг ўзи бунга зинҳор рози бўлмайди. Ҳозир дунёнинг таомили шунақаки, биров юқоридан пастга тушса, бойлигидан айрилиб, камбағаллашиб қолса, сухбатни ҳамиша ўтмиш кунларига улайди; менинг отам ундоқ ўтган, онам бундоқ ўтган, бунча давлатимиз бор эди, бунақанги иморатларимиз бор эди, ҳурматимиз мана бундоқ эди, дейди. Аммо биров пастдан юқорига кўтарилса, камбағалликдан бойликка эришса, эътиборсизликдан ҳурмат-иззатга сазовор бўлиб қолса, зинҳор ота-бобосидан гап очилишини хуш кўрмайди. Масалан, Муҳаммадҳасан амаки етти кеча-етти кундуз отасининг мол-давлатидан, ҳурмат-иззатидан гапирса ҳам тўймайди. Аммо Худоёр катта ҳеч кимсага отасининг номини ҳам айтмайди. Қачонки бу борада сўз очилиб қолса, Худоёр каттанинг айтадиган гапи шу бўлади: “Оғайни, ота-она билан нима ишинг бор. Улар ўлиб кетишган, Оллоҳ раҳмат қилсин уларни. Кел, ўзингдан, ўзимдан гаплашайлик”. Хуллас, Худоёр бек ўтмишдан гапиришни ёқтирмайди, мен ҳам унинг кўнглига тегиб кетишни асло истамайман. Унинг ўтмиши билан менинг ҳам ишим йўқ.

Худоёр бек нари борса ўттиз етти-ўттиз саккиз ёшларда; бундан кичик бўлса кичикдир, аммо катта эмас. Бўйи баланд, жудаям новча. Новчалиги учун авваллари Худоёр бекка бир айёма таққан эдилар. Бироқ мен унинг ўтмишидан гап очмасликка сўз бериб қўйдим. Ёлғончи бўлиб қолмайин деб кўрқаман. Ҳа, бўйи новча, соқоли, қошлари қоп-қора. Юзи ҳам қора, ўта қора. Кўзлари ҳам қоп-қора, зигирча оқи йўқ. Айниқса, папоғини қошигача бостириб юрганини кўрсанг: папоқ қоп-

¹ Н а ч а р н и к – русча начальник (бошлиқ) сўзининг бузилган шакли. (Тарж.)

қора, кўзлар қоп-қора, юзлар қоп-қора. Папоғининг остидан кўзлари шундай ёниб турадики, одам ваҳимага тушади. Гўё чим остидан қурбақа боқиб турибди дейсан.

Буларнинг ҳаммаси ўтаверсин. Худоёр бекнинг бир катта қусури бор. Бурни эгри, эгри бўлганда ҳам жуда эгри. Эгридан эгрининг фарқи бор. Мен бурни эгри хушрўйларни кўп кўрганман, аммо Худоёр бекнинг бурни жудаям ёмон эгри. Бурнининг тепасида бир суяк тикрайиб туради. Бу суяк тўғри, аммо унинг қуйисидаги эт хўрознинг тожи каби сўл томонга шалпайиб тушган. Билмадим, онадан туғма шунақами ё кейинчалик бўлганми. Хулласи калом, жудаям хунук бир бурун. Худоёр бекнинг андомини хушсурат деб бўлмайди.

Мана, икки йилдирки, Худоёр бек Донобошда катталиқ қилади. Унинг катта бўлишининг ҳам узун ҳикояти бор. Худоёр бек бошқа катталар каби катта бўлгани йўқ. Одатда каттани жамоат сайлайди. Лекин Худоёр бекнинг катталиги бошқача бўлган, яъни бунга осонгина эришган.

Аввал, яъни бундан икки йил бурун Худоёр бек главанинг¹ човуши² эди. Иш шундоқ бўлдики, глава Худоёр бекнинг онасини сийга³ қилиб олди. Табиийки, глава ўз одами қолиб, бегонани катта қилиб қўймайди. Бир ҳафта ичида каттани сиқиштириб, хизматдан четлаштирди. Бир неча муддат қишлоқ каттасиз қолди. Хулласи калом, бир куни жамоат кўз очиб қараса, Худоёр бек қишлоқнинг каттаси бўлибти-турипти-да. Худоёр бек катта бўлгандан кейин жуда ўзгариб кетди. Аввал ишни либосидан бошлади. Энгил-бошини тозалаб, қўлига бир заранг калтак тутиб олди-да, энди менинг отим Худоёр эмас, Худоёр бек деб эълон этди. Сенга беклик қайдан тега қолди деб сўрашга кимнинг ҳадди бор?! Аммо глава онасини сийга қилиб олгандан кейин Худоёр Худоёр бек бўлиб қолганини халқ яхши билади. Йигирма-ўттиз чоғли кишини Худоёр катта оғилхонага қаматиб қўйганига ҳам сабаб шуки, улар адашиб, Худоёр бек дейиш ўрнига Худоёр катта деб юборишган.

“Хих-хих” дея Муҳаммадҳасан амаки эшакни кўчага олиб чиқди. Эшак кўчага чиқиши билан саккиз ёшлардаги, иштонсиз, бошяланг, кўтир, кал бир бола йиғлаганича кўчага отилиб чиқди ва чинқириб югуриб келиб эшакнинг думига ёпишиб олди. Бу бола Муҳаммадҳасан амакининг кенжа ўғли эди.

– Эшагимни қаёққа олиб кетишади? Ҳечам бермайман, ув-у-в...

Бола ана шундай йиғлаб-сиқтаганича эшакнинг думига қаттиқ ёпишиб олган, уни қимир этгани қўймасди.

Дарвоқе, Муҳаммадҳасан амаки жуда меҳрибон ота бўлиб, у ўз фарзандига озор етишини зинҳор хоҳламас эди. Шунинг учун ҳам унинг ёнига бориб, ҳалимлик билан унга таскин бера бошлади:

– Жим бўл, ўғлим. Эшагинг кечқурун яна уйга қайтиб келади. Унга нима ҳам бўларди? Ахир, мен эшакни сотаётганим йўқ-ку. Худоёр бек амакинг уни шаҳарга миғиб боради, у ерда унга кўп арпа беради.

– Йўқ, ҳечам бермайман... Ҳеч қаёққа кетмайди... Сираям қўй-майман... Бир мартагаям бермайман!..

Шундай деганича бола эшакнинг бошини чивиқ билан буриб, ҳовлига ҳайдай бошлади. Шу пайт Худоёр катта боланинг орқа томонидан келиб, курагига бошлаб...

– Итвачча! Қаерга опкетяпсан эшакни? Кўзинг кўрми, менинг шу ерда турганимни кўрмайпсанми? Терингни шилиб оламан ҳозир!

¹ Г л а в а — бошлиқ.

² Ч о в у ш — навкар.

³ С и й г а — муваққат никоҳ.

Бола “вой-дод” деганича ўзини ҳовлига урди. Худоёр бек эшакни миниб шаҳарга равона бўлди. Қишлоқдошлар ҳам бир-бир тарқадилар. Муҳаммадҳасан амаки каттани кузатиб қўйиб, таъби тирриқ бўлганича ўглининг ортидан ҳовлига кириб кетди.

II

Пешиндан ярим соатлар ўтганда Худоёр бек шаҳарга кириб борди. Худоёр бек Муҳаммадҳасан амакидан эшакни сўраганида, мени начарник чақириб қолди, деган эди. Бироқ у ёлғон айтган, уни начарник чақирмаган, бошқа бир мақсади бор эди. Агар Худоёр катта начарник чақиргани учун шаҳарга келадиган бўлса, анча эрта келиши лозим эди. Начарник девонхонада фақат пешингача бўлишини, пешин бўлиши биланоқ девонхона бекилишини Худоёр бекнинг ўзи яхши биларди. Йўқ, унинг ўзга мақсади бор эди.

Худоёр бек эшакни карвонсаройга қўйиб, ўзи бозорга йўл олди. Етти гирвонкалик¹ каллақандлардан бирини олиб, чакмонининг ичига бекитди ва бозордан чиқиб, Бузхона маҳалласига йўл олди. Бир оз юргач, сўл кўчага кирди. Бу кўчанинг бошига чиққач, яна сўл томон бурилди. Бир тор кўчадан юриб бориб, ариқчадан ҳатлаб ўтди-да, чоққина бир дарвоза олдида тўхтаб, қандни ерга қўйди ва уст-бошининг чангини қоқа бошлади. Сўл оёғини кўтарганича ўнг қўли билан, ўнг оёғини кўтарганича сўл қўли билан шолворининг пойчаларини қоқди, папоғини бошидан олиб, сўл қўлига кийдирди ва ўнг қўли билан у тараф-бу тарафини қоқиб, яна бошига қўндирди. Қандни қўлтиғига уриб, томоқ қириб олганича дарвозани қоқди. Ҳовли ичидан аёл кишининг овози эшитилди:

– Ким у?

Худоёр бек дарвозани яна тақиллатди. Бир оздан сўнг тўрт-беш ёшлардаги бир қизалоқ дарвозани очди ва Худоёр бекни кўрган заҳоти дарвозани ёпиб, ҳовли томон қочди. Ичкаридан унинг чинқирган овози эшитилди:

– Вой, онажон, дарвозада бир катта киши турибди!

Худоёр бек унинг бу гапларидан ишшайиб, ташқаридан қизга сўз қотди:

– Ҳой қизалоқ, қози оға уйдами?

Қизча Худоёр бекдан шунчалик кўрқиб кетган эдики, ҳатто жавоб бергани ҳам журъат этолмади. Шу пайт дарвоза очилди, бир ёшгина йигит дарвозага суянганича таажжуб билан Худоёр бекнинг кўзларига тикилди.

– Қози оға уйдами?

– Уйда, нима гапингиз бор?

– Қози оғани кўрмоқчи эдим.

Йигит ҳеч нарса демасдан дарвозани ёпиб ғойиб бўлди; анчадан сўнг келиб дарвозани очди ва:

– Кириг, — деди.

Худоёр бек бошини эгиб дарвозадан ичкари кирди, икки зинапоядан ўтиб ҳовлига чиқди. Қозининг хотини ҳовлида кир юваётган экан, шекилли; чунки йигитча дарвозани очишдан аввал овоз берди:

– Она, четга чиқинг, киши келди.

Ҳовлининг бир чеккасида сопол жомашов турар, унинг ёнида бир тўда ювилган кирлар уйиб қўйилган эди; мағзава оқиб келиб, дарвоза

¹ Г и р в о н к а — 404,51 грамга тенг оғирлик ўлчови. (Тарж.)

олдида қўлмақ ҳосил қилган эди. Худоёр бек кирган жой ҳовлига ўхшамас, чунки бу ерда тўрт девордан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Ҳовлининг эни ўн қадам, узунлиги ўн беш қадамча келарди. Сўл томондаги девор хом гиштдан эди. Бори шу. Эҳтимол, бу қозининг ташқи ҳовлиси бўлса керак, чунки бу шаҳарда боғчасиз ҳовли йўқ эди. Хуллас, қозининг боғу боғчаси бўладиган бўлса, Худоёр бекнинг бу ташқи ҳовлида бошқа ҳеч нарсага кўзи тушмади.

Йигитча ҳовлининг ўнг томонидаги тор бир йўлакка кириб кўздан йўқолди. Орадан жиндай вақт ўтгач, бели букилган бир қария ушбу тор йўлакдан чиқиб келиб, сўл қўли чўнтагида, ўнг қўлини қошлари устида тутганича бир оз яқин келиб, Худоёр бекка юзланди:

– Нима гапинг бор, иним?

– Амаки, қози оғани кўрмоқчи эдим, бир ишим бор.

– Сен қаердан бўласан, азизим?

– Мен Донобошнинг каттаси Худоёр бек бўламан, қози оғани кўрмоқчи эдим.

– Чакмонингнинг ичидаги нима экан, иним?

– Каллақанд, қози огага олиб келдим. Бир хайрли ишимиз бор унда, бу шунчаки оғиз чучитиш учун.

Қария келган йўли билан қайтиб кетди. Бир неча дақиқадан сўнг ҳалиги йигитча тор йўлакдан чиқиб келиб, Худоёр бекка қўли билан, юринг, дея ишора қилди, Худоёр бек тор йўлакдан йигитчага эрагашиб борганича бир қаҳвахонадан чиқди, оёғини ечиб, йигитча ортидан қози ўтирган хонага кирди.

Худоёр бек ичкари кираркан, шу қадар ҳаяжонландики, ҳатто саломни ҳам унутиб қўйди. У ҳалиги қария уйнинг тўрида ёстиққа ёнбошлаб ётганини кўриб роса таажжубга тушди. Албатта, дарҳол англаб етдики, бу қария қозининг ўзи бўлади. Қози келган бу одам думбул бир кимса эканлигини аллақачон ҳис этган эди. Шунинг учун ҳам Худоёр бекнинг салом бермаганидан наинки ранжиди, балки ўзи ўрнидан туриб салом берди ва унга тўрдан жой кўрсатди.

Худоёр бек ҳам саломлашиб, тўрга ўтди ва каллақандни ерга қўйди. Қозининг хонаси каттакон, баланд ва оппоқ хона эди. Бу хонанинг ўтгиз етгита токча ва тоқлари бўлиб, ҳеч бири бўш эмас эди. Тоқларга қўплаб кўза ва сон-саноқсиз идишлар терилган эди. Токчалардан бир неча самовар, сандиқча, қалён¹, тўрт-бешта рус каллақанди ва бошқа майда-чуйдалар жой олган. Беш-ўн токча бўхча ва кийим-кечак билан лик тўла. Икки токча тўла китоб. Ерга қимматбаҳо гилам, палослар тўшалган.

Хонанинг тўрида учта йирик темир сандиқ қўйилган. Сандиқларнинг устига одам бўйи қилиб гилам, палос, наматлар тахлаб ташланган. Бир томонда, тўрт-беш жойда баланд қилиб ёнма-ён кўрпа-тўшак тахланган ва усти чойшаб билан ёпиб қўйилган. Қози бахмал тўшак устида бир жуфт ёстиққа ёнбошлаб ётарди. Худоёр бек каллақандни чиқариб қўйиши биланоқ қози кула-кула Худоёр бекка юзланиб деди:

– И-е, бу қанд нимаси, нима кераги бор эди?

Худоёр бек ҳам кула-кула жавоб қайтарди:

– Қози ога, бир хайрли иш чиқиб қолди. Бу қандни оғиз чучитма учун келтирдим.

– Умринг чучук бўлсин, иним. Никоҳ ўқитмоқчисан, шекилли?

– Йўқ, қози ога, никоҳ эмас, сийға

– Нима қипти, сийға бўлса янада яхши... Маъқул, маъқул. Оллоҳ муборак қилсин. Сен ўзингга сийға қиласанми ёки бошқа бировга?

¹ Қ а л ё н – чилим.

– Йўқ, қози оға, ўзимга қиламан, агар ишлар жўнашиб кетса.

Қози эшик томон ўгирилиб навқарини чақирди ва унга қандни ўртадан олиб, қалён тўлдириш ва чой келтиришни буюрди. Сўнг яна Худоёр бекка юзланиб:

– Нима дединг, ишлар жўнашиб кетса, дедингми?

– Ҳа, қози оға, агар бир амаллаб ишимизни битириб берсангиз ўлгунча дуогўйингиз бўламиз.

– Бунинг нима мушкулоти бор экан! Сийға бўлса сийға-да, ўқийман, тамом-вассалом.

– Тўғри айтасиз, қози оға, лекин аёл томонидан ҳам бир вакил бўлиши лозим-да.

– Албатта, мен вакил бўлмасин, демадим-ку. Вакил ҳам керак бўлади, гувоҳ ҳам. Вакилсиз, гувоҳсиз сийға ўқилмайди-ку.

Худоёр бек бошини қуйи солганича ўйга чўмди ва ниҳоят:

– Ҳа, шундоқ, — деб кўйди.

Қози тагин Худоёр бекка юзланиб:

– Хўш, қани сенинг вакилу гувоҳларинг? — деб сўради.

– Ҳозирча на вакил бор, на гувоҳ. Кўрайлик-чи, бу ёғи қандоқ бўларкин.

Қози қаттиқ таажжубга тушди:

– Ие, сенинг на вакилинг, на гувоҳинг бўлмаса, қандай қилиб мен сенга сийға ўқийман?

– Ҳа, шунақа, қози оға, шунақа.

– Худо ҳақи, мен сенинг гапингга тушунолмай қолдим. Агар сен сийға ўқитмоқчи экансан, аёл томонидан вакил бўлиши керак, ана ундан кейин мен сийға ўқийман. Агар вакилу гувоҳлар бу ерда бўлмаса, сийгани кейинга қолдирамиз. Ўшалар келгандан кейин сийға ўқийман. Агар бу ишда бошқа бир монелик бўлса, унисини ўзинг билсан.

Худоёр бек қозининг бу сўзларидан сўнг хийла хомуш тортиб қолди, сўнг тиккайиб ўтирганича эшик томон боқиб, баланд овозда деди:

– Гапинг рост, қози оға, менинг бир мақсадим бор. Оллоҳга аён бўлганидан кейин, нега сиздан яширай.

– Шундан гапир-да, ахир. Албатта, нега мендан яширар экансан?!

Эшик очилди, йигитча патнисда икки стакан чой олиб кириб, биттасини қозининг, иккичисини Худоёр бекнинг олдига кўйди. Қози йигитчага чиқиб кетиш ишорасини қилди. Йигитча чиқиб кетгандан сўнг Худоёр бек паст оҳангда гап бошлади:

– Қози оға, гапинг рост шуки, бизнинг Донобош қишлоғида бир бева аёл бор. Мен кўпдан бери уни сийға қилиш фикридаман; аммо аёл унамаяпти. Билмадим, кўрқитадиларми уни ёки бошқа сабаби борми. Ўлсам ўламан, лекин тегмайман, дейди. Шуни деб келдим. Сизнинг хизматингизга келишдан мақсадим шуки, арзимни сизга айтсам, сиз бунга нима дейсиз? Балки бирон чорасини топарсиз?

Шу пайт ҳалиги қизалоқ эшикдан бош суқиб сўради:

– Дада, онам шу ердами?

Қози бир бақариб берган эди, қизалоқ ғойиб бўлди. Сўнг йигитча қозининг ёнбошига қалён келтириб кўйди. Йигитча шу ерда қолмоқчи бўлган эди, қози унга чиқиб кетишни ишора қилди.

Қози қалённи лабига қистириб, меҳмонга юзланди:

– Хўш, энди нима қиламиз дейсан?

– Дардингизни олай, қози оға, қандай қилиб бўлса ҳам шу ишни битказиб беринг.

Қози қалённи қаттиқ бир сўриб торти-да, бошини сарак-сарак қилганича:

– Ие, ўзи келтирганинг икки гирвонка қанд бўлса, шунга зўрлаб хотинни қўйнингга солиб қўяйликми? Тур, йўқол, ҳе қурумсоқ! – деди.

Худоёр бек қозига жавоб бериш учун бир оз тиккайди ва ўнг қўлининг шаҳодат бармоғини кўкка ўқталиб:

– Менга қаранг, қози оға, – деди, – Оллоҳ номига онг ичаманки, агар сиз менинг шу ишимни тўғрилаб берсангиз, бошимни сизнинг йўлингга тикмасам, мальун бўлайин.

– Биродарим, менга сенинг бошинг керак эмас, бошингни Оллоҳнинг ўзи асрасин. Менга мана бу керак, қарагин, мана бу.

Қози бу сўзларни айтар экан, ўнг қўлини ердан каттакон каллақанд бўйи қадар юқори кўтарди. Гапини тугатса ҳам қўлини туширмай турар, шу алпозда Худоёр бекнинг юзига тикилиб қолган эди. Худоёр бек розилик билдиргандан кейингина қўлини туширди. Худоёр бекнинг жавоби эса бундай бўлди:

– Қози оға, нега хаёлингизни бузасиз? Мен сўз бериб, ваъда қилгандан кейин, унинг устидан чиқмайдиган тоифадан эмасман. Киши нега бошига бўрк қўйиб юради? Шунинг учунки, уни эркак деб айтсинлар. Биров сенинг юзингга бир гап айтиб, кўчада бошқа гапни айтса, ундай кишининг эркаклиги қоладими?! Сиз бир калла ўрис қанди сўрасангиз, мен ўн бир қалласини олиб келаман. Нега сиқиласиз? Пулим йўқми менинг? Йўқ, шунчалик мол-давлатим борки, ҳеч қачон сиз каби оғаларнинг олдида хижолат бўлиб қолмайман. Зинҳор беҳуда хаёлларга борманг.

Худоёр бек жим қолди. Қози сўз бошлади:

– Ўз бирлигимиз ҳурмати, Оллоҳ сени ҳеч хижолатга солмасин. Дўстим, мен инсоннинг қанақалигини башарасиданоқ билиб оламан. Мен анча кекса одамман. Ёшим саксондан ҳам ошиб кетган. Ўзимга яраша тажриба ҳосил қилганман. Мен кишининг юзига боққан заҳоти қандай одамлигини билиб оламан. Одамнинг зоҳири – ботинининг ойнасидир. Мен сенинг юзингга боққан заҳоти қандай одамлигингни билгандим. Агар сендан бадгумон бўлсам, ноумид бўлсам, сен билан бунчалик суҳбатлашиб ўтирмас эдим... Лекин, Худога шукур, жуда лаёқатли одам кўринасан. Мен ҳам сенинг олдинда хижолат бўлиб қоладиган иш қилмайман. Ўн битта каллақанднинг менга нима кераги бор? Сен менга иккита каллақанд келтирсанг, бирини ушатиб фуқарога тарқатаман, ўзинг айтганинг каби, оғиз чучитиш учун, битта ўрис каллақанди ўзимга қолади. Вассалом. Менинг сендан бошқа тамаъим йўқ. Майли, агар қандга қўшиб бир гирвонка чой олиб келсанг, йўқ демайман.

– Бош устига, албатта, бош устига, бош устига...

Бу гапларни айтар экан, Худоёр бек сўл қўлини қайта-қайта боши устига қўярди. Охири у сўзини шундай яқунлади:

– Сўраганингиз атиги шуми, қози оға? Ҳаммаси бош устига. Хўш, энди сиз менинг ишимни қандай қилиб тўғрилайсиз?

Қози бошини қўйи солганча бир муддат тасбеҳ чевириб ўтирди, сўнг “ё Оллоҳ” дея ўрнидан турди, бориб китобларни титкилади, охири бир қора жилдли китобни келтириб очди. Кўзойнагини тақиб, паст овозда ўқий бошлади. Қозининг овози чиқмас, лаблари қимирлар эди, холос. Сўл шаҳодат бармоғини китобнинг бир нуқтасига нуқиб, Худоёр бекка юзланди:

– Биласанми, бек, бу жуда мушкул масала. Бунақа ишлар камдан-кам учрайди. Шунинг учун ҳам китоб кўряпманки, қани, шариат бу борада нима буюрар экан?

Қози шундай дегач, яна китобга шўнғиди, анча ўқиганидан сўнг

севинганича китобни ёпиб ёнига қўйди.

– Худо ҳоҳласа, ҳал этаман бу масалани, ҳал этаман, жуда осон йўл билан ҳал этаман. Бек, айт-чи, қанд билан чой қачон келади?

– Қози оға, ҳозироқ, агар рухсат берсангиз, дарҳол бориб олиб келаман. Менга шу ҳам иш бўптими?

– Азизим, аввал қанд билан чойни бу ерга келтириб қўй, сўнг бориб уч-тўртта ҳамқишлоғингни бошлаб кел менинг хузуримга. Аммо уларнинг ҳаммаси дўстларинг бўлсин. Улардан бири келиб менга, бу аёл менинг онам бўлади, у мана бу одамга, яъни сенга эрга тегмоқчи, бу хусусда мени вакил қилган, дейди. Бошқалари бунга гувоҳлик берадилар. Тамом-вассалом. Мен ҳам сийғани ўқийман, шу билан ишинг тугайди.

– Қози оға, иш шу тариқа битса, жуда осон экан. Уч-тўрттаси нима бўпти, қишлоғимиздан юз кишини келтириб тўкаман бу ерга. Нимани сўрасангиз сўранг, менинг айтганимдан чиқмайди улар. Менинг гапимдан чиқишга кимнинг ҳадди бор экан?

Шундай дея Худоёр бек ўрнидан турди.

– Бориб ахтарай-чи, шаҳарда ҳамқишлоқларимдан кимни топа олар эканман.

Худоёр бек эшиқдан чиқаётган эди ҳамки, қози чақириб қолди:

– Бек, бундоқ ёнимга кел, сенга иккита маслаҳатим бор. Аввало шуки, қанд-чой учун, шубҳасиз, пул тўлайсан. Бу пулларни сен ердан супуриб олмагансан-ку... Албатта, пешана теринг билан топгансан. Модомики шундай экан, нарсани яхшисидан олишга ҳаракат қил. Замона жуда бузилиб кетди, кишини куппа-кундузи лақиллатиб кетадилар. Карапет оғага жудаям яхши янги қанд келган, отини Продский дейдилар. Ўша қанддан олишга ҳаракат қил. Чойни энди ўзинг биласан, қанақасидан бўлса бўлаверсин.

Худоёр бек:

– Бош устига, – дея чиқиб кетмоқчи бўлган эди, қози яна уни ортга қайтарди.

– Азизим, менинг иккита маслаҳатим бор, деган эдим. Биттасини айтдим, иккинчисини ҳам айтай, кейин озодсан.

– Марҳамат, қози оға.

– Иккинчи маслаҳатим шуки, бизнинг қилаётган бу ишимиз ўла-ўлгунча иккимизнинг ўртамизда қолсин.

– Ие, қози оға, ёш боламисиз? Мени унчалик нодон деб билманг.

– Кулоқ сол, сўзимни тугатай. Хуллас, бу иш махфий қолиши керак.

– Нега энди?

– Яширин қолиши керак, ҳеч бир кимса бу ишдан хабар топмаслиги лозим. Сенинг бу ерга бошлаб келадиган одамларинг ҳам шунақанги дўстларинг бўлсинки, бировларга оғзидан гуллаб қўймасин. Шунинг учунки, албатта, бу ерда шариатга куфр бир иш йўқ, лекин бундай ишлар жуда оз учрайди, ҳар бир эшитган киши, бу ерда бир хилоф амал бор, деб ўйлаши мумкин. Бас, шу боис ҳам бу иш фақат ва фақат сен, мен ва гувоҳларнинг ўртасида қолиши керак. Вассалом. Энди кетишинг мумкин.

– Бош устига, қози оға, бош устига. Албатта шундай бўлади.

Шундай дея Худоёр бек қозининг уйидан чиқиб, йўлга тушди.

III

Худоёр бек севинганича дарҳол бозор масжиди ёнига бориб, бозор анҳорида таҳорат олди, масжидга кириб намозини ўқигач, бозорга

кирди. Чорсудан қози нишон берган арманини суриштира-суриштира каттакон бир дўкондан чиқиб қолди. Пештахта ортида ўтирган мешқорин бир армани ёзув-чизув билан машғул эди. Худоёр бек дўконнинг у ёқ-бу ёғига назар ташлаб, чубуғини чиқариб тамаки тўлдира бошлади. Карапет оға қаламини ерга қўйиб, Худоёр бекка таажжубланиб қаради. Худоёр бек чубуғини тўлдириб Карапет оғанинг ёнига борди ва қўлтиқ чўнтагидан битта қивик¹ чиқариб, Карапет оға томон чўзди:

– Хизмат бўлмаса, битта гугурт чақиб юбор, шу қивикни ёндириб олай.

Карапет оға жаҳл билан:

– Сенга бу ер қаҳвахона эмас! Йўқол жаҳаннамга, бефаросат! Йўқол! – деди.

Карапет оға тик турганича бу сўзларни айтар экан, гўё пештахта устидан сакраб ўтиб, Худоёр бекни улоқтириб юборгудай бир важоҳатда эди.

Худоёр бекнинг шашти қайтиб, ортга чекинди. Арманининг бу муомаласидан жуда таажжубга тушди. Худоёр бек чубуғини ёқиб олиши учун Карапет оғанинг ўт тутмаслиги унинг тушига кирибдими? Донобош қишлоғида ҳеч ким унга бунақанги беодоблик қила олмасди. Худоёр бек чубуғини чўнтагидан чиқарган заҳоти қивик ёқиб унга тутмасликка кимнинг ҳадди сиғар экан? Лекин на илож? Донобош қишлоғи Донобош қишлоғида қолган. Бу ерни шаҳар дейдилар. Шаҳар Донобош қишлоғининг ўрнини боса олмайди.

Худоёр бек башарасини буриштириб, қош-қовоғини солганича Карапет оғага бундай деди:

– Хозейин, сен бекорга бақиряпсан. Мен сенинг дўконингни талон-тарож қилиш учун келганим йўқ. Сен билан савдо қилгани келдим. Сенинг менга бақириб беришинг ортиқча. Мен сендан қанд олгани келдим.

– Ҳа, сенинг оладиганинг ярим гирвонка қанд бўлади-ю, бунинг учун мен сенинг қўлларингни ўпишим керак экан-да!

Худоёр бек чубуғининг тамакисини тамаки халтага бўшатиб, чубуғини белига осар экан, деди:

– Хозейин, аввал сен менинг кимлигимни билиб ол, кейин бақир-чақир қил. Мен сен айтган кишилардан эмасманки, ярим гирвонка қанд учун келиб бошингни оғритсам. Мен Донобош қишлоғининг каттаси Худоёр бек бўламан. Мен ярим гирвонка эмас, бир бош каллақанд оламан, катта каллалардан.

Карапет оға бир оз юмшади:

– Бош устига. Мен нима дедим! Мен, нега мендан каллақанд олмайсан, деганим йўқ-ку. Мен шуни айтмоқчи эдимки, ёзув ёзиб ўтирганимда менинг тумшуғимга қивғингни ўқталдинг. Мен ёзувда хато қилиб қўйдим. Ишимга иш ортгирдинг. Энди сен кетгандан кейин ёзганларимни қайта кўчириб чиқишим керак.

– Майли, бўлганича бўпти. Ўтган ишга салавот. Хўш, қандни қанчадан берасан менга?

Карапет оға пештахта қопқоғини кўтариб ташқари чиқди, териб қўйилган қандлар ёнига келиб, қўлини каллақандлардан бирининг устига қўйганича:

– Мана қара, бек оғайни, бу жудаям яхши қанд. Бу қандни сенга етти манат икки шоҳий² га бераман. Бу жудаям зўр қанд.

¹ Қ и в и қ – ингичка чўп.

² Ш о ҳ и й – майда пул бирлиги.

– Ҳой инсон, ҳазиллашяпсанми? Ҳамма жойда бундай қандни етти манатга берадилар. Мени содда кўрдингми?

– Қарда еттига берар эканлар? Бўлиши мумкин эмас, худо ҳақи. Етти манат икки шоҳидан бир тийин ҳам камига бермайдилар.

Худоёр бек бир оз жимиб қолиб, яна ўша чубугини олиб тамаки тўлдирди бошлади. Карапет оға чўнтагидан гугурт чиқариб чақди, Худоёр бек чубугини ёқиб олар экан, деди:

– Яхши-яхши! Сенинг қиммат эканингни кўпдан билардим. Сенга бас келиб бўлмайди. Яхши-яхши! Қани, битта каллақанд қўй-чи, қанча келар экан.

Карапет оға каттакон каллақандлардан бирини қучоғида келтириб тарозига қўйди.

– Бу – ўн, бу яна ўн – йигирма. Бу беш, бу уч, бу икки, бу эса ярим. Мана, роса ўттиз ярим гирвонка. Ўттиз гирвонкаси – ўттиз аббосий¹, бу олти манат бўлади, тўққиз шоҳийсини чиқариб ташлаймиз, қолади беш манат ўн бир шоҳийси.

Карапет оға каллақандни тарозидан олиб ерга қўйди.

– Карапет оға, худога шукур, энди билиб олдингми менинг ким эканлигимни?

– Қанақасига билиб олдим?

– Энди билдингми менинг кимлигимни?

– Ҳўш, кимсан?

– Мен Донобош қишлоғининг каттаси Худоёр бек бўламан.

– Мен эса иккинчи гильд купец Карапет оға бўламан.

– Илоё, отангни Худо раҳмат қилсин. Бу гапларни мен шунинг учун айтяпманки, ҳозир дунёда қаллоблар кўпайиб кетган. Биттаси келиб насияга савдо қилади, Оллоҳни, пайғамбарни ўртага қўйиб, уч кун ичида пулини олиб келаман, деб онт ичади. Уч кун ўтади, бир ой ўтади, уч йил ўтади. Лекин агар мен бундай қаллоблик қилсам, Худо урсин. Гапнинг рости, бугун шунақа бўлиб қолдики, шаҳарга пул олиб тушмаган эканман. Ҳозир мен қандни олиб кетаман, иншооллоҳ, эртага эрталаб сенга беш манат ўн бир шоҳийни шу ерга етказиб келаман.

Карапет оға бу сўзларни эшитгач, жаҳд билан қандни жойига элтиб қўйди, қайтиб келиб Худоёр бекнинг елкасига ўнг қўлини қўйганича сўл қўли билан эшикни кўрсатди:

– Қани йўқол! Тез чиқиб кет бу ердан! Дарҳол чиқиб кет!

Худоёр бек индамайгина дўкондан чиқиб кетди. Шом азониға ярим соатлар қолганида Худоёр бек эшакни қолдирган ўша қарвонсаройға етиб келди. Худоёр бек қарвонсаройнинг эшигига етган заҳоти ичкаридан калта бўз камзул, бўз папоқ, оқ иштон кийиб олган бир киши қош-қовоғини уйганича чиқиб келди. У Худоёр бекка юзланиб:

– Ҳой инсон, Оллоҳ отангни раҳмат қилсин, бу гавғодан бизни халос эт! Ҳой ноинсоф, қандай балони келтриб оғилга солдинг, жонимиздан тўйиб кетдик-ку! Худо ҳақи, ҳозир эшакни олиб чиқаман, олгину дарҳол жўнаб қол, – деди.

Шундай дея бу пакана киши – қарвонсарой хизматчиси бўлса керак – қарвонсаройнинг ичига йўл олди. Худоёр бек уни тўхтатиб:

– Оғир бўл, оғайни, қаёққа кетяпсан? – деди. – Қанақа балони келтириб солибман сенинг таблангга? Эшак бошқа эшаклар билан чиқишмай қолганга ўхшайди. Ахир, менинг эшагим ювош эди-ку. Сен нега бундай деяпсан?

Хизматчи қўлини пахса қилганича баланд овозда:

¹ Аббосий – пул бирлиги.

– Ҳой инсон, худо ҳақи, мен билан ҳазиллашма! – деди. – Ҳазилни кўтарадиган ҳолим йўқ. Эшагингни олиб чиқаман, олу жўна!

Худоёр бек ҳам овозини баландлатиб:

– Ҳой оғайни, мундоқ тушунтириброқ айт-чи, нима бўлди ўзи? – деди.

– Тагин нима бўлсин? Кап-катта киши! Бировнинг эшагини ўғирлаб келиб, менинг карвонсаройимга қамаб қўйибсан. Нега? Менда бирор қасдинг бормиди?

– Ҳой, жинни бўлдингми? Ёки кайфинг борми? Мен нега бировнинг эшагини ўғирлар эканман? Худо ҳақи, паст-баланд гапларни айтаверма, кейин пушаймон бўласан!

– Майли, барака топкур, бошқа эшак топа олмаган эканасан, Муҳаммадҳасан амакининг эшагини олиб келиб, менинг бошимни жанжалга соласанми?

– Қанақа жанжалга солибман мен сени?

– Қанақа жанжал бўларди? Сен эшакни таблага қўйиб кетишинг биланоқ, Муҳаммадҳасан амакининг кенжа ўгли карвонсаройга ўқдай отилиб кириб, эшакни олиб кетаман, деб туриб олди. Мен унга қандай қилиб бераман? Тагин нимасини айтай, оғайни! Болакай ўзини ердан олиб, ерга отади, ё ўзимни ўлдираман, ё ҳозироқ эшакни олиб кетаман, дейди. Охири ноилож қолиб, бориб бир городовойони чақириб келдим, у йигитчани ура-ура ташқарига ҳайдаб чиқарди.

– Афсус, афсус, афсуски, ўзим шу ерда бўлмабман-да! Худо ҳақи, нақ ўлигини қолдирардим бу ерда унинг! Уни мен қишлоққа соғ жўнатмасдим! Хўш, нега сен менга дарҳол хабар қилмадинг?.. Майли, бўлари бўпти. Қоронғи ҳам тушиб қолди, энди қишлоққа қайта олмайман. Ўзим ҳам қолишим керак, эшак ҳам. Бу кеча сенинг меҳмонингман энди, Карбалойи Жаъфар амаки.

– Меҳмон бўлсанг, бош устига. Албатта, энди кетиб бўлмайди. Ҳамма ёқ қоп-қоронғи. Дарвоқе, нега бу ерда турибмиз? Кетдик бизникига.

Олдинда Карбалойи Жаъфар амаки, унинг ортида Худоёр, торгина бир қоронғи хужрага кириб келдилар. Карбалойи Жаъфар амаки кирган заҳоти гугурт чақиб, сўл томондаги деворга қоқилган кичкина чироқни ёқди ва меҳмонга жой кўрсатди. Хужрага бир палос тўшалган, тўрда бир кўрпа-тўшак йиғиб қўйилган, бурчакда бир кўза, бир офтоба ва бир супурги бор эди. Қорайиб кетган деворларнинг на тоқи бор эди, на тоқчаси. Худоёр бек деворга орқа берганича палосга ўтириб, чубуғини чўнтагидан чиқарди-да, тамаки тўлдирди бошлади. Сўнг Карбалойи Жаъфар амакига юзланиб деди:

– Қани, ўтир-чи, Карбалойи Жаъфар амаки. Малол келмаса, аввал менга бир олов бер. Кел, ўтир, бир оз суҳбатлашайлик.

Карбалойи Жаъфар амаки ҳам бошмоқларини ечиб, унинг ёнига чўкди ва гугурт чақиб, Худоёр бекнинг чубуғига ўт тутди. Худоёр бек чубуғини тутатиб олди.

– Карбалойи Жаъфар амаки, сен менга бу аҳволотни айтмаганинг яхши эди. Юрагимга ўқ санчгандек бўлдинг. Муҳаммадҳасан амакининг падарига лаънат! У мени халқ ичида расво қилди. Шу ёшга кириб, бу қадар бадном бўлмаган эдим.

Худоёр бек шу сўзларни айтгач, тиккайиб чубуғини Карбалойи Жаъфар амакига узатди. У “ё Оллоҳ” дея чубуқни олиб, бир сўргач деди:

– Тўғри айтасан, Худоёр бек. Лекин Муҳаммадҳасан амаки ҳам нима қилсин? Унинг нима гуноҳи бор? Сен эшакни олганингни унга

айтганинда, бу гаплар бўлмасди. У эшакни сен олганини билганида, ортиндан ўглини ҳам жўнатмасди.

– Ҳой инсон, худо ҳақи, эшакни менга Муҳаммадҳасан амакининг ўзи берди. Эшакни менга у даоснинг, у курумсоқнинг ўзи берди, у аблахнинг ўзи берди. Ҳой инсон, нега ишонмайсан?

– Нега ишонмас эканман? Ишонаман.

– Қуръони мунзал ҳақи, унинг ўзи берди. Наҳотки мен, уч юз хонадоннинг каттаси, атиги битта эшак топа олмай, бировларнинг эшагини ўғирласам?

Карбалойи Жаъфар қоматини тиклаб, чубуқни Худоёр бекка қайтарди. Худоёр бек бир-икки сўриб олгач гапида давом этди:

– Мана энди кўрасан, Карбалойи Жаъфар амаки, агар Муҳаммадҳасан амакидан қасдимни олмасам, мана шу соқолимни кесиб ташлайман!

Карбалойи Жаъфар амаки жилмайиб қўйди ва чўнқайиб ўтирганича сўраб қолди:

– Ҳўш, сен уни нима қила оласан?

– Мен унинг кўзини ўйиб оламан! Нима қилар эдим уни? Мен унинг каттаси эмасманми, ахир? Унинг менга иши тушмайдиган куни йўқ. Нима қилардим? Балчиққа қориб, устига чиқиб топтаб ташлайман.

Шу пайт ўн-ўн икки ёшлардаги бир бола қўлида бир декча осилтириб кирди, декчани ерга қўйиб, Карбалойи Жаъфарга юзланди:

– Дадажон, бугун онам гўштни бир оз куйдириб юборибди, ея олармикансиз? Бир кўринг.

Карбалойи Жаъфар газабланиб деди:

– Ҳе онангнинг отасини гўрига... Астағфируллоҳ! Шайтонга минг лаънат. Шунчалик ҳам бадбахт бўламанми мен? Итнинг қизи гўштни куйдирмаган, мушукка олдирмаган куни йўқ!

Бола бошини қўйи солиб деди:

– Йўқ, дадажон, онамнинг ҳеч гуноҳи йўқ. У бугун ҳаммомга кетган эди. Ҳар замон гўштга қараб тур деб Фунчага тайинлаган эди. Фунча алаҳиб кетиб, гўштни куйдириб қўйибди.

– Ҳе, онангнинг бошига ҳаммом қулаб тушсин! Келиб-келиб онанг бугун борадими ҳаммомга?

Бола ҳайрон бўлиб сўради:

– Унда қачон бориши керак?

Худоёр бекнинг очликдан силласи қуриб қолган эди; сахардан бери, қишлоқдан чиққанидан буён, қозининг бир стакан чойини айтмаганда, туз ҳам тотмаган эди. Бола декчани ичкари олиб кирган заҳоти бўзбошнинг¹ ҳидидан Худоёр бекнинг боши айланиб кетди, ичида Карбалойи Жаъфарнинг хотинини роса сўкди. Худоёр бек қараса ота-боланинг ҳангомаси чўзилиб кетадиган, унинг эса очликдан ичи қулдираб ётибди; шу боис бу суҳбатга чек қўйиш учун ўртага гап солди. У декчани черганича:

– Карбалойи Жаъфар амаки, нима десанг даявер, айтмоқчиманки, балки боланинг хабари йўқдир. Гўшт сираям куймаган, фақат яхши қоврилган. Қара, гўштнинг ажойиб ҳиди чиқяпти, — деди.

Карбалойи Жаъфар ўрнидан туриб, бир бурчакдан сариқ бир қошиқ топиб келди-да, декча ёнига чўнқайди. Декчанинг қоққоғини очиб, шўрвадан бир қошиқ ичиб кўрди, оғзини чапиллатганича, қовоғини уйиб Худоёр бекка юзланди:

– Йўқ, бу гўштни еб бўлмайди.

Хуллас, Карбалойи Жаъфар бир оз хотинидан шикоят қилди, уни

¹ Б ў з б о ш — нўхатшўрва.

сўқди, лаънатлади. Охири ноилож қолиб, ўртага дастурхон ёзди, лаганга қотган нон тўғраб, ўнг қўли билан декчани унинг устига ағдарди, сўнг гўшт бўлақларини бир-бир санаб декчага қайтариб солди. Икки қўлини паншаха қилганча нонни аралаштиргач, Худоёр бекка манзират қилди:

– Бисмиллоҳ, Худоёр бек, қани, яқинроқ ўтир-чи. Гўшт куйган бўлса, бахтингдан кўр, хо-хо-хо...

Худоёр бек яқин ўтириб таомга қўл чўзди. Бир неча бўлак олгач деди:

– Карбалойи Жаъфар амаки, худо ҳақи, сен жуда ноинсоф одам экансан. Ҳой инсон, ким айтади бу этни куйган деб? Сираям куйган эмас. Бундан яхши пишган эт бўлмайди.

Худоёр бек ёлғон айтди. Аввалло шунинг учунки, у жуда очиққан эди. Оч одамга куйган гўшт ҳам лаззатли туюлади. Иккинчидан, бу ер шаҳар эди, ҳар нима бўлганда ҳам, шаҳар бўзбоши билан қишлоқ бўзбоши бир хил бўлмайди. Шаҳар бўзбошининг куйиб кетгани ҳам қишлоқ бўзбошининг энг мазалисидан мазалироқ бўлади.

Хуллас, Карбалойи Жаъфар ва Худоёр бек тановул билан машғул бўлдилар. Бола бир оз ўтирди-да, сўнг чиқиб кетди. Худоёр бек сўл оёғини олдинга узатиб, ўнг оёғини тикка букиб ўтирар, шу оёғи дастурхоннинг устига чиқиб қолган эди. Карбалойи Жаъфар эса чўк тушганича таомнинг устига энкайиб олган, бурни лаганга тегай-тегай деб турарди.

Овқатни еб тугатишди. Карбалойи Жаъфар дастурхонни, идиш-товоқларни йиғиштириб бир чеккага қўйди. Ҳар иккиси қўлларини артишиб, орқага сурилиб ўтиришди. Худоёр бек бир уҳ тортиб, чубуғини чиқарди, унга тамаки тўлдириб, ўт туташтирди, бир-икки сўриб, Карбалойи Жаъфарга узатди.

– Карбалойи Жаъфар амаки, менга етти манат пул керак бўлиб қолди. Қандай йўл билан бўлса ҳам топиб, ишимни битириб беришинг керак.

Карбалойи Жаъфар ўйлаб ҳам ўтирмасдан жавоб қилди:

– Худоёр бек, худо ҳақи, менда пул йўқ. Бўлса агар қайси қурумсоқ сендан аяр эди?

– Ўзингда бўлмаса, бошқадан топ. Хуллас, мен ҳеч нарсани билмайман, қандай йўл билан бўлса ҳам топиб беришинг керак.

Карбалойи Жаъфар бир оз ўйланиб туриб, деди:

– Гапинг-ку тўғри-я. Лекин ҳозир замон бузилиб кетди. Қани энди сенга қўлини чўзадиган бир банда топилса. Ҳозир мен бировга бориб, менга етти манат зарур бўлиб қолди, десам, аввал ўн етти манатлик бирор нарсангни келтириб залог¹ қўй дейди.

– Ҳечқиси йўқ, нима қипти? Сен шундай бир одам топки, менга етти манат берсин, мен унга ўн етти манатлик нарсани гаровга қўяман. Ҳўш, нима дейсан?

Карбалойи Жаъфар яна бир муддат ўйга чўмиб, сўради:

– Ҳозир ёнингда нима нарсанг борки, залог қўйсанг?

– У сенинг ишинг эмас. Сен пулни топ, мен гаров қўяманми ёки йўқ – ўшанда кўрасан.

– Ахир, сен қандай нарсани гаровга қўйишингни мен қайдан билай?! Балки пулнинг эгаси сен қўядиган нарсани қабул қилмас?

Худоёр бек бошини қўйи солди. Чубуғни олиб тамаки тўлдира бошлади. Сўнг Карбалойи Жаъфарга юзланиб паст овозда деди:

– Карбалойи Жаъфар амаки, сен кимдан бўлса ҳам менга етти манат топиб бер, миниб келган эшагим залог бўлсин. Қачон мен сенинг пулингни қайтариб келсам, сен ҳам эшакни ўзимга қайтариб берасан.

¹ З а л о г – гаров (рус).

– Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳа-ҳа-ҳа!.. Худоёр бек, сенинг катта бойлигинг бор экан...
ҳа-ҳа-ҳа! Ҳой инсон, сен ҳазиллашяпсанми... Ҳа-ҳа-ҳа!

– Нега куласан, оғайни? Қайси аҳмоқ ҳазиллашади?!

– Ҳа-ҳа-ҳа!.. Ҳой инсон, эшак сеники эмаски, гаровга қўйсанг! Эртага
эшакни эгаси келиб олиб кетади-ку!.. ҳа-ҳа-ҳа...

– Секин, ҳой оғайни, секинроқ кул, мен гапимни айтиб тугатай.
Худо ҳақи, мен ҳазил қилаётганим йўқ. Қани айт-чи, эшакнинг эгаси
сендан нима деб эшакни сўрайди? Хўш, келиб: “Менинг эшагим шу
ерда, эшакни бер”, дейдими? Сен: “Кимнинг гувоҳлигида сен менинг
карвонсаройимга эшак олиб келгансан?” дейсан. Ёки у: “Эшагим нима
бўлди”, деса, сен “Эшакни бу ерга ким миниб келган бўлса, ўша киши
олиб кетди”, дейсан. Қолганини мен биламан, эшакнинг эгаси билади.
Сенга нима дахли бор?..

Худоёр бек шундай дея чубуғини Карбалойи Жаъфарга узатди. У
ҳам чубуқни олиб чекишга тушди. Уларнинг суҳбати чўзилгандан-
чўзилди. Униси ундоқ деди, буниси бундоқ. Охири шундай шартга
келдилар: Жаъфар Худоёр бекка етти манат беради, эшак эса унинг
ихтиёрида қолади. Сотадими, яшириб қўядими ё бошқами – нима қилса
ўзи билади. Худоёр бек қишлоққа қайтгач, эшак карвонсаройдан
ўғирланипти, деб эълон қилади. Мободо Муҳаммадҳасан амаки учиб-
қўнадиган бўлса, жанжал кўтарса, Худоёр бек, мировой судга ариза
бердим, карвонсаройчидан эшакни талаб қиладиган бўлди, деб онт
ичади. Агар Муҳаммадҳасан амаки шаҳарга келиб, Карбалойи
Жаъфардан воқеани суриштирадиган бўлса, Карбалойи Жаъфар,
ҳақиқатан ҳам эшак ўғирлаб кетилди, Худоёр бекнинг бу ишда ҳеч
бир айби йўқ деб онт ичсин, уни ишонтирсин. Ана шу ҳийла ўйлаб
топилгандан сўнг Карбалойи Жаъфар ташқари чиқди, анча ҳаяллаб
кетганидан сўнг, қайтиб келиб жойига ўтирди ва чўнтагидан битта
беш манатлик, иккита бир манатлик чиқариб, Худоёр бекнинг олдига
қўйди. Худоёр бек пулни олиб чўнтагига тикди, қаддини кериб, ўнг
қўлини Карбалойи Ҳасанга узатди:

– Қўлни бер.

Карбалойи Жаъфар ҳам Худоёр бекка ўнг қўлини чўзди.

– Карбалойи Жаъфар амаки, Оллоҳ сенинг ўғлингни ўз паноҳида
асрасин, ўзингга ҳам сиҳат-саломатлик ато этсин. Ўз бирлигимиз ҳақи,
сенинг ушбу савдонгга барака берсин.

IV

Худоёр бек, овқатдан қорни тўйиб, етти манатни чўнтагига уриб,
роҳатланганича бемалол чўзилиб ётди. Афтидан, кўпдан бери унинг
уйқуси ушбу кечадаги каби ширин бўлмаган эди.

Бироқ дунёда баъзан-баъзан, балки кўп ҳолларда жуда таажжубли
ишлар учраб туради. Масалан, ҳозир бу ерда Худоёр катта маза қилиб
ухлаб ётарди. Лекин айни шу пайтда Донобош қишлоғининг уч жойида
мотам, бунга эса Худоёр бекнинг ўзи сабабчи эди. Чиндан ҳам бу
кулгили ва ажойиб бир ҳол эди. Шунинг учун ҳам ажойиб бир ҳол
эдики, бундан одам кулади, қулиб юраги ёзилади. Йўқса ғам-ғусса
туғдирадиган ҳикоятнинг кимга кераги бор?!

Дарвоқе, ҳозир, ушбу дақиқаларда, ушбу кеча тонгга қадар Донобош
қишлоғининг уч хонадонида мотам эди. Бири Муҳаммадҳасан
амакининг хонадонида бўлиб, бунинг сабаби маълум, иккинчиси
Худоёр бекнинг ўз хонадонида ва учинчиси Худоёр бек уйланмоқчи
бўлган аёл, яъни Зайнабнинг хонадонида. Ҳозирча Худоёр бек шаҳарда

қола турсин, биз Донобош қишлоғига қайтиб, Зайнабнинг мотамидан бошлайлик ва бошқаларига кўчиб ўтайлик.

Зайнаб қирқ-қирқ икки ёшлардаги тўлагина қорамғиз аёл эди. Бундан икки йил аввал унинг эри Карбалойи Ҳайдар вафот этган, Зайнаб Валиқули деган ўн етти яшар бир ўғли, етти яшар Физза ва тўрт яшар Зебо деган икки қизи билан бева қолган эди. Зайнаб қанақанги Зайнаб эди!

Қани энди аввалги Зайнаб? Уни бундан икки йил илгари кўрган киши эндиликда ҳеч таниёлмай қолади. Уни эри Карбалойи Ҳайдарнинг тириклигида кўрсангиз эди. Зайнаб гўзалликда Донобош қишлоғининг яктоси эди.

Зайнаб бир етимча қиз эди. Аммо жуда чиройли бўлгани учун бибиси уни ўз ўғлига олиб бериш учун уйига келтириб асради. Лекин бибисининг ўғли вафот этди, Зайнабнинг номи эса шунчалик шуҳрат топдики, совчи устига совчи тўкилиб кела бошлади. Бир йилнинг ичида Зайнабга ўн тўртта харидор чиқди деб онт ичадилар. Ҳаммаси ҳам эс-хушли, таг-тубли жойлардан. Охири тақдир шу бўлдики, Зайнабни Ҳайдарга никоҳлаб бердилар ва бу жуда яхши бўлди. Чунки Ҳайдарнинг отаси Карбалойи Исмойил қишлоқнинг мўътабар зотларидан бири бўлиб, унинг бошқа талабгорлардан на мол-давлатда камлик жойи бор эди, на иззат-ҳурматда.

Зайнаб Ҳайдарга текканидан уч йил кейин Карбалойи Исмойил вафот этди ва у ўзидан тўққиз эшак, тўрт-беш бош қорамол, еттита эчки, икки таноб ер қолдириб кетди. Албаттаки, бу мероснинг ярмиси Ҳайдарга, қолган ярми акаси Ризога тегди.

Бир йилдан сўнг Ризо вафот этди. Ҳайдар отасининг мол-давлатининг ягона эгаси бўлиб қолди ва иши кундан-кун ривож топа бошлади. Лекин шу билан бирга харажати ҳам оз эмасди, албатта. Аввало, отаси ва акасининг хайри худойиси ҳамда уларнинг майитини Карбалого жўнатиш харажати; кейин эса ўзи ҳам Карбалого бориб келди ва иши анча орқа кетди. Нега ҳам орқа кетмасин? Унинг ҳисоб-китобига кўра отаси ва акасининг майитларини Карбалого жўнатиш ва ўзининг Карбалого бориб келиши учун нақ икки юз манат харж бўлган эди. Аммо Оллоҳ таолонинг қарами кенг. Чунки бу пулларни Карбалойи Ҳайдар хайрли ишларга сарфлаган эди, охир-оқибатда Оллоҳ таоло ўз қудрати ила яна Карбалойи Ҳайдарнинг ишни ўнглаб қўйди. Шу қадар ўнгладики, у ўлгандан сўнг мотам харажатларига етмиш манат сарфланди, бундан ташқари, хотини Зайнабга икки юз эллик манат, ўғлига бир юз қирқ ва ҳар бир қизига юз манатдан маблағ мерос қолди. Қолган ерларни хотини ва қизига васият қилди. Ҳовли эса ўғли Валиқулига қолди.

Карбалойи Ҳайдарнинг ўлими хотини Зайнаб учун оғир мусибат бўлди. Эрининг ўлимига қаттиқ қайғурди шўрлик аёл. Ҳозир ҳам ҳар жума оқшоми эрининг қабрига бориб, каттагина маърака қилиб келади. Шунга қарамай, Зайнаб зигирча ношукурлик қилмайди. ғам-ғусса оғушида бўлса ҳам, етказган бир парча нони учун, ўзгаларга муҳтож қилиб қўймагани учун ҳамиша Оллоҳга шукрона ва ҳамду санолар айтади. Вояга етган ўғли ва икки қизи борлигига шукур қилади... Яна Оллоҳ баракат берсин, буларнинг ҳаммасига шукрона айтиш керакда, ахир.

Зайнаб ўғлидан мингдан-минг рози. Шунинг учунки, Валиқули отасига кўрсатмаган хоксорликни онасига кўрсатиб келяпти. Валиқули наинки онасининг, балки бошқаларнинг ҳам гапини икки қилмайдиган йигит эди. Онаси ўл деса ўлар, тирил деса тириларди. Отаси ўлган кундан то

ҳозиргача Валиқулининг ўз ишини бир четга қўйиб, тенг-тўшлари билан дайдиб ёки кайф-сафо қилиб юрганини ҳеч ким кўрган эмас. Инсофан айтганда, Валиқули жуда ювош йигит эди. Ҳозирга қадар Зайнаб Валиқулидан бир бора бўлса ҳам ранжигани йўқ эди. Аммо кейинги пайтларда Валиқули билан онасининг орасидан ола мушук ўтиб қолди.

Воқеа мана бундай бўлди.

Ҳикоятни бошидан бошлай қолайлик. Мархум Карбалойи Ҳайдар билан Худоёр катта қалин дўст эдилар. Ёшлик чоғларидан то Карбалойи Ҳайдар ўлган кунга қадар уларнинг орасидан қил ҳам ўтмасди. Бири иккинчиси учун жон бериб, жон оларди. Кечаю кундуз юриш-туришлари бир, еб-ичишлари бир, бориш-келишлари бир эди. Уларнинг дўстлиги шу даражага етдики, эл улардан бадгумон бўла бошлади. Чунки уларнинг дўстлигини ҳар ким ҳар хил тушунарди. Бировлар ҳатто, улар яширинча нариги томондан (Озарбайжоннинг Эрон худудидаги қисми) кандробат¹ мол келтириб сотади, деган гапни ҳам айтар эдилар. Йўқ, бу бекор гап, шунчаки уйдирма эди. Шунинг учунки, Худоёр бекни билмайман, лекин Ҳайдар мундоқ отга минишни ҳам эплай олмасди.

Баъзи кимсалар, улар қалбаки пул ясади, дер эдилар.

Бу жуда таажжубли нарса. Донобош қишлоғи қайда-ю, қалбаки пул яшаш қайда?! Дарвоқе, Донобош қишлоғида ҳақиқий пул билан қалбаки пулнинг фарқига борадиларми ўзи? Ҳақиқий пул билан қалбаки пулни ажрата оладиган кимса топиладими ўзи? Йўқ, асло.

Хуллас, ҳар ким ўзича ҳар нарсани гумон қилар эди.

Қисқаси, халқ нима деб гумон қилса қилаверсин, лекин зоҳиран Карбалойи Ҳайдар билан Худоёр бекнинг дўстлиги мустаҳкам дўстликка ўхшарди.

Ўтган кунлардан бири, қиш фасли эди. Кеча яримлаб қолган эди. Ҳар икки ўртоқ, яъни Карбалойи Ҳайдар билан Худоёр бек ва улардан ташқари Карбалойи Ҳайдарнинг қўшниларидан бир неча киши Карбалойи Ҳайдарнинг табласида суҳбатлашиб ўтирар эдилар. Маълумки, узун қиш кечаларида ухлаб тонг оттира олмайсан. Шунинг учун Донобош қишлоғида ота-боболардан қолиб келаётган бир одат бор эди: ҳар бир маҳалла аҳли бир таблага йиғилиб олиб, ярим кечагача ҳангома, суҳбат, ўйин-кулги билан машғул бўлардилар, чунки қишда қиладиган тайин бир иш йўқ эди. Аксарият ҳолларда ўтирганлардан бири қизиқроқ бир воқеа, ҳикоятни сўзлаб берар, бошқалар уни тинглаб ўтирар эди.

Бинобарин, Худоёр бек бир томонда, Карбалойи Ҳайдар иккинчи томонга ўтириб олиб, бу ҳикоятларга қулоқ солар эдилар.

Донобош қишлоғининг муллasi Мулла Пирқули “Бахтиёрнома”² китобидан бир воқеани ўқиб бермоқда эди. Ўтирганларнинг диққат-эътибори муллада эди. Иттифоқо, бу икки ўртоқнинг хотинлари ҳомиладор эди. Ушбу кечада иккала аёлни ҳам дард тутиб қолди. Ҳикоя энг ширин жойига етган ҳам эдики, табла эшиги гирчиллаб очилди. Таблага икки ўғил бола, бир қизалоқ кириб, маҳалла аҳлига яқин келишди. Чунки табла ним қоронғи бўлиб, болалар излаган кишиларини кирган заҳоти таний олмадилар. Ниҳоят, давра ичидан Карбалойи

¹ К а н д р о б а т — русча контрабанда (давлат чегарасидан ўгринча ўтказилган мол) сўзининг бузилган шакли. (Тарж.)

² “Б а х т и ё р н о м а” — паҳлавий тилида яратилган қадимий дostonлардан бири. Кўпгина тилларга таржима қилинган. Ёзма адабиётда бир неча асарнинг мазмуни “Бахтиёрнома”дан олинган. Бу дoston ва унинг асосида яратилган дostonлар Табризда бир неча марта тошбосма усулида чоп этилган. (Муаллиф изоҳи)

Ҳайдарни топиб олиб, суюнчи сўраганча унинг бошига ёприлдилар:

– Амаки, суюнчи беринг, ўғил кўрдингиз. Беринг энди суюнчисини.

Карбалойи Ҳайдар қўлини чўнтагига тиқиб, жийда чиқарди-да, болаларга бир ҳовучдан бериб жўнатиб юборди. Мулла Пирқули ва бошқалар Карбалойи Ҳайдарни муборакбод этдилар. Мулла ҳикоятни ўқишда давом этди. Худоёр бек ҳам ўртоғини қутлаб, фикрга чўмди. Сўнг Карбалойи Ҳайдар томон юзланиб, қўлини чўзганича уни чақириб қолди. Мулла, Худоёр бек нима дер экан, деб жим бўлди.

– Карбалойи Ҳайдар оғайни, қўлингни бер менга.

Карбалойи Ҳайдар Худоёр бекка қўлини узатди. Зеро, ҳар икки ўртоқ бир-биридан узоқроқ ўтиришган эди, шунинг учун ҳам бир-бирига қўл беришаётганда ҳар иккиси ҳам энкайиброқ ўрнидан турди. Қўл ташлашлари биланоқ Худоёр бек гап бошлади:

– Карбалойи Ҳайдар оғайни, азизим, нури дийдам! Сен ўғил кўрдинг, ўз бирлигимиз ҳаққи, Оллоҳ уни сенга кўп кўрмасин. Оғайни, ҳозир менинг хотиним ҳам оғироёқ бўлиб турибди. Бунинг ўзинг ҳам билсанг керак. Оғайни, кел, шу давра олдида аҳд қилайлик. Агар ҳозир менинг ҳам ўғил кўрганам ҳақида хабар келса, унда ҳар иккиси оғайни бўлишига фотиҳа ўқийлик. Улар ҳам иккимиз каби оғайни бўлсинлар. Ё агар мен қиз кўрсам, сенинг ўғлингга унаштирайлик.

Ҳаммадан аввал мулла ўз розилигини изҳор этди ва Худоёр бекнинг бу таклифини жуда алқаб деди:

– Зи ҳар тараф ки шавад гушта суди исломаст. Жуда яхши, жуда ажойиб. Ҳар тарафдан, яъни ҳар қанақасига олиб қаралса ҳам, бу исломга мувофиқ келади. Жуда гўзал, жуда гўзал.

Мулла Пирқули билардики, айтган фардининг мазмунини ҳеч ким тушунмайди; тушунсалар ҳам, яхши маънода тушунадилар. Яъни, бу савдонинг ҳамма жиҳати исломга мувофиқ келади.

Мулла ислом деганда ўзини назарда тутган эди; чунки у ундоқ фотиҳа ўқиса ҳам, бундоқ фотиҳа ўқиса ҳам ўзига бир ширинкома тушишини яхши билар эди. Шубҳасиз, ҳар қанақасига бўлса ҳам, бу охунднинг фойдасига эди. Хуллас, аҳд боғланди ва худди шу пайт Худоёр бекнинг қиз кўрганлиги ҳақида хабар келди. Карбалойи Ҳайдар ўғлининг исмини Валиқули, Худоёр бек қизининг отини Гулсум қўйди. Ушбу кеча Мулла Пирқули Валиқулини Гулсумга унаштириш фотиҳасини ўқиди.

Шу воқеадан сўнг Карбалойи Ҳайдар билан Худоёр бек ўртасидаги меҳрибончилик янада ортди. Чунки эндиликда улар ҳам садоқатли дўст, ҳам яқин қариндош бўлиб қолган эдилар. У бунинг уйдан, бу унинг уйдан чиқмас эди. Эҳтимол туғишган оғайнилар ҳам бир-бирига бу иккаласи каби меҳрибон бўла олмас эди. То Карбалойи Ҳайдар ўлган кунга қадар бу икки ўртоқнинг ўзаро муҳаббати ва дўстлигига заррача раҳна тушмади.

Буларнинг бунақанги дўстлигини кўрган жамоат Карбалойи Ҳайдарнинг вафоти Худоёр бекка жуда қаттиқ таъсир қилади деб ўйлаган эди. Бироқ Худоёр бек оғайнимиз ўзини шундай тутдики, халойиқнинг ҳайратдан озги очилиб қолди. Карбалойи Ҳайдарнинг жони оғзидан пуф этиб чиққан заҳоти Худоёр бек Зайнабнинг олдига, зинҳор-базинҳор бошқа бировга ваъда бермасин ва бошқа бировга тегишни хаёлига ҳам келтирмасин, дея одам жўнатди. Нега? Шунинг учунки, Карбалойи Ҳайдар унга, яъни Худоёр бекка, Зайнабни унинг ўзи олсин, бошқа бир номардга эрга теккани қўймасин деб васият қилган эмиш.

Хуллас, бу гап қишлоқ орасида шуҳрат қозонди. Ҳамма тушуниб етдики, марҳум Карбалойи Ҳайдар билан Худоёр бек на қалбаки пул

ясар эканлар, на у томондан бу томонга кандробант мол келтириб сотар эканлар. Ҳамма тушуниб етдики, бу икки ўртоқнинг муҳаббати наинки бир-бирига нисбатан, балки бир-бирларининг хотинларига нисбатан ҳам экан. Ким билсин, балки Худоёр бек ўлганида, Карбалойи Ҳайдар ҳам унинг хотинини сўрармиди?

Зайнаб Худоёр бекнинг совчисига, Худоёр бек ҳанграб-ҳанграб ўз тенгини топсин, у менинг тенгим эмас, уни эшигимга қоровул қилиб ҳам олмайман, деб жавоб берди. Зайнаб Худоёр бекка шунинг учун ҳам бунақанги жавоб қилдики, аввало, эрининг тупроғи ҳали совигани йўқ эди. Эрининг азаси чиқмай туриб, эр топишга тушиш унга раво келадими, ахир? Иккинчидан, яна шунинг учун бунақанги жавоб қилдики, Карбалойи Ҳайдар ўлган заҳоти Зайнабга икки муносиб жойдан харидор чиққан эди. Бири Донобош қишлоғининг мўътабар ва ҳурматли зотларидан бўлмиш Ҳожи Ҳамза, иккинчиси Чарчибўғон қишлоғининг главаси Холиқбердибой эди. Уларнинг ҳар иккисига ҳам Зайнаб, эрга тегиш хошим йўқ, деб жавоб берди. Учинчидан, Зайнаб Худоёр бекка шунинг учун ҳам бунақанги жавоб қилдики, ўзи қандай кунга тушмасин — камбағалми ё бой, ёшми ё кекса, чиройлими ё хунук — юз йил эрсиз қолса қоладики, лекин юзини Худоёр бекнинг одамга ўхшамайдиган башарасига ва шалпайиб тушган бурнига суртмайди. Худоёр бекнинг совчисига Зайнаб айнан шундай деб жавоб берган эди.

Лекин Худоёр бек Зайнабдан ҳамон умидини узмас, балки бора-бора тақдирига тан бериб юмшалар, эпақага келиб қолар деб ўйлар эди. Ва ҳаммадан кўпроқ Валиқулига умид боғлаган эди.

У Валуқули анчадан бери Гулсумнинг оловида куйиб юрганлигини билар эди; ҳатто охирги вақтлар у тўй фикрига ҳам тушиб қолган эди. Модомики шундай экан, ҳали умид бор, яъни Худоёр бекнинг умиди шу эдики, Валиқули онасини бирор чора, бирор тadbир билан йўлга солади. Зайнабнинг эр қилиш ташвиши авваллари Валиқулининг парвосига ҳам келмасди. Унга нима даҳли бор? Онаси кимга тегса тегаверсин, фақат ўз ёри Гулсум омон бўлса бас.

Дарвоқе, Валиқули ўз нишонлисига қаттиқ ошиқ бўлиб қолган, уни ҳаддан зиёд яхши кўрарди. Аммо ишлар шунақасига кетдики, Зайнаб Худоёр бекка рад жавобини берган заҳоти Худоёр бек, аввало, энди қизини Валиқулига бермаслигини маълум қилди, қолаверса, марҳум Карбалойи Ҳайдарнинг ундан, яъни Худоёр бекдан ҳужжат билан тасдиқланган икки юз манат қарзи бор, шикоят-миқоят қилиб юрмасдан шу қарзни зудлик билан тўлаб қўйсинлар деб Зайнаб билан Валиқулига ўз талабини қўйди. Зайнаб Худоёр бекка, модомики у қизини Валиқулига бермоқчи эмас экан, у қизга менинг ҳам кўзим учиб тургани йўқ, деб жавоб қилди. Ва агар Карбалойи Ҳайдарнинг ундан икки юз манат қарзи бўлса, қоғозини девонга элтиб топширсинда, пулни ҳам девондан олсин.

Валуқулининг бу воқеалардан сира хабари йўқ, чунки ўша куни Валиқули далада, эрга уруғ сочиб юрган эди. У даладан қайтиб, молларни оғилга солди, уйга кириб қараса, онаси хафа ўтирибди, у ҳайрон бўлиб, бунинг сабабини сўради. Зайнаб бир бурчақда тиззалаб ўтирганича пайпоқ тўқирди. Чеҳраси жуда ғамгин эди. Зайнабнинг сўл томонида Физза қизи ёнбошлаганича онасининг юзига синчковлик билан тикилиб турарди. Чеккадаги тақир бир ерда Зебо қизи ўз-ўзича нимадир ўйнамоқда эди. Валиқули ичкари кирган заҳоти Зайнаб ўғлига бир қараб қўйди-да, ўнг қўли билан рўмолига кўзларини яширди, Валиқули онаси йиғлаётганини сизди. У бир чеккага келиб ўтирди-да, оёқларини узатиб, ҳориган киши каби деворга таянди.

– Она, нима қилиб ўтирибсиз, нега йиғлаяпсиз?

Зайнаб бош кўтариб ўғлига қаради. Кўз ёшлари тонгги шабнам каби киприкларини намлаган эди.

– Йўқ, ўғлим, йиғламаяпман. Нимасига йиғлайман?

Зайнаб ўғлининг юрагини сиқмаслик учун йиғлаганини билдир-масликка зўр бериб уринаётганлиги шундоққина билиниб турарди. Аммо овозидан унинг роса йиғлаганини дарҳол сезиб олиш мумкин эди.

Физза қаддини тиклаб ўтирганича акасига тўлиқиб гапира кетди:

– Акажон, онам ёлғон айтяпти. Онам ҳалидан бери йиғлаб ўтирибди. Ҳаммамиз ҳам йиғладик. Ҳали...

Қизчанинг яна нимадир айтадиган гапи бор эди, бироқ онаси унинг гапини кесди:

– Бўлди, бўлди. Бас қил. Ёлғон гапирма. Йўқ, Валиқули, ҳеч гап бўлгани йўқ. Ёлғизликдан бир оз юрагим сиқилди, йиғлагим келди; ҳеч нарса бўлгани йўқ.

– Она, сизнинг азангиз қиёматгача тугамайдиганга ўхшайди. Нимасига бунча йиғлайсиз? Ахир, отамнинг ўлганига неча йиллар бўлган бўлса...

– Ака, бир хотин келиб, Гулсумни сенга сираям бермайман, деди, онам шунга йиғлади.

Зайнабнинг жаҳли чиқиб, Физзага бақриб берди:

– Йўқ бўл жаҳаннамга, Ярамас! Тур, йўқол!

Физза ўрнидан туриб, тагин ўтириб олди.

Валиқули ҳайрон бўлиб онасига юзланди:

– Она, сизда бир гап бор, лекин, билмайман, нега айтмайсиз. Физза нимани айтяпти? Бу ерга қанақа аёл келди?

– Сакина хола келган эди; уни Худоёр бек жўнатибди. Унинг ай-тишича, Худоёр бек, аввало қизимни Валиқулига бермайман, иккинчидан, Карбалойи Ҳайдарнинг мендан икки юз манат қарзи бор эди, шикоят-микоят қилиб юрмасимдан дарҳол шуни берсинлар, дебди.

Она ва ўғил ўн дақиқача жим қолдилар. Физза ҳам илгариги алпозда ёнбошлаб ётганича гоҳ онасига, гоҳ акасига ҳайрон бўлиб боқар эди. Зебо бир бурчакда ўз-ўзича қўшиқ айтганича нимадир ўйнаб ўтирарди. Валиқулига Зебонинг қўшиғи жуда ёмон таъсир қилди, чунки шундоқ ҳам унинг қош-қовоғидан қор ёғмоқда эди. Лекин жаҳлини ошкор этгани баҳона изларди. Валиқули ғазаб билан Зебога бақриб қолди:

– Сен ҳам қўшиқ айтгани вақт топдингми, итвачча! Биз қандай аҳволда-ю, у қандай аҳволда. Бор, эшикка чиқ, жаҳаннамга даф бўл!

Зебо акасининг бу гапларини эшитиб, ўрнидан турди, онасига қараб, икки қўли билан кўзларини ишқалаганча йиғлаб юборди. Бу йиғиси билан у онасидан ёрдам кутарди. Онаси унинг ёнини олишини яхши биларди.

– Йиғлама, қизалоғим, йиғлама, кел, ўзимнинг ёнимга кела қол. Отанг ўлиб, чироғимиз ўчди. Кел, кел, қизалоғим, кел, ўтир ёнимга.

Валиқули бошини қуйи солганича гинг демасдан қўлидаги бир чўпни ўйнаб ўтирарди. Физза ҳам синглиси Зебо каби кўзини икки қўллаб ишқаганича йиғлашга тушди. Валиқули онасига юзланиб сўради:

– Ҳўш, она, сиз Сакина холага нима деб жавоб бердингиз?

Онаси ҳеч нарса демади... Қизчалар йиғидан тўхтаб, оналарининг қошига келишди. Зебо онасининг кучоғига кириб олди. Физза ҳам ўнг томондан онасини кучоқлаганича акасининг юзига тикилиб турар эди. Зайнаб ҳеч нарса деб жавоб бермади; аммо Валиқули овозини баландлатиб қайта сўради:

– Ахир, мен сиздан сўраяпман. Нима, қулоғингиз том битиб қолганми, эшитмайсиз?

– Нима ҳам дердим?! Карбалойи Ҳайдарнинг ундан қарзи бўлса, қоғозини девонга элтиб топширсин, дедим.

Зайнаб жим бўлди, Валиқули эса тагин сўраб қолди:

– Бори шуми?

– Яна нима?

– Сиздан нима сўраётганимни билмаяпсизми, она?

– Болам, сен сўрадинг, мен жавоб бердим. Яна мендан нима истайсан?

– Гулсум ҳақида нима жавоб қилдингиз?

– Нима ҳам деб жавоб қилардим?! Мен Гулсумнинг вакили эмасман-ку! Отаси бермагандан сўнг мен нима дейман? Агар у қизини ўғлимга беришни хоҳламаса, мен ҳам уни олмайман, дедим. Бошқа нима ҳам дердим?

Валиқулининг газадан важоҳати ўзгариб кетди ва онасига:

– Хўш, Гулсумга вакиллик қила олмаслигингизни билар экансиз, менга қандай вакиллик қиласиз? – деди.

Зайнаб таажжуб билан жавоб берди:

– Ахир, сен менинг ўғлимсан. Гулсум менинг қизим эмас-ку.

– Бу гапингиз тўғри, она. Лекин онанинг олдида ўғилнинг қадри қиз-келинниқидан баланд туради. Сиз ноҳақ бу гапларни айтаяпсиз.

Валуқули сўз нишабини шундай олдики, Зайнаб жавоб топа олмай қолди. Валиқули гапида давом этди:

– Модомики шундай экан, мен уйдан чиқиб кетаман. Кўриниб турибдики, сиз билан йўлимиз тўғри келмаяпти. Худо хайрингизни берсин. Менинг рухсатимни беринг. Бошқа ердан жой топай.

Зайнаб йиғлаганича Валиқулига юзланди:

– Ўғлим Валиқули, эсингдами, отанг ўлганида сен менга, қўй, она, йиғлама, сенинг сиқилишингга зинҳор йўл қўймайман, деб таскин берган эдинг. Хўш, нега энди ўша сўзингнинг устидан чиқмайсан?

– Ахир, сиз менинг юрагимни сиқмасангиз, мен ҳам сизникини сиқмайман-да.

– Ўғлим, дардингни олай ўзим, нега сенинг юрагингни сиқар эканман? Худоёр бек Гулсумни бермаса, мен сенга Гулсумдан ҳам яхши қиз топиб бераман. Шунинг нимасига сиқиласан?

– Худо ҳақи, она, мен ҳеч нарсани билмайман; сиз унинг қарзини беринг, мен ҳозироқ унга элтиб бераман. Унинг гапи тўғри. Отамнинг ундан қарз олгани менинг эсимда.

– Эсингда кўп нарса бор, болам. Худоёр бекка бергани қани менинг икки юз манатим?

Валиқули жаҳлга миниб, ўнг қўлини пахса қилганича бақира кетди:

– Йўқ, бунақаси кетмайди, беришингиз керак. Ҳозироқ беришингиз керак!..

Валиқули шундай дер экан, жавобини ҳам кутмасдан ўрнидан турди-да, заранг калтагини олиб, эшик табақаларини бир-бирига урганича чиқди-кетди.

Физза ва Зебо басма-басига йиғлашга тушдилар; чунки она йиғлаганда, фарзандлар қараб турармиди. Албатта, Зайнаб ҳам йиғларди; фақат ўғли билан айтишиб қолгани учун эмас, ўтган кунлари, ажойиб кунлари, бахтиёр кунлари унинг ёдига тушиб кетган эди. Дарвоқе, Карбалойи Ҳайдар бирор марта ҳам унга бунақанги ўдағайламаган эди. Агар уриб-сўккан бўлса, ўрнида уриб-сўккан эди.

Зайнаб мушкул аҳволга тушиб қолди. Уй қоп-қоронғи, болалар оч, пиширган бир коса овқати ҳам қозонда совиб ётибди. Моллар оч, сувсиз қолди. Валиқули ҳаммасини ташлаб чиқди-кетди. Ким билсин, овқатланиш учун энди қачон қайтади?!

Инсофан айтганда, чиндан ҳам Зайнаб жуда мушкул аҳволда қолган эди; чунки бу ишнинг осонлик билан тугамаслигини билар эди у. Худоёр катта у ёқдан амр қилиб турса, Валиқули ҳам бу ёқдан жанжал-низони бошлаб юборса. Зайнаб қайдан ҳам икки юз манатни топиб беради? Истаса, топиб бера олади, албатта. Гарчи ҳозир ёнида бунча пули бўлмаса-да, лекин хоҳласа бир амаллаб топиб беради. Гўри нурга тўлсин Қарбалойи Ҳайдарнинг, озми-кўпми йиғиб кетгани бор. Бироқ гап шундаки, Зайнабнинг терисини шилса ҳам, Худоёр беққа сариқ чақа бергиси йўқ; чунки у жуда яхши танийди Худоёр бекни. Йўқ, бермайди. Бир тийин ҳам бермасдан унинг кўзини ўйнатади.

Зайнаб қоп-қоронғи хонада ўтирганича ана шундай хаёлларга гарқ бўлган эди. Қизлари ҳам йиғидан бир оз тинчиб, оналарининг тиззасига юз босиб ётардилар. Роса икки соатча она ва қизлар шу аҳволда ўтиришди. Ниҳоят, эшик очилди. Зайнаб Валиқули келди деб ўйлаб, бир оз кўнгли ёришди.

Оҳ онаизор, нақадар ажойиб зотсан!

Қизлар ҳам акалари келганини тусмоллаб, ҳар иккаласи ҳам бошини кўтариб эшик томон боқишди. Аммо уйга кирган кишининг папоғи Валиқулининг папоғидан катта кўринарди. Зайнаб кириб келган бу киши ўғли эмаслигини сизди. Шунинг учун бир оз хавотирга тушиб сўради:

– Ҳой, ким у?

Уйга кириб келган киши главанинг ясовули Қосимали эди. Қосимали ўзини танитиб ўтирмай, ҳайрон бўлиб сўради:

– Бу қанақаси? Уй нега бундоқ қоп-қоронғи? Гугуртингиз йўқ, шекилли?

Зайнаб яна гап қотди:

– Ҳой инсон, уйнинг қоронғилиги билан сенинг нима ишинг бор? Гапинг бўлса айтгин-да, дарров жўнаб қол!

Қосимали бундай жавоб қилди:

– Хола, глава Худоёр бекнинг шикоятига кўра ўғлинг Валиқулини қамаб қўйди. Мени сенга хабар бергани жўнатди. Сиз Худоёр бекни рози қилмагунингизча, ўғлингизни қамоқдан чиқармас экан. Бор гап шу.

Қосим гапини айтиб тугатганича йўқ эдики, Физза билан Зебо йиғлаб юборишди. Ясовул айтар сўзини айтиб, бирпас турди-да, сўнг чиқиб кетди.

Бас, энди Зайнаб бошини қайси деворга урсин? Бас, энди Зайнаб бошини қайси тошларга урсин? Шўрлик аёл бутун кечани йиғи билан ўтказди.

Эрталаб Сакина хола, Худоёр катта шаҳарга, начарникка қарзидан шикоят қилгани кетди, деган хабарни олиб келди. Бу воқеа хув ўша куни, Худоёр бек тонг саҳарлаб Муҳаммадҳасан амакининг эшагини олиб, шаҳарга миниб кетган куни содир бўлди.

V

Ҳозир, шубҳа йўқки, ташқаридан кузатиб турган киши Худоёр бекни мазаммат қилади. Аммо бунинг асло, мутлақо мазаммат қиладиган жойи йўқ. Агар инсофи билан айтсак, ҳаққа хиёнат қилмасак, Худоёр бекни гуноҳкор қилмаслигимиз керак.

Тўғри, бу гап-сўзларнинг ҳаммасига Худоёр бек сабабчи эди; лекин Худоёр бекнинг мақсади эл бошига гавго солиш эмас эди. Худоёр бекнинг фақат биргина мақсади бор эди. Унинг мақсади Зайнабни олиш эди; йўқса бу одам на Зебо билан Физзанинг йиглашига рози бўлар, на Зайнабнинг юраги сиқилишни истарди. Худоёр бек Муҳаммадҳасан амаки Карбало зиёратга бора олмасин деб унинг эшагини қасддан сотгани йўқ. Йўғ-е, бундан худо сақласин. Худоёр бекнинг Муҳаммадҳасан амакига ҳеч қанадай душманлиги йўқ-ку! Йўқ-йўқ, зинҳор, бундоқ эмас! Худоёр бек эшакни шунинг учун сотдики, унга беш-олти манат пул зурур бўлиб қолди. Пул ҳам шунинг учун зарур бўлиб қолдики, у битта каллақанд ва бир гирвонка чой олиши керак эди. Қанд ва чойни ҳам шунинг учун олиши керак эдики, уни қозига бермоқчи эди.

Бас, ана шуларнинг ҳаммасидан маълум бўладики, Худоёр бекнинг фақат битта мақсади бор. Унинг мақсади фақат уйланиш, яъни Зайнабни олиш. Шундай экан, Худоёр бекнинг ушбу хатти-ҳаракатларини зинҳор ёмон деб бўлмайди; чунки бу ерда ҳеч бир ихтилоfli амал йўқ. Шарият уйланишга ҳеч қачон монe бўлмаган.

Худоёр бекка ҳам уйланиш жуда вожибдир. Аввало, вожиблиги шундаки, уйланиш савоб ишлардан бири ҳисобланади. Иккинчидан, вожиблиги шундаки, Худоёр бекнинг хотини шу қадар чиркинки, биров унинг қўлидан сув олиб ичишга ҳам рағбат қилмайди. Худоёр бекнинг хотини Зайнабнинг қўлига сув қуйишга ҳам арзимайди. Учинчидан, Худоёр бекка уйланиш ва айнан Зайнабни олиш шунинг учун вожибки, Худоёр бек жуда камбағал, қашшоқнинг қашшоғи. Агар Зайнабни олса, етим-есирнинг молини ёппаталаш қилади. Шундоқ экан, бундай фойдали саводан қайси аҳмоқ чекинади?

Ана шунақа.

Ҳали сиз Худоёр бекни яхши танимайсиз. Худоёр бек жуда ақлли киши эди.

Худоёр бек Зайнабни олиш учун ўлиб-тирилар, бу фикрга келгандан бери бир лаҳза ҳам ороми йўқ эди. Бу борада ишлатмаган ҳийласи қолмади. Аммо ҳозирга қадар қанча тadbир қўллаб, қанча ҳийла ишлатмасин, ҳеч бир натижага эриша олмаган эди. Охириги ҳийласи шу бўлдики, Валиқулини яшириб қўйиб, Зебога глава Валиқулини қамаб қўйди, деган хабар жўнатди; балки шўрлик аёлнинг ўз фарзандига раҳми келиб, розилик жавобини бериб юборар.

Валиқули онаси билан айтишиб қолган ўша оқшомда уйдан чиқиб, тўғри қайнатаси Худоёр бекни кига йўл олди.

Валиқули ичкари кириб салом берди ва бир чеккада уйнинг деворига суянганича тураверди. Валиқули шунинг учун ўтирмадики, у ҳамиша бу уйга кириб келганида дарҳол қайната ёки қайнанаси унга ўтиргани жой кўрсатиб, хуш келибсан, дер эдилар, аммо бу гал бунақа манзират бўлмади.

Худоёр бек намоз ўқимокда эди. Худоёр бекнинг икки ўғли — олти яшарли Ҳайдарқули ва тўққиз яшарли Муродқули тап-тақир ерда чалқанча ётганларича икки қўлларини устма-уст қўйиб, оёқларини юқорига кўтариб олишган, бири иккинчисининг оёғига тепар эди. Гулсум, яъни Валиқулининг нишонлиси Валиқулини кўрган заҳоти чойшабга ўраниб, қоп-қоронғи бир бурчакда пахта бўхчаси каби ғужанак бўлиб олди. Худоёр бекнинг хотини болаларнинг сўл томонида ўнг тиззасига юз босганича ўтирар эди. Валиқули ичкари кириб келганида ҳам аёл шу алпозда бош кўтармай ўтираверди. Шубҳасиз, бу — илтифотсизликнинг илк нишонаси эди. Фақат Муродқули бошини кўтариб, қиқир-қиқир кулганича:

“Вой, амаким келди”, деди.

Гарчанд Худоёр бек намоз ўқиётганга ўхшаса ҳам, унга синчиклаб тикилган ҳар қандай кимса Худоёр бек ҳозир фикр дарёсига, наинки фикр, балки ғам дарёсига гарқ бўлиб ўтирганини дарҳол пайқар эди. У намозини тугатиб, Валиқулига юзланди, лекин юзида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмади.

– Валиқули, болам, нега тик оёқда турибсан? Келиб ўтирсанг-чи. Валиқули бир чеккага чўнқайиб ўтириб, чориғларини ечишга тутинди. Худоёр бек жойнамоз устидан тасбеҳини олиб, чевира бошлади ва болаларига қараб, одабсизлик қилманглар, яъни, туриб ўтиринглар, деб танбеҳ берди. Бироқ болаларга Худоёр бекнинг танбеҳи заррача кор қилмади ва Худоёр бекнинг тасбеҳ чевириши ҳам бекорга эмас эди. Бунинг ўзи ҳам бир иш эди, хусусан, мўмин-мусулмонлар учун. Худоёр бек ҳам, шак-шубҳасиз, мўмин-мусулмон эди.

Худоёр бек ушбу дақиқада тиззасининг устига ўнг қўлининг тирсагини сўл қўлининг қафтига тираб, ўнг қўлида тасбеҳ ушлаганича бошини кўкка қадаб ўтирар, гўё озига сув олиб, гарғара қилаётганга, кўзини шифтга қадаб, вассажуфтларни санаётганга ўхшарди. Аммо, табиийки, вассажуфтларни санамас, “қулҳуваллоҳ” деб ўтирарди.

Худоёр бек тасбеҳнинг ҳар бир муҳрасига бир бора “қулҳуваллоҳ” деб зикр айтарди. Беш дақиқача тасбеҳ чевириб, паст овозда тезгина кетма-кет “қулҳуваллоҳ, қулҳуваллоҳ, қулҳуваллоҳ” деди-да, ниҳоят, тасбеҳни ерга қўйиб, Валиқулига юзланди:

– Валиқули, бугун бир оз кайфиятинг йўққа ўхшайди?

Валиқули ҳеч нарса демади. Худоёр бек гапида давом этди:

– На илож, юрагинг сиқилмасин. Дунёнинг ишлари шунақа, гоҳ ундоқ бўлади, гоҳ бундоқ. Нега кайфиятинг йўқлигини мен биламан. Лекин нима ҳам қилардик, онангнинг падарига лаънат! У бизнинг ҳаммамизни хафа қилди. Э-воҳ, Валиқули! Оллоҳ Карбалойи Ҳайдарни ўз раҳматига олсин! Валиқули, отангнинг қадрини маъна энди биласан. Она отанинг ўрнини боса олади деб ўйлайсанми? Йўқ, ҳеч қачон. Онанг бир аёл, отанг эса ҳақиқий эркак эди. Аёлнинг пирига лаънат! Аёлнинг дину имони, мазҳаби бўлмайди. Аёл мазҳаб нималигини қаердан билсин? Жиян, менинг бу жон куйдиришдан мақсадим шуки, сизни ва етим сингилларингни бир амаллаб онангдан қутқариб олмоқчиман. Биласанми, Валиқули, мен чиндан ҳам виждонини йўқотган номард одам эмасман. Карбалойи Ҳайдар билан мен оғани эдик. Менинг гарданимда унинг кўп ҳақи қолган... Жуда кўп. Зеро, сен ўзинг ҳам бу гап беҳуда эмаслигини билсанг керак. Нега энди мен бу яхшиликларни унутишим керак? Оллоҳнинг мендан газаби келади-ку, ахир. Йўқ-йўқ, Оллоҳ сақласин, Оллоҳ асрасин! Мен этагимни бир четга тортиб, нима бўлса бўлсин деб турадиган номардлар тоифасидан эмасман. Йўқ, бунақаси кетмайди. Валиқули, жиян, мана, сенинг ўзинг ҳам кўриб турибсанки, сизнинг мендан бошқа бир улуғингиз, жонкуярингиз йўқ. Шундай экан, онангнинг Холиқбердига тегиб кетаверишига мен қандай қилиб чеккадан қараб тура оламан, ахир ўшандай ажойиб отангнинг, раҳматлик отангнинг, икки кўзимнинг нури бўлган отангнинг...

Бу сўзларни Худоёр бек шундай оҳангда айтдики, гўё ўртаниб кетаётганга ўхшарди. Сўл қўли билан яктагининг барини қўтариб, гўё кўз ёшларини артгандек ҳам бўлди. Аммо жиндай хушёр одам бўлганида эди, Худоёр бекнинг кўзига бир томчи ҳам ёш келмаганини дарҳол пайқаган бўлур эди.

– Онанг у раҳматлининг мол-давлатини элтиб фирибгарлар билан

еб тугатсин, хўш, етимларнинг ҳоли не кечади? Сенинг аҳволинг нима бўлади? Эй худоим, ўзинг додимизга ет! Раҳминг келсин бизга!

Валиқули кўлларини чўнтагига суққанича Худоёр бекнинг гапларини тинглаб ўтирарди. Худоёр бек сўзини тугатиб, чубугини тўлдириш билан машғул бўлди. Валиқули бир йўталиб олиб гап бошлади:

– Худо ҳақи, амаки, яратганга қасамки, менинг онам билан уришмаган куним йўқ. Ҳозир ҳам катта бир жанжалдан чиқиб келяпман.

Худоёр бек чубугига ўт туташтириб, тутунни пуфлаганича деди:

– Йўқ, Валиқули, энди мен сенинг гапингга ишонмайман. Ҳамон сенинг онанг билан тилинг бирлигидан гумоним бор. Агар сен йигит бўлсанг, зинҳор уни она демайсан. Сен йигит бўлсанг, на унинг ёнига қайтасан, на у билан бир уйда яшайсан. Нима, худога шукур, сенинг ётадиган жойинг йўқми? Мана, ушбу уй ҳам сенинг ўз уйинг. Турганинча тур, е, ич; ўла-ўлгунча менинг уйимда қол... Йўқ, гапларингнинг ҳаммаси бекор. Валиқули, мен гапни нишабидан дарҳол пайқайман. Сен истасанг эди, онанг аллақачон рози бўлган бўларди. Тўғрими?

– Амакижон, ахир мен тагин нима қилай? Сиз нима десангиз, ҳаммасига розиман. Бир ўзимнинг қўлимдан нима ҳам келарди?

– Демак, менинг айтганимдан чиқмайсан-а? Жуда яхши, шу ерда қол, онангнинг қошига борма.

– Бош устига. Кетма десангиз, кетмайман. Нима ҳам дердим?

– Албатта кетмагин-да! Нега кетар экансан? У-ку сени ўғил ўрнида кўрмас экан, сен нега энди уни она деб, ёнида туришинг керак? Кетма, шу ерда қол. Мен энди у уйга қадам босмайман деб хабар жўнат. Тамом-вассалом.

– Бош устига, амаки. Нима ҳам дердим? Мен ҳозир орани очиқ қилиб келдим. Уйимга қайтадиган бўлсам, бу ерга келармидим?

Худоёр бек Муродқулига қараб деди:

– Муродқули, ҳозир дарҳол Машади Аҳмад тоғанга бориб айт, тезда Қосималини бу ерга жўнатсин, зарур иш чиқиб қолди.

Муродқули ўрнидан туриб бориб, ташқарига чиқиш учун эшикни очди, лекин эшикни қарс этиб қайта ёпиб ўз жойига қайтди ва отасига қараб:

– Дада, худо ҳақи, мен бора олмайман. Ташқари шундай қоп-қоронғики, одам одамни кўрмайди, – деди.

Бу сўзларни эшитган Худоёр бек чубугини отиб юборди ва сақраб турганича Муродқулининг ёнига бориб, унинг икки қулоғидан ушлаб олиб, ўзининг бўйи баробар юқори кўтарди. Шу пайт ғалати бир воқеа юз берди. Худоёр бекнинг хотини эрининг устига отилиб, икки қўли билан унинг соқолини юла бошлади. Муродқули отасининг қўлидан қутулиб чиқиб, опаси Гулсум ўтирган бурчакка қочиб борди-да, унинг ортига яширинди. Эру хотин юмдалаша кетдилар. Муродқули ва Ҳайдарқулининг қичқириви, оналарининг чинқириви, Худоёр бекнинг бўкиришидан уйда шунақанги қиёмат кўпдики, дунё қулаб тушгудек бўлди.

Гулсум жонсиз бир ашё каби ўз ерида михланиб ўтирар эди. Валиқули ҳам бундоқ ўрнидан туриб нима қилишини, кимга ёрдам беришини билмас эди.

Худоёр бек хотинининг сочларини ўнг билагига ўраб олганича уйнинг гоҳ у томонига судраб эди, гоҳ бу томонига. Шу пайт Қосималини худонинг ўзи етказди. Қосимали югуриб бориб аёлни Худоёр бекнинг чангалидан халос этди ва унга, яъни аёлга таъна қила бошлади:

– Ўзингни-ку чумчуқча жонинг бор, билиб иш қил-да, опа. Ахир эрингнинг ишларига нега аралашасан, бошингга шунча бало ортириб? Мана энди насибангни олдинг, шу кунга қолдинг!..

Аёл бошини сарак-сарак қилганича ташқарига қочиб чиқди. Худоёр бек хотинининг ортидан бўралатиб сўкканича ўз ўрнига келиб ўтирди ва Қосималига қараб:

– Қосимали ўғлим, бу жанжал сенинг устингда бўлди. Мен Муродқулига сени чақириб келишни буюрган эдим, у эса бормади. Мен туриб уни урган эдим, шу маърака бошланди, – деди.

Қосимали Худоёр бекнинг шундоқ ёнгинасига келиб ўтирди. Бир қўлида заранг калтак, иккинчи қўлида думалоқлаб олган нони, Худоёр бекка деди:

– Нега бундай қилдингиз, амаки, аввало, менинг бу ерга келишимни ўзингиз ҳам билар эдингиз. Кундузи айтмаганмидим сизга, кечқурун бораман, суҳбатлашамиз деб? Иккинчидан, Муродқулининг эгаси сизмисиз ёки онасами? Болани отаси уради, сўкади. Ота-боланинг ўртасига тушишга онанинг нима ҳаққи бор? Йўқ, хотинингиз яхши иш қилмабди. Мен унинг дарди нима эканлигини биламан-ку, ахир (бу сўзни айтар экан, у Валиқулига бир қараб қўйди). Мен биламан унинг дарди нима эканлигини.

Худоёр бек юзи бир неча жойдан қонаганини энди билди. Хотинининг тирноқлари жуда ўткир экан. Дастрўмоли билан юзини арта-арта:

– Қосимали, айни пайтида келдинг, – деди. – Ҳозир Валиқулиларникига бориб, онасига, Валиқулини глава қамаб қўйди, дейсан. Балки у нега деб сўрар, балки сўрамас, хуллас, йўлини топиб тушунтир, глава Худоёр бекнинг шикоятига кўра Валиқулини қамаб қўйди, Худоёр бек рози бўлмагунча уни қўйиб юбормайман деяпти, деб айт.

Қосимали дарҳол эшик томон юрар экан, йўл-йўлакай деди:

– Бош устига, албатта шундоқ. Жуда яхши, ҳозироқ бориб айтаман.

Қосимали чиқиб кетди, Худоёр бек чубуғини қўлига олиб, Валиқулига – у ҳамон оёқ устида турарди – ўтиргани изн берди. Валиқули ўтирди. Худоёр бек чубуққа ўт олиштириб, чекишга тушди. Эшик секин очилди ва шўрлик аёл жимгина кириб келиб, бир чеккага, қизининг ёнига бориб ўтирди. Худоёр бек унга қараб:

– Қалай бўлди, азизим? Яна менинг жигимга тегасанми? Тагин ҳаддингдан ошасанми? – деди.

Хотини индамади. Худоёр бек ўнг қўлини кўкка ўқталиб деди:

– Оллоҳ номига қасам ичаманки, сен яна менинг ишларимга аралашадиган бўлсанг, менинг гапимга гап қайтарсанг, жонингдан умидингни уз! Худо ҳақи, қовирғаларингни синдириб ташлайман. Имонсизнинг қизи, менинг уйланишимнинг сенга нима дахли бор?

Аёл миқ этмай ўтираверди. Худоёр бек тагин давом этди:

– Отангнинг уйдан мол-давлат олиб келганмидинг, менинг устимга ташланасан? Нима дейсан, нима гапинг бор? Мен агар уйланадиган бўлсам, сабабини ўзим биламан. Менинг фикрим бошқа эканлигини ҳамма билади. Нима, мен кўнглим хотин тусаб қолганлиги учун уйланыпманми? Йўқ, асло! Хўш, нега шунча йилдан бери шу фикрда юрибман? Агар уйланмоқчи бўлсам, ҳозиргача шартта уйланардим-қўярдим-да! Сендан қўрқармидим ё сенинг қариндош-уруғларингдан, қирчанғи? Уфф, ўз дардим ўзимга етмагандай, сен ҳам дардимга дард қўшасан, малъундан тўраган малъун!

Аёл шунга қадар бир сўз демай, жимгина муте бўлиб қулоқ солиб турар эди. Лекин малъум бўлдики, Худоёр бекнинг “малъундан тўраган” деган гапи унга алам қилиб кетди, ўнг қўлини олдинга чўзиб

бармоқларининг учини ерга қадаб жавоб қилди:

– Малъундан тўраган сен ўзингсан! Итдан тўраган сен ўзингсан. Итвачча сенинг ўзингсан! Қўшмачидан бўлган сен ўзингсан! Нега менга бақирасан?! Оғзинга ит ёзилиб кетибди. Даҳанингни поклаб ол! Зўринг яплоққа етдими? Уйлансанг уйланавер, ундан нарига! Аммо менинг жавобимни бер. Шу ёшга етганимда кундош дардини тортмайман! Йўқ, менинг жавобимни бер! Энди сеникида бир кун ҳам турмайман!

– Бош устига, кўз устига, нима ҳам дердим. Маъқул гап. Эртагаёқ жавобингни бераман. Ҳеч юрагингни сиқма. Тонг отсин, сенинг жавобингни бераман. Бош устига, бош устига.

Худоёр бек гапини айтиб бўлди, аммо хотини гинг деёлмай қолди, на ҳа деди, на йўқ. Аёлнинг бу жимлигидан билса бўлардики, у айтган гапига пушаймон эди. Ҳақиқатан ҳам аёл Худоёр бекка, жавобимни бер, деб кўйганидан қаттиқ пушаймон бўлди; чунки ҳозирга қадар, яъни Худоёр бек уйланиш фикрига тушгандан бери хотини унга, жавобимни бер, деб балки юз бора айтгандир. Лекин ҳозиргача Худоёр бек хотинига бунақанги жавоб қилмаган эди. Ҳамиша ажралиш калимаси ўртага тушганда, Худоёр бек хотинини нима қилса қиларди – ё урар, ё сўқар эди – бироқ ҳеч қачон, жавобингни бераман, демаган эди. Нуқул, “Улсанг ҳам ажрамайман сендан. Жавобингни берсам, болаларнинг ҳоли нима кечади?” дер эди. Бас, энди Худоёр бек бунақанги жавоб қилиб турган экан, аёлнинг юрагига: “Эй гофил банда, балки чиндан ҳам эртага бу одам менинг жавобимни бериб юборар, унда бошимга не кунлар келади”, деган гулгула тушди.

Худоёр бекнинг хотини эрларига журъат билан, “Менинг жавобимни бер”, деб айта оладиган хушбахт аёллардан эмас эди. Бу гапни ё отасидан умиди бўлган, ё онасига орқа қилган, ё оға-иниларини назарда тутган, ёки ўз давлати, бойлигига ишонган аёлгина айта олади. Худоёр бекнинг хотини бу неъматларнинг барчасидан бенасиб эди.

Худоёр бекнинг хотинининг оти Шараф эди. Шараф ўрта бўйли, қорамағиз, озгин аёл бўлиб, чиройли дегулик жойи йўқ эди. Ёши қирқлардан бир оз ошган, эҳтимол, Худоёр бекдан катта ҳам бўлса керак. Шараф Худоёр бекка теккан пайтларида отасининг Худоёр бекнинг отасидан камлик жойи йўқ эди. Лекин тақдири шунақа бўлдики, отаси ўлди, сўнгра онаси ўлди, икки акаси ўлди, аёлнинг ёлғиз умиди фақат Худоёр бек бўлиб қолди. Худоёр бек ҳам кейинчалик катта деган мансабига минди, ҳурмати ортди ва эндиликда у оға, хотини қорабош бўлиб қолди. Шунга қарамасдан у Худоёр бекнинг гапига индамай кетадиган ёки эрининг калтагига гинг демай чидайдиган ожиза аёллардан эмас эди. Худоёр бек бир калтак урганда, Шараф ҳам бир калтак урар, Худоёр бек икки мушт туширганда, аёл ҳам бир мушт билан жавоб қайтарарди. Бироқ, шунга қарамай, барибир Худоёр бекдан кўрқар, чунки у ҳар ҳолда эркак киши эди. Эркак киши эса, маълумки, хотиндан кучли бўлади. Ва бунинг устига, хотинининг жавобини бериш Худоёр бек учун мушкул иш эмас эди!

Худоёр бек ҳозирга қадар хотинининг чиркинлигига, урушқоқлигига шунинг учун ҳам чидаб келмоқда эдики, камбағаллиги туфайли харажат қилиб бошқа хотин олишга кучи етмасди. Шараф бунинг жуда яхши биларди. Шунинг учун ҳам авваллари эри уйланишдан гап очганда Шараф зинҳор безовта бўлиб, йиғи-сиғи қилиб ўтирмасди; чунки эрининг сақич олиб чайнагани ҳам сариқ чақаси йўқлигини у яхши биларди. Лекин энди вазият ўзгарган, Худоёр бек Зайнабга уйланиш қасдига тушган эди. Агар Зайнаб Худоёр бекка розилик берса, унда

Худоёр бекка сеп пулининг кераги бўлмасди. Ҳозир Зайнабнинг тўрт-беш сидра яп-янги либоси бўҳчада тайёр, яна бунинг устига ўзига яраша пули, мол-ҳоли бор эди. Шараф шунисидан чўчирдики, агар Зайнаб истаса унга, яъни Шарафга жуда зўр рақиб бўла олар эди. Шубҳа йўқки, Худоёр бек Зайнабга уйлангудек бўлса, Зайнаб маликага айланарди, Шараф эса унинг чўрисига. Бу Шараф учун ўлимдан ҳам баттар эди.

Ана шу барча сабабларга кўра ҳам Худоёр бек хотинига, эртага сенинг жавобингни бераман, деди. Шараф ажралишдан гап очганига қаттиқ пушаймон бўлди. Шунинг учун ҳам эрига қарши ботиниб бирор гап айта олмади. Худоёр бек ўрнидан турди. Бир керишиб олди, эснади ва Гулсумга жой тўшашни буюрди, сўнг Валиқулининг ёнига келиб, паст овозда унга насиҳат қила бошлади. Валиқули дарҳол ўрнидан сапчиб турди. Худоёр бек оғзини унинг қулоғига тутиб деди:

– Қулоқ сол, Валиқули. Эс-хушингни йиғиб ол, мен нима десам, шуни қил. Агар мени сендан рози бўлсин десанг, сени қариндошликдан маҳрум қилишимни истамасанг, мен сенга нимаики десам, ҳаммасини бир-бир ёдда сақла ва ҳаммасига амал қил. Ҳозир туриб Қосималиниқига борасан. Бу кеча ўша ерда ётсан. Аммо ҳеч бир кимса сенинг у ерда қолганингни билмасин. Қосималига менинг ўзим ҳам эртага шипшитиб қўяман, кимки сени суриштирса, глава қаматиб қўйди, десин. Сен ҳеч қаёққа чиқмай ўша ерда туриб турасан, қачон керак бўлиб қолсанг, ўзим сени чақиртираман, гаплашиб оламиз. Балки бир аммаллаб анави йўлдан озганни йўлга солиб олармиз. Қани, энди бора қол.

Валиқули чориқларни кийиш учун чўнқайиб ўтирди. Гулсум ҳам бир бурчакка эски тўшак тўшаб, бир-иккита жулдур кўрпа солди ва эски ёстиқларни келтириб қўйиб, бир чеккага чекинди. Валиқули чориқларини кийиб чиқиб кетди. Худоёр бек ечиниб, чироқ ёруғида битларини тера бошлади. Бир-иккита битни тирноқлари орасида эзиб, тўшакка чўзилди-да, кўрпани устига тортди. Бошқалар ҳам чекка-чеккага узала тушишди.

На Худоёр бекнинг уйқуси келарди, на Шарафнинг. Худоёр бек бир соатларча кўз юммай эртанги куннинг тадбирини чамалаб олиб, сўнг уйқуга кетди. Унинг ўйлаган тадбири қуйидагича эди.

Худоёр бек Зайнабнинг феълини яхши биларди. Бу алпозда иш битиши гумон эди. У ёққа ағдарилди, бу ёққа ағдарилди ва охири бир қарорга келиб тўхтади. Худоёр бекнинг ёдига бир воқеа тушиб қолди. Бу воқеа шу яқин кунларда содир бўлган эди.

Гап шунда эдики, бундан бир-икки ой олдин бир кимса қозининг ёнига келиб дейди:

– Қози оға, агар фалон аёлни менга никоҳлаб қўйсангиз, сизга иккита каллақанд келтириб бераман.

Қози бир оз фикрга чўмиб:

– Ахир у аёл бировнинг никоҳида-ку. Қандай қилиб бировнинг никоҳидаги аёлни бошқа бировга бировга никоҳлаб бўлади?!

Ҳалиги кимса қозига қараб:

– Қози оға, буни менинг ўзим ҳам биламан, – дейди. – Хўш, мен сизга нега иккита каллақанд бераман? Шунинг учунки, никоҳдаги аёлни менга олиб беришингиз керак! Йўқса бева аёлнинг никоҳини менинг онагинам ҳам ўқий олади. Шуниси борки, қози оға, у аёлнинг эри Карбало зиёратига кетган. Ким билсин, қайтиб келадими ёки йўқми. Келганида ҳам, яна бир ҳийла топиш қийин иш эмас.

Бу воқеа Худоёр бекнинг ёдига тушган заҳоти ўз-ўзига: “Жуда яхши, у аёл никоҳда бўла туриб, қози иккита каллақанд эвазига анави кимсанинг ишини тўғрилаб берди. Зайнаб эса, худога шукур, бева аёл.

Никоҳи ҳам йўқ. Шундоқ экан, нега энди мен қозига бориб арзимни айтмайман? Ҳа, бошқача йўл билан бу ишни битказиб бўлмайди. Қози самимий, яхши одамга ўхшайди. Оллоҳ унинг отасини раҳмат қилсин. Дардимга ўша даво топа олади. Бас, эртагаёқ унинг олдига борганим бўлсин”, деб ўйлади.

Ана шундай фикрга келган Худоёр катта яна бир масалада тўхталиб қолиб, ўйга чўмди. Унинг олдида бир гов бор эди. Ҳозир Худоёр бекнинг чўнтагида етти аббоси пули бор эди. Уни ҳам главага солиқ сифатида элтиб берсин деб ҳамқишлоқлар йиғиб берган эдилар. Худоёр бек бу етти аббосини ҳозирча шаҳарга элтиб харжласа ҳам унчалик зарари йўқ; главага кейинчалик тўғрилаб бериши мумкин эди. Глава нима ҳам дерди? У ўзининг ўгай отаси эмасми, ахир!

Жуда яхши, шундоқ ҳам бўла қолсин. Аммо етти аббоси билан иш битмайди. Хуллас, у анча ўйлагач, бунинг ҳам чорасини топдики, бу бизга юқоридан маълум.

Худоёр бек саҳарлаб ўрнидан турди, бўхчадаги либосларини олиб кийиб, янги бўркини бошига кўндириб, эшикка йўл олди.

Худоёр бекнинг бунақанги ясениб кетишидан хотин, бола-чақалари унинг шаҳарга отланганини англашди. Гулсум Худоёр бекнинг ёнига келиб сўради:

– Дада, қаяққа кетяпсиз?

Худоёр бек қовоғини уйганича жавоб қилди:

– Шаҳарга, қозининг ёнига кетяпман. Онангнинг жавобини бермоқчиман.

Худоёр бек ташқари чиққан заҳоти она ва болалар шунақанги уввос солиб йиғлашга тушдиларки, гўё Худоёр бекка мотам тутмоқда эдилар.

Нариги маҳаллада бенаво Зайнаб ва болаларининг мотами, бу маҳаллада шўрлик Шараф ва болаларининг мотами. Худоёр бек Муҳаммадҳасан амакининг эшагини олиб шаҳарга миниб кетиш учун унинг ҳовлиси томон юрди. Бу маҳаллада ҳам фақир Муҳаммадҳасан амакининг мотами бошланиб кетди.

Давоми бор



Қўл билан тиклаб бўлмас хайкал қўйдим ўзимга...

Александр ПУШКИН

ҚИШ ЭРТАСИ

Нақадар ажойиб кун: аёз ва офтоб!
Ҳали сен уйқуда, гўзал моҳитоб —
Латофатли дўстим, пайтидир, уйғон:
Очгил нозли сузук кўзларинг секин,
Шимол Аврораси қаршисида сен
Шимол юлдузидек бўлгин намоён!

Ёдингдами, ўтган оқшомги қуюн,
Хира кўкни зулмат қопловди бутун;
Осмонда нимранг доғ ой каби сузар,
Сарғайиб боқарди булутлар аро,
Сен ҳам ўлтирардинг ғамгин, бенаво —
Бугун эса... ойнакдан ташлагин назар:

Қуёш нурларидан товланиб минг бор,
Серҳашам гиламдай ётар оппоқ қор,
Чексиз мовий осмон остида кўркам,
Қорайиб кўринар шаффоф бир ўрмон,
Ям-яшил арчалар унда бепоён,
Музларнинг тагида ярқирар сув ҳам.

Ёп-ёруғ турарди бутун бир хона,
Каҳрабо нуридан бериб нишона.
Чарсиллаб ёнарди печдаги ўтин,
Мазза хаёл суриш ётиб ўринда,
Аммо биласанми: чанага шунда
Бўз отни қўшишни амр этаймикин?

Эрталабки қорда сирғаниб, тойиб,
Учкур от жilовин жуда бўш қўйиб,
Азиз дўстим, елиб борамиз шаҳдам,
Кезамиз бўшаган дала — ҳар ённи,
Кун-кеча барглари қуюқ ўрмонни,
Мен учун қадрдон соҳилларни ҳам.

КУЙДИРИЛГАН МАКТУБ

Алвидо, эй ишқ мактуби! Амр этди дилдор,
 Кўзим қиймайди-ю, кўлим бормади зинҳор
 Қувончимни ташлаш учун ўтга кўп замон...
 Вақт-соати етиб келди: ишқ мактуби, ён!
 Шайланганман: таъсир этмас ҳеч нарса менга,
 Варақларинг емирмоқда очкўз аланга...
 Бир нафасда!.. Ловуллайтиди... тўзғиган тутун.
 Кўтарилиб, оҳ-зорим-ла йўқолур бутун.
 Вафодордан жудо бўлгандаги таассурот,
 Ўтга тушган сургуч қайнаб биқиллар... ҳайҳот!
 Шундай бўлди! Варақланди қора саҳифа,
 Енгил кулди мактубдаги эзгу қиёфа —
 Оқаради... юрак қисар. Эй мўътабар кул,
 Ғам-ғуссали тақдиримнинг севинчи буткул
 Қайғули шу кўксимда қол мен билан мангу...

* * *

Жонажон юртининг мовий осмони
 Остида зориқди, сўлди сарвиноз...
 Хазондек қовжираб ёшгина жони,
 Сояси устимда этади парвоз;
 Аммо орамизда мислсиз гов бор,
 Мен туйғу уйғотдим қалбда беҳуда:
 Лоқайдлаб ўлимдан қилди хабардор,
 Мен ҳам уни лоқайд тингладим жуда.
 Уни бениҳоя севардим ахир;
 Оташин юрак ва ҳис билан бутун,
 Кўйида зориқиб бўлиб мунтазир.
 Азоб-уқубатдан гўё бир мажнун!
 Қани ғам, қани ишқ? Кўнглимдан, ҳайҳот,
 Ўтган тотли кунни этиш учун ёд,
 У шўрлик, соддадил бир соя учун
 Сира тополмасман на кўз ёш, на ун.

ҲАЁТ АРАВАСИ

Баъзида юк оғир бўлса ҳам,
 Учиб кетар арава қушдай.
 Эпчил ямшиқ қиш фасли шаҳдам
 Ҳайдаб борар устидан тушмай.

Эрталабдан аравада биз,
 Эринчаклик, роҳатдан безиб,
 Бош ёргудай елдирамиз тез,
 Қичқирамиз: чу!

Кун ярмида қолмас бу шиддат;
 Толиқамиз, кўрқинч кўринар —
 Қия тоғлар, жарликлар ғоят,
 Қичқирамиз: секинроқ, хумпар!

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

68

Аввалгича олиб борар у,
 Қўникамиз оқшомга яқин.
 Ётоққача босади уйқу,
 Отларни вақт қувлайди локин.

ЁЛВОРИШ

О, агар бу рост бўлса, тунда –
 Битганида одамнинг умри,
 Қабрларнинг тошига шунда
 Ялт-ялт тушса кўкдан ой нури,
 О, агар бу рост бўлса, шундоқ
 Бўш қолса тинч мозорнинг бари –
 Мен Лайлига бўлиб кўп муштоқ:
 Чорлайман: кел, дўстим, мен сари!

Авваллари кўринганиндай
 Маҳбуб руҳи, бўлгил намоён,
 Сўнгги ғамдан ўзгариб чирой,
 Рангсиз, ҳолсиз, қиш кунисимон.
 Кел, енгил куй ёки шамол, ё –
 Олисдаги юлдуз сингари,
 Кел, мисоли даҳшатли сиймо,
 Менга фарқсиз: келгил мен сари!

О, сени мен чақирим бу,
 Севгилимни кек билан хазон –
 Этганларга таъна эмас-қу,
 Ёки мени аҳён ва аҳён –
 Қийнагандан шубҳалар қаҳри,
 Тобут сирийн фощ этиш эмас...
 Ғамгин дейман: севаман пайваст,
 Сеникиман, келгил мен сари!

* * *

Қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдим ўзимга,
 Халқнинг келар йўлини ўт-ўланлар қилмас банд;
 У мағрур қад кўтарди бош эгмасдан таъзимга,
 Александр қуббасидан ҳам баланд.

Йўқ, бутунлай ўлмайман – қалбим яшар лирамда,
 Тупроғим-ла чиримай, яшайди у тоабда,
 То бирон шоир-поир қолар экан оламда,
 Мени сира тарк этмайди шон-шуҳрат.

Овозим-ла чулғанур поёни йўқ улуғ Русь,
 Ундаги эл-элатлар мени ёдлайди ҳар дам.
 Мағрур славян насли, бугунги авом тунгус,
 Фин халқию даштлар дўсти қалмоқ ҳам.

Узоқ замон халқ меҳрига бўлажакман мушарраф,
 Зотан, рубобим билан эзгу ҳислар туғдирдим.
 Шу ёвуз замонамда куйладим эркни мақтаб,
 Хор-зорларга ачинмоққа чақирдим.

Тангри ҳукмидан чиқма, эй илҳомим париси,
 Ранжидахотир бўлма, тожу гулчамбардан кеч.
 Лоқайд қабул этабер мадҳу тўхмат барисин,
 Аҳмоқ билан эса ўчакишма ҳеч.

Михаил ЛЕРМОНТОВ

МОНОЛОГ

Инон, бу оламда хўрлик кўриш саодат,
 Чуқур билим, шону шуҳрат орзу-истаги,
 Заковат ва эркинликка жўшқин муҳаббат,
 Биз уларни ишлатмасак, недир кераги!
 Биз, шимолнинг болалари, шу ер ўтлари —
 Каби оз вақт гуллаймизу сўламиз тезроқ...
 Қишнинг кулранг кўкидаги қуёш сингари
 Ҳаётимиз булутлидир. Аммоки узоқ
 Давом этмас бир хилдаги унинг оқими...
 Ҳам ватанда нафас олиш қийин кўринар,
 Юракка ҳам оғир ботар, кўнгил ҳам ғамли...
 На севгини ва на тотли дўстликни билар,
 Ёшлигимиз азоб чекар бўронлар ичра.
 Ёвузликнинг заҳри уни этади хазон,
 Ҳароратсиз ҳаёт жоми аччиқдир жуда,
 Бирор нарса кўнглимизни этмайди шодон.

...ГА

Ҳей, фисқ-фужурлар афв этилмасин!
 Наҳот шумларга бор метин бир қалқон?
 Уларни нодонлар улуғлайберсин,
 Уларга ўзга саз янгрисин чунон,
 Аммо сен тўхтагил, куйчи, тўхта, бас!
 Олтидан гулчамбар сеники эмас.

Жонажон ватанда қувғинликни сан
 Эркинлигим дея мақтагил ҳар вақт.
 Юксак ақлу идрок ва кўнгил билан
 Табиат зийнатлаб қўйишти барвақт.
 — Гарчанд сен ёвузлик оламин кўрдинг,
 Аммо бош эгмадинг ва мағрур турдинг!

Золимлар ҳайқириб, ўлимлар даҳшат —
 Солганда, сен эркин этдинг тарона.
 Охират ваҳмидан чўчидинг фақат,
 Бу дунё кўрқинчи сенга бегона.
 Куйладинг, худди шу ўлкада ёлғиз —
 Бир киши куйингни англаб, этди ҳис.

ЎЛИМ

Ёш умр занжири узилди-кетди,
 Йўл тугаб, ётоққа борар вақт етди.
 У шундай бир ерки, йўқдир истиқбол,
 На унда мангулик, ўтмиш ва камол,
 На унда эҳтирос, интизорлик бор,
 На шуҳрат, на йиғи ва номусу ор.
 Бир ерки, хотира уйқуда абад,
 Юрак ҳам тор ва зах тобутда беҳад, —
 Куртлар кемиришин сира сезмайди.
 Бўлди. Бу ташвишлар жонимга тегди.
 Наҳотки, кўнгилсиз суронли ишрат,
 Наҳотки, ўйларда беҳуда заҳмат,
 Наҳот, ақли ошиб бўлган у нодон,
 Ўзига биноти баланд оломон,
 Наҳотки, қизларнинг сохта севгиси,
 Ўлим олдидан ҳам мафтун қилғуси?
 Наҳотки, мен яна яшаш истасам?
 Қалбимга тўлсин деб илгариги ғам
 Ва шунда муҳаббат? Эй, парвардигор,
 Билардинг, бардошим етмайди зинҳор!
 Майли, мени кучсин бутун жаҳаннам,
 Хурсандман, хурсандман, азоб чексам ҳам,
 Қийналсам ҳам, майли, икки бор кўпроқ,
 Фақат одамлардан бўлайин йироқ.

ТЎЛҚИНЛАР ВА ОДАМЛАР

Тўлқинлар бир-бирин қувлар изма-из,
 Ўйнар ва кўтарар бўғиқ бир шовқин.
 Одамлар ўтади кетма-кет, сўнгсиз,
 Разил бир оломон гўёки тўлқин.
 Тўлқинларга иссиқ қуёшдан кўра
 Совуқлик, эрксизлик бебаҳо, кўркам.
 Одамлар қалб истар... Таажжуб нима? —
 Улар қалби совуқ тўлқинлардан ҳам.

СТАНСЛАР

Ўлгунимча севмоқ тангри қисмати эрур!
 Лекин ўша тангрининг хоҳиши билан
 Мени севган киши ҳалок бўлиши зарур.
 Ёки мендай қутулолмас азоб чекишдан.
 Аммо умид-армонимга қарши иродам,
 Севаман-ку, севилишдан кўрқаман ҳар дам.

Бўм-бўш қоя тепасида бир ўзи ёлғиз,
 Ўртоқларсиз гуллаб ўсди баҳорги чечак,
 Уни бўрон, жала келиб хароб этди тез,
 Аммо қоя турмоқдадир илгаригидек;
 Аммо унда кўркам чечак яшнамас энди,
 У дўллардан яксон бўлди, шамолдан синди.

Шу сингари тақдир зарби остида мен ҳам
 Чўққи каби қимир этмай тураман ҳамон;
 Ўйлама сен, шу зарб менинг тутаркан қўлим,
 Бу курашда эҳтимолдир қолишим омон.
 Ҳислар эмас, қадамимга тўла мен ҳоқим,
 Майли, бахтсиз бўлай – аммо, бўлай бир ўзим.

* * *

Мен яшаш истайман! Истайман ғамни,
 Муҳаббат ва бахтга аччиқма-аччиқ.
 Улар тантиқ қилди менинг ақлимни,
 Манглайимни силаб юборди ортиқ.
 Пайтидир, киборлар истехзоси-чун
 Беғамлик туманин ҳайдай беомон.
 Надир шоир умри беташвиш бутун?
 Океан океанми бўлмаса бўрон? –
 Кулфат эвазига у яшаш истар,
 Огир азобларга бўлса ҳам ошно.
 Оҳангларни кўқдан у харид этар,
 Бехуда олмайман шуҳратни асло.

* * *

Мен телбаман! Ҳақлисиз, ҳақли!
 Ўлмаслик бу дунёда кулгу.
 Сиз тупроқда бўлганда бахтли,
 Наҳот, қилдим шуҳратни орзу!
 Эътиқодлар занжирини мен
 Титратолдим ҳур ақл билан
 Ва наҳотки, сирли дард ўтин
 Фарқ қилмадим шеър оташидан?
 Ўхшамайман шоирга, ҳайҳот!
 Алданганим кўраман бу дам,
 У сингари дунёга мен ёт,
 Лекин ётман само учун ҳам!
 Биламанки, сўзларим мунгли,
 Сизга ошно эмас бу қисса.
 Дилдан юлиб ташлайман уни,
 Йўқолсин деб у билан ғусса.
 Йўқ... Бор умрим сарфлаб, идрокка –
 Ҳукмронлик этоламанми?
 Кўтарилай сиздан юксакка,
 Ўздан нари кетоламанми?
 Унутайми ихтиёр билан
 Ҳалок бўлган севгимни бу кун.
 Наҳот бир чоқ жўшиб ишонган
 Нарсаларга ишонмас мумкин?

ҚОРА КЎЗЛАР

Ёзнинг кечасида кўпдир юлдузлар:
 Нечун сизга бир жуфт шулардан фақат.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

72

О, жануб кўзлари, тимқора кўзлар,
Кўнгилсиз эди биз учрашган соат.

Ҳар кимки сўраса, тунги юлдузлар
Жаннат иқболидан қилар ҳикоят.
Сиздаги юлдуздан, тимқора кўзлар,
Қалб учун топдим мен дўзах ва жаннат!

О! Жануб кўзлари, тимқора кўзлар!
Сизлардан ўқидим севги ҳукмини,
Мен учун тун ва кун ёнган юлдузлар —
Бўлиб кўриндингиз ўшандан бери.

Рамз БОБОЖОН
ИЖОДИ

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Ўзбекистон халқ шоири, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, Жаҳон шоирлари Халқаро анжумани совриндори, Давлат мукофоти совриндори Рамз Бобожон (1921 йил 2 декабрь — 2008 йил 28 декабрь)нинг “Севги сирлари”, “Сенга, севгилим”, “Янги рубоийлар”, “Сурайё юлдуздан шуълалар” каби ўнлаб шеърӣ тўпламлари, “Тоға-жиянлар”, “Зухранинг мактублари”, “Юсуф ва Зулайҳо” каби драматик асарлари, шунингдек, қатор достонлари ҳамда “Китоб менинг ижодим — менинг ҳаётим”, “Муҳаббат мезони” романи китобхонлар томонидан қизгин кутиб олинган. 1972 йилда Давлат мукофотига сазовор бўлган “Оби ҳаёт”, машҳур учликни ташкил этувчи “Минг бир турна”, “Она-Ҳиндистон” ва “Хайёмона” достонлари ўша давр ўзбек шеърӣятида ўз новаторлиги билан ажралиб турар эди. Рамз Бобожон асарлари жаҳоннинг кўлаб тиллариға таржима қилинган.

Рамз Бобожоннинг, айниқса таржима соҳасидаги меҳнатлари айрича таҳсинға лойиқ. У.А. Пушкин, М. Лермонтов, Н. Некрасов, А. Твардовский шеърларини, В. Шекспир ва Г. Ибсен драмаларини, шунингдек, В. Маяковский, Г. Табидзе, И. Чавчавадзе, Сулаймон Рустам, Наби Хазрий, М. Миришкар, О. Туманян, Хосе Рисаль сингари дунёға машҳур шоирларнинг шеър ва достонларини ўзбек тилиға таржима қилди.

Ушбу мақолада биз Рамз Бобожоннинг ижодий индивидуаллигини унинг жуғрофий жиҳатдан бир-биридан узоқ, аммо умумбашарий қарашлари яқин икки шоир: филиппинлик Хосе Рисаль ва Россиялик Александр Твардовский ижодларидан қилган таржималари мисолида қараб чиқишға ҳаракат қиламиз.

Таниқли шоир, Филиппиннинг миллий қаҳрамони Хосе Рисалнинг “Сўнги виро” достонининг ўзбек тилиға таржимаси Рамз Бобожон ижодида алоҳида ўрин тутди.

Хосе Рисаль (1861-1896) — Филиппиннинг миллий қаҳрамони, шоир, ёзувчи, рассом, ҳайкалтарош, шифокор бўлиб, испан мустамлакачилари томонидан қатл этилган эди. Унинг ўлими куни Ватанида Рисаль куни деб нишонланади.

Хосе Рисалнинг қатл кунига ўтар кечаси ёзилган “Сўнги видо” достони — филиппин халқининг муқаддас китоби, испанзабон шеърят дурдонаси ҳисобланади. Бу асарнинг кўплаб хорижий тилларга қилинган таржималари матнлари Маниланнинг Лунет боғидаги Рисаль ҳайкалига ўрнатилган бринч лавҳага ўйиб ёзилган. Мамлакатнинг барча шаҳарларида Хосе Рисаль жамиятлари мавжуд.

1986 йил сентябрда Хосе Рисалнинг “Сўнги видо” достони биринчи марта шоир-таржимон Рамз Бобожон сўзбошиси билан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида босилиб чиқди. Унга ёзилган сўзбошида бундай сўзларни ўқиймиз: “Олис Филиппин гўзалликда соҳибжамол! Табиат уни шундай яратган, гўё сув париси... Манила хиёбонида халқ азми қарори билан қад кўтарган маҳобатли бир мақбара кўзимга чалинди, мусибат ичида муаззам турарди. Бу ... ўз заминининг фидойи фарзанди Хосе Рисаль хотирасига тикланган обида, исёнкор куйчи мақбараси, мухлислар зиёратгоҳи... Фахрий қоровул алмашиб турарди, тавоф ва эҳтиром абадий!”

Лирик ва публицистик оҳанглари қўшиб юбориш — Рамз Бобожон ижодининг асосий хусусиятларидан бири. Шу боис у таржимада бу икки нарсани сақлаб қолиш ва узвий чоғиштириб юборишга муваффақ бўлган. Шоир-таржимоннинг ўз бадиий тизими, унинг индивидуаллиги ҳиссий матнни муқобил тарзда қайта тиклашга имкон беради, таржимон аслият матнига бўйсунди, аммо барибир ҳарфхўрликни четлаб ўтади, Хосе Рисаль достонининг асосий хоссалари — пафос, ғоя ва кайфиятини қайта инкишоф этади.

Рўзнамада чоп этилган таржима сўзбошисида Рамз Бобожон яна бундай деб ёзади: “Бу ерда илк марта чақирилган Совриндор шоирлар бутун жаҳон анжуманида бўлганимдан, мажлисларда баҳслашиш, мушоираларда шеърят байроғини кўтара билиш менга ҳам насиб этганлигидан ҳамон қувонаман ... Ўзбек шеъряти Манилада Хосе Рисаль совринини олиб қайтганлигини эслаш ўзи кифоя! Шунингдек, лауреатлар таржимасида шоирнинг “Сўнги видо” шеъри турли тилларда жаранлаганлиги ва нурли сатрлар мақбара деворларида дил нақшига айланиб кетганлиги ибратли анъанадир”.

Рамз Бобожон А. Твардовскийнинг “Василий Тёркин” достони таржимаси устида ишлашга 1945 йилда, у йигирма тўрт ёшга кирганда киришган эди. Твардовскийнинг достони ўзига хос ва мураккаб асар эди. Таржимага мурожат қилиб, Рамз Бобожон ўзбек адабиётида Чўлпон (Максим Горькийнинг “Она” романи, Шекспирнинг “Ҳамлет” фожиаси), Усмон Носир (М. Лермонтовнинг “Демон” достони), Фафур Фулом (Шекспирнинг “Отелло”), Ойбек (Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеърӣ романи)лар бошлаб берган таржимачилик анъаналарини давом эттирди. 1946 йилда “Шарқ юлдузи” журналида достоннинг ўзбекча матни биринчи марта пайдо бўлди, аммо таржима устидаги иш тўхтамади ва 1962 йилдагина “Василий Тёркин” ўзбек тилида алоҳида китоб бўлиб нашр этилди.

Авалло шуни айтиб ўтиш лозимки, “Василий Тёркин” достони таржимаси Р.Бобожоннинг бундай кейинги ижодига ўзига хос ижобий таъсир кўрсатди. 1947 йилда у “Қадрдон дўстлар” достонини ёзди. Ва бу асар замондошлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Рамз Бобожон достонни Твардовский таъсири остида ёзганини, Аҳмаджон ва Василий Тёркин образлари ёш ўзбек шоири асарида тасодифан пайдо бўлиб қолганини инкор этиб бўлмайди. Аммо шу нарсани ҳам эътибордан соқит қилиш мумкин эмаски, иккинчи жаҳон уруши ўзбек халқи ҳаёти ва тақдирига бевосита дахлдор эди, шу боис

бу образлар энг аввало ҳақиқий воқеликдан келиб чиққан. Уша йиллари уруш қаҳрамонлари ҳақида кўплаб ўзбек шоирлари, шу жумладан Рамз Бобожон ҳам асарлар ёзганлар. Масалан, Ойбек ўзбек адабиёти ҳақидаги маърузаларидан бирида 1946-1949 йиллар ичида ёзилган энг яхши китоблар орасида А.Қаҳҳор, Ҳ.Олимжон, Мирмуҳсин, И.Бобоев ва бошқаларнинг романлари, қиссалари, шеърлари билан бир қаторда Рамз Бобожоннинг “Қадрдон дўстлар” достонини ҳам таъкидлаб ўтган.

Шеър ва сўз билан мурोजаат қилишнинг фикрни баён этишида ўз-ўзидан юзага келувчи энгил шакл эркинлиги, қандайдир алоҳида халқона оҳанг “Қадрдон дўстлар” достони учун хос хусусият бўлиб, унда қаҳрамонлардан бири сифатида Тёркиннинг иштирок этиши Твардовский ижоди билан ўзаро ҳамкорликнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Уйлаймизки, Василий Тёркин ҳақидаги туркумга ўхшаган достонлар фақат бир адабиётнинг мулки ҳисобланмайди, улар бошқа адабиётларнинг ривожланишига имкон беради, уларни янги сифатлар билан бойитади. Шу маънода Твардовский асарлари таржимаси ўтган асрнинг 50-70 йиллари ўзбек адабий жараёни учун катта аҳамият касб этади. Жумладан, Твардовский асарлари таржимонлари унинг шеърятининг ҳақиқий руҳини сақлаб қолганлар ва айни дамда уларнинг ижодий ўзига хослиги билан боғлиқ алоҳида жаранг бағишлаганлар.

Атоқли Рамз Бобожон ҳам “Василий Тёркин” таржимасида шунга эришганки, ундаги кўплаб сатрлар шеър кучи, ҳаққонийлиги, самимийлиги ва баён оддийлиги бўйича Твардовский ижодий тарзига жуда яқин. Достонлар таржималари таржимон учун маҳоратнинг ўзига хос мактабига айланди. Зеро, А.Т. Твардовскийнинг таъсири Рамз Бобожоннинг ўз ижодида ҳам сезилади – унинг кўплаб шеърлари, “Бобо билан суҳбат”, “Диалог”, “Обҳаёт” достонлари мисолида бу нарса яққол кўринади.

Камола БОБОЖОНОВА,
филология фанлар номзоди, доцент

Фрэнсис Скотт ФИЦЖЕРАЛЬД

Буюк Гэтсби

Роман

I БОБ

Инсон ёшлик йилларида жуда таъсирчан бўлади. Отамдан узоқ вақт хотирамда тамғаланиб қолган бир маслаҳатни сира унута олмайман.

— Мабодо, сен тўсатдан кимнингдир устидан ҳукм чиқармоқчи бўлсанг, — деган эди отам, — бошқа инсонларда бўладиган фазилат сенда бўлмаслиги мумкинлигини ёдингда тут.

Отам ортиқча сўз айтмас, аммо бир-биримизни бир қарашдаёқ тушуниб олардик. Отамнинг гаплари заминда бошқа маънолар ҳам борлигини мен яхши билардим. Ана шундан буён менда босиқлик билан фикр юритиш одат тусига кириб қолган. Отам ичимдагини топ одамлар қалбига йўл топишда менга катта мактаб бўлган эса-да, худобезори кимсалар қилиғи қурбони бўлишимга ҳам сабабчи бўларди. Агар бу босиқлик оддий, росмана одамда мужассам бўлса, уни ҳар қандай думбул одам ҳам дарҳол англаб олади ва унга чиппа ёпишиб олишга ошиқади; коллежда ўқиб юрган кезларим ўртоқларим мени ичидан пишган деб аташар, бировларга аралашвермайдиган одамови ва бўлар-бўлмасга валдирайвермаганим сабабли улар юракларидаги сирларини менга ишониб айтардилар. Дўстларимнинг менга ишониб айтган сирларига шерик бўлишни истамасдим, чунки бировлар сирини сақлай оламанми-йўқми, билмайман, ҳатто уларнинг гапини эшитиб, эснаб ўтирган пайтларим ҳам бўлган. Ўзимни китоб ўқиётганга ёки пинакка кетгандай қилиб ўтирдим; ахир ёшларнинг ботиний сирларини миридан-сиригача эшитишни ҳар қанча истасам-да, улар сирларини охиригача айтишмас эди. Босиқлик билан фикр юритиш катта фазилат. Муҳим маънавий қадриятларни сезиш қобилияти барчага ҳам бирдай берилмаганлигини ёддан чиқарсам, бирон нарсани унутиб қўйдиммикан, деб хавотирга тушаман.

Ўзимнинг сабр-тоқатли эканлигимни қанчалик яхши билсам-да, бу-

*Русчадан
Назира ЖУРАЕВА
таржимаси*

Америка ёзувчиси Фрэнсис Скотт Фицджеральд 1896 йилда таваллуд топиб, 1940 йилда вафот этган. Унинг «Жаннатнинг бу томонида» (1920 й.), «Гўзаллар ва лаънатланганлар» (1922 й.), «Буюк Гэтсби» (1925 й.), «Нафис кеча» (1934 й.) романлари чоп этилган. Улар ўқувчилар орасида катта муваффақият қозongan. Муаллифнинг кўплаб ҳикоялари ва новеллалари катта нусхада чоп этилган. Унинг кўплаб асарлари автобиографик руҳда ёзилган. Ф.С.Фицджеральд Америка адабиётида чуқур из қолдирган адибдир. Сиз ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилаётган «Буюк Гэтсби» романида Америка ҳаёти тасвирланади, Гэтсби исмли йигит Дезини чин юракдан севиб қолади. Уруш сабабли уни йўқотиб қўяди. Роман қахрамони Гэтсби мутлақо жумбоқ инсон. Ҳаёти сир-синоатга тўла. Ҳаётнинг икир-чикирига нисбатан унда ажабтовур сезгирлик мужассам. Ҳозиржавоблик, дарҳол бошқа қиёфага кириш, сўзамоллик унда устун. Бу кечинмалар романда ёрқин бўёқларда тасвирланган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

76

нинг чегараси борлигини унутмаслигим керак. Турли тоифадаги инсонларнинг хулқ-атвори турлича бўлади — баъзилариники ўта қаттиқ, ўта мураккаб, баъзилариники ўта юмшоқ. Баъзан уларнинг хулқ-атвори остида нимадир яширингани мени қизиқтирмай ҳам қўяди. Ўтган йили куз фаслида Нью-Йоркдан қайтгач, инсон феъл-атворининг нақадар мураккаблигини тушундим. Ўз манфаатлари учун кишилар ёвузликдан ҳам тоймасликларини билиб олдим. Шу-шу мен инсонларнинг ботиний сирларини билиш учун ўзгалар қалбига қўл солишни истамай қолдим. Фақат номи шу китобга битилган Гэтсби исмли инсонгина бундан мустасно эди. Гэтсби мен нафратланадиган ва хуш кўрмайдиган барча нарсани ўзида мужассам этган инсон каби туюларди, наздимда. Ҳар бир кимса қобилиятига қараб баҳоланадиган бўлса, бу инсон мутлақо жумбоқ эди. Ҳаёти сир-синоатга тўла. Бу инсонда ҳаётда барча икир-чикирларига нисбатан ажабтовур бир сезгирлик мужассам эдики, гўё у ўн минг миль нарида содир бўлган ер ости силкинишларини қайд этувчи мураккаб асбобга ўхшаб кетарди. Унда ҳозиржавоблик, дарҳол бошқача қиёфага кириб олиш, сўзамоллик хислати устун эди. Бу табиатнинг унга берган ноёб инъоми эди. Унинг қалбида жўш урган гайратни ҳеч кимда учратмаганман ва бундан кейин ҳам учратмасам керак. Йўқ, Гэтсби пиروвард-натижада ўзини кўрсата билди; унинг фикрларини чулғаб олган ва уни эзиб турган заҳарли қурум тез барҳам топувчи инсон изтироблари ва хурсандчиликларига бўлган қизиқишни вақтинча сўндирган эди.

Мен ҳурмат-эйтиборга лойиқ боёнлар оиласиданман. Мазкур оиланинг учинчи авлодига мансубман. Авлод-аждодимиз Ўрта Фарбий шаҳарда таниқли насаблардан эди. Коррауэй катта бир уруғ-аймоқ бўлиб, оилавий келиб чиқишига кўра, у Бэклу герцогларининг ворислари ҳисобланар, очиги, бувамнинг акаси бу шажарага асос солган десак, тўғри бўлур эди. У 1851 йили бу ерга кўчиб келгач, федерал армиясида хизматни ўташ учун бир кишини ўз ўрнига ёллаган эди. Ўзи эса бу ерда майда-чуйда темир-терсақларнинг улгуржи савдосини йўлга қўйиб юборди. Эндиликда бу ишлар билан менинг отам шуғулланмоқда.

Бобокалонимни кўрган эмасман, лекин айтишларича, мен унга жуда ўхшаб кетарканман. Отамнинг идорасида сурати деворда осиглиқ бадқовоқ бувамни ҳамиша менга ўхшатишади. Мен Иель университетини тугатдим. Орадан бир оз вақт ўтгач, Жаҳон урушида қатнашдим. Урушдан қутулиб уйга қайтганимда ҳафсалам роса пир бўлди. Ўрта Фарб энди кўзимга ҳаёти оғир гўша эмас, балки ўта зерикарли бир ер бўлиб кўринмоқда. Шарққа кўчиб кетдим ва у ерда кредит ишини ўрганишга аҳд қилдим. Барча таниш-билишларим кредит ишлар билан шуғулланишади; наҳотки мендек бир инсонга шу соҳада иш топилмаса? Барча оила аъзолари жамулжам бўлдик, масала мен кирадиган ўқув юртини танлаш ҳақида эди; аммаларим ва амакиларим пешоналарини тириштириб, узоқ маслаҳатлашгач, ниҳоят, қатъиятсизлик билан “хўш” деб қўйдилар, холос. Отам менга бир йил молиявий ёрдам беришга розилик билдирди. Ниҳоят, 1922 йилнинг баҳорида мен Нью-Йоркка келдим. Бу ердан ўзимга маъқул уй-жой қидирдим. Ёз мавсуми бошланаётган эди. Мен шаҳардаги кўм-кўк ястаниб ётган ўтларга ва дарахтлар соя ташлаб, сўлимлик бахш этган ерларга ошuftга эдим. Дабдурустдан бирга ишлайдиган ходимимиз менга шаҳар чеккасидан ижарага уй олиб, бирга яшаш истагини билдириб қолди. У уй қидиришга тушиб кетди. Мўъжазгина уйни ойига саксон доллар тўлаш шарти билан олдик. Энди кўчай деб турганимизда шеригимни қандайдир иш билан Вашингтонга хизмат сафарига жўнатиб қол-

дилар, шу сабабли кулбага ёлғиз ўзим кўчиб келишимга тўғри келди. Мен ёлғиз яшамаслигим учун бир кучукчани ўзим билан олиб келдим, бир неча кун ўтмай кучукча уйдан қочиб кетди. Шундан сўнг хизматкор аёл ёлладим, у эрталаб ўрнимни йиғиб, уйларни ораста қилгач, фин тилида хиргойи қилганича менга нонушта тайёрлайди.

Аввалига ўзимни ёлғиз ҳис эта бошладим, орадан уч-тўрт кун ўтгач, вокзал яқинида эндигина поезддан тушган бир кимса мени тўхтатди.

– Кечирасиз, Уэст-Эгга қандай борса бўлади? – сўради у саросимага тушиб.

Мен унга йўлни тушунтирдим-да, йўлимда давом этдим, шунда мени ёлғизлик ҳисси тарк этганини сездим. Бу ерга биринчилар қаторида кўчиб келиб жойлашганим сабабли янги келганларга йўл кўрсата бошлайдиган бўлдим. Бу учрашувлар менинг одамларга қўшилишимга катта ёрдам берди.

Куёш нури ерни тобора қиздириб бормоқда. Киши кўз ўнгида баҳор фасли бошланиб, куртаклар аста-секин яшил барг ёзмоқда. Табиатнинг қайта уйғонаётганидан қалбим нурафшон бўлиб борарди. Мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олдим. Мазза қилиб китоб мутолаасига берилишинг ҳам мумкин. Мен иш соҳамга хос ва мос китобларни сотиб олдим. Улар ҳисоб-китоб, кредитга ва қурилишга оид дарсликлар эди. Барчасини жавонга териб қўйдим, китобларнинг ялтироқ муқовалари жавонда қуёш нуридан товланиб, менга фақат Мидас, Морган ва Метценатга маълум бўлган сирларни ўргатмоқчи бўлгандек саф тортиб тизилиб турарди. Лекин мен фақат шу дарсликларни ўқиш билан чегараланиб қолмоқчи эмасдим. Коллежда ўқиб юрганимда менда дабдурустдан адабиётга бўлган қизиқиш кучайиб кетди, ўша пайтларда “Жарчи” газетасига бир қатор чуқур мазмунли ва ишонарли мақолалар ёзиб бергандим, шундан сўнг менда ёзишга иштиёқ кучайди. Бу шунчаки қизиқиш эмасди, ташқарида рўй бераётган воқеаларни қизиқиб назорат қилиш менда одат тусига кириб қолди.

Ҳаётимда бир тасодиф сабабли, мен шимолий Американинг ўзига хос жойларидан бирида истиқомат қила бошладим. Нью-Йоркнинг шарқда табиати ниҳоятда сўлим ерлар жуда кўп. У ерда катта орол бўлиб, тепалик ва кўрфазлар бисёр. Шаҳардан йигирма мил узоқликда, Лонг-Айленд кўрфазининг орқа томонида унча катта бўлмаган кўрфаз билан деярли ёнма-ён иккита тепалик ястаниб ётарди. Тепалик тухумсимон думалоқ шаклда эди. Улар шу даражада бир-бирларига ўхшаб кетардики, нафақат одамзод, балки орол устида чарх уриб учиб юрган чағалайлар, барча мавжудотлар ҳам бундан ҳайратда эдилар. Энг ажабланарлиси, бу иккала тепалик бир-бирига жуда ўхшаса-да, нимаси биландир бир-биридан фарқ ҳам қиларди.

Мен Уэст-Эггда яшай бошладим. Кулбам қирғоқдан эллик чақирим нарида, табиати ниҳоятда гўзал орол ёнгинасида жойлашган. У иккита вилланинг оралиғида эди.

Бу жойларга бир мавсумда 12-15 доллар тўлаб яшайдилар. Айниқса, ўнг тарафда жойлашган вилла жуда ҳашаматли эди. У Нормандиядаги ажойиб Hotel de Ville¹ вилласига ўхшаб кетарди. Унинг яқинда терилган гишталари орасидаги тирқишдан чўмилиш ҳавзаси ва қирқ акр² дан иборат боғ кўзга ташланарди. Бу Гэтсби исмли кимсанинг ҳовли-жойи эканлигини яхши билардим. Аниқроғи, бу вилла Гэтсби исм-шарифли кимсага тегишли эди. Яшаётган уйим бу ҳашамдор уй-

¹ Шаҳар бошқармасининг биноси (франц.).

² Бир гектардан кўпроқ ер ўлчови миқдори.

лар орасида кўзга чиққан тирсақдай яққол кўзга ташланиб турарди. Лекин буни ҳеч ким илғамасди. Шунинг учун мен нафақат оролни, балки баҳаво боғларни ҳам мириқиб томоша қилиш имкониятига эга эдим. Ижара ҳаққим саксон доллар. Кўрфазнинг нариги тарафида ҳашаматли Ист-Эгг оқ саройининг акси сув юзасида қалқиб туради.

Бу ёз мавсумининг тарихи “дож” русумли машинамга ўтириб, нариги қирғоқда истиқомат қилувчи Бьюкененларникига борган кечадан бошланди. Дэзи Бьюкенен — менга узоқ қариндош, унинг эри Томни эса университетда ўқиган давримдан буён танийман. Урушдан кейин уларникида — Чикагода икки кун меҳмон бўлган эдим.

Том жисмонан бақувват эди. Нью-Хейвен футбол ишқибозлари ундан кучлироқ чап қаётда ўйновчи бошқа ўйинчини тан олмас эдилар. У ўзига тўқ оиладан. Йигирма бир ёшга етгунига қадар анча-мунча ютуқларни қўлга киритган. Ота-онаси ўта бадавлат одамлардан саналарди. Университетда ўқиб юрган давридаёқ пулни аямай совураб, бу қилмиши учун унга танбех беришарди. У Чикагодан Шарқ томонларга кўчиб ўтишни ният қилди, чавгон ўйини учун бир отхонага сигадаган пони отларини Лейк-Форестдан олиб келтирди. Бу кимсанинг кўнглига келган ишни қилишга етадиган пули борлигига ишониб қийин.

Томнинг оила аъзолари Шарқ тарафларга кўчиб келишига нима сабаб бўлганлиги менга номаълум. Улар Францияда бир йил истиқомат қилибдилар, сўнгра таниш боёнлар йиғилиб, чавгон ўйнаб, бойликларини созуриш мақсадида Европанинг турли бурчакларини саёҳат қилиб чиқибдилар. Дэзининг менга айтишича, энди улар бир жойда муқим яшашга қарор қилибдилар. Дэзи бу гапни тўғри айтдимми ёки йўқми, бу менга қоронғу, назаримда Том худди футболчилардек у юртдан бу юртга кезиб юришни хуш кўрарди.

Илиқ шабада эсиб турган оқшомда икки дўстимни кўргани йўл олдим. Дэзи билан Том яшайдиган жой мен тахмин қилгандан ҳам ҳашамдор экан. Фусункор уйнинг олд томони бўғоз тарафга қаратиб қурилган. Ям-яшил майсазор сув ёқасидан бошланиб, чорак мил узунликда майдаланган гишт бўлаклари териб қўйилган гулзор ва йўлакчалар бўйлаб чўзилиб борарди. Уйнинг олд қисми у бошидан-бу бошигача икки табақали деразалардан иборат; улар ланг очиқ эди. Илиқ шабада деразадан ичкарига урилар, ойналарда қуёшнинг олтин нурлари жилваланарди. Эшик олдида оёқларини керганча, чавандоз кийимида Том Бьюкенен гердайиб турарди.

У Нью-Хейвенда кўрган пайтимдагига қараганда жуда ўзгариб кетганди. Кенг яғринли, ўттиз ёшлар чамасидаги оқ-сарикдан келган димоғдор бу йигит энди ўзини анча тутиб олганди. Одамга қараганда унинг кўзлари тешиб юборай дер, ҳайбатидан от ҳуркарди. Чавандозлик либоси аёлларникидай нафис кўринса-да, унинг жисмоний кучқувватини яшира олмасди; афтидан, кулранг кўнжли этиги болдирларининг бақувватлигидан худди ёрилиб, чок-чокидан сўкилиб кетаётгандай кўринарди. Елкаси кенг, билаклари мушакдор эди. Бақувват кўринишидан енгилмас кимсага ўхшаб кўринарди.

Овози бўғиқ бўлса-да, чўрт кесиб гапиришни ёқтирарди, сўзлари оҳангидан феъл-атворининг оғирлиги шундоққина сезилиб турарди. У ёқтирадиган одамлар билан суҳбатлашган пайтда ҳам ўзини улардан устун тутаётганлиги билиниб турар, жуда қайсар ва манман киши эди. Ана шунинг учун ҳам Нью-Хейвенда уни кўпчилик ёқтирмасди. Наздимда у: “Мен сизларга қараганда кучлироқман, сизлар менинг тенгим эмассизлар,” деяётгандай тутарди ўзини. Лекин бошқаларнинг фикрини инобатга оларди. Юқори курсда ўқиб юрган пайтимиз-

да биз талабалар жамиятига аъзо бўлган эдик, гарчи орамизда ҳеч қандай дўстлик риштаси бўлмаса-да, у мени ўзига яқин олар, дўстона фикр алмашиб, маслаҳатлар сўрарди.

Биз эшик олдида учрашдик. Куёш ботиб бормоқда эди.

— Хўш, уй-жойим ёмон эмас-а, — деди Том ҳовлисига кўз ташларкан. У бир қўлини елкамга қўйиб, иккинчи қўли билан кенг қулоч ёзганча, итальян русумидаги боғини, ярим акр келадиган майдондаги атрофга муаттар бўй таратиб турган гулзорини ҳамда тўлқинда чайқалиб турган моторли яхтасини кўз-кўз қилди.

— Бу қўрғонни нефтчи Демэйдан сотиб олдим. — У қўлларини елкамдан олиб, мени ҳовлиси томон етаклади. — Қани, юр ичкарига!

Биз кенг холл¹ хонадан ўтиб, деворлари ойнаванд, пуштиранг хонага кириб бордик. Деразалар очиқ турар, уй ранги билан уйғунлашиб кетган ям-яшил ранг ойналарда жилваланарди. Ичкарига урилаётган шамол дераза пардаларини гоҳ тепага, гоҳ ён-атрофга ҳилпиратиб ўйнардди.

Хонада жойидан кўзгалмайдиган катта ёғоч каравот устида иккита ёш аёл суҳбатлашиб ўтирардилар. Улар оқ ҳарир кўйлак кийиб олишган бўлиб, бу кўйлақлар деразадан кираётган шабадада тинмай ҳилпирарди. Мен, назаримда, бир неча дақиқа хона деразаларига осифлиқ пардалару хона деворидаги шабададан силкиниб турган суратга маҳлиё бўлганча қотиб қолдим. Нимадир тарақлаб кетди. Том Бьюкенен деразаларни ёпди. Ташқаридан кираётган шамол таққа тўхтади. Дарпардалар ҳилпирамай қўйди.

Ёғоч каравотда ўтирган аёллардан ёшроғи менга нотаниш эди. У узала тушиб ётар, энгагига нимадир боғланган эди. У мени кўрмаганга солди. Мен уларнинг оромини бузганимдан кечирим сўрадим.

Иккинчи аёл Дэзи эди. У ўрнидан кўзгалди-да, истиқболимга юриб кела бошлади. У жарангдор ва мафтункор овозда гапириб, кулиб келарди. Мен ҳам юзимда табассум, унга пешвоз чиқдим. Хурсандлигимдан турган жойимда қотиб қолган эдим.

Дэзи, худди кулгили сўз айтгандек, яна хандон отиб кулиб юборди. Қачондан бери мени кўришга муштокдек, қўлимни қаттиқ сиқиб кўришди ва мафтункор кўзларини менга тикди. Дэзи каравотда узала тушиб ётган нотаниш аёлни Бейкер деб таништирди.

Бейкер хоним беихтиёр нималарнидир шивирлаб, бошини аста тебратиб қўйди, энгаги остидаги нарсанинг тушиб кетишидан қўрқиб, бошини оҳиста орқага ташлади. Ўзимни ноқулай ҳис этдим. Яна кечирим сўрадим.

Қариндошим Дэзи ингичка овозда ҳаяжонланиб мени саволларга кўмиб ташлади. Унинг гаплари гўё ёқимли мусиқадек эшитиларди. Дэзи жуда гўзал эди, лекин чеҳрасига қандайдир гам соя ташлаб турганлиги аниқ сезилиб турарди, кўзлари чақнар, гунчадек лаблари кишига жон бағишларди. Унга қанча йигитлар ошиқ бўлмаган дейсиз, кўнғироқдек майин овози барчани мафтун этиб, “менга қулоқ беринглар”, деган оҳангда жарангларди.

Мен Дэзига Нью-Йоркдан қайтишимда Чикагода бир кеча қолганимни, унга кўплаб дўстлар салом айтиб юборишганини айтдим.

— Демак, менсиз у ерда зерикишаётган экан-да? — деди Дэзи қувончи ичига сиғмай.

— Ҳа, бутун шаҳар мотамда. Барча машиналарнинг чап гилдирақлари қорага бўялган, мотамсаро. Кўлнинг қирғоқларидан кечалари

¹ Танобий хона, даҳлиз.

йиғи ва “оҳ-воҳ” овозлари эшитилмоқда, — дедим ҳазиллашиб.

— Шундай дегин, қандай яхши! Том, ортимизга қайтамызми? Эртагаёқ! — ва шу заҳотиёқ шоша-пиша кўшиб қўйди: — Бизнинг кичкинтойимизни кўришса нима дейишаркан-а!

— Кичкинтойингизни жуда кўргим келаяпти.

— Кечирасан, у ҳозир ухляпти. Энди уч ёшга тўлди. Сен ҳали кичкинтойимизни кўрмагансан-а?

— Йўқ, кўрмаганман.

— Уни кўрсанг борми... Қизимиз...

Том Бьюкенен хонанинг у бошидан-бу бошига юраркан, тўхтаб қўлини елкамга қўйиб:

— Ник, қандай ишлар билан бандсан? — деб сўради.

— Кредит муомалалари билан шуғулланяпман.

— Кимда?

Мен исми-шарифини айтдим.

— Ундай одамнинг номини эшитмаган эканман, — ўзини мағрур тутиб деди Том.

Негадир аччигим чиқди.

— Эшитасан, — дедим гапни қисқа қилиб. — Шарқни қўлга киритганимда, албатта, бу номни эслайсан.

— Ҳа-я, бу томондан кўнглинг тўқ бўлсин, — деди Том Дээига қараб қўяркан, сўнг дарҳол кўзини менга тикди-ю, жавобни шартта айтди-қўйди:

— Мен жаннатдай бу жойларни ташлаб кетадиган аҳмоқ эмасман.

Шу ондаёқ мисс Бейкер: — Ҳа, шунақа! — деди. Кутилмаган бу товушдан чўчиб тушдим. Бу — шу пайтгача унинг айтган биринчи сўзи эди. Менинг юқоридаги сўзим унга шундай таъсир қилган эдики, кутилмаганда бир-икки одим ташларкан:

— Мана, мен қишлоқоғим бўлиб ўтирибман, — дея ҳасрат қилди Дээзи, — қачонгача бу жаннатий жойда ўтроқ ҳолда яшайман-а?

— Илтимос, менга бундай қарама, — чўрткесарлик билан деди Дээзи Томга қараб. — Эрталабдан бери сени Нью-Йоркка олиб кетгим келаяпти.

— Раҳмат, овора бўладилар, — деди Бейкер хоним стол устида турган тўртта финжондаги коктейлдан бирига қўл узатар экан.

Уй эгаси унга ишончсизлик билан қараб қўйди.

— Тавбангдан кетай! — деди-ю, Том финжондаги коктейлни бир кўтаришдаёқ ичиб юборди. — Буни қандай уддасидан чиқар эканман?

Мен у ниманинг “уддасидан чиқиши кераклигига” ҳайрон бўлиб, Бейкер хонимга қараб қўйдим. Унга қараш завқли эди. Унинг қадди-қомати ниҳоятда келишган, сийналари унча катта бўлмаса-да, қоматини тик тутиб турарди. Мовий кўзлари мен томон қадалганди. Юзлари оппоқ, ёқимтой. Мен уни аввал ҳам қаердадир кўргандек эдим. Суратини кўрган бўлсам, эҳтимол.

— Сиз Уэст-Эггга яшайсизми? — овозини чўзиб сўради у. — У ерда танишларим бор.

— Узр, ҳали у ердагилар билан танишиб улгурмадим.

— Наҳотки, Гэтсбини танимасангиз?

— Гэтсби дейсизми? — сўради Дээзи. — Қайси Гэтсби?

Гэтсби ён қўшним эканлигини энди айтмоқчи бўлиб тургандим, дабдурустдан овқатга чақириб қолишди. Том Бьюкенен бақувват қўли билан тирсагимдан тутиб, гўё шахмат донасини бир катакдан иккинчи катакка сургандек хонадан олиб чиқиб кетди. Кунботар томонга жойлашган айвонга чиқдик. Икки ёш хизматкор биздан олдинда аста

қадам ташлаб борарди. Стол устига пуштиранг дастурхон ёзилган, тўртта шам ёқиглиқ турар, ел алангани енгилгина пирпираб ўйнарди.

— Шамларнинг нима кераги бор, — деди Дэзи қовоғини уйиб, сўнг шамларни бирин-кетин ўчира кетди. — Икки ҳафтадан сўнг йилнинг энг узун куни бошланади, — у табассум билан бизга кўз югуртирди. — Қачонлардир сиз бундай узоқ кунни кутиб, у бир зумда ўтиб кетганини сезганмисиз? Мен буни интиқлик билан қутаман.

— Келинлар, бирон нарса ўйлаб топайлик, — эснади Бейкер хоним ўриндиққа жойлашиб ўтирар экан.

— Келинлар, шундай қилайлик, — деди Дэзи. — И-я, ҳозирми? — у саросимага тушиб менга қаради. — Нимани ўйлаб топиш мумкин?

Жавобни кутиб ўтирмаёқ, у тўсатдан ваҳима билан жимжилоғига қаради.

— Қаранлар! — хитоб қилди у. — Менинг бармоғим шикастланибди.

Ҳаммамиз унинг бармоғига қарадик. Жимжилоғи кўкариб, шишиб кетганди.

— Бунга сен айбдорсан, Том, — деди Дэзи ранжиб. — Биламан, атайлаб қилмагансан, барибир сенинг ишинг бу. Менга бу ҳам кам. Чунки мен сендек баҳайбат, бесўнақай, дароз кимсага эрга текканман-да.

— Шу сўзни ўлгудек ёмон кўраман, — хотинининг гапини бўлди Том. — Мени ҳазиллашиб бўлса-да, дароз, нотавон деб аташларини жиним суймайди.

— Ҳа, дароз, нотавонсан, — ўчакишиб деди Дэзи.

Баъзан Дэзи билан Бейкер хоним бараварига вайсаб кетардилар. Уларнинг бу бемаъни гаплари ниҳоятда кулгили эди. Ҳозир эса дастурхон атрофида мен билан Том ўтирганимиз сабабли улар одоб сақлардилар. Вақт тушликка яқинлашиб қолганди.

— Дэзи, ёнингда ўзимнинг маданиятли одам эканлигимни унутиб қўяман-да, — дедим мен майнинг иккинчи қадаҳини ичганимдан сўнг. — Кел, мен ҳам тушунадиган биронта мавзуда сўзлашайлик, масалан, ҳосил ҳақида.

— Маданият тобора йўқ бўлиб бормоқда, — деярли қичқириб деди Том. — Кундан-кунга тушкунликка тушиб боряпман. Сен Годдартнинг “Рангин империяларнинг юксалиши” китобини ўқиганмисан?

— Йўқ, ўқимаганман, — дедим унинг гапидан ажабланиб.

— Ажойиб китоб, уни ҳамма ўқиши шарт. У китобда, агар биз эҳтиёт бўлмасак, оқ ирқ... хуллас, бир сўз билан айтганда, бошқа ирқлар ютиб юборадилар, деган гоё бор. Бу шунчаки гап эмас. Барчаси илмий жиҳатдан исботлаб берилган.

— Том борган сари чуқур фикрлайдиган бўлиб боряпти, — деди Дэзи. — У оқилона фикрлар баён этилган хилма-хил китобларни ўқимоқда.

— Шунчаки оддий китобларни эмас, илмий асарларни, — хотинининг гапига зарда билан эътироз билдирди Том. — Годдарт ўз фикрларини аниқ-равшан баён этган. Биз — юқори ирқ вакилларида бошқа ирқлар устувор бўлиб кетишларига йўл қўймаслик ҳақида ёзилган у китобда. — Биз уларни эзиб ташлашимиз керак, — шивирлади Том кўзини қисганча уфққа бош қўяётган қуёш томон қараркан.

— Агарда сизлар Калифорнияда истиқомат қилганингизда борми... — гап бошлади Бейкер хоним, лекин шу ондаёқ Том унинг гапини бўлди. У ўтирган курси гичирлаб кетди.

— Гап шундаки, биз юқори ирқ вакилларимиз, мен ҳам, сен ҳам

ва... — Том бош ирғаб Дээини кўрсатди. Дэзи шу заҳотиёқ менга қараб кўзини қисиб кўйди. — Инсоният томонидан яратилган маданиятнинг барчаси, яъни илм-фан, санъат ва қолганлари ҳам бизнинг ирқимизга мансуб бўлганлар томонидан яратилган. Тушунтира олдими?

Шу топ телефон жиринглаб қолди, уй хизматчиси гўшакни кўтарди. Дэзи ҳамма ўзи билан овора бўлган пайтдан фойдаланиб, мен томон эгилди-да:

— Мен сенга бир сирни очмоқчиман, — деди шивирлаб. — Хизматкоримиз ҳақида гапирмоқчиман. У ҳақидаги ғалати гапни сенга айтиб берайми?

— Гапингни эшитиш учун ҳам бу ерга келдим-да, — дедим.

— Бўлмаса қулоқ сол: аввало у оддий хизматкор бўлиб ишламаган. У Нью-Йоркдаги бир хонадонда ишлаган, унинг ошхонасида икки юз персонлик кумуш идиш бор эди, у фақат шу кумуш идиш билан фахрланарди. Эртадан кечгача уни тозалагани-тозалаганди, ана шундан кейин негадир акса урадиган бўлиб қолган...

— Жуда ёмон қийналган эди-да ўзиям, — гапга қўшилди Бейкер хоним.

— Тўғри. Жуда ёмон қийналди. Ҳатто иш жойидан кетишга ҳам рози бўлиб қолди.

Ботиб бораётган қуёш нурлари Дээининг нимпушти чехрасига туша бошлади; мен унинг шивирлаётган гапини жон қулоғим билан эшитардим, нафасимиз нафасимизга уриларди, ниҳоят, қуёшнинг заррин нурлари унинг чехрасини тарк этди. Атрофни қоронғулик чулғагач, мен ҳам бу гўшани тарк этиб, уйга кетишга чоғланган ҳам эдимки, хизматкор келиб Томнинг қулоғига ниманидир шивирлади. Том қовоғини уйиб, ўтирган жойидан турди-да, чурқ этмай бошқа хонага чиқиб кетди. Дэзи жим бўлиб қолди, эри чиқиб кетгач, мен томон энгашиб, мулойим овозда сўз қотди:

— Эҳ, Ник, билсанг эди, бизни йўқлаб келганингдан ниҳоятда бошим осмонга етди. Сен худди... жуда ёқимтойсан-да. Тўғрими? — деб Бейкер хонимга савол назари билан қаради Дэзи. — У ўз фикрига эга эркак.

Дэзи ўйланиб қолди. Афтидан, эрига кўнгли йўққа ўхшайди. Дэзи баъзан дилидагини тилига чиқарадиганлар тоифасидан эди. Унинг иссиқ нафасини ҳис этиб турардим. У баногоҳ кўлидаги сочиқчасини стол устига ирғитди-ю, биздан кечирим сўраб, хонадан чиқиб кетди.

Бейкер хоним иккимиз бир-биримизга лоқайд қараб кўйдик. Мен энди гап бошламоқчи бўлган эдим, у қаддини ростлаб “жиминг” дегандек бармоғини лабига кўйди. Нариги хонадан Томнинг ҳаяжонли бўғиқ овози эшитиларди. Бейкер хоним ҳеч тортинмай овоз келган томонга қулоқ сола бошлади. Аввалига Томнинг овози бемалол эшитилиб турди, сўнг у шивирлаб гаплаша кетди, кейин овоз бизга эшитилмай қолди.

— Сиз боя тилга олган жаноб Гэтсби кўшним бўлади, — гап бошладим мен.

— Узр, гапирмай тулинг. Ичкарида нима гап эканлигини эшитмоқчиман.

— У ерда нимадир бўляптими? — соддалик билан сўрадим.

— Ие, ҳеч нарсадан хабарингиз йўқми? — ҳайратланиб сўради Бейкер хоним. — Тавба, мен ҳамма билади, деб ўйлабман.

— Йўқ, ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

— Умуман... — деди Бейкер хоним чайналиб. — Нью-Йоркда Томнинг бир хонимчаси бор.

— Қанақа хонимча? — довдираб сўрадим.

Бейкер хоним “ҳа, шундай”, дегандай бош ирғаб, тасдиқлади.

— Ўша қийшангининг озгина виждони бўлганда, овқат пайтида Томга кўнғироқ қилмасди, тўғрими?

Мен эшитган гапимни ҳали ҳазм қилмаган ҳам эдимки, эшик очилиб, остонада уй эгалари кўриндилар.

— Узр, зарур иш чиқиб қолди, — деди шодон қичқирганча Дэзи.

У ўз жойига бориб ўтирди-да, Бейкер хонимга синовчан назар ташлади, сўнг менга қараб, гўё ҳеч нарса бўлмагандек гап бошлади:

— Мен бир дақиқага ташқарига чиқиб, боғни кузатдим, атроф шундай гўзалки... Боғда қушлар хониш қиляпти, менимча, булбул бўлса керак. У ҳойнаҳой бу ерга денгиз оша учиб келган. Кишини маст қилар даражада сайраяпти... — Дэзи берилиб гапирётганида худди куйлаётгандай эшитиларди сўзлари. — Том, атроф шундай гўзалки... мафтун бўласан киши...

— Ҳа, ҳамма ёқ мафтункор, — деди Том ва ноқулай аҳволдан қутулмоқчи бўлгандек менга юзланди: — Овқатдан сўнг сени отларни кўрсатгани олиб бораман.

Телефон яна жиринглаб қолди; Дэзи Томга қаради-ю, ранги оқариб кетди, сўнг бош чайқаб қўйди, отлар ҳақидаги суҳбат ўз-ўзидан тўхтаб қолди. Сўнгги беш дақиқа оғир бир сукутда ўтди. Шамлар липиллаб ёнарди. Негадир уларни ҳозир қайтадан ёққан эдилар. Стол атрофидагиларни кузатиб ўтириш мен учун мароқли эди. Дэзи билан Томнинг хаёлидан нима кечаётганини билмадим-у, лекин Бейкер хоним бундай ҳолларга ўрганиб кетган кўринади.

Орамизда бешинчи одамнинг хиралик билан телефон қилиши барчамизга малол келди. Бу ҳолат барчамизга одобсизликдек бўлиб кўринса-да, менда “унинг адабини бериб қўйиш керак”, деган фикр уйғонди.

Минг афсуски, отлар ҳақида бошқа гап очилмади. Том билан Бейкер хоним кутубхонага кириб кетдилар. Мен Дэзи билан ўртадаги ноқулай вазиятдан чиқиб кетиш учун айвон бўйлаб сайр қила бошладим. Катта айвон ёнига келганимизда атрофни қоронғулик чулғаб олганди. Биз шу ерга қўйилган оромкурсига ўтирдик.

Дэзи икки кўлини чеккасига қўйганча қоронғуликка тикилиб қолди. Мен у нима сабабдан ҳаяжонда эканлигини сезиб турардим. У ўзини боса олмасди. Уни чалғитиш мақсадида қизи ҳақида суриштира кетдим.

— Ник, сен билан қариндош бўлсак-да, лекин бир-биримизни яхши билмаймиз, — деди у кутилмаганда. — Сен ҳатто тўйимда иштирок ҳам этмагансан.

— У пайтда ҳали урушдан қайтиб келмагандим.

— Ҳа, тўғри айтасан, — деди-ю, жим бўлиб қолди. — Ник, биласанми, бошимдан кўп савдолар ўтди, мен ҳозир ҳеч нарсага ишонмайдиган бўлиб қолганман.

Унинг гапида жон бор эди. Бир оз сукут сақладим. Унинг ярасини янгилагим келмади. Гапни бурмоқчи бўлиб яна қизи ҳақида сўрай бошладим:

— Қизинг гапиряптими? Овқатини ҳам ўзи ейдиган бўлиб қолгандир?

— Ҳа, албатта, — хаёли паришон ҳолда деди Дэзи. — Ник, у туғилганида мен нима деганимни билишни хоҳлайсанми? Истасанг, сўзлаб бераман.

— Ҳа, жуда хоҳлайман.

— Бундан сен кўп нарсаларни билиб оласан. Қизим туғилганидан

сўнг бир соат вақт ўтса ҳамки, Том ёнимда кўринмади. Кўзим ёригач, мени гўё ҳамма унутгандек ҳис этдим ўзимни. Дарҳол доядан “ўғилми, қизми” деб сўрадим. Қиз эканлигини билгач, тескари ўгирилиб йиғлаб юбордим. Сўнг: “Хўш, қиз бўлса нима қипти, жуда хурсандман”, деб ўзимни овутидим.

— Бу оламда яхши кунлар йўқ экан, — гапида давом этди Дэзи ишонч билан. — Ҳамма, ҳатто ақли ва илғор одамлар ҳам шундай деб ўйлайдилар. Ахир мен кўп жойларда бўлдим, у ерларни кўрдим ва шу нарсага амин бўлдимки, — унинг кўзлари Томникидай чақнаб кетди ва кибр ила кулиб қўйди. — Мен кўпни кўрган ва ҳафсаласи пир бўлган аёлман, — деди.

Унинг бу сўзлари бемаъни эканлигини фаҳмлаб турардим. Дэзининг ёқимли жарангдор овози қўққисдан кесилиб қолди.

Начора, бошқаларнинг ёлғон, айёрлик билан айтаётган гапларини эшитишга мажбур эдим. Бундан ўзимни нокулай ҳис эта бошладим.

Орадан бир оз вақт ўтгач, Дэзи Том каби, ўзининг қандайдир юқори табақали яширин жамият аъзолигига ҳуқуқи борлигини айта бошлади, унинг чеҳрасида мағрурона табассум ўйнардди.

Алвонранг хона чироқлар нури остида киши кўзига янаям тароватли кўринарди. Том уйнинг бир бурчагида қунишиб ўтираркан, Бейкер хоним унинг ёнида чўк тушиб, қандайдир журнални майин овозда, гўё алла айтаётгандек ўқимоқда эди. Том диққат билан Бейкер хонимга қулоқ солар, ҳар замонда бошини ирғаб ҳам қўярди. Том журналда босилган хабарларга жуда қизиқиб қолди. Янада берилиб тинглай бошлади. Остонада бизни кўрган Бейкер хоним худди огоҳлантиргандек қўлини силкиб қўяркан:

— Давоми келгуси сонда, — дея сўнгги жумлани ўқиб, журнални бир чеккага қўйиб қўйди-да, ўрнидан турди. — Соат ўн бўлди, — деди Байкер хоним деворга осиглиқ турган соатга қараб. — Қизалоқнинг ухлайдиган вақти ҳам бўлди.

— Эртага Уэстчестерда Жорданнинг мусобақаси бор, — деди Дэзи. — У ерга барвақт бориши керак.

— Э, сиз Жордан Бейкер экансиз-да! — дея уни эсладим, чунки бу чеҳрани мен жуда кўп маротаба Ашвилл ва Хот-Спринг ва Палм-Бич журналари саҳифаларида кўргандим. У ҳақидаги аламли миш-мишларни ҳам эшитган эдим. Булар анча ёдимдан кўтарилаёзибди.

— Тунингиз хайрли бўлсин! — деди Жордан. — Илтимос, мени соат саккизда уйғотсангизлар.

— Барибир туrolмайсан, — деди Дэзи.

— Йўқ, тураман.

— Тунингиз хайрли бўлсин, жаноб Каррауэй. Сиз билан ҳали кўришамиз, — деди Бейкер хоним.

— Албатта кўришасизлар, — унинг гапини тасдиқлади Дэзи. — Сизларни унаштириб қўйсакмикин, деб ўйлаяпман. Ник, тез-тез келиб тур. Сизларни яқиндан танишиб олишингизга кўмаклашаман. Икковингизни бир хонага холи қўйиб қўяман ёки қайиқда сайр этарсизлар, хуллас, бирон нарса ўйлаб топарман.

— Хайрли тун! — деди Бейкер хоним зинадан юқорига кўтарилар экан. — Мен ҳеч нарсани эшитганим йўқ.

— Жордан ажойиб қиз, — деди Том бир оздан сўнг. — Ҳали у ёққа-ҳали бу ёққа мусобақага бориб куни ўтяпти. Қиз бола уй-жойли бўлиши ҳам керак-да.

— Ким унга йўқ деяпти, — совуққонлик билан деди Дэзи.

— Ким бўларди, унинг ҳамтовоқлари-да.

— Унинг яқин қариндоши — юз ёшни қоралаган ёлғиз холаси. Энди Ник ундан хабар олиб туради, тўғрими, Ник? У бизникига ҳар шанбада келади. Оила қурса, ҳаёти ўз ўрнига тушиб кетади, деб ўйлайман.

Дэзи билан Том бир-бирларига индамай қараб қўйдилар.

— Бейкер хоним Нью-Йоркданми? — сўрадим мен.

— Луисвилдан. Ёшлиқдаги дугонам. Бахтли, беташвиш ўтган йилларимдан хотира.

— Сен айвонда Ник билан сирлашаётганмидинг? — бехосдан сўради Том.

— Сирлашаётгандинг?!. — Дэзи менга қараб қўйди. — Тушунмадим. Биз ирқлар ҳақида суҳбатлашаётгандик, шекилли. Ҳа, ҳа, айнан шу ҳақда. Суҳбат ўз-ўзидан бошланиб кетганини биз ҳатто сезмай ҳам қолибмиз.

— Ник, сен бўлмагур гапларга ишонаверма, — дея мени огоҳлантирди Том.

Мен айтарлик ҳеч қандай гап бўлмаганлигини Томга айтиб, уйга кетишга чоғландим. Ўрнимдан туриб улар билан хайрлаша бошладим. Ортимдан кузатгани чиқдилар ва машинага ўтираётганимни бир оз томоша қилиб ҳам турдилар. Машина моторини энди ўт олдирган ҳам эдимки, Дэзи тўсатдан:

— Тўхта! — дея амрона қичқириб қолди.

— Муҳим бир нарса ҳақида сўрашни унутибман. Эшитишимизга қараганда, қайлигинг бор эмишми?

— Ҳа-я, — деди Том хотинининг гапини маъқуллаб. — Уйланганлигини эшитган эдик.

— Қаердан эшитдинглар? Бу фирт ёлғон. Камбағал кимса бўлсам. Уйланишга қурбим етмайди.

— Шундай деб эшитгандик-да. Демак, ёлғон экан-да, — деди Дэзи гапимга ишонқирамай. У яна кўзимга қайтадан яшнаб кетгандай кўринди. — Биз бу гапни кўпчиликдан эшитганимиз учун ишонган эдик.

Гап нима ҳақида кетаётганини яхши билардим, ҳақиқатан ҳам қайлигим йўқ, уйланмаган эдим. Унаштирилишим ҳақидаги бўлмагур мишмишлар мени шарққа кетиб қолишимга сабаб бўлганди. Бировларнинг гийбати деб қадрдон қиз ўртоғимдан ажралишни истамасдим, иккинчи томондан, бу миш-мишлар болалаб кетишини ҳам истамасдим.

Дэзи билан Том мени очиқ юз билан кутиб олганликларидан мамнун бўлдим, ҳатто улар мендан анча бой бўлсалар-да, ёзилиб гаплаша олдим.

Уйга қайтар эканман, кўнглимни чулғаб олган гашлик анча тарқандек бўлди. Назаримда, Дэзининг оилавий ҳаёти хотиржам кечмаётгандек эди. У боласини кўлига олганча бу хонадондан тезроқ қочиб кетишдан ўзга иложи йўқдек кўринди кўзимга. Лекин у бунга жазм этолмаса кераг-ов. Томга келсак, унинг ўйнаши борлиги мени унчалик ҳайратга солмади.

Йўл ёқасидаги уйлардан чироқ шуъласи таралиб турарди. Атроф жимжит. Ниҳоят, Уэст-Эгга етиб келгач, машинамни гаражга киритиб қўйдим, ўзим уй орқасидаги майса ўрадиган машина устига ўтирдим. Иримига ҳам шамол йўқ. Тун сокин, қушлар дарахт шохларига ўрнашиб олган эдилар, қурбақаларнинг қуриллаши қулоққа чалинарди, ёнимдан мушук ўтиб кетди, бошимни ўша тарафга бурдим, ёлғиз эмаслигимни пайқаб қолдим. Эллик қадамлар чамаси нарида истиқомат қилувчи қўшним қўлини чўнтагига тикқанча юлдуз-

ларни томоша қилаётганига кўзим тушди. У хотиржам эди. Узоқ ўйга толганча оғирлигини дам у оёғига, дам бу оёғига солиб туришидан бу бизнинг Уэст-Эгт осмонининг қанча қисми ўзига тегишли эканини чамалаш учун ташқарига чиққан жаноб Гэтсби эканлигини тушуниб етдим. Бир кўнглим уни чақирмоқчи ҳам бўлдим. Бугун кечки овқат пайтида Бейкер хонимдан у ҳақда эшитганимни айтмоқчи ҳам бўлдим, аммо бунга журъат эта олмадим, чунки унинг мазза қилиб, берилиб сураётган хаёлини бузишни хоҳламадим: у ғайритабиий тарзда нигоҳини қоронғулик қаъридаги сув томон тикди, орамизда анчагина масофа борлигига қарамай, унинг аъзойи бадани титраётганини аниқ-тиниқ ҳис этдим. Мен беихтиёр у қараб турган томонга қарадим, лекин айтарлик ҳеч нарсани кўрганим йўқ, фақат узоқ-узоқда, соҳилда кўк чироқ шуъласи милтираб турарди, холос. Ҳойнаҳой, бу соҳил четигади белги берувчи чироқ бўлса эҳтимол, деган хаёлга бордим. Ўгирилиб қарадим, не кўз билан кўрайки, Гэтсби кўздан гойиб бўлганди. Сокинликда ўзим ёлғиз қолдим.

II БОБ

Уэст-Эгт билан Нью-Йорк оралигида чўзилган шоҳроҳ четидан темир йўл ўтганди. Ён-атрофда шағал сочилган. Бу ерни шағал водийси деб атаса ҳам бўлади. Қаёққа қараманг, уюм-уюм шағални кўрасиз, у ерда ишлаётган одамларнинг ранглари ҳам нуқси уриб, улар кулранг тусда кўринардилар. Темир йўлдан вагонлар тарақ-туруқ қилганча келарди. Вагонлар юришини секинлаштириб, охири тўхтади. Қўлида белкурак ушлаган кишилар вагонга шағал юклай бошладилар. Ён-атрофда кўтарилган чанг-тўзондан ишлаётган одамларни кўриб бўлмасди.

Шағал водийсининг ёнида катта дарё оқиб ўтарди. Дарё устига кўтарма кўприк солинган бўлиб, пороходлар кетма-кет у ёқдан-бу ёққа ўтиб турарди. Кўприк кўтарилганда тўхтаб қолган вагондаги йўловчилар бу манзарани жон-дилдан томоша қилар эдилар. Поезд ана шу ерда бир дақиқага тўхтаб ўтарди. Том Бьюкененнинг жазмани билан шу ерда тасодифан танишиб қолдим.

Томнинг жазмани борлигини ҳамма ерда гапириб юришарди. Том маъшуқасини ҳашаматли қаҳвахоналарга олиб келиб, меҳмон қилар экан, уни стол ёнига ўтказиб қўйиб, таниш-билишларини ёнига чорлаб гердаярди. Танишлари унинг бу қилиғидан нафратланишарди. Унинг маъшуқасини узоқдан бўлса-да, бир кўриш ниятида эдим, лекин у билан яқиндан танишиш ниятим йўқ эди. Буни қарангки, кутилмаганда у билан танишиш шарафига муяссар бўлдим. Бир куни Том билан Нью-Йорк томон йўл олдик. Поезд шағаллар уюми олдида тўхтаган пайтда Том дабдурустдан ўрнидан сапчиб турди-да, қўлимдан ушлаганча мени вагондан тортиб туширди.

— Шу ерда тушиб қоламиз, — деб туриб олди Том. — Мен сени ўз маъшуқам билан таништирмоқчиман.

Том эрта саҳардан ичиб олганди. Бу кунни мен билан ўтказмоқчи эканини айтиб, мени кўндирганди. Якшанба кунига мўлжаллаган режам бор эди. Ишим борми-йўқми экани уни қизиқтирмасди.

Мен Томнинг ортидан эргашдим. Биз темир йўлни тўсиб турган пастроқ оқланган девор устидан ошиб тушдик ва ортимизга қайтдик. Ён-атрофда учта гиштин уйдан бошқа биронта уй кўринмасди. Уйлар харобазор четида бир қатор бўлиб қаққайиб турар, ҳеч қаерга олиб бормайдиган ва ҳеч нарса билан кесишмайдиган боши берк кўчани эслатарди, холос. Уйлардан бири ҳозир бўшаб қолган савдо-сотик хо-

наси, иккинчиси кечаю кундуз ишлайдиган мўъжазгина қаҳвахона, учинчиси эса устахона бўлиб, эшиги тепасига: “Жорж Уилсон. Автомобиллар харид қилиш, сотиш ва таъмирлаш” деган лавҳа осиглиқ эди. Биз ана шу ерга кириб келдик. Хона ичи бўм-бўш, фақирона ҳолда эди. Устахонанинг бир бурчагида “форд” русумли машина турарди. Шу топ кичкина бир хонадан идора вазифасини бажарувчи қўлларини эски латтага артганча бир киши чиқиб келди. У сап-сарик бўлса ҳам истараси иссиққина кимса эди. Бизни кўриб, унинг кўзлари порлаб кетди.

— Салом, дўстим Уилсон, — деди Том унинг елкасига шодон қоқиб. — Хўш, ишлар қалай?

— Ёмон эмас, — деди Уилсон. — Машичангизни менга қачон сотасиз?

— Кейинги ҳафтада. Ҳайдовчим созлаяпти.

— Шалоғи чиқиб кетмаганми ишқилиб?

— Ундай деманг, — совуққонлик билан жавоб қилди Том. — Агар кутишни истамасангиз, мен уни бошқа бировга сотиб юборишим мумкин.

— Йўқ, йўқ, — чўчиб деди Уилсон. — Мен шунчаки, ҳазиллашдим-да.

У охирида чайналиб қолди. Том бесаранжомлик билан ён-атрофга назар сола бошлади. Шу пайт зинапоядан тушиб келаётган қадам товушлари эшитилди. Орадан бир оз ўтгач, миқтидан келган бир аёл ёнимизда пайдо бўлди. Афтидан, у семиришга мойил бўлса-да, лекин ҳаракатлари чаққон эди. Эғнида нўхат гулли ёзги кўйлак. Кишини ром этувчи чиройи бўлмаса-да, лекин нимаси биландир ўзига тортарди. Хуллас, биё-биёси бор эди-да! Файрати жўш уриб турганлиги шундоққина кўриниб турарди. У майин жилмайди, ёнида эри турганига парво ҳам қилмай, Томнинг ёнига келди-да, унинг кўзларига маъноли тикилганча саломлашди. Сўнг лабини ялаб, эри томон қиё ҳам боқмай унга бўғиқ овозда:

— Курси олиб чиқсанг бўлармиди уларга, — деди.

— Ҳозир, ҳозир, — деганча Уилсон шоша-пиша қазноқ томон югуриб кетди. Ён-атрофдан тарқалаётган шағал чанги эрининг устидаги кийимини ва сочларини кулранг тусга бўягани, лекин Томга жуда яқин масофада турган аёлнинг эғнида бундай губордан асар ҳам йўқ эди.

— Сен бугун менга кераксан, — буйруқ оҳангида деди Том. — Кейинги поездда кетамиз.

— Яхши, — деди аёл.

— Пастда, перронда, газета дўкони ёнида учрашамиз.

Аёл Томнинг гапини маъқуллаб, бош силкиди-да, сўнг нари кетди, шу топ ичкаридан иккита курси кўтариб, Уилсон чиқиб келди.

Биз катта йўлга чиққач, сал нарироқда ўзимизни панага олиб аёлни кутиб турдик.

Байрам кунлари яқинлашиб келмоқда эди. Нимжонгина бола темир йўл ёқалаб белги берувчи петарда¹ларни териб чиқмоқда эди.

— Жуда хароба жойлар-а, тўғрими? — деди Том менга қараб.

— Ҳа, бундан баттари бўлмайди.

— Бечора аёл шу атрофни айланиб сиқилади, шунинг учун мен билан кўнгил ёзиб келгани бажонидил рози бўлади, — деди Том менга.

¹ П е т а р д а — хатарли жойларда поездни дарҳол тўхтатишда сигнал сифатида қўлланиладиган портловчи снаряд.

— Эри индамайдами?

— Уилсонми? У Нью-Йоркдаги синглизиникига кетаяпти, деб ўйлайди. Эри жуда овсар-да, ҳеч нимани сезмайди.

Шундай қилиб, Том Бьюкенен, бояги аёл ва мен биргаликда Нью-Йоркка йўл олдик. Очигини айтадиган бўлсам, Уилсон хоним бошқа вагонда эди, чунки бу ердагиларнинг биронтаси унинг Том билан бирга кетаётганини билиб қолмасликлари учун қилинган иш эди бу.

Юпқа матодан тикилган кўйлакда аёлнинг бадани тирсиллаб турарди. Пенсильвания вокзалида аёл перрондан тушаётганида Том унга ёрдамлашиб юборди. Аёл газета киоскасидан журнал ва “Таун Тэтл”нинг бир сонини сотиб олди. Расталардан эса упа-элик билан атир харид қилди. Биз нимқоронғу йўлдан юриб, тепага чиқдик. Аёл негадир кетма-кетига тўртта таксини ўтказиб юборди-да, бешинчи — ичига кулранг мато қопланган янги мовий рангдагини тўхтатди. Бу машина бизни вокзал гала-говуридан халос этди. Кўча куёш нуридан чароғон эди. Биз бир оз йўл босгач, аёл шофёрга машинани тўхтагишни ишора қилди ва йўлда кимдир кўтариб кетаётган кучукчани кўрсатиб:

— Мен ҳам шундай кучукчани харид қилиб олмоқчиман. Бизнинг уйда ҳам кучукча яшаса нима қилибди? — деди.

Шофёр машинани тўхтатди. Жон Д. Рокфеллерга қуйиб қўйгандек ўхшаш оппоқ соч-соқолли чолга кўзимиз тушди. У бўйнига саватча осиб олганди. Саватча ичида ўнга яқин зоти номаълум кучукчалар гивирлашар эди.

— Бу қанақа зотдан? — сўради Уилсон хоним, чол машина ёнига яқинлашганида.

— Ҳар туридан бор. Хоним, сизга қайси зотдан керак?

— Мен немис итини ёқтираман. Шунақаси топиладими?

Чол саватчасига иккиланиб қаради-да, қўл узатиб бир кучукчани олди.

— Бу немис зотидан эмас! — деди Том.

— Ҳа, шундай, — деди чол ранжиганнамо. — Бу эрдельтерьер зотидан бўлса керак, — деди чол саватчадан жигарранг тусдаги кучукчани қўлига олиб. — Унинг жуни қандайлигини бир кўринг. Жуда қалин. Бу кучукча касалга чалинмайди.

— У урғочи экан! — суюниб деди Уилсон хоним. — Қанча сўрайсиз?

— Шу кучукчагами? — завқланиб кучукчани эркалатди чол. — Бунинг баҳоси 10 доллар.

Чол кучукчани Уилсон хонимнинг тиззасига ўтқазди-да, унинг орқасини силай бошлади.

— Бу урғочими, эркакми? — сўради аёл назокат билан.

— Буми? Урғочи эмас.

— Йўқ, урғочи, — ишонч билан деди Том. — Мана, пулингизни олинг. Бу пулга яна ўнтача кучук боласи сотиб олишингиз мумкин.

Биз тинч ва сокин Бешинчи авенью кўчасига чиқиб олдик. Кун илиқ, куёш чарақлаб турарди. Бугун якшанба эди.

— Илтимос, машинани тўхтатинг, — дедим шофёрга. — Мен шу ерда тушиб қолмоқчиман.

— Йўғ-е, нималар деяпсан? — норози оҳангда деди Том. — Миртл яшаётган уйини кўрмасанг, хафа бўлади. Тўғрими, Миртл?

— Юринг биз билан, — илтимос қилди Уилсон хоним. — Мен Кэтринга қўнғироқ қиламан. Кэтрин синглим бўлади, у жуда соҳибжамол.

— Жон деб борган бўлардим, аммо...

Биз йўлда давом этдик, хиёбонни кесиб ўтиб гарб томондаги кўчалардан бирига чиқдик. 158-кўча бўйлаб бир хил кўринишдаги уйлар қад ростлаб турарди. Шу уйларнинг бири олдида тўхтадик. Уилсон хоним ўз пойтахтига қайтиб келган қироличадек ён-атрофга кибор билан разм солди-да, сўнгра кучукчани ва ўзи харид қилган нарсаларни кўтарганча шаҳдам қадамлар билан уйи томон йўл олди.

— Мак-Кига телефон қиламан, улар ҳам келишсин, — деди Миртл биз лифтда юқорига кўтарилаётганимизда. — Кэтринга қўнғироқ қилиш эсимдан чиқмасин.

Унинг уйи юқори қаватда экан. Бу уй мўъжазгина меҳмонхона, кичик ошхона, тор ётоқхона ва ҳаммомдан иборат эди.

Меҳмонхонага ўта катта мебел қўйилган бўлиб, у хонанинг бу бошидан-нариги бошигача эгаллаган эди. Назаримда, туман қоплаган қоядаги “товуқ” тасвири катта суратни ҳисобга олмаганда, деворлар шип-шийдам эди. Бир оз нарига ўтсангиз, суратдаги товуқ умуман товуқ эмаслигини, балки бошига шляпа кийган, ёноқлари бўртиб чиққан, ёши бир жойга бориб қолган кампир эканини пайқайсиз. Стол устида “Таун Тэтл” номли журналларнинг эски сонлари, “Пётр деб аталмиш Симон” номли китоб ҳамда бир нечта журналлар бетартиб ҳолда сочилиб ётарди. Уилсон хоним уйга кириши биланоқ кучукчани эркалай бошлади. Лифтчи бола истар-истамас ичига похол солинган қути ва сут излаб кетди; бир оздан сўнг қути ва сут билан бирга бир тунука идишда итлар емишини ҳам олиб келди. Том жавондан бир шиша ичимлик олиб финжонларга қуйди.

— Мен ҳаётимда бор-йўғи икки маратаба маст бўлганман, — деди Том.

Уилсон хоним тортинмай-нетмай, Томнинг тиззасига ўтириб олди-да, кимгадир қўнғироқ қила бошлади. Чекишни баҳона қилиб, ташқарига чиқдим. Ортимга қайтиб кирсам, меҳмонхонада ҳеч ким кўринмади. Мен бир бурчакка тикилиб олганча стол устидаги китобнинг бутун бир бобини ўқиб чиқдим. Шароб ичиб олганим сабаблими ёки ҳамма нарса чалкаш тасвирлангани учунми, китобдаги воқеаларга тушуна олмадим. Том билан Миртл (биз биринчи қадахдан сўнг Уилсон хоним билан бир-биримизнинг исмимизни айтиб чақира бошлаган эдик) меҳмонхонага чиқиб келдилар. Чақирилган меҳмонлар йиғила бошладилар.

Уй бекасининг синглиси Кэтрин қадди-қомати келишган, кўпни кўрган ўттиз ёшлар чамасидаги қиз экан. У юзига ҳаддан ташқари қалин қилиб упа суртган, калта қирқилган малла сочлари устига шляпа кийиб олганди. Қошлари худди чизиб қўйгандай. Қўлларига алламбало тошлар тақиб олган. Кэтрин хонага дадил қадам ташлаганча зумда кириб келди ва уйдаги мебелларга уй бекасидек бир қур назар ташлашидан, ҳойнаҳой у шу ерда яшаса керак, деб ўйладим. “Шу ерда яшайсизми”, деб сўраганимда, у хандон отиб кулиб юборди, сўнг дугонаси билан меҳмонхонада яшашини айтди.

Пастки қаватда яшовчи жаноб Мак-Ки кўринишидан рангпар, хотинчалиш кимсага ўхшаб кетарди. Афтидан, яқиндагина соқолини олган бўлса керак, юзида совун кўпиги қолиб кетганди. Ичкарига киргач, хийла вақт назокат ила йиғилганлар билан сўраша кетди. У мен билан сўрашар экан, “санъат аҳлидан эканлигини айтди”; кейинчалик унинг сураткашлигини билдим, деворда осиеғлиқ турган Уилсон хонимнинг онаси портретини чизган экан. Мак-Кининг хотини ўта заҳар, овози ўткир, шу билан бирга гўзал ва хумор кўзли аёл эди.

У менга мақтаниб, эри унга уйлангандан буён 127 марта суратга олганлигини айтди.

Уилсон хоним кийим-бошини алмаштиришга улгурганди — энди у хонанинг у бошидан-бу бошига юрганида ҳилпирайдиган қаймоқ-ранг юпқа матодан тикилган қўйлак кийиб олганди. Бу қўйлак унга жуда ярашган, чиройини очиб юборганди. Кундуз куни устахонада мен кўрган бу аёл тамоман ўзгариб кетганди. У кибр-ҳаво билан таманноли қадам ташларди. Унинг хандон отиб кулишлари, ноз-карашмалари-ю, имо-ишоралари ва қийшанглаши тобора ортиб бормоқда эди.

— Эҳ, жонгинам, — дерди у синглисига баланд овозда, — йиғилганлар сендан қандай қилиб бирон нарса ундирсак экан, деган ўйда ўтиришибди. Ўтган ҳафта бир аёл келди, оёғимнинг тирноқларини олиб, бўяб кетди. Бу иши эвазига катта пул талаб қилса бўладими!

— Ўша аёлнинг исми нима экан, — сўради Мак-Ки хоним.

— Эберхардт хоним. Уйма-уй юриб мижозларининг тирноқларини текислайди.

— Менга қўйлагингиз жуда ёқди-да, Уилсон хоним, — деди Мак-Ки хоним. — Ажойиб. Сизни жуда очиб юборибди.

Уилсон хоним менсимагандай қошларини учирди-да, талтайиб, бош силкиб қўйди.

— Бу эски қўйлагим, — деди у. — Уни баъзан қўнглим тусаганда кияман.

— Ҳа, ҳа, қўйлагингиз ўзингизга жуда ярашибди, — тинмай мақтарди Мак-Ки хоним. — Агар ҳозир сураткаш шу кийимингизда суратга олса борми! Ажойиб сурат бўларди-да!

Биз ҳаммамиз Уилсон хонимга тикилиб қарадик. У эса пешонасига тушган бир тутам сочини тузаб қўйди-да, бизга табассум ҳадя этди. Жаноб Мак-Ки бошини қийшайтирганча Уилсон хонимга тикилиб қолди. Сўнг худди суратга олаётгандек икки бармоғини у томон чўзди.

— Мен фақат чироқ нуруни бошқачароқ қилиб, Уилсон хонимни расмга олган бўлардим, — деди у бир оз сукут сақлагач. — Чунки шунда юз пардози яққол кўзга ташланади. Сочларини эса бор бўйи билан кадрга туширишга ҳаракат қилган бўлардим.

— Йўқ, мен чироқни сираям ўзгартирмаган бўлардим! — хитоб қилди Мак-Ки хоним. — Менимча, шу ҳолат айни муддао...

— Жим-м... — дея уни эри туртиб қўйди. Ҳаммамиз яна Уилсон хонимга кўз тикдик. Шу топ Том Бьюкененни эсноқ босиб, ўрнидан турди.

— Жаноблар ва хонимлар, бўладиган ишдан гаплашайлик, бирон нима ичсак бўлармиди, — деди Том. — Миртл, ухлаб қолмасларидан ичимликларига яхдан солиб бер.

— Ях олиб келишни болакайга тайинлаган эдим. — Миртл беғам боланинг ўз вақтида сўзи устидан чиқмагани учун норози оҳангда нимадир деб минғираб қўйди. — Болага иш буюр, орқасидан ўзинг югур, — дея менга қараб қўйди ва хандон отиб кулиб юборди. Сўнг кучукчасини бағрига босиб, ўпиб қўйди. Гўё бир тўда ошпазлар унинг фармонини кутиб тургандек, ошхона томон йўл олди.

— Лонг-Айленддаги уйимда эътиборга лойиқ бир-икки чизилган сурат бор, — деди ўзига бино қўйиб жаноб Мак-Ки.

Том ҳайрон бўлиб унга тикилиб қолди.

— Ҳатто иккитаси уйимизда осифлиқ турибди.

— Қанақа суратлар экан, билсак бўладими? — қизиқсиниб сўради Том.

— Иккита этюд. Улардан бирини мен “Монток бўртиғи. Чағалай-

лар” дея, иккинчисини эса “Монток бўртиғи. Денгиз” деб номлаганман.

Малла сочи Кэтрин мен ўтирган диванга келиб, ёнимга чўкди-да:

— Сиз Лонг-Айлендда яшайсизми? — деб сўради.

— Уэст-Эггда яшайман, — дедим.

— Йўғ-е? — дея ажабланди у.

— Мен у ерга бир ой аввал боргандим. Гэтсби деган кишиникига. Сиз уни танймайсизми?

— Танийман, қўшним бўлади.

— Айтишларича, у Кайзер Вильгельмнинг ё жияни, ё амакиваччаси эмиш. Шунинг учун ҳам у ўта бадавлат экан-да.

Қўшним ҳақидаги бу фаройиб суҳбатни Мак-Ки хоним бўлди. У Кэтринни бармоғи билан кўрсатиб, тўсатдан хитоб қилди:

— Честер, Кэтриннинг сувратини чизсанг қандай бўларкин?!

Жаноб Мак-Ки истар-истамай бош силкиб қўйди-да, яна Томга юзланиб, деди:

— Агар имконим туғилса, Лонг-Айлендда жон деб ишлаган бўлардим. Аввал ишни бошлаб олсам, у ёғи хамирдан қил суғургандек кетарди-да.

— Миртлдан изн сўранг, — хахолаб қулди Том. Шу топ қўлида патнис билан Уилсон хоним кириб келди. — У сизга тавсия хатини ёзиб беради, — деди, сўнг: — Миртл ёзиб берасанми? — деб сўради.

— Қанақа хат? — ҳайрон бўлиб сўради Уилсон хоним.

— Эрингга тавсия хати ёзиб берасан. Жаноб Мак-Ки бир неча этюд яратиши керак деб. — Том лабини қимтиганча этюд номлари ҳақида хаёл сура бошлади. — “Жорж Б. Уилсон устахонаси” ёки шунга ўхшаш номлар...

Кэтрин менга янада яқинроқ сурилиб, қулоғимга шивирлади:

— Миртл эрини қанчалик ёмон кўрса, Том ҳам хотинини шунчалик ёқтирмайди.

— Қўйинг шунақа гапларни!

— Ҳа, кўришга кўзлари йўқ! — У аввал Миртлга, сўнг Томга қараб қўйди. — Фикри ожизимча, ёқтирмайдиган одам билан яшашнинг нима кераги бор? Ажрашиб, сўнг ёқтирганлари билан турмуш қурмайдиларми. Мен опамнинг ўрнида бўлганимда, шундай қилган бўлардим.

— Демак, Миртл эрини мутлақо яхши кўрмас экан-да?

Айтилган жавобдан гангиб қолдим. Саволимни эшитиб қолган Миртлнинг ўзи сурбетларча: “Ҳа”, деб жавоб берди.

— Ана, кўрдингизми? — гердаийб қараб қўйди Кэтрин, сўнг яна шивирлаб, деди:

— Ҳамма гап унинг хотинида. У католик. Католиклар сираям ажрашмайдилар.

Дэзи мутлақо католик динидан эмасди, мен бу ёлғон гапни устмонлик билан айтилганидан ҳайратда қолдим.

— Улар турмуш қургач, фарбга кўчиб кетадилар. Жанжал тугамагунча улар ўша ерда яшайдилар, — деди Кэтрин.

— Унда Европага кетганлари маъкул.

— Ҳа, Европани ёқтирасизми? — хитоб қилди Кэтрин дабдурустдан баланд овозда. — Яқинда Монто-Карлодан қайтиб келдим.

— Шундай денг!

— Ҳа, дугонам билан борган эдим.

— Қанча вақт бўлдинглар?

— Биласизми, Монто-Карлога бордигу, ортимизга қайтдик. Марсель орқали. Ёнимизда бир минг икки юздан ортиқроқ пулимиз бор

эди. Икки кун ичида хусусий ўйинхоналарда бизни шип-шийдон қилиб шилиб кетишди. Уйга қандай аҳволда қайтиб келганимизни эсласак, даҳшатга тушамиз. Тавба, у шаҳарни кўргани кўзим йўқ.

Бир дақиқа ташқарига боқдим. Осмонни булут қоплаганди. Мак-Ки хонимнинг ўткир овози хаёлимни бўлди:

— Мен ҳам шундай хатога йўл қўйишимга бир баҳя қолганди, — ҳаммага эшиттириб деди у. — Бир неча йил ортимдан бир киши илашиб юрди. Фақир одамга турмушга чиқишдан худонинг ўзи сақлаб қолди. У тенгим эмаслигини билардим. Ҳамма менга: “Люсил, бу сенинг тенгинг эмас”, дерди. Агар Честер билан учрашиб қолмаганим-да, у мени домига илинтирган бўларди.

— Менга қаранг, — деди Миртл Уилсон бошини чайқаб, — барибир сиз унга тегмабсиз-да.

— Ҳа, кўриб турганингиздек.

— Мен бўлсам ёқтирмаган одамимга эрга тегдим, — деди Миртл маънодор оҳангда. — Сиз билан менинг турмушим тарзининг фарқи ана шунда-да.

— Миртл, нега ёқмаган одамимга турмушга чиқдинг? — сўради Кэтрин. — Сени ҳеч ким мажбур қилмаган эди-ку?

Миртл бу саволга дарҳол жавоб бермади.

— Мен уни қўли гул уста деб ўйлагандим. Ишончимни оқламади, — деди у афсусланиб. — Уни топармон-тутармон одам деб ўйлагандим, аслида, у тенгим эмас экан.

— Бир вақтлар сен уни деб жинни бўлаёзгандинг, — гап қотди Кэтрин.

— Уни деб жинни бўлаёзгандим? — жаҳли чиқиб кетди Миртлнинг. — Бунга сенга ким айтди? Мана бу жанобни қанчалик ёқтирсам, уни ҳам шунчалик ёқтирмаганман.

Миртл бармоғини бигиз қилиб мени кўрсатди. Ҳамма менга таъна билан қаради. Мен, унга ҳеч қандай алоқам йўқлигини кўрсатмоқчи бўлгандек, ўзимни бепарво тута бошладим.

— Мен унга турмушга чиққанимдан сўнг, ақлдан озаёздим. Лекин дарҳол хатомни англадим. У тўйда кийиш учун ўртоғининг костюмини сўраб олган экан, менга бу ҳақда лом-мим демаганди. Орадан бир неча кун ўтгач, у уйда йўқлигида ўртоғи келиб костюмини қайтаришни сўраб қолди. “Ие, бу сизнинг костюмингизми?” — дедим ҳайратдан ёқа ушлаб. “Тавба, биринчи бор эшитиб турибман”, дедим. Костюмни эгасига бериб юбордим, сўнг ўзимни тўшакка отиб, аламимдан ярим тунгача йиғлаб чиқдим.

— Ҳақиқатан ҳам у опамнинг тенги эмас, — деди Кэтрин қулғимга шивирлаб. — Улар ўн бир йилдан буён устахона тепасидаги хужрада ит-мушук бўлиб яшаб келаяптилар. Том билан танишгунга қадар унинг бирон-бир дўсти бўлмаган.

Оқшом давомида иккинчи виски шишасини бўшатишди; фақат Кэтрин ичмади, холос. Шусиз ҳам у яйраб ўтирарди. Том хизматкорни чақириб, кечки овқатга бирон-бир егулик олиб келишни буюрди. Мен дам-бадам кетишга чоғланардим; ғира-шира тушиб келаётган қоронғулик мени кетишга ундар, боққача яёв кетишни мўлжаллар эдим, аммо ҳар гал қизғин баҳсларга аралашиб, оромкурсига михлангандек ўтириб қолардим. Балки шу онда қоронғу тушиб бораётган кўчадан тасодифан ўтиб кетаётган бирон кимса чироғи ёқилган деразаларга қараб, бу хонанинг ичида қандай инсоний сирлар яшириниб ётган экан, деб ўйлаётгандир. Кўз олдимда ана шу ўткинчининг мафтункор қарашини-ю, ўйчан нигоҳи жонланарди. Мен хонада ўтирган бўлсам-да, бу тасодифларга

тўла ҳаётдан чўчиган ва сеҳрланган ҳолда хаёлан кўча кезардим.

Миртл оромкурчисини ёнимга суриб ўтирди ва Том билан дастлабки учрашуви ҳақида ҳикоя қила кетди:

— Биз вагонга кираверишда ён томондаги ўриндикда ўтириб кетаётган эдик. Мен Нью-Йоркдаги синглимниқига тунаш учун йўл олгандим. Том эгнига фрак, оёғига локланган туфли кийиб олганди. Мен ундан кўзимни узолмасдим, нигоҳларимиз тўқнашганда мен ўзимни тепадаги рекламаларни томоша қилаётганга солардим. Вагондан тушаётганимизда у ёнимда пайдо бўлиб қолди. У қўпчилик орасида мени тасодифан сиқиб қўйди. Унга полиция чақираман, деб дағдаға қилдим. У ҳайрон бўлиб қолди. Мени машинасига ўтқазаётганида ўзимни йўқотиб қўйдим, бу таксими, метро вагоними, билолмай қолдим, “ахир дунёда бир марта, ҳа, бир марта яшайсан-ку”, деган ўй “йилт” этиб миямдан ўтди.

У Мак-Ки хонимга қараб қўйди, сўнг сохта кулиб қўйгач, Мак-Ки хонимга юзланиб: — Жонгинам, — дея хитоб қилди Миртл. — Эгнимдаги қўйлагимни сизга совға қиламан. Эртага ўзимга янги қўйлак сотиб оламан. Эртага қиладиган ишларимнинг режасини тузиб олишим керак. Жумладан: уқалатишга ўтишим зарур, сўнг сартарошхонага кираман, кейин кучукчамга бўйинбоғ, менга жуда ёқадиган пружинали кичик кулдон, сўнг онамнинг қабрига қўйиш учун ёз бўйи сўлмай турадиган гуллардан ясалган қора жиғали гулчамбар сотиб оламан. Булардан биронтасини унутиб қўймаслигим учун, албатта, уларни ёзиб қўйишим керак.

Соат тўққизлар чамаси эди. Жаноб Мак-Ки гўё суратга тушишга тайёрланиб турган обрў-эътиборли арбобдек муштларини тиззасига қўйганча ўтирган жойида ухларди. Мен дастрўмолимни олдим-да, кеча давомида гашимга тегиб турган унинг юзидаги совун кўпиги доғларини артиб ташладим.

Кучукча стол устида ётганча очилмаган кўзларини папирос тутуни тўлиб кетган уйда пирпиратиб, гингшиб қўярди. Кайфи ошган кишилар кириб-чиқиб турар, қаерга боришни маслаҳатлашар эдилар. Ярим тунга яқин мен Том Бьюкенен ва Уилсон хонимнинг бир-бирлари билан фикиллашаётганини эшитиб қолдим; улар юзма-юз турганча Уилсон хоним Том билан Дэзи исмини эшитишни ҳам хоҳламаслиги ҳақида тортишарди.

— Дэзи! Дэзи! Дэзи! — деб қичқирарди Уилсон хоним. — Дэзи исми жонимга тегмагунча қайтаравераман. — Дэ...

Томнинг жазаваси тутди. Уилсон хонимнинг юзига тарсаки туширди. Унинг бурни қонаб кетди, сочиқлар қонга беланди. Миртл оғриққа чидолмай, қичқириб юборди. Жаноб Мак-Ки бу қичқирикдан уйғониб, ўрнидан турди-да, эшик томон йўл олди. Кетаётган жойида тўхтаб, ортига ўгирилди-да, бўлаётган воқеаларни бирпас кузатиб турди: сурилган ўриндиқлар орасида Миртлга ёрдам бериш ва уни тинчлантириш мақсадида Кэтрин билан Мак-Ки хоним ҳали у томонга, ҳали бу томонга елиб-югурардилар; диванда жароҳат олган Миртл юзини панжалари билан беркитиб олганча узала тушиб ётарди. Жаноб Мак-Ки бу ҳолни кўриб, ўзини бир четга олди. Илгичдаги шляпамни олиб, мен ҳам унинг ортидан аста чиқиб кетдим.

— Келинг, енгил-елпи бўлсаям бирга нонушта қилиб олайлик, — дея таклиф қилди Мак-Ки биз лифтда пастга тушиб кетаётганимизда.

— Қаерда овқатланамиз?

— Истаган жойингизда.

— Дастакдан нари тулинг, — деди лифтчи бола.

— Кечирасиз, — дея кечирим сўради жаноб Мак-Ки. — Мен унга тегиб турганимни билмабман.

— Майли, нонушта қилсак қилибмиз-да, — дедим мен. Бирга овқатландик.

Сўнг мен Пенсильвания вокзалидаги зах харракда ётиб, юмилиб кетаётган кўзимни ишқаганча “Трибюн” газетасининг эрталабки сонини кўздан кечирар эканман, соат тўртда жўнайдиган поездни интиқ кута бошладим.

III БОБ

Ёз кунларининг бирида кўшнимнинг вилласидан кўшиқ овози эшитилди. Эркак ва аёллар меҳмонга келгандилар. Улар қўлларига май қўйилган қадаҳ ушлаб олганларича юлдузлар ёғдуси остида капалакмисол учаётгандек боғда сайр қилиб юрар эдилар. Кундуз кунлар сув тўлқинланаётган вақтда меҳмонлар сол устига қурилган минорачадан сувга калла ташлаётганларини ёки кум устида куёшда тобланиб ётганларини, икки моторли кема Лонг-Айленд бўғозида ўқдек учиб юрганини ва улар ортидан кўпикли тўлқинлар ҳосил бўлиб қолишини томоша қилишнинг ўзгача гашти бор эди. Шанба ва якшанба кунлари унинг “ролс-ройс” русумли машинаси эрталабдан то ярим тунгача меҳмонларни шаҳарга олиб борар ёки у ердан олиб келарди. Унинг кўп ўринли “форд”и ҳар бир поезднинг келиш вақтига қараб гўё учар қўнғиз каби станцияга ошиқарди. Душанба кунини эса саккиз нафар хизматчи, шу жумладан, махсус ёлланган боғбон ҳам латта, чанг артгич, болға ва боғ қайчисини қўлларига олиб шанба, якшанба кунлари топтаб кетилган ерларни йиғиштириш ва тартибга солиш билан овора бўлар эдилар.

Ҳар жума кунини Нью-Йоркдан олти саватда пўртаҳол ва лимонлар келтирилди. Ҳар душанба кунини шу пўртаҳол ва лимонларнинг қовжираган пўстлари орқа эшикдан ташқарига чиқариб ташланарди. Ошхонада ярим соат ичида икки юзта пўртаҳолнинг шарбатини сиқиб оладиган машина турарди. У тинмай шарбат чиқарарди.

Виллага ҳар ойда икки ёки уч маротаба қўплаб таъминотчилар қатнардилар. Улар ўзлари билан бир неча юз ярд¹ брезент ва Гэтсбининг боғида катта байрам арчасини ясатмоқчи бўлгандек жуда кўп миқдорда ранг-баранг лампочкалар олиб келар эдилар, гўёки стол устида турли хил газаклар: зираворлару сон гўштлари, салатлар, ҳамир ичига солиб пиширилган чўчқа гўштлари, олтин каби товланиб турувчи қовурилган куркалар қатор қилиб териб қўйилганди. Кираверишдаги катта хонага қурилган жавонда хилма-хил ичимликлар — жин ва ликёрлар, қандайдир истеъмолдан аллақачон чиқиб кетган ва келган меҳмонларнинг кўпчилиги номини ҳам билмайдиган қандайдир қадимий ичимликлар қатор териб қўйилган эди.

Соат етилларда олти нафардан иборат муסיқачилар, саксофон ва найга ўхшаш соз ҳамда катта ва кичик ногоралардан иборат тўлиқ оркестр ўз жойини эгаллаб ўтирар эди. Чўмилишдан қайтиб келганлар эса, тепада кийиняётган эдилар. Кираверишдаги йўлакнинг ҳар икки томонида Нью-Йоркдан келган меҳмонларнинг машиналари бештадан саф тортиб турарди. Камалакдек жилоланиб турган муҳташам хоналарда ва айвонларда сочлари сўнгги услубда олинган калла-

¹ Я р д — 91,4 сантиметрга тенг узунлик ўлчови.

лар ва кастиль хонимларининг тушига ҳам кирмаган шолрўмоллар кўзга ташланарди. Ошхонадагиларнинг кўли-кўлига тегмасди, боғнинг у ер-бу ерида хизматкорлар кўтариб юрган патнисдаги коктейлнинг хушбўй ҳиди ҳавони тутиб кетганди. Боғдаги меҳмонлар аста сайр этиб юришаркан, бир-бирлари билан суҳбатлашишар, мулозамат қилишар, гийбатлашишар, бир-бирларининг исмларини билмасалар-да, назокат-ла таъзим қилиб сўрашиб, ўтиб кетардилар. Атрофни қоронғулик чулғаб олганди. Ёқилган чироқлар нури боғни чароғон қилиб юборганди; машшоқлар ажойиб куй чала бошладилар. Кўшиқчиларнинг овозлари бир парда юқори кўтарилди. Ён-атрофдаги кулгулар дақиқа сайин авж оларди. Ҳазил-мутоиба кучайгандан-кучайиб борар, меҳмонлар давраси дам-бадам ўзгариб, янгилари билан алмашиб турарди. Бир давра тарқаб улгурмасидан иккинчиси пайдо бўларди. Ёш, гўзал хонимчалар орасида ўзини кўз-кўз қиладиганлари пайдо бўлганди: улар ёши каттароқ хонимларнинг дам у ердаги-дам бу ердаги даврасига бир дақиқа кўшилиб, барчанинг эътиборини ўзларига тортар, сўнг қозонган муваффақиятларидан руҳланиб, яна бошқа даврага шўнгиб кетардилар.

Шу пайт кутилмаганда бир лўли аёл тетикланиб олиш учун меҳмонларга таклиф этилаётган хушбўй коктейлдан бирини олиб, бир кўтаришда ичиб юборди-да, югуриб брезент солинган майдончага чиқди ва ёлғиз ўзи мусиқага монанд рақсга туша кетди. Ўртага бир дақиқалик сукунат чўкди. Сўнгра дирижёр рақсга мусиқа усулини мослай бошлади ва шу орада раққоса “Фоли” варьетесидаги Гильда Грейнинг дублёри эмиш деган мишмиш тарқалди. Ниҳоят, зиёфат ҳам бошланди.

Мен Гэтсби вилласи остонасини ҳатлаб ичкарига кирдим. Бу шанба кунга тўғри келганди. Таклиф этилганлар озчиликни ташкил этарди. Бу ерга келишда мезбоннинг таклиф этишларини кутиб ўтирмас эдилар. Машинага ўтириб, Лонг-Айлендга Гэтсбиникига келаверардилар. Одатда ҳар бир янги келган меҳмонни хўжайинга таништириб ўтардилар. Келувчилар шаҳардан ташқаридаги боғда ўзларини эркин тутиб, хурсандчилик қилар эдилар. Баъзи ҳолларда келган меҳмонлар хўжайин билан танишмасдан ҳам унинг меҳмондорчилигини мақтай-мақтай еб-ичиб, хурсанд бўлиб кетаверардилар. Лекин мен бугунги зиёфатга расман таклиф этилгандим.

Эрта тонгда уйимга заррин уқали кийим кийиб олган ҳайдовчи кириб келди ва такаллуф билан кўлимга таклифнома тутқазди; унда ёзилишича, шу бугун “кичик зиёфат” да иштирок этсам, Гэтсби буни ўзи учун юксак шараф деб ҳисоблар экан. У мени бир неча маротаба узоқдан кўрган экан. Анчадан бери меникига ташриф буюриш нияти бўлган-у, лекин қандайдир сабабларга кўра, бу ниятини амалга ошира олмаганлигини ёзиб, имзо чекканди.

Соат еттидан ошганда мен оқ костюмда Гэтсби хонадонига кириб бордим. Ўзимни йиғилган меҳмонлар орасида негадир ноқулай ҳис эта бошладим, тўғри, бу ерда йиғилган одамлар орасида шаҳар атрофига қатнайдиغان поездда бир неча бор учраган одамларга кўзим тушди. Йиғилганлар орасида инглизларнинг кўплиги мени ажаблантирди; уларнинг кийимларидан нуқсон топиб бўлмасди, афтидан, бир оз очиққан кўринардилар. Ташқаридан қараган одам уларни бадавлат эканликларига шубҳа қилмасди. Улар америкаликларга ниманидир тушунтирардилар. Мен шу ондаёқ улар нималарнидир — ё қимматбаҳо қоғозларни, суғурта ҳужжатлари, ё автомашиналарни сотмоқдалар, деган хулосага келдим. Афтидан, мўмай пулларни осон-

ликча қўлга киритиш уларнинг иштаҳасини янада очиб юборганди. Назаримда, улар ҳар бир сўзни ўйлаб айтсалар, бу пуллар уларнинг ҳамёнига тушишига ишонч ҳосил қилган эдилар. Виллага киргач, хонадон эгасини қидира бошладим. Бир-иккита одамдан уни сўраганимда, менга ажабланиб қарадилар-да, сўнг унинг қаердалигини билмасликларини айтдилар. Хомуш тортиб, коктейллар турган стол томон йўл олдим.

Уялганимдан ўлгудек ичмоқчи ҳам бўлдим, лекин шу топда кўзим Жордан Бейкерга тушиб қолди. У хона ичидан чиқди-да, мрамар зинапоя устида гавдасини бир оз тик тутиб, пастдагиларга виқор билан қараганча туриб қолди. У мени кўрганидан хурсанд бўлдими, йўқми, билмадим, лекин мен ўзимга яқин бир таниш суҳбатдош топганимдан ўзимда йўқ севиниб кетдим.

— Яхшимисиз! — дедим зинага яқинлашар эканман. Беихтиёр баланд чиққан овозим боғ бўйлаб таралди.

— Сизни, ҳойнаҳой, шу ерда учратсам керак, деб ўйлагандим, — деди Жордан мрамар зинадан юқорига кўтарилаётган пайтимда. — Ахир ўзингиз кўшни бўлиб яшашингизни айтган эдингиз-ку.

У қўлимдан оҳиста тутди-да, ёнимга бир оздан сўнг келишини айтди, ўзи зинанинг пастигаги бир хил кўйлак кийган икки қизни саволга тутди.

— Салом! — деди иккала қиз бараварига. — Ғолиб бўлмаганингизга жуда ачиндик. — Гап гольф мусобақалари устида борарди. Ўтган ҳафтада Жордан рақибига ютқазиб қўйганди.

— Сиз бизни танимаяпсизми? — деди сариқ кўйлак кийган қизлардан бири. — Бир ой аввал сиз билан шу ерда танишган эдик.

— Ушанда сочларингиз бошқа рангда эди, — эътироз билдирди уларга Жордан.

Мен сергак тортдим. Аммо қизлар анча нари кетиб бўлган эдилар. Жорданнинг бу танбеҳини улар қулоқларига илмадилар ҳам. Мен Жорданни аста тирсагидан олиб, зинадан пастга тушдим. Биз боғ бўйлаб юра бошладик. Қоронгулик атрофга ўз чодирини ёйганди. Патнис кўтарган хизматкор қаршимиздан чиқиб келди, биз бир қадаҳдан ичимлик олиб, столга ўтирдик. Бу ерда ҳалиги сариқ кўйлакли қизлар ва уч эркак суҳбатлашиб ўтирар эдилар. Уларни бизга таништира бошладилар.

— Сизлар билан охириги марта келганимизда танишган эдик, — дадил жавоб қилди улардан бири. — Люсил, сен ҳам ўшанда келган эдинг-а? — мурожаат қилди у дугонасига қараб. Люсил исмли қиз ҳам ўша куни келган экан.

— Ҳа, бу ер менга жуда ёқади, — деди Люсил. — Мен беташвиш яшайман, шунинг учун ҳамма вақт димоғим чоғ. Ўтган сафар кўйлагим столга илиниб, йиртиб олгандим.

У исми-шарифим ва манзилимни сўради. Орадан уч кун ўтгач, Круарье номли кимса менга зиёфатга киядиган кўйлак юборибди.

— Сиз совгани қабул қилдингизми? — сўради Жордан.

— Бўлмасам-чи! Нега қабул қилмас эканман. Ўша кўйлакни бугун киймоқчи эдим, лекин уни бир оз торайтириш керак экан. Кўйлак жуда чиройли. Тошчалар ҳам қадалган. Нархи икки юз олтмиш беш доллар экан.

— Ҳар ҳолда оддий кимса бундай совгани юбормайди, — ўзига бино қўйиб деди биринчи қиз. — Афтидан, у ҳеч кимнинг кўнглини ранжитишни истамаса керак.

— Ким экан у? — сўрадим мен.

— Гэтсби. Менга айтишларича...

Икки қиз ва Жордан тил бириктиргандек бошларини чайқаб қўйдилар.

— Менга айтишларича, у қачонлардир бир одамни ўлдириб қўйганмиш.

Ҳаммамизнинг этимиз жимирлаб кетди. Учта жаноб бўйниларини чўзганча гапга қулоқ сола бошладилар.

— Менимча, гап бунда эмас, — шубҳа билан эътироз билдирди Люсил. — У уруш пайтида немис жосуси бўлган экан.

Эркаклардан бири бу фикрни тасдиқлаб, бошини ирғаб қўйди.

— Тўғри. Бу гапни унинг энг яқин кишисидан эшитганман. У Германияда бирга катта бўлган экан, — дея у шоша-пиша ишонтирмоқчи бўлди бизни.

— Бунга ишониш қийин, — деди биринчи қиз. — Ахир у уруш пайтида Америка армияси сафида хизмат қилган-ку. — Биз яна қизнинг фикрига қўшилдик. У бўлса ўзи тўқиган гапда давом этарди: — Мени ҳеч ким кўрмаётганлигига ишончи комил бўлганда унинг афт-ангори қандай тусга киришига бир эътибор беринг-а. Шубҳаланмасангиз ҳам бўлади. У қотил.

Қиз кўзларини юмиб, жунжикди. Люсил ҳам жунжика бошлади. Барчамиз ён-атрофга қараб, Гэтсбини қидира бошладик. Гэтсбида ҳақиқатан ҳам бир сир яширин.

Барча йиғилганлар бунда бир сир борлиги ҳақида шивирлаша бошлади.

Ниҳоят, биринчи овқат тортилди. Иккинчи овқат ярим тундан сўнг берилиши мўлжалланган эди. Жордан боғнинг бошқа томонидаги столда ўтирган ўз шериклари қаторига мени ҳам таклиф этди. Стол атрофида икки жуфт эр-хотин ва Жордан билан бир йигит ўтиришарди. Улар бошқалар билан сайр этиш ўрнига, алоҳида гуруҳ бўлиб олиб, қимир этмай ўтирардилар. Улар маҳаллий жамиятнинг нуфузли кишиларидан эканлигини кўз-кўз қилганча ҳеч кимга қўшилмай кибор билан алоҳида ўтирар эдилар. Ўтирганларнинг барчаси асли Ист-Эгглик эдилар, улар Уэст-Эгглиларга илтифот кўрсатиб келгандилар. Шунинг учун ҳам уларга қўшилмай ўтирардилар.

— Бу жойдан кетсак, нима дейсиз? — деди менга Жордан. — Мулозаматлардан чарчадим.

Иккимиз ҳам столдан турдик.

— Уй эгасини қидириб топмоқчиман, — тушунтирдим ўтирганларга. — У билан кўришмаганимдан ўзимни ноқулай ҳис этаяпман.

Талаба йигит илтифот билан қулимсираб бош ирғаб қўйди.

Даставвал биз кирган хонада одам кўп бўлиб, жуда гала-говур эди. У ердан Гэтсбини тополмадик. Жордан айвончага чиқиб, боққа кўз ташлади. Лекин уй эгаси кўринмасди. Ён биқиндаги айвондан ҳам уни тополмагач, таваккал қилиб ҳашамдор бир эшикни очдик ва кутубхонага кириб қолганимизни сездик. Кўзига кўзойнак таққан, тўладан келган қария ширакайф ҳолда жавондаги китобларга ўйчан термулиб турарди. У бизга ўгирилиб қаради-да, Жорданга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

— Бу ер сизга ёқадими? — сўради қария.

— Нимани назарда тутаяпсиз?

У китоблар териб қўйилган жавонларни кўрсатиб, деди:

— Мана буларни. Текширмасангиз ҳам бўлади. Ҳаммаси кўриқдан ўтган. Барчаси — ҳақиқий.

— Китобларми?

Қария маъқуллаб, бош силкиб қўйди.

— Барчаси асл нусха. Қалбакиси йўқ. Саҳифалари жой-жойида, муқовалари ҳам. Мен бу ерда фақат иккинчи нусхаларини қўйиб қўйганлар, деб ўйлагандим, қарасам, барчаси асл нусхалар экан. Мана, ўзингиз кўринг!

Биз ғалати аҳволда унга қараб турганимиз учунми, қария жавон ёнига бориб, китоблардан бирини суғуриб олди-да, бизга узатди: бу Стоддарднинг “Маърузалар” китобининг биринчи жилди эди.

— Кўрдингизми? — деди у мамнун оҳангда. — Китоб ажойиб нашр этилган. Мен чув тушгандим. Бу иккинчи нусха, Беласко. Бу шоҳ асар, шундай эмасми? Қаранг-а! Бирон бети қирқилган эмас.

У қўлимдан китобни тортиб олди-да, шоша-пиша жойига қўйиб қўйди. “Агар бир гишт жойидан олинса, бутун бошли бино қулаши мумкин”, дея гўлдиради.

— Сизларни бу ерга ким бошлаб келди? — сўради у биздан. — Балки, ўзингиз келгандирсиз? Мени бу ерга бошлаб келишди. Бу ерга деярли барчани бошлаб келадилар.

Жордан унга қараб кулиб қўйди-да, гапига жавоб қайтармади.

— Мени Рузвельт исм-шарифли бир хоним бу ерга бошлаб келди, — гапида давом этарди қария. — Клод Рузвельт хоним. Эшитганмисиз? Кеча мен у билан танишиб қолгандим. Биласизми, икки ҳафтадан буён ичаман. Шунинг учун ҳам тезроқ кайфим тарқасин, деб шу кутубхонада ўтирибман.

— Хўш, ёрдам бердимми?

— Ҳа, назаримда бир оз ёрдам берди. Ҳали хулоса қилишга эрта. Бор-йўғи бир соат бўлди келганимга. Ҳа, мен сизларга китоблар ҳақида сўзлаб бермадимми? Биласизларми, улар ҳақиқий нусхада. Улар...

— Булар ҳақида гапирдингиз.

Биз қариянинг қўлини қисиб қўйдик-да, яна боғ томон йўл олдик.

Майсалар устига ташланган брезент устида рақсга тушаётган эдилар. Қариялар ёш қизлар билан бесўнақай ҳаракат қилиб, рақсга тушардилар, чет-четда ўзига бино қўйган жуфтликлар гавдаларини чиройли тутиб, мусиқага мос рақс ижро этардилар. Кўпчилик қизлар билганларича ўйнардилар. Тун яримлаганда хурсандчилик авжга чиққан эди. Машҳур ижрочи итальянча шўх қўшиқ айтди. Тўпланганлар ўзларича хурсандчилик қилар, атрофни самимий кулгу босганди. Сариқ қўйлак кийиб олган эгизак қизлар болалар ҳаётидан бир саҳна ижро этишди; хизматкорлар эса қадаҳларда шампань ичимлигини тарқатмоқда эдилар. Тўлин ой ён-атрофга нур сочар, сув бетига унинг акси тушиб турарди.

Мен ҳамон Жордан Бейкер билан бирга эдим. Ортимиздаги столда икки одам ўтирарди: бири мен тенги эркак, иккинчиси эса ҳар насага қотиб-қотиб кулаётган очиқ чеҳрали бир қизча эди. Менинг ҳам кайфиятим кўтарилди. Икки қадаҳ шампань ичимлигидан ичдим-да, узоқ ўйга толдим. Ҳала-говур бир оз тинчигандек бўлди. Ортимдаги столда ўтирган эркак менга қараб, кулиб қўйди.

— Кўзимга иссиқ кўринаяпсиз, — деди у очиқ чеҳра билан. — Уруш вақтида сиз мабодо учинчи дивизияда хизмат қилмаганмисиз?

— Тўғри топдингиз. Тўққизинчи ўқчи батальонида хизмат қилганман.

— Мен эсам 1918 йилнинг июнидаги сафарбарликкача еттинчи пиёдалар полкида хизмат қилганман. Шунинг учун кўзимга иссиқ кўри-нибсиз-да. Қаерда кўрганман дедим-а!

Биз бир оз вақт зах босган, кўримсиз, ёмғирли француз қишлоқ-

ларини эсладик. Сўнгра у яқинда сув устига қўнадиган самолёт сотиб олганини ва эртага эрталаб уни синамоқчи эканлигини айтди — бу гапидан мен уни шу атрофда истиқомат қилишини билдим.

— Балки эртага менга шерик бўларсиз, биродар? Бўғоз қиргоғи бўйлаб самолётимда учиб кўрмаймизми?

— Қай вақтда, — сўрадим мен.

— Сиз хоҳлаган пайтда.

Мен энди шеригимнинг исми-шарифини сўрамоқчи бўлган ҳам эдимки, Жордан менга табассум билан қараб сўради:

— Хўш, суҳбатлашиб бўлдингизми? Юрагингизни ёзиб олдингизми?

— Ҳа, раҳмат, сўзлашиб олдик, — дедим ва ҳозиргина гаплашган танишимга юзланиб:

— Уй эгасига нотаниш меҳмон бўлишга ҳеч кўника олмаяпман. Мен уй соҳиби Гэтсби билан танишмоқчи эдим. Кўшни турамыз. Ҳайдовчисидан менга таклифнома жўнатган экан, — деб уйим тарафини кўрсатдим.

Суҳбатдошим менга паришон ҳолда қараб турганлигини сезиб қолдим.

— Гэтсби мен бўламан, — деди шеригим тўсатдан.

— Ростданми?! — шоша-пиша дедим мен. — Худо ҳаққи, кечиринг мени.

— Сиз мени танийсиз деб ўйлагандим. Демак, мен яхши мезбон эмас эканман-да.

У менга хушмуомалалик билан жилмайиб қараб турарди. Шу топда унинг чехрасидаги табассум йўқолди ва кўз ўнгимда ўттиз ёшлар чамаси, дабдабали гапларга кулгили даражада ишқибоз бўлган, ўзига бино қўйган одам намоён бўлди. Гапирганда сўзларни чертиб-чертиб ишлатишга ишқибозлигини сездим. Унинг ким эканлигини яхши билмасдим.

Шу пайт бир хизматкор югуриб келди-да, уни Чикагодан телефонга чақириваётганини айтди. У ўрнидан турди-ю, биздан узр сўраб, ҳар биримизга таъзим қилди.

— Биродар, сиз бу ерда тортиниб ўтирманг, кўнглингиз бирон нарса тусаса, дарҳол хизматкорга айтинг. Мен тезда қайтаман. Мени авф этасизлар.

У кетиши билан мен Жордан томонга ўтирилдим: унга ҳайратга тушганлигимни айтишга ошиқардим. Негадир мен жаноби Гэтсбини ёши бир жойга бориб қолган, қориндор, қип-қизил гўштдор юзли одам бўлса керак, деб тасаввур қилардим.

— У ким ўзи? — сўрадим Жордандан. — Сиз биласизми?

— Бор-йўғи Гэтсби исми-шарифли бир кимса.

— У қаерлик? Нима иш билан шуғулланади?

— Бошқаларни қизиқтирган саволни сиз ҳам бераяпсиз, — деди Жордан кулимсираб. — Бир нарсани айтишим мумкин: у менга бир вақтлар Оксфордда ўқиганини айтганди, холос.

Унинг кимлиги аста-секин ойдинлашаётган эди; аммо Жорданнинг кейинги гапи фикримни чалкаштириб юборди.

— Мен унинг гапига ишонмайман.

— Нега?

— Негалигини ўзим ҳам билмайман, — дадиллик билан деди у. — Назаримда, у Оксфордда ҳеч қачон бўлмаган.

Унинг гап оҳанги сариқ кўйлак кийган қизнинг “Менимча, у қотил”, деган гапини эслатарди. Бу ҳол қизиқувчанлигимни ошириб

юборди. Агар Гэтсби Луизиана ботқоқлиги атрофида ёки Нью-Йоркдаги Ист-Сайднинг қашшоқлар даҳоларининг бирида туғилган десалар, мен ажабланмаган ва ҳайратга тушмаган бўлардим. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Келиб чиқиши номаълум бўлган ёш йигитлар Лонг-Айленд бўғози соҳилидаги ҳашаматли уйларни харид қилсалар, йўқ, бунга ишониш қийин. Мендек тажрибасиз бир қишлоқи бундай бўлишига сира ишонмайман.

— Уникидан меҳмонларнинг оёғи сира узилмайди, — деди Жордан. — Менга кўпчилик билан ўтказилган зиёфатлар жуда ёқади. Улар билан сўзлашиб, баҳри-дилинг очилади. Ўзингни кичик меҳмондорчиликда эркин ҳис этмайсан. Бу ерда эса...

Оркестрдаги катта ноғора янгради, дирижёр говур-гувурни босувчи жарангдор овози билан:

— Хонимлар ва жаноблар! Жаноб Гэтсби илтимосига кўра, сизларга ҳозир Владимир Тостовнинг шу йил май ойида Карнеги-Холлда катта таассурот қолдирган янги асарини ижро этамиз. Газетада ўқиганлар бу ҳол катта шов-шувга сабаб бўлганлигини билсалар керак, — дея у шодон кулиб, кўшиб қўйди: — Фу-роп! Зўр!

Ён-атрофдагилар кула бошладилар.

— Шундай қилиб, — у яна овозини кўтариб гапида давом этди: — Марҳамат, тингланг, Владимир Тостовнинг янги асари!

Аммо жаноб Тостовнинг асарига баҳо бериш менга насиб этмади. Чунки мусиқа бошланиши биланоқ Гэтсбига кўзим тушди. У мармар зинапоянинг энг юқорисидан турганча мамнунлик билан тўда-тўда бўлиб турган одамларни кўздан кечираётган эди. Қуёш нурида тобланган бугдойранг чехраси мағрурона боқарди. Калта олинган сочларини гўё ҳар куни текислатиб тургандек тартибли кўринарди. Кўринишидан ёмон одамга ўхшамасди. Балки ичкиликни мутлақо оғзига олмаслиги сабаб у меҳмонлар тўдасидан ажралиб турарди. Ахир бу ердаги зиёфат қанчалик дабдаба билан ўтмасин, у ўзини шунча сипо ва босиқ тутарди. Оркестр чалаётган кўйнинг сўнгги оҳанглари жаранглаётганида баъзи қизлар нозланиб қилпангланганча эркакларнинг елкаларига бошларини қўйиб олгандилар, эркаклар ҳам бақувват қўллари билан қизларнинг белларидан қучиб турардилар. Хуллас, кўнгиллари истаганча мириқиб ўйнаб-қулар эдилар. Лекин биронта аёл Гэтсбининг елкасига бошини қўйишга ботина олмасди.

— Кечирасиз.

Ёнимизда хизматкор пайдо бўлди.

— Сиз Бейкер хониммисиз? — сўради хизматкор. — Кечирасиз, жаноби Гэтсби сиз билан холи сўзлашмоқчи эканлар.

— Мен билан? — ажабланиб сўради Жордан.

— Ҳа, хоним.

Жордан менга қаради-да, ҳайратланганча қошини учирди ва ўрнидан туриб хизматкор ортидан кета бошлади. Унинг ортидан қараб қолдим. У жуда енгил қадам ташлаб борарди. Эгнидаги кўйлагида ҳам спорт костюмидек енгил одим отиб борарди.

Мен ёлғиз қолдим. Соат миллари иккини кўрсатиб турарди. Ойналари айвонга очилган хонадан қандайдир сирли овозлар қулоққа чалинди. Мен эстрада хонанда аёллари билан ўз суҳбатига мени ҳам тортмоқчи бўлган Жорданнинг талаба танишидан ўзимни олиб қочдим-да, уйга кириб кетдим.

Катта меҳмонхона меҳмонларга лиқ тўла. Сарик қўйлакли қиз роял чалаётганди. Суяги бузуқ, баланд бўйли, малла сочли аёл ашула айтмоқда эди. У шампань виносидан тўйгунча ичиб олганди, шу сабабли

ашула айтаётиб, хўнграб йиғлаб юборди. Кўшиқнинг ҳар бир паузасида ички нидо билан хўрсиниб кўяр, сўнгра яна мусиқа садоси остида кўшиқни давом эттирарди. Кўзидан оқаётган ёш қуюқ бўялган киприкларига илиниб қолар, сўнгра қора бўёқ яноқлари бўйлаб оқиб тушарди. Ҳазилкаш бир кимса у кўшиқни юзида ёзилган нотага қараб айтаяпти, деб атрофдагиларни роса қулдирди. Буни эшитиб, қолган кўшиқчи аёл қўлини силтаганча, ўзини оромкурсига ташлади-ю, зумда қотиб ухлаб қолди.

— У эри билан жанжаллашиб қолган, — изоҳ берди ёнимда турган ёш қиз.

Мен ён-атрофга қарадим. Кетишга улгурмаган кўпчилик хонимлар ўзларининг эрлари билан жанжаллашмоқда эдилар. Ҳатто Ист-Эгглик Жорданнинг ҳамроҳлари ҳам тортишиб қолдилар. Эркаклардан бири ёш актриса билан суҳбатлаша кетди, унинг хотини аввалига ўзини гўё рашк қилмаётгандек тутиб турганди, охири аёлнинг сабр-тоқати тугади, дам-бадам эрининг ҳали у ёғидан-ҳали бу ёғидан бориб, унинг қулоғига: “Суюқлик қилмайман деб ваъда бергандинг-ку”, дея шивирлаб турткилай бошлади. Қолаверса, фақат енгилтабиатли эркакларгина уйга кетишга ошиқмас эдилар. Эшик тагида унча кайфи ошмаган иккита оилали жуфтлик баҳс қиларди. Уларнинг хотинлари ҳасратлашиб, овозларини хиёл кўтарганча ўзаро гап сотар эдилар:

— Менинг яйраётганимни кўриб қолса борми, дарҳол “кетамиз”га тушиб қолади.

— Умримда бунақа сурбет эркакни кўрмаганман.

— Доим биз биринчи бўлиб кетишимиз керак.

— Нимасини айтасиз, биз ҳам.

— Аммо бугун зиёфатда охиригача ўтирдик, — эътироз билдирди эркаклардан бири журъатсизлик билан.

Оркестр кетганига бир соат бўлди.

Қулоқ эшитмаган жоҳилликда айбланган эркаклар охир-оқибат галаба қозондилар. Бир оз тортишувдан сўнг қаршилик кўрсатиб турган хонимлар эрлари қўлтигидан тутганча ташқарига олиб чиқиб кетдилар.

Менга бош кийимимни олиб чиқишларини пойлаб турганимда, кутубхона эшиги очилиб, ичкаридан Жордан Бейкер Гэтсби билан бирга айвонга чиқиб келдилар. У аста юриб келаркан, ниманидир ҳаяжонланиб гапирарди, аммо уни кўрган бир неча одамлар хайрлашгани унинг ёнига келдилар. Шу заҳоти Гэтсбининг юзидаги ҳаяжон ўрнини оқсуякларга хос илтифот эгаллади.

Жорданнинг ҳамроҳлари эшик олдида туриб, тезроқ кетишлари учун шошилтириб чақира бошладилар. Аммо у мен билан хайрлашиш мақсадида бир зум тўхтаб қолди.

— Мен ҳозир мутлақо ақлга сиғмайдиган бир ҳикояни эшитдим, — дея шивирлади қулоғимга. — Нима, биз у ерда узоқ қолиб кетдикми?

— Бир соатга яқин.

— Ҳа, ҳечам ақлга сиғмайди, — паришонхотирлик билан деди у. — Мен унга бу воқеани ҳеч кимга айтмайман, деб сўз бердим, шунинг учун сизнинг вақтингизни олиб ўтирмайман, — деди-да, эснаб қўйди. — Вақт топиб бизникига қадам ранжида қилсангиз жуда хурсанд бўлардим... Телефонимни маълумотномадан олишингиз мумкин... Рақамимни қидирмоқчи бўлсангиз Сигурни Хауорд хонимнинг телефон рақамини қидиринг... У менинг холам бўлади...

Бейкер хоним эшик ёнида уни кутиб турган ҳамроҳлари ёнига кетди. Менга қўлини силкиб қўйди.

Биринчи ташрифимдаёқ бу ерда узоқ қолиб кетганлигимдан ўзим-

ни бир оз нокулай ҳис этганимча хайр-хўш қилиб кетаётган охирги меҳмонлар қуршовида турган Гэтсбига яқинлашдим. Мен унга бутун оқшом давомида уни қидириб, ўзимни таништирмақчи бўлганлигимни айтмоқчи эдим.

— Қўйинг-е, хижолат бўлманг, буни қўнглингиздан чиқариб ташланг, биродар, — деди у елкамга қўлини қўйиб. — Эсингиздан чиқмасин: тонгда соат тўққизда сиз билан гидропланда учиш учун йўл оламиз-а? Сизни кутаман. Кечикманг.

Аммо шу топ ортидан келган хизматкори:

— Жаноб, сизни Филадельфиядан сўрашяпти, — деди.

— Ҳозир, мени бир дақиқа кутиб турсинлар... Хайрли оқшом, биродар.

— Хайрли оқшом.

— Хайрли оқшом, — дея Гэтсби кулимсираб қўйди мийигида. — Меҳмондорчилик роса чўзилди-да.

— Яхши ётиб туринг... Хайр... — деб уйимга йўл олдим.

Мен Гэтсбининг уйдан чиққанимда зиёфат ҳали ҳам давом этаётганди. Эллик қадамлар олдинда ўнлаб энгил машиналарнинг чироқлари тун қоронғусида кўзга ташланмайдиган тартибсиз манзарани ёритиб турарди. Йўл четидаги ариқда ўнг тарафи урилган, олд гилдираги чиқиб кетган икки ўриндиқли машина йўл ёқасидаги ариққа тушиб кетганди. Машина деворнинг чиқиб турган қиррасига бориб урилганидан олд икки гилдираги чиқиб кетганди. Бир неча ҳайдовчилар машиналаридан тушиб, содир бўлган бу ҳодисани қизиқиш билан томоша қилганча, машинанинг у ер-бу ерини ушлаб, пайпаслаб кўрардилар. Шу орада йўлда тирбандлик ҳосил бўлди. Юрмоқчи бўлган машиналарнинг сигналлари тўхтовсиз чалиниб, қулоқни қоматга келтирарди. Эгнига рўдапо кийим кийиб олган кимса гилдираги эзилиб ётган машина ичидан чиқди-да, йўлнинг ўртасида қаққайганча туриб қолди ва саросимага тушиб, дам машинасига, дам гилдиракка, дам йиғилганларга жавдираб қарар эди.

— Кўряпсизми? — деди у ниҳоят, — ариққа тушиб кетдик.

Содир бўлган воқеа уни саросимага солиб қўйганди. Бу чехра менга таниш кўринди. Мен дарҳол уни танидим — бу Гэтсби кутубхонасида ёлғизликда ўтирган кимса эди.

— Бу воқеа қандай содир бўлди? — сўрадим мен.

У елкасини қисиб қўйди.

— Мен техникадан тамоман узоқман, — деди у бир оз ўзига келгач.

— Қизиқ, лекин бу қандай содир бўлди? Деворга бориб урилдингизми?

— Асло сўраманг, — деди ҳафсаласи пир бўлиб Филлин. — Мендан машина ҳайдовчиси чиқмайди. Шундай бўлиб қолди, тамом-вассалом.

— Тажрибасиз ҳайдовчи экансиз, машинангизни тунда ҳайдамангиз бўларди.

— Мен ҳали йўлга тушмагандим, — деди у жаҳл билан. — Умуман, рулни ушлаганим ҳам йўқ.

Тўпланганлар бу гапни эшитиб, қотиб қолдилар.

— Сиз ўз жонингизга қасд қилмоқчи бўлдингизми?

— Омон қолганингизга шукур қилинг. Рулга ўтирармиш-у, ҳайдашни билмас эмиш!

— Сиз мени нотўғри тушундингиз, — эътироз билдирди машина эгаси. — Мен умуман рулга ўтирганим йўқ. Машина ичида икки киши эдик.

Бу гап барчани ҳанг-манг қилиб қўйди. “Ўҳ-хў!” деганча ёқаларини ушладилар. Шу топ машина эшиги аста очилди. Йиғилган одамлар беихтиёр ортга тисарилдилар. Машина эшиги катта очилгач, ўртага узоқ жимлик чўкди. Сўнг машина ичидан бир кимса чиқа бошлади. У оёғи билан пайпасланиб, оёқ қўйишга жой қидирарди. Фараларнинг ёрқин нуридан, машиналарнинг тўхтовсиз сигнал чалишларидан талмовсираб қолган бу шарпа гандираклаганча у ёқдан-бу ёққа бориб-келарди. Ниҳоят, унинг қўзи шеригига тушди.

— Нима гап? — пинагини бузмай сўради у. — Бензин тугаб қолди-ми?

— Сиз мана бунга қаранг!

У бармоқларини бигиз қилиб, отилиб кетган ғилдиракни кўрсатди. Каловланиб қолган киши ғилдиракка бир оз тикилиб турди-да, сўнгра бу ғилдирак осмондан тушган бўлса керак, деб осмонга қаради.

— Осмондан узилиб тушди, — тушунтирди кимдир.

Кайфи ошган кимса бош ирғаб қўйди.

— Мен бўлсам бир жойда турганимизни сезмабман ҳам.

Орага жимлик чўкди. Сўнгра у кўкрагини тўлдириб нафас олди-да, қадини ростлаб жиддий сўради:

— Қаерда бензин қуйиб олса бўлади, ким билади?

Бир неча киши унга машинанинг ғилдираги чиқиб кетганини тушунтира кетди.

— Сиз орқага юринг, — деди у. — Орқага, кейин олдинга.

— Ахир ғилдираги йўқ-ку!

У ҳайрон бўлиб туриб қолди.

— Ҳаракат қилиб кўрса бўлади, — деди у ниҳоят.

Машина сигналларининг овози авжга чиқди. Мен шарт ўгирилдим-да, майсалар устидан одимлаб, кулбам томон кетдим. Кетаётиб ортимга қарасаммикан деган хоҳиш пайдо бўлди менда. Тўлин ой булутлар орасидан чиқиб, Гэтсби вилласи устидан нур сочиб турарди. Тун ниҳоятда ажойиб эди. Чароғон чироқлар билан ёритилган боғда кулгу ва хурсандчилик овозлари аллақачон тўхтаган. Атрофни сокинлик қамраб олганди, енгил шабада эсар, виллада эса Гэтсбининг ёлғиз ўзи қолганди.

Ёзганларимни ўқиб, бир неча ҳафта бўлиб ўтган кечки зиёфатлардаги воқеалар билан яшабман-да, деган таассурот ҳосил бўлди менда. Аслида, бу ёзда бўлиб ўтган воқеанинг тасодифий кўринишлари эди, холос. Ҳар ҳолда ўша пайтда мен уларга ўзимнинг шахсий ишларимга қараганда жуда кам вақт ажратган эдим.

Бекорчи эмасдим, ишлардим. Куёш ётоғидан бош кўтарганда эрта тонгда мен Нью-Йоркнинг гавжум қисмида жойлашган ишхонамга шошиб кетаётган бўлардим. Мен қимматбаҳо қоғозлар савдоси билан шуғулланадиган барча ёзув-чизув ишларини олиб борадиган ёш хизматчилар билан тил топишиб ишлар, шунингдек, агентларни номма-ном билардим. Биз гавжум, нимқоронги ресторанда чўчқа гўштидан тайёрланган сосиска ва қаҳва ичиб нонушта қилардик. Бизда ҳисобчи бўлиб ишлайдиган Жерси-Сителик бир қиз билан орамизда ошиқ-маъшуқлик пайдо бўлди. Унинг акаси мен билан учрашганда ўқрайиб қарайдиган бўлиб қолди. Севгилим июл ойида таътилга кетганида мен орамиздаги муҳаббатимизга нуқта қўймоқчи бўлдим.

Иель клубида тушлик қилаётган эдим. Негадир қилаётган ишларим ичида бу энг қийини эди. Юқорида жойлашган кутубхонага кириб,

сармоляр ва кредитлар сир-асрорини ўрганиш мақсадида тинмай китоблар ўқирдим. Клубга доимий келувчилар орасида бекорчилар талайгина эди. Улар кутубхонага кирмасдилар. Шу сабабли ҳам бу ерда тинчгина китоб ўқиш мумкин эди. Агар ҳаво яхши бўлса, мен эски Меррэй-хилл меҳмонхонаси ёнидан ўтиб, Мэдисон-авеню бўйлаб пиёда кетардим. Ўттиз учинчи кўчага бурилиб, Пенсильвания вокзалига чиқиб олардим. Шошмай қадам ташлар эканман, Нью-Йоркнинг гўзал оқшомларини, тўхтовсиз ҳаракатдаги одамлару серқатнов машиналарни томоша қилиб кетардим. Менга айниқса, Бешинчи авенюда сайр қилиш ва одамлар орасидан хушрўй аёлларни қидириб топиш жуда ёқарди, сўнг ширин хаёлларга берилиб кетардим: ҳозир мен сулув аёлларнинг бирини кўз остимга оламан. Буни ҳеч ким сезмайдиам, мени айбламайдиам. Хаёлан гўзал маликаларни уйларигача ёки сирли кўча муюлишларигача кузатиб кўярдим. Улар эшикларини очиб, ичкарига киришларидан аввал ўгирилиб менга бир қараб кўярдилар ва табассумимга жавобан табассум ҳадя этардилар. Баъзан пойтахтнинг гира-шира кўчаларида мени негадир ёлғизлик ҳисси чулғаб оларди ва бундан кутулиш учун ресторанда ёлғиз овқатланар, сўнг кўрғазмаларни томоша қилиб, санғирдим. Оқшомнинг яхши дамларини самарасиз ўтқазаётган камбағал ёш хизматчилар нигоҳида ҳам шу ҳолатни кўрардим.

Соат саккизлар чамаси Қирқинчи тор кўчаларда машиналар шовқини ҳамма ёқни тутиб бораётганида севган қизимни соғиниш ҳисси юрагимни ўртаб борарди. Чорраҳаларда туриб қолган таксилар ичидаги ноаниқ шарпалар бир-бирларига қапишиб, суйкалишарди, қулоғимга ҳазил-ҳузул гаплар ва кулгулар, кўшиқ оҳанглари узук-юлуқ эшитиларди. Мен ҳам қаергадир шошардим, гўё мени қандайдир хурсандчилик кутиб тургандек туюларди, мен бегоналарнинг хурсандчилигига шерик бўлиб борардим, уларга фақат яхшилик тилардим.

Анча вақтгача Жордан Бейкер билан учрашмадим. Ёзнинг иссиқ кунларида у билан кўришиб қолсам бўладими. Авваллари одамлар кўз ўнгида у билан бирга юриш менга жуда хуш ёқарди, чунки гольф ўйинининг чемпиони бўлганлиги учун уни ҳамма танир эди-да. Мен учун бу шараф эди. Сўнгра биз янада яқинлашиб кетдик. Мен уни севмасам-да, лекин қандайдир нозик қизиқувчанлик мени у томон тортиб турарди. Ниҳоят, бу ҳисни тушуниб етдим. Унинг чемпионлигига бўлган қизиқишим бир баҳона эди, холос. Аслида, қизиқишим шунчаки хўжақўрсинга эди, холос. Аммо эртами-кечми асил ҳақиқат рўёбга чиқади. Ниҳоят, мен гап нимада эканини тушундим. Кунларнинг бирида биз у билан бирга Уорикдаги хонадонлардан бирига меҳмон бўлиб бордик, у бировнинг усти очиқ машинасини ёмғир остида қолдириб, ичкарига кирди, сўнг бамайлихотир ёлғонлай кетди. Шунда мен тўсатдан у ҳақида тарқалган ва уни Дээилар хонадо-нида биринчи бор у билан учрашганимда чалароқ эшитиб қолган бир гап эсимга тушди. Гольф бўйича ўтказилган биринчи катта мусобақада унинг иштирокидаги бир воқеа сал бўлмаса газеталарда босилиб чиқай деганди. Ярим финал ўйини вақтида нобопроқ жойда турган тўпини у қулайроқ жойга суриб қўйганлигини билиб қолишади. Тўсатдан жанжал кўтарилиб кетишига бир баҳя қолади. Йўлини топиб, бости-бости қилиб юборган эканлар. Ключкаларни кўтариб юради-ган бола ўзининг дастлабки кўрсатмасидан воз кечибди, бунинг гувоҳи бўлган бошқа одам “мен балки хато қилгандирман” дебди. Шу воқеа миямда чала-чулпа сақланиб қолганди.

Жордан Бейкер негадир ақлли, зийрак одамлардан ўзини олиб қочарди. Бунинг сабаби энди менга маълум. Кўпгина инсон ўзини тутиш борасида қабул қилинган меъёрларга баъзи бир одамларнинг хатти-ҳаракатлари тўғри келмаслигини хаёлларига ҳам келтира олмайдиган кишилар орасида у ўзини эркин тутар экан. У жуда бепарво кимса эди. Бир кунмас-бир кун унинг истагига қарши ҳолатлар юз бериши мумкинлигини у сира хаёлига келтирмасди, афтидан, ёшлик чоғлариданоқ ён-атрофга кибор билан боқишга ва тикмачоқ-дек, бақувват танасининг ҳар қандай эҳтиёжини қондириш учун турли ножўя хатти-ҳаракатларни қилишдан ҳам тоймасди. Бунинг менга қизиғи бўлмаса-да, ундан бир оз жаҳлим чиқди, кейинчалик бу ҳақда ўйламайдиган бўлиб қолдим. Айнан ўша кезлари Уорикда, рулда ўтирган одамнинг ҳулқи-атвори ҳақида қизиқ суҳбат бўлиб ўтганди. Ҳаммаси у бир ишчи олдидан машинани учириб ўтганида машина қаноти билан уни туртиб кетганидан ва унга етказган зарардан бошланган эди.

— Сиз машинани яхши бошқара олмас экансиз, — дедим мен жаҳлим чиқиб. — Кўзингиз етмаса машина ҳайдаманг!

— Кўзим етади.

— Ҳечам-да.

— Мен эҳтиёт чорасини кўрмасам, бошқалар эҳтиёткор бўлсин, — деди Жордан бепарволик билан.

— Қизиқ... — дедим ранжиб.

— Улар менга йўлни бўшатиб қўйсинлар.

— Ўзингизга ўхшайдиган беғами учраб қолса-чи.

— Учрамайди деб умид қиламан, — деди у. — Ўзига эҳтиёт бўлмаган одамларни жиним суймайди. Шунинг учун ҳам сизни ёқтираман-да.

Кўёш нуридан толиққан қора кўзларини йўлдан олмасди. Аммо орамиздаги муносабатларда қандайдир ўзгариш содир бўлганди. Бу туйғу муҳаббатдек туюлди менга. Мен оғиркарвонман. Ички ҳис-туйғуларимни жиловлай оламан. Мен аввало ўртамиздаги тушунмовчиликдан қутулишим керак эканлигини яхши билардим. Ҳафтада бир марта унга хат ёзиб, тагига “Никдан” деб имзо чекардим. Бу хатларим кўлига тегиши керак бўлган аёл ҳақида хаёл сурганимда у теннис ўйнаган вақтида тепа лаби устида пайдо бўладиган тер томчилари кўз ўнгимда намоён бўларди. Бизни қандайдир номаълум ришталар боғлаб турарди. Мен бу ришталарни одоб билан — қай бир йўл билан узиб юборишим даркор эди. Бусиз мен ўзимни эркин деб ҳисоблай олмасдим.

Ҳар бир инсон ўзида ҳеч бўлмаганда битта яхши фазилати бор, деб ўйлашга ҳақли; масалан, ўзимни менга таниш бўлган кишилар қатори виждонли одамлардан бириман, деб ҳисоблайман.

IV БОБ

Якшанба кунлари эрта тонгдан соҳилда жойлашган черков жомлари кўнгироқлари остида юқори ва ўрта табақага мансуб кишилар Гэтсбининг вилласига йиғилардилар. Унинг вилласини қувноқ овозлари шодон кулгулар тутиб кетарди.

— У олижаноб инсон, — дея хушомад қилишарди унинг шаробини ичиб, гулларини ҳидлаб турган хонимлар. — У фон Гинденбургнинг жияни. Фон Гинденбург нақ иблиснинг ўзгинаси. У жуда хавфли одам. Кўпларнинг бошига етган, ўлдиртириб ҳам юборган. Менга атиргулдан узиб бер, жонгинам, анави биллур қадаҳга яна бир қултум шаробдан қуйиб бер.

Мен ўша ёзда Гэтсбиникига келиб-кетган меҳмонларнинг исми-шарифларини темирйўл қатнови жадвали четига ёзиб бора бошладим. Жадвалда “1922 йил бешинчи июлидан” амал қилинади, деган муҳр босилган эди, бу жадвал эскириб кетган, қоғози ҳам сарғайиб кетганди. Гэтсби ҳақида ҳеч нарса билмай, унинг меҳмондўстлигидан фойдаланиб юрганларнинг исми-шарифларини ранги ўчиб, оқариб кетган бу рўйхатдан билиб олса бўларди.

Ист-Эггдан Гэтсбиникига Честер-Беккерлар ва Личилар ҳамда Бунзен деган кимса, менинг университетдаги бир танишим ҳамда ўтган йили ёзда Мэн штатида сувга чўкиб ўлган доктор Уэбстер Сиветлар келиб туришар эди. У ердан яна Хорнбимлар ва Уилли Вольтер хотини билан ва Блэкбеклар ҳам уруғ-аймоғи-ла қадам ранжида этишиб, доимо бир ерда тўда бўлиб тўпланиб туришар эди, уларга биронта бегона одам яқинлашганида ёқтирмай, бошларини чайқаб қўйишарди. Булардан ташқари яна Исмэн ва Губерт Ауэрбах жаноби Кристиннинг рафиқаси билан, айтишларича, бир кечада бирон-бир сабабсиз сочлари оппоқ оқариб кетган Эдгар Биверлар ҳам ташриф буюрардилар.

Кларенс Эндайв Ист-Эггданлиги ёдимда. Уни мен бор-йўғи бир марта кўрган эдим, у эгнига кенг шолвор кийиб олганди, у боғда Этти исмли бир товламачи билан муштлашгани ёдимда. Оролнинг нариги томонидан Чидлзлар ва Шредерлар ҳамда Стонуолл, Жоржиндан Жексон Эбрэмс ва бошқа жаноблар рафиқалари билан ташриф буюрган эдилар. Снелл эса қамоққа тушишидан уч кун аввал виллада меҳмондорчиликда бўлганди. У шу даражада бўкиб ичган эдики, маст ҳолида киравериш йўлида ётганида Юлиссез Суэтт хонимнинг автомашинаси ўнг қўлини мажақлаб кетганди. Дэнсилар ҳам бутун оиласи билан, ўша пайтда ёши етмишни қоралаб қолган Уайтбэйт, Морис А.Флинк ва Хаммерхедлар, тамакини четдан олиб келувчи Белуга ва унинг қизлари ҳам Гэтсбининг вилласида меҳмондорчиликда тез-тез бўлиб турардилар.

... Шунга ўхшаш бошқа жойлардан ҳам кўплаб жаноблар ўз хотинлари, қизлари ва қариндош-уруғлари билан ташриф буюриб турардилар.

Барчалари ўша ёзда Гэтсбиникида меҳмондорчиликда бўлган эдилар.

Кунларнинг бирида, эрталаб соат тўққизлар чамаси Гэтсбининг ҳашаматли лимузини тошли кўчаларда силкиниб, нақ уйим ёнида тўхтади. Машина сигнали эшитилди. Бу воқеа июл ойининг охирларида рўй берган эди, бу орада мен уникида икки бора меҳмон бўлдим, таклифига биноан гидропланида учдим, чўмиладиган ҳавзасида мазза қилиб чўмилдим. Лекин Гэтсбининг ўзи меникига бирон мартаям ташриф буюрмаган эди.

— Салом, биродар. Бугун биз шаҳарга бориб, бирга нонушта қилишга келишиб олгандик, шунинг учун мен сизни олиб кетгани келдим, — деди у машинадан тушаркан.

Унинг кайфи чоғ, ҳаракатлари чаққон эди. У қаддини гоз тутиб турарди. Бу америкаликларга хос кўриниш эди; назаримда бунга ёшликлариди оғир жисмоний меҳнат қилмаганликлари сабаб бўлса керак. Яна бир жиҳати, бизнинг асабий спорт ўйинларимиздаги қандайдир нозик ҳаракатлар сабаб бўлса керак. Гэтсби ўзини вазмин тутса-да, нимадандир безовталиги сезилиб турарди. У бир дақиқа ҳам тинч ту-

ролмасди; гоҳ оёғи билан ерни депсир, гоҳ кафтини сабрсизлик билан дам-бадам мушт қилиб турар ва яна ёзар эди. Унда қандайдир сир-саноат яширин эди.

Гэтсби машинасига маҳлиё бўлиб қолганимни сезиб:

— Ёқдими? — деб сўради.

У машинаси ёнидан ўтиб, қаршимга кела бошлади.

— Сиз бу машинани аввал кўрмаганмидингиз? — деб сўради менадан.

— Уни бир неча бор кўргандим. Атрофдагилар ҳам уни кўришган.

Машина тўқ қизил рангда бўлиб, ярақлаб турарди. Унинг ҳаддан ташқари узун корпуси ичида бош кийимлар учун, газаклар учун алоҳида жой бор эди. Яна нималарнидир қўйиш учун ҳам жой ажратилганди. Биз гўё уч қават ойна ичидаги чармли иссиқхонага кириб ўтиргандек, димиқиб Нью-Йорк томон йўл олдик.

Шу ой ичида мен Гэтсби билан бир неча маротаба учрашдим. У билан бир нарса ҳақида бафуржа гаплашишнинг иложи йўқлигига ишонч ҳосил қилдим. У ҳақидаги фикрим ўзгарди. Биринчи бор учрашганимизда фавқулодда қобилиятли шахс сифатида уни кашф этгандим. Энди у мен учун уйим ёнида жойлашган ҳашамдор вилланинг оддий хўжайини бўлиб қолди, холос.

Ўйлашимча, ҳозир беҳуда сайрга чиқдик, шекилли. Уэст-Эгта етиб бормасимизданоқ Гэтсби ўзини негадир ғалати тута бошлади. Негадир чайналиб гапирар, жумлаларини охиригача тўлиқ айта олмасди. Сабри чидамай тиззаларини шапатилаб кўярди.

У менга кутилмаганда савол бериб қолди:

— Биродар, сиз мен ҳақимда қандай фикрдасиз?

Кутилмаган саволдан шошиб қолдим, нимадир деб гўлдираддим. У гапимни бўлди:

— Мен сизга ўз ҳаётим ҳақида бир оз гапириб бермоқчиман. Бўлмаса турли хил гийбатларни эшитиб, хаёлингизга бошқа фикрлар келиши мумкин.

Демак, ўзи ҳақида турли миш-мишлар юргани у учун сир эмас экан-да.

— Мен ростини гапираман, — у қўлини чаққонлик билан силкиб кўйди. — Мен ғарбда бой оилада дунёга келганман. Эндиликда оиламиздан ҳеч ким қолмаган. Америкада ўсиб-улгайдим. Сўнгра оиламиз анъанасига кўра, Оксфордга ўқишга кетдим. Авлодимиз Оксфордда ўқиган.

У менга кўз қири билан қараб кўйди. Шунда Жордан Бейкернинг гапини эсладим. “Оксфордда ўқиган” деган сўзларни у шоша-пиша ямлаб ё томоғига бир нарса тиқилгандай талаффуз этди. Шундан сўнг унинг гаплари менга шубҳали туюла бошлади. Мен унинг ҳаётида қандайдир сир борлигига ишонч ҳосил қилдим.

— Сиз қайси шаҳарда туғилиб-ўсгансиз? — сўрадим сўз орасида ундан.

— Сан-Францискоданман.

— Э-ҳа! Шундай денг.

— Барча қариндошларим вафот этган. Менга улардан катта бойлик қолди...

Унинг бу сўзлари гўё бевақт ҳаётдан кўз юмган Гэтсбилар авлоди ҳақидаги ўйлар ҳали ҳам уни тарк этмагандек овози ғамгин чиқди. У мени калака қилмаётганмикан, деган хаёлга бордим. Унинг чехрасига қараган заҳотим бу фикримдан қайтдим.

— Шундан сўнг мен Европа бўйлаб сайрга чиқдим. Ёш роҳиб каби

ҳаёт кечира бошладим. Париждан Венецияга, Венециядан Римга бордим: қимматбаҳо тошларни, асосан, ёқутларни йиғишни ёқтириб қолдим, йирик паррандаларни ов қила бошладим, шунчаки ўзимни овутиш учун расмлар чизардим. Буларни кўп йил муқаддам содир бўлиб ўтган бир қайғули воқеани унутиш учун қилар эдим, ҳа-ҳа, қайғули воқеани унутиш учун...

Ўзимни кулгидан зўрга тутиб қолдим. Шалоғи чиқиб кетган бу сўзлар менда тирик одам ҳақидаги таассуротни эмас, балки латтадан ясалган кўғирчоқ ҳақидаги таассуротни уйғотди.

— Сўнг уруш бошланиб кетди. Мен уруш бошланганидан қувондим ҳам, биродар. Ўзимни ўққа тутардим, лекин ажал мени ўз домига тортиш ўрнига, мендан қочарди. Урушга мен катта лейтенант унвонида кетганман. Аргонада мен ўқчи батальонида омон қолганлар билан шу даражада олдинга илгарилаб кетибманки, икки қаноти-мизда эни ярим мил келадиган бўш жой ҳосил бўлганидан пёёдалар хужумга ўтолмасдилар. У ерда биз бир юз ўттиз кишига қарши ўн олтига жангчи билан икки кечаю икки кундуз қаршилиқ кўрсатдик. Ва ниҳоят бизнинг одамларимиз етиб келганида ҳар қадамда ётган ўликлар орасида солдатларнинг ёқаларидаги белги — илмоқларга қараб бу ерда учта немис дивизиясининг аскарлари борлигини аниқладик. Шундан сўнг менга майор унвонини беришди. Мен барча иттифоқ мамлакатларининг орденлари билан мукофотландим, ҳатто Черногория ҳам, Адриатика соҳилларидаги Кичик Черногория ҳам менга ўзининг орденини юборибди.

Кичик Черногория! У бу сўзларни айтиб, кулиб қўйди. Бу табассум Черногория қироллиги нотинч тарихига тегишли бўлиб, жасур Черногор халқи ҳамдарликни олиб бораётган ўз курашида хайрихоҳликни ифода этарди. Бу табассум сиёсий ҳолатларнинг бутун бир занжирга берилган баҳо бўлиб, Черногория бу занжирнинг бир бўлаги эди.

Мен унинг гапларини ишонқирамай тинглардим; ҳайратланганимдан ёқамни ушладим. Мен ўндан ортиқ суратли журналларни варақлаб чиқдим.

Гэтсби қўлини чўнтагига суқиб, кафтимга шойи лентали бир нарсани қўйди.

— Мана бу Черногорияники!

Орден кўзимга ҳақиқийдек бўлиб кўринди. Мен ажабландим. Унинг четларига қуйидаги сўзлар ўйиб ёзилганди: “Orderi di Danilo, Nonteneqro, Nicolas Rex”.

— Орқа тарафини ҳам кўринг.

“Майор Жей Гэтсбига, Буюк Жасорати учун”, деб ёзилган эди.

— Мана бу нарсани ҳам доим ўзим билан олиб юраман. Оксфорддан ўтган кунларимдан хотира. Тринити коллежи ҳовлисида суратга олинган. Менинг чап тарафимда турган кимса ҳозирда граф Донкастердир. Суратда бир неча ёш йигитлар эгниларига спорт курткасини кийиб олганлар.

Мен суратдаги Гэтсбини дарҳол танидим. У бошқаларга қараганда бир оз ёшроқ кўринарди. Демак, гапираётган гаплари рост экан-да.

Кўз ўнгимда Катта каналда жойлашган сарой ичидаги товланиб турган йўлбарс терилари, жароҳатланган қалб изтиробларини унутиш мақсадида йиғилган ёқутларга тўла чиройли қутича тепасида энгашиб томоша қилаётган ҳолати намоён бўлди.

— Мен бугун сизга бир илтимос билан мурожаат этмоқчиман, — деди у мамнунлик билан қилган харидларни чўнтагига жойлай туриб,

— шунинг учун сизга ўзим ҳақимдаги баъзи нарсаларни ҳикоя қилишга аҳд қилдим. Мен ҳақимда турли хаёлларга боришингизни истамайман. Биласизми, атрофимда доим бегона одамлар бўлишига кўни-киб кетганман. Содир бўлган қайғули воқеани унутишга уриниб, жойдан-жойга кўчиб юраман. — У бир оз ўйга толиб қолди. — Сиз бугун бу сирдан воқиф бўласиз.

— Нонушта пайтидами?

— Йўқ. Кейинроқ. Мен сиз Бейкер хонимни бир пиёла чойга “Плаза” қаҳвахонасига таклиф этганингизни тасодифан билиб қолдим.

— Бейкер хонимни севиб қолганлигингизни айтмоқчи эмасмисиз?

— Йўғ-э, биродар. Бейкер хоним сиз билан мени ишим ҳақида сўзлашишга розилик билдириб, илтифот кўрсатди.

У қандай “иш” эканлигидан мен беҳабар эдим. Аммо қизиқишдан кўра, менда ачиниш ҳисси кўпроқ эди. Мен жаноби Жей Гэтсби ҳақида суҳбатлашиш учун Жордан хонимни таклиф этгандим. Унинг илтимоси арзимас бир нарса эканлигига шубҳа қилмаган эдим. Шу заҳотиёқ унинг меҳмондўст хонадонига илк бор ташриф буюрганимга пушаймон бўлдим.

Гэтсби лом-мим демай, йўлда давом этарди. Биз шаҳарга яқинлашганимиз сари у мулойим бўлиб бормоқда эди. Рузвельт бандаргоҳи ҳам ортда қолди. Биз шаҳар четига тош ётқизилган кўримсиз қоронғу кўча бўйлаб борардик. Сўнгра икки томонимизни ўраб олган Шағал Водийси бошланди. Баногоҳ бензин қуйиш шохобчаси олдида Уилсон хонимга кўзим тушди.

Биз Асториянинг ярмисини босиб ўтган эдик. Осма йўл устунлари орасидан айланиб ўтганимизда ортимиздан таниш мотоцикл овози эшитилди, газабланган полициячилар бизни қувиб етса бўладими.

— Биродар, кўрқманг, кўрқманг, — деди Гэтсби.

Биз тўхтадик. У ҳаменидан қандайдир қоғозни олиб, полицияга кўрсатди.

— Ҳаммаси жойида экан, — деди полициячи қўлини чеккасига қўйиб.

— Жаноб Гэтсби, энди машинангизни кўрсам, дарров танийман, кечирасиз.

— Унга нимани кўрсатдингиз? — қизиқиб сўрадим мен. — Оксфорддаги сувратингизними?

Бир вақтлар полиция бошлигининг бир хизматини дўндириб бергандим. Ҳар йили Рождество байрами муносабати билан у менга табрикнома юборади.

Блэквелс-Айленд кўчасидан кетаётганимизда қаршимиздан лимузин келаётган эди. Уни оқ танли ҳайдовчи бошқариб, ортида башанг кийинган уч нафар негр — икки йигит ва бир қиз ўтирарди. Уларнинг бизга тикилиб қараши кулгимни қистатди.

“Биз кўприкдан ўтаётган эканмиз, энди ҳар нарса бўлиши мумкин, дея хаёлимдан ўтказдим. Ҳар нарса...”

Кун чошгоҳга яқинлашиб қолган эди. Биз Қирқ иккинчи кўчадаги шином, салқин ертўлада жойлашган қаҳвахонада Бейкер хоним билан нонушта қилишга келишиб олгандик. Ертўла нимқоронғу эди. Баногоҳ Гэтсбига кўзим тушди. У кираверишда ким биландир суҳбатлашарди.

— Жаноби Каррауэй, марҳамат, танишинг. Бу дўстим жаноби Вулфшим бўладилар.

Паст бўйли, пучуқ бурунли яҳудий қайрилиб менга тикилиб қаради. Кейинроқ ним қоронғуликда кўзлари қисик эканлигини билдим.

– ...Сизни кўрганимдан хурсандман, – деди Вулфшим кўлимни қаттиқ сиқаркан.

– Мен ҳам, – одоб билан дедим мен.

– Хўш, нима қилдик?

Афтидан бу савол менга берилган эмасди, у дарҳол кўлимни кўйиб, Гэтсбига юзланди.

– Пулларни Кэтспога бературиб: “Кэтспо, у тилини тиймагунча унга бир цент ҳам берманг”, дедим. У дарҳол тилини тийди.

Гэтсби иккимизни қўлтиқлаганча ресторан ичига бошлади. Жаноби Вулфшимнинг гапи ичида қолиб кетди, негадир у хомуш тортиб қолди. Улар стол атрофига ўтиргач, бош официант келиб буюртма оларкан:

– Содали ва яхли бўлсинми? – деб сўради.

– Шинам жой экан, – деди Вулфшим шифтдаги нақшларни кўздан кечириб. – Менга кўчанинг нариги томонидагиси ёқади.

– Ҳа, содали ва яхли бўлсин, – деди Гэтсби. Сўнг Вулфшимга эътироз билдириб: – У ер жуда иссиқ, – деб кўшиб кўйди.

– Тўғри, иссиқ ва тор, – деди жаноб Вулфшим. – Лекин у ерда қанчадан-қанча хотиралар бор.

– Йўлнинг нариги томонида қанақа ресторан бор? – сўрадим мен.

– Эски “Метропол” ресторани.

– Эски “Метропол”, – хаёл сурганча чўзиб деди Вулфшим. – У ерда қанчадан-қанча танишлар билан отамлашганмиз. Улар ҳозир орамизда йўқ. Қанчадан-қанча дўстларимиз бу дунёдан ўтиб кетдилар. Умримнинг охиригача ўша ерда Рози Розентални отиб кўйишган тунни асло ёдимдан чиқара олмайман. Столда олти киши ўтиргандик. Ҳаммадан кўра Рози кўп ичиб, тинмай овқат ерди. Тонгга яқин унинг ёнига официант келиб, “Сизни чақирешаяпти”, деб қолди. У ўзини ғалати тутарди. “Ҳозир чиқаман”, деди Рози, у ўрнидан турмоқчи бўлди, тулолмади. Мен унга “чиқма”, деб қаршилиқ кўрсатдим. “Рози, кимга керак бўлсанг, ўзи келсин, ташқарига чиқма”, дедим яна қайтариб. Соат бешларга яқинлашиб қолганди, деразада пардалар бўлмаганда, кун ёришиб кетганини кўрган бўлармидик.

– Хўш, у ташқарига чиқдимми? – содалик билан сўрадим мен.

– Чиқди, ҳа, чиқди, – деди Вулфшим кўзларини менга чақчайтириб қараркан. – Эшик ёнига етгач, у орқасига ўгирилди-да: “Официант менинг қаҳвамни олиб кетмасин”, деди. У ташқарига чиққан ҳам эдики, унинг қорнига уч марта ўқ отишгач, нотаниш машина физиллаганча кўздан ғойиб бўлди.

– Ўшалардан тўрт кишини электр стулга ўтқазишган эди, – дедим мен бу воқеани эслаб.

– Бейкерни ҳам ҳисоблаганда беш киши эди улар, – деди у менга тикилганча. – Эшитишимча, сиз бу ишларга қизиқар экансиз-да?

Кутилмаган бу саволдан довдираб қолдим. Менинг ўрнимга Гэтсби жавоб берди.

– Йўқ, йўқ, бу бошқа одам.

– Ўша эмасми? – ҳафсаласи пир бўлиб сўради жаноб Вулфшим.

– Бу менинг дўстим. Айтдим-ку, бу мавзу тўғрисида бугун гаплашмаймиз деб.

– Кечирасиз, – деди жаноб Вулфшим. – Мен сизни бошқа одам деб ўйлабман.

Иштаҳани очувчи сабзавотли овқат келтирилди. Жаноб Вулфшим “Метропол” ресторанида содир бўлган ачинарли воқеани унутиб, иштаҳа билан овқат ейишга тутинди. Бир вақтнинг ўзида овқат еяту-

риб, ресторан залига синчковлик билан кўз югуртириб чиқди, ҳатто орқасида ўтирган одамга ҳам қараб қўйишга улгурди. Ҳа, ёнида мен бўлмаганимда стол остига ҳам қарашдан тап тортмасди.

– Биродар, сиз машинада келаётганимизда мендан жаҳлингиз чиқмадими? – сўради мен томонга бир оз энгашиб.

Мен унинг чеҳрасида таниш табассумни кўрдим, лекин бу сафар унинг таъсирига тушмадим.

– Топишмоқ топишни ёмон кўраман, – дедим мен. – Нима кераклигини нега очиқ-ойдин айтмайсиз? Бейкер хонимни аралаштиришдан нима маъно бор?

– Кўйсангиз-чи, қанақа топишмоқ ҳақида гапираяпсиз, – эътироз билдирди у. – Биринчидан, Бейкер хоним олий тоифали спортчи. Агар бу ерда бирон нарса рўй бергудек бўлса, у ҳеч қачон розилик билдирмаган бўлур эди.

У дабдурустан соатига қаради-ю, сўнг сапчиб ўрнидан турди-да, мен билан Вулфшимни ёлғиз қолдирганча ўзи ташқарига югуриб чиқиб кетди.

– У ким биландир телефонда гаплашмоқчи, – деди Вулфшим унинг ортидан кузатиб қолар экан. – Ажойиб одам-а? Ҳам келишган, ҳам назокатли инсон.

– Ҳа.

– У Оксфордни тамомлаган.

– Нимасини айтасиз!

– У Англияда Оксфорд университетини тугатган. Оксфорд университети нималигини биласизми?

– Кулоғимга чалингандай. Дунёдаги энг машҳур университетлардан бири.

– Сиз Гэтсбини анчадан бери танийсизми? – сўрадим мен Вулфшимдан.

– Бир неча йилдан бери, – деди у гердайиб. – Урушдан кейин танишганман. У билан бирон соат суҳбатлашгач, рўпарамда ўта тарбияли инсон турганлигига ишонч ҳосил қилганман. “Ҳа, деб ўйладим ичимда, бундай инсонларни уйга таклиф қилиб, онанг ва синглинг билан таништирсанг бўлади, дедим ўзимга-ўзим”. – У бир оз сукут сақлади. – Афтидан сиз менинг кўйлагим энгидаги тақинчоқларимни томоша қиляпсиз, шекилли, – деди.

Бу нарса ҳаёлимга ҳам келмаганди. Унинг бу гапидан сўнг кўйлаги энгидаги тақинчоққа қараб кўйдим. Улар фил суягидан ясалган экан.

– Одам тишининг ўзгинаси-я, – деди у кўйлаги энгидаги тақинчоққа қараб. – Танлаб олинган нусхалар.

– Тўғри айтасиз! – Мен уларни яқиндан кўрдим. – Ажойиб экан.

– Ҳа-а, – деди у, сўнг костюмининг энгини тортиб кўйди. – Ҳа-я, Гэтсби аёллар борасида жуда инжиқ. Дўстининг хотинига у қиё ҳам боқмайди.

Гэтсби ёнимизга қайтиб келгач, жаноби Вулфшим қаҳвасини бир кўтаришдаёқ ичиб, ўрнидан турди.

– Сиз билан бирга ўтирганимдан бағоят хурсандман, – деди у. – Энди сиздек ёш дўстларимни ёлғиз қолдирмоқчиман. Мен борай бўлмаса.

– Қаерга кетаяпсиз, бир оз ўтиринг, – деди Гэтсби тил учиди.

Жаноб Вулфшим гўё дуо қилмоқчи бўлгандек, қўлларини очди.

– Сизлар жуда илтифотлисизлар, аммо менинг ёшим бир жойга бориб қолган, – деди у тантанавор оҳангда. – Сизларнинг ўзингизга яраша гапингиз бўлса керак: спорт, хонимлар ҳақида... – яна кўлини ёзиб гапида давом этди. – Менинг ёшим элликдан ошган. Шунинг

учун сизларни ноқулай аҳволга солмоқчи эмасман.

Шундай дея Вулфшим бизларни тарк этди. Ортидан мен уни ўзимнинг ноҳўя гапим билан хафа қилиб қўймадимми, деб ўйлаб қолдим.

– Баъзан у тушқунликка тушиб қолади, – деди Гэтсби. – Очигини айтганда, у Нью-Йоркда кўзга кўринган одамлардан бири. Бродвейдаги ўз одамимиз.

– Қим у, актёрми?

– Йўқ.

– Тиш докторими?

– Мейер Вулфшимми? Йўқ. У қиморбоз. – Гэтсби бир оз дудуқланиб қолди. Сўнг совуққонлик билан жавоб берди: – 1919 йилда “Уорлд Сириз” билан боғлиқ воқеани шу инсон ташкил қилган.

Мен донг қотиб қолдим. “Уорлд Сириз” бейсбол мусобақаларида рўй берган қаллоблик ёдимда эди. Лекин бу воқеага унча аҳамият бермагандим. Шов-шувга сабаб воқеа деб хаёлимга ҳам келтирмагандим. Бир киши эллик миллион кишининг ишончини суистеъмол қилиши ақлимга сиғмади.

– Буни қандай амалга оширди экан-а? – ҳайрон қолиб сўрадим мен.

– Тасодиф ҳолатдан фойдаланган, холос.

– Уни нега жазолашмаган?

– Исботлай олишмаган. Мейер Вулфшимни осонликча қўлга олиб бўлмади.

Ўтиришнинг ҳисоб-китобини мен қилдим. Официант қўлидан қайтимни олиб, одам гавжум залнинг нариги тарафида Том Бьюкенен ўтирганини кўриб қолдим.

– Мен анави ердаги танишим билан саломлашиб келишим керак, – дедим мен. – Хоҳласангиз, юринг мен билан, ушланиб қолмаймиз.

Бизни кўриб қолган Том, ўрнидан кўзгалиб, истиқболимизга кела бошлади.

– Қаерларда юрибсан? Телефон ҳам қилмайсан. Дэзи сендан жуда хафа, – ёзгириб сўрашди у мен билан.

– Жаноб Бьюкенен, – таништирдим уларни.

– Жаноб Гэтсби.

Улар бир-бирларига қўл узатдилар. Кутилмаганда Гэтсбининг ранги оқариб кетди-ю, ноқулай аҳволга тушди.

– Қандай яшаяпсан? – сўроқни давом эттирди Том. – Бундай узоқ жойларга сени қайси шамол учирди?

– Бу ерга жаноби Гэтсби билан нонушта қилгани келгандик.

Ёнимга қарасам, Гэтсби жуфтақни ростлаб қолибди.

Тўққиз юз ўн еттинчи йил октябр оyi кунларининг бирида... (“Плаза” меҳмонхонасининг очиқ ресторанида мен билан бир неча соат бирга ўтириб, Жордан Бейкер ҳикоя қилиб берганди...) Мен Луисвилл кўчаси бўйлаб дам-бадам майсазорни босиб, йўл четидан кетиб борардим. Майсалар устида юришни ёқтираман, чунки оёғимда резина тишли инглизча оёқ кийимим бор. Бурмали янги катак кўйлак кийиб олган эдим.

Дэзи Фэй уйи олдида кенг майсазор. У ўн саккиз ёшда, мендан икки ёш катта эди. Дэзи гўзал бўлгани учун ҳам қўпчиликнинг эътиборини ўзига тортарди. Луисвиллдаги бирон-бир қиз у каби жозибадор эмасди. У доим оқ кўйлак кийиб юрарди. Икки ўринли оқ рангдаги машинаси бор эди, Кэмп-Тэйлорлик ёш зобитлар кун давомида Дэзига кўнғироқ қилиб, бирон оқшомни у билан бирга ўтказишни орзу қилар эдилар.

Ҳеч бўлмаса бир соатга, дея кўндиришга уринардилар.

Ўша куни мен унинг уйига яқинлашгач, кўча четида оқ машинаси турганини кўрдим. Машина ичида менга нотаниш лейтенант билан Дэзи ўтирганини кўриб қолдим. Улар гўё атрофларида ҳеч ким йўқдай берилиб суҳбатлашиб ўтиришарди. Уч қадамча беридан Дэзи мени кўриб қолди.

– Ҳай, Жордан, – бирдан чақириб қолди у мени. – Илтимос, бир дақиқага бу ёққа кел.

Шу тобда унга керак бўлиб қолганим менга хуш ёқди; ёши катта ўртоқларим орасида у энг ёқимтойи эди. У мендан: “Қизил Хочга кетаяпсанми?” деб сўради. Мен “ҳа” деб жавоб бердим. Балки у бугун боролмаслигини айтиб қўйишим керакдир? Дэзи гапираётганида бир ҳарбий кимса унга мафтун бўлиб ўтирарди – афтидан, ҳар қандай қиз ҳам балоғатга етганда, йигитлар шундай қарашларини орзу қилсалар керак. Бу ҳолат менга гаройиб, сирли бўлиб туюлди. Шунинг учун ҳам узок вақт ёдимда сақланиб қолган бўлса, ажаб эмас.

Офицернинг исми-шарифи Жой Гэтсби эди. Мен уни тўрт йилдан бери кўрмадим, шунинг учун биз у билан Лонг-Айленда учрашганимизда бу ўша Гэтсби экани асло хаёлимга келгани йўқ.

Бу воқеа 1917 йилда бўлган эди. Орадан бир йил ўтгач, ён-атрофимда хушторларим кўпая бошлади. Бундан ташқари мен спорт мусобақаларида иштирок эта бошладим. Дэзи билан кам учрашадиган бўлиб қолдим. У вақтини бошқа даврада ўтказадиган одат чиқарди. У ҳақида гўё у океан ортига жўнаб кетаётган бир ҳарбий кимса билан хайрлашиш учун Нью-Йоркка бориш ниятида тутун-терсагини йиғиштираётганини онаси кўриб қолибди, деган миш-мишлар тарқалиб кетганди. Уни уйдан чиқазмай қўйдилар. Дэзи бу воқеадан сўнг бир ҳафта давомида уйда ҳеч ким билан гаплашмай, кўмилиб кетди. Шундан сўнг у ҳарбийларга кўнгил қўймасликка онт ичди. Ясситовонликлари сабабидан армияга боришдан қутулиб қолган ёш йигитлар билан учрашадиган бўлиб қолди.

Куз фасли келгач, Дэзи асли ҳолига қайтди, бир гапириб, ўн куладиган, қувноқ ва хушчақчақ қизга айланди-қолди. Уйдагилар билан ярашгач, дарҳол унинг уйида зиёфат берилди. Феврал ойида янги орлеанлик бир келгинди билан унаштирилгани ҳақида гап тарқалди. Июнь ойида эса чикаголик Том Бьюкенен билан тўйлари бўлиб ўтди. Уларнинг тўйи дабдаба билан ўтказилди. Куёв юзларча ошналари билан келинликка тўрт вагонда келиб “Мюльбах” меҳмонхонасининг алоҳида қаватида жойлашдилар. Куёв тўйдан олдин келинга баҳоси уч юз эллик минг долларлик бўйинга тақадиган дур, марварид шодасини совға қилди.

Мен келиннинг яқин дугонаси эдим. Тўй маросимида ярим соат қолганида Дэзи ўтирган хонага кирсам, у тўшакда гулдор кўйлагига узала тушиб ётарди, не кўз билан кўрайки, кайфи жуда баланд эди. Дэзининг бир қўлида майли шиша, иккинчи қўлида эса қандайдир хат бор эди.

– Мени табрикла, – гўлдиради Дэзи. – Умримда биринчи бор ичиб, маст бўлишим. Эҳ, қандай маз-за-я!..

– Дэзи, сенга нима бўлди?

Очигини айтганда мен жуда қўрқиб кетгандим. Қизларни бундай маст ҳолатда сира кўрмагандим.

– Мана, м-мар-ҳамат, – дея Дэзи маржон шодасини менга узатди. – Буни олгин-да, эгасига топшир. Дэзи фикридан қайтди, тўй бўлмайди, деб айт. Йиғилганларнинг барчасига, “Дэзи фикридан қайтди”, дегин.

Дэзи тинмай йиғларди. Мен хонадан чиқиб, онасининг оқсочини топдим. Оқсоч иккимиз эшикни ичидан қулфлаб, Дэзининг устидан совуқ сув қуя бошладик. У қўлидаги хатни биронтамизга ҳам бермасди. Уни қўлида чангаллаб олганди. Хат сувга бўкиб, бўлак-бўлак бўлиб кетаётганини кўргач, уни совун қутисига қўйишга рози бўлди. У ломим демай ўтирарди. Унга нашатир спирт ҳидлатиб, бошига муз қўйиб, ўзига келтирдик, сўнг эгнига келинлик либосини кийгаздик. Орадан ярим соат ўтгач, у ўзига келди. Мен билан пастга тушаётганида унинг бўйнида маржон шодаси ярақлаб турарди. Эртаси куни соат бешлар чамаси бир сўз демай, Том Бьюкенен билан никоҳдан ўтди. Улар Жанубий Денгиз бўйлаб “асал оyi”ни ўтказишга жўнаб кетдилар.

Мен уларни “асал оyi”дан қайтиб келаётганларида Санта-Барбарада учратиб қолдим. Дэзи эрини шу қадар севиб қолибдики, бундан ҳам севиндим, ҳам ҳайратга тушдим. Эри бир дақиқага ташқарига чиқиб кетса борми, Дэзи атрофга аланглаб, “Том қаерда”, деб безовталаниб сўрайверарди. Том бўсағада пайдо бўлмагунча тинчимасди. Дэзи чўмилиш ерида эрининг бошини тиззасига қўйиб, бармоқлари билан унинг юзини соатлаб силаб-сийпалаб, эркаларди. Афтидан унга ҳеч тўймасди. Бу воқеа август ойида юз берганди.

Мен Санта-Барбарадан жўнаб кетганимдан сўнг, орадан бир ҳафта ўтгач, Том тунда Вентур йўлида автофургонга урилиб, машинасининг олд филдираги узилиб тушган эди. Шунда у билан бирга кетаётган Санта-Барбара меҳмонхонасининг оқсочи ҳам газета саҳифаларига тушиб қолганди. Бу фалокатда унинг қўли синган эди.

Апрел ойида Дэзи қизлик бўлди. Улар бир йилга Францияга жўнаб кетдилар. Мен уларни онда-сонда: гоҳ Канадада, гоҳ Довилда учратиб қолардим, сўнгра улар уйга қайтиб келиб, Чикагода яшай бошладилар. Бу ерда Дэзини яхши кўриб ардоқлашарди. Уларнинг атрофида тўпланганлар такасалтанг ва майхўрлардан иборат бадавлат ёшлар эди. Аммо шунга қарамасдан Дэзи ўз обрўсига гард юқтирмас эди. У сира ичмасди, шунинг учун ҳам уни ҳурмат қилардилар. Атрофиндагилар маст бўлсалар-у, аммо сен ҳушёр бўлишинг бу катта ютуқ эди. Шунда сен ортиқча гапирмайсан, энг асосийси, сен бирон нарса қилмоқчи бўлсанг, атрофдагилар сезмайдиган ёки ҳеч нарса билан ишлари бўлмаган вақтларида фурсат топиб кўнглиннга ёққан ишингни бажарсанг бўлади. Балки Дэзини ишқий муносабатлар қизиқтирмай қўйгандир, лекин унинг овозида бунга мойил сўзлар бисёр эди.

Бундан бир ярим соат аввал Дэзи тўсатдан Гэтсби исми-шарифини эшитиб қолса бўладими. Орадан қанча сувлар оқмади дейсиз.

— Сиз Уэст-Эггда яшайман деганингизда мен сиздан ўша ерлик Гэтсбини танийсизми, деб сўраганим ёдингиздами? Сиз уйингизга кетишингиз билан у хонамга кириб, мени уйғотиб, гапга тутди: “Гэтсби ким ўзи?” деб сўради. Мен уйку аралаш унинг кўринишини бир амаллаб тасвирлаб берганимда, у титроқ овозда: “Ҳойнаҳой, бу ўша бўлса керак”, деб хўрсиниб қўйди. Шунда унинг оқ автомобили ичида кўрган офицер ёдимга тушди. Мен гап нимадалигига тушуниб етгандим.

Жордан Бейкер менга бу воқеани батафсил сўзлаб бераётганида биз аллақачон “Плаза” ресторанидан чиқиб, очиқ машинада Марказий хиёбон бўйлаб кетмоқда эдик. Фарбий томондаги Эллигинчи кўчаларда қад кўтарган киноюлдузларининг маҳобатли уйлари ортида ботиб бораётган қуёш ўз ётоғига йўл олмоқда эди. Кечки дим ҳавода шўх болаларнинг айтаётган қўшиқлари қулоққа чалинарди.

*Мен араб шайхиман,
Сени ҳаммадан ортиқ севаман.
Учар от миниб,
Тушгинангга кираман.*

- Ғалати тасодифни қаранг! – дедим мен.
- Бу умуман тасодиф эмас.
- Қанақасига?
- Гэтсби бу виллани бекорга сотиб олган эмас. У Дээзини кўрфазнинг нариги соҳилида истиқомат қилишини яхши билган.
- Демак, ўша июн оқшомида унинг эътиборини фақат юлдузлар жалб қилмаган экан-да. У гўё ўз кўркама қобигини ёриб чиқиб, олдимда қайта тирилгандай бўлди.
- У сиздан бирон йўлини қилиб, Дээзини меҳмонга таклиф қилишингизни ва уни ҳам бирров ташриф буюришига руҳсат этишингизни сиздан илтимос қилмоқчи бўлгандир, – гапида давом этарди Жордан.
- Мен бу гапдан ҳайратга тушдим. У беш йил Дээзини кутди. Сўнг вилла сотиб олган. Вилланинг афсонавий кўринишидан атрофдагилар ёпирилиб келадиган ана шу виллани сотиб олган. Буларнинг ҳаммасини у бировнинг уйига бир йўлини қилиб бирон соатга кириб чиқиш учун амалга оширган эди.
- Наҳотки, шу арзимас илтимос билан менга мурожаат этиш учун бу воқеанинг барча тафсилотларини менга тушунтириши зарурмиди?
- Унинг бу гапни айтишга юраги бетламаяпти. Бу учрашувни у узоқ кутди. Бу илтимосидан сиз хафа бўласиз, деб ўйлади. Аслида у жуда одамови, шу билан бирга виждонли одам. Қалбига чуқурроқ қарасангиз биласиз, у ҳалол инсон.
- Лекин буларнинг барчаси менда шубҳа уйғотди.
- Бу учрашувни уюштиришни сиздан сўрагани осонроқ эмасмиди?
- У Дээзини уйимни кўрса деяпти, – тушунтирди Жордан. – Сиз эса унга ён қўшнисиз.
- Э-ҳа! Гап бу ёқда денг!
- Менимча, у кунлардан бир куни Дээзи унинг вилласига тасодифан келишини кутган. Бироқ ўйлаган иши амалга ошмади. Шунда у одатий гап орасида уйига йиғилган меҳмонлар билан бўлган суҳбатда у ҳақда сўрайдиган, уни танийдиганларни учратиш мақсадида йиғилганлар билан тинмай суҳбат қуради. Дээзининг таниши мен бўлиб чиқдим. Ёдингизда бўлса сиз билан унинг вилласида учрашган кечада у менга илтифот қилиб, суҳбатга чорлади. Аввалига нима дейишни билмай роса гапни айлантирганини билганингизда эди. Мен дарҳол унга Нью-Йоркда нонушта қилишни таклиф этдим, унинг жаҳли чиқиб кетди. “Мен тақиқланган учрашувни истамайман!” деди гижиниб. “Мен Дээзини қўшнимникида меҳмондорчиликда учратиш ниятидаман”, деди ниҳоят кўнглини ёзиб.
- Мен унга сиз Том билан ошна эканлигингизни айтганимда, у бу ниятидан қайтмоқчи ҳам бўлди. Гэтсби Томни яхши билмасди, гарчи бир неча йиллар давомида ҳар кунги Чикаго газеталарини кўздан кечириб юрган бўлса ҳам. У газета саҳифаларидан Дээзи ҳақида бирон-бир маълумотни учратиб қолишни дил-дилдан истарди.
- Қош қорайиб қолганди. Биз йўловчилар юрадиган кичик кўприк остига тушганимизда мен Жорданни офтобда қорайган елкасидан ушлаб, аста ўзимга тортдим-да, кечки овқатни бирга қилишни таклиф этдим. Шу тобда мени Гэтсби ҳам, Дээзи ҳам қизиқтирмай қўйганди.

Хаёлимни беташвиш яшайдиган, дадил гапирувчи Жордан Бейкер эгаллади. Кулоғим остида қандайдир сархуш овоз янграрди: “Сен ё овчисан ёки ўлжасан, ё ҳаракат қиласан ёки орқада судралиб қоласан”.

– Дээзининг ўзи Гэтсби билан кўришишни истамайдими?

– Бечорани ҳеч нарсадан хабари йўқ. Уни хабар топишини Гэтсби истамаяпти. Сиз уни шунчаки бир пиёла чойга таклиф қилсангиз...

Биз қатор экилган дарахтлар ёнидан ўтиб, Эллик тўққизинчи кўчадаги уйлар ёнидан чиқиб қолдик. Очиғи, кўнгил қўйган аёлим йўқ эди. Шунинг учун ёнимда ўтирган аёлни бағримга тортдим. У менга қараб жилмайди, Жорданни янада маҳкамроқ қучиб, лабларидан бўса олдим.

V БОБ

Ўша тунда мен Нью-Йоркдан Уэст-Энга қайтаётганимда уйимга ўт тушибди, деб жуда кўрққандим. Тунги соат иккилар чамаси. Кўл соҳили шамалоқдек ёп-ёруғ. Буталар қоронғуликда гўё шарпадек кўринарди. Телеграф симлари шуыладан йилтиллади эди. Таксидан мен муюлишда тушиб қолдим. Гэтсбининг вилласини машғалалар ёритиб турарди.

Аввалига мен навбатдаги зиёфат бўлаётган бўлса керак, сархуш меҳмонлар “денгиз тўлқинланаяпти” деган бекинмачоқ ўйинини ўйнашяпти, ўйинга берилиб барча қаватларга тарқаб кетишибдида, деб ўйладим. Лекин ён-атроф жимжит эди. Фақат шамолнинг увиллаган овози эшитиларди, холос. Вилладаги чироқлар дам порлаб ёнар, дам пасаярди. Уйим олдида қандайдир машина келиб тўхтади. Шу топ майсазордан мен томон келаётган Гэтсбига кўзим тушди.

– Уйингиз жаҳон кўрғазмасига ўхшаб кетибди, — дедим унга.

– Ростданми? — дея ҳардамхаёллик билан у атрофга аланглади. — Мен атрофни айланиб чиқмоқчи эдим. Биродар, бир Кони-Айлендга ўтиб келмаймизми? Менинг машинада борамиз.

– Кеч бўлиб қолди-ку.

– Унда ҳовузда чўмилармиз? Ёз бўйи бирон марта ҳам ҳовузда чўмилмабман-а!

– Қечирасиз. Уйқум келаяпти.

– Ўзингиз биласиз.

У менга тикилганча ниманидир айтмоқчига ўхшарди.

– Бейкер хоним менга айтди, — дедим мен ниҳоят. — Эртага Дээига кўнғироқ қилиб, уни бир пиёла чойга таклиф этаман.

– Яхши қиласиз, — деди ўзини бепарво тутиб. — Сизни безовта қилишни хоҳламагандим.

– Сизга қайси кун маъқул?

– Ўзингизга қайси кун қулай бўлса, ўша кун, — деди у шоша-пиша. — Сизни безовта қилмоқчи эмасдим. Узр.

– Индинга чақирсам бўладими? Сизга маъқулми?

У бир дақиқа ўйга толди. Сўнг иккиланиб деди:

– Майсаларни ўрдиришим керак.

Иккимиз ҳам уйларимиз атрофида ўсиб ётган майсазорга қараб қолдик. Менинг уйим олдидаги майса жуда ўсиб кетганди. Унинг уйи олдидаги майса бир текисда яшнаб турарди. У мен томондаги майсазорни тартибга келтиришни назарда тутганини англадим.

– Яна бир-икки нарса... — гапирмоқчи бўлди-ю, лекин иккиланиб, дудуқланиб қолди.

- Балки учрашувни бир неча кунга орқага сурармиз?
- Йўқ, мен бу ҳақда гапирмоқчи эмасман. Яъни... – у гап тополмай чайнала бошлади. – Биласизми, миямга... Гап шундаки, топиш-тутишингиз... унчалик эмасга ўхшайди, биродар.
- Тўғри, ўртамиёна.
- Жавобим унга жон киргизгандай бўлди, у қатъий овозда:
- Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим, – деди. – Мени кечиринг... биласизми, мен бир нарсани ўйлаб қўйгандим. Сизнинг даромадингиз кўп бўлмагани учун ҳам шу фикр калламга келганди... Ахир сиз қимматбаҳо қоғозларни сотиш билан шуғулланасиз, тўғрими?
- Тўғри, топдингиз!
- Шунинг учун ҳам менинг таклифим сизни бефарқ қолдирмаса керак. Бу иш кўп вақтингизни олмайди, лекин мўмай пул ишлаб олишингиз мумкин. Яна бир гап, бу иш сир тутилишини талаб этади.
- Бу суҳбат бошқа шароитда бўлганида ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборишига ишончим комил эди. Аммо хизматим эвазига очиқ-ойдин ва андишасизлик билан таклиф қилинганлигидан мен рад жавобини беришдан бошқа чорам қолмаганди.
- Афсуски, бу таклифингизни қабул қилолмайман, – дедим бир оз иккиланиб. – Қўшимча иш қилишга ортиқча вақтим йўқ.
- Қўрқманг, жаноб Вулфшим билан иш қилмайсиз. – У афтидан гап нонушта вақтида гаплашилган “алоқалар” устида кетаётгандир, деб ўйлади, шекилли. Лекин мен ундай хаёлга бормаган эдим. Гэтсби суҳбат давом этишини жуда кутган эди, аммо мен ўз хаёлларим билан банд эдим. У билан ортиқча суҳбатлашишни истамаётганимни билдирдим. Гэтсби гапимиз қовушмагани сабабли уйи томон йўл олди.
- Нью-Йоркдаги оқшомдан сўнг миямда сархуш хаёллар кеза бошлади. Мен остона ҳатлаб уйга кирдим-у, ётоққа кириб, қаттиқ уйкуга кетдим. Шунинг учун ҳам Гэтсби Кони-Айлендга бордими ёки тонг отгунча чироқлар машъаласи ёғдусида уйида кезиб чиқдим, билмайман.
- Эрталаб мен идорага боргач, Дезига кўнғироқ қилдим ва Уэст-Эгтдаги уйимга бир пиёла чойга таклиф қилдим.
- Илтимос, Томсиз келсанг, – дея огоҳлантирдим уни.
- Нима?
- Томсиз келгин, деяпман.
- Том ким ўзи? – ҳазиллашиб сўради у.
- Эртаси куни эрталабдан ёмғир шаррос қуйди. Соат ўн бирларга яқин эшигим тақиллаб қолди. Эгнида ёмғирпўш, қўлида майса ўрадиган ускуна билан бир одам эшигим олдида турарди. Уни майса ўриш учун жаноб Гэтсби юборганини айтди. Шу топда оқсочимнинг меҳмон келиши ҳақида огоҳлантирмаганим эсимга тушди; машинамга ўтириб оқсочимни уйдан олиб келиш ва бирйўла лимон ва гуллар ҳамда бир неча финжон харид қилиш мақсадида йўлга тушдим.
- Аслида гулларни сотиб олмасам бўлар экан: соат иккида Гэтсбникидан бир қанча гулдасталар вазалари билан келтирилган экан. Орадан бир соатлар чамаси ўтгач, эшик очилиб ичкарига эгнига кулранг қўйлак, ялтироқ бўйинбоғ боғлаган, оқ фланел костюм кийган Гэтсби виқор билан кириб келди. Унинг ранги оқарган, тунда ухламай чиққани кўзлари киртайганидан шундоқ билиниб турарди.
- Хўш, ҳаммаси жойидами? – кира солиб сўради у.
- Майса ҳақида сўраётган бўлсангиз, жуда чиройли қилиб ўрилди.
- Қанақа майса, – ўзини йўқотиб сўради Гэтсби. – Ҳа, майсазор-

ни айтаяпсизми?! — Гэтсби дераза ортига қаради. Юз ифодасидан у ҳеч нарсани кўрмаётгани билиниб турарди.

— Ҳа, майсазор чиройли бўлибди, — мақтаб қўйди у хомуш тортиб. — Қайсидир газетада ёзишларича, ёмғир соат тўртларда тўхтар экан. Узр, сизда ҳамма нарса... чойбоп нарса борми?

Мен уни ошхона томон етакладим. Ошхонада оқсочни кўриб, таъна аралаш менга қараб қўйди. Сўнг иккимиз харид қилинган лимонли пишириқларни кўздан кечирдик.

— Ҳўш, сизга ёқдимиз? — сўрадим мен.

— Ҳа, ҳа! Жуда ёқди, биродар.

Соат уч яримларда ёмғир тинди, атрофни совуқ туман қоплай бошлади. Гэтсби “Иқтисодиёт” журналини худди ўқиётган одамдай варақлар экан, негадир юраги ҳаприқиб, дам-бадам сабрсизлик билан ойналари хира тортган дераза томонга қараб-қараб қўярди, гўё у ерда кўзга кўринмайдиган қандайдир ишлар юрагига ваҳима солаётгандек эди. Тўсатдан у ўрнидан турди-да, қатъиятсизлик билан уйига чиқиб кетаётганлигини менга билдирди.

— Нега кетаяпсиз? — ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Энди ҳеч ким келмайди. Кеч бўлиб қолди! — дея зарур иши бор одамдек соатига қараб қўйди. Ахир кун бўйи бу ерда уни кутиб ўтира олмайман-ку.

— Жиннилик қилманг! Соат энди тўртга яқинлашди.

Уни жойига мажбурлаб ўтқазиб қўйдим, у менга аянчли боқди-да, яна келиб жойига ўтирди. Шу топда уйим томон яқинлашиб келаётган автомобил овози қулоғимга чалинди. Иккимиз ҳам ўрнимиздан сапчиб турдик; мен бир оз ҳаяжонланиб пешайвонга чиқдим.

Настарин буталари орасидан уйим томон катта усти очиқ машина келмоқда эди. Машина дарвоза олдига келгач, тўхтади. Бир томонга қийшайтириб кийган шляпаси остидан Дэзи табассум қилиб турарди. Чехраси гул-гул очилиб кетганди.

— Уйинг шу ерда экан-да, дўстим!

Дэзининг жарангдор овози гўё бизга жон бахш этгандек бўлди. Унинг овози жуда майин ва ёқимли эди. Мен унинг оҳангига маҳлиё бўлиб, сўнгра сўзларини англаб етдим. Бир тутам ҳўл сочи ёноқлари устига тушиб турарди. У ёмғирда қолиб кетганди. Машина ичидан чиқатуриб, менга қўлини узатди. Қўлларида ёмғир марварид томчиларидек йилтирарди.

— Мени севиб қолмадингми, ишқилиб, — аста шивирлади у қулоғимга. — Нима учун сен ёлғиз ўзимни чақирдинг, а?

— Бу Рэкрент қалъасининг сири. Ҳайдовчингни бирон соатга қаергадир жўнат.

— Ферде, мени бир соатдан кейин олиб кетасиз. — Сўнг муҳим нарсани айтаётгандек, паст овозда деди: — Ҳайдовчимнинг исми Ферде.

— Унинг бензиндан бурни оқмайдами?

— Йўқ, — соддалик билан жавоб қилди Дэзи. — Нега бундай деяпсан?

Биз етаклашиб ичкарига кирдик. Меҳмонхонада Гэтсбининг йўқлиги мени жуда ҳайратда қолдирди.

— Бу қанақаси бўлди! — дедим мен.

— Нимайди?

Шундай дея у ён-атрофга қараб қўйди. Шу топ кимдир эшик қоқди. Мен эшик очгани йўл олдим. Ранги мурдадек оқарган, қўлларини костюмининг чўнтагига солиб олган бўлса-да, дағ-дағ қалтираётган Гэтсби остонада пайдо бўлди. Қўлини чўнтагидан олмай, ортимдан

айвонга кириб келди, сўнг меҳмонхонага кириб кетди. Бу кулгили ҳолат эмасди, албатта. Юрагим дук-дук урганча мен эшик ёнига қайтиб, уни зичлаб ёпиб қўйдим.

Ташқаридан шаррос қуяётган ёмғир овози эшитиларди. Орага бир дақиқа сукунат чўкди. Меҳмонхонада бўғиқ кулгу овози эшитилди. Ортидан Дэзининг баланд ва жарангдор овози қулоғимга чалинди:

– Биз яна учрашганимиздан жуда хурсандман, Гэтсби.

Яна орага жимлик чўкди. Айвонда қаққайиб туришни ўзимга эп кўрмай, ичкарига кириб бордим.

Гэтсби аввалгидек қўлини чўнтагига солганча бизга ўзини бепарводек кўрсатиб, камин олдида турарди. Гэтсби бошини тик тутганидан тепада осиглиқ қадимги соатга тегай-тегай деб турарди. Шу ҳолатда турганча Гэтсби қаттиқ курсининг бир чеккасида бир оз чўчиб ўтирган, ҳар доимгидай назокатли, гўзал Дэзига тикилиб турарди.

– Биз эски танишлармиз, – деди Гэтсби менга қараб.

Гэтсби жилмайишга ҳаракат қилди-ю, лекин улдасидан чиқа олмади. Дабдурустандан боши тегиб кетган камин деворидаги соат қийшайиб ўрнидан қўзғала бошлади; Гэтсби ўгирилди-да, титраётган қўллари билан соатни ушлаб қолди ва уни ўз жойига ўрнатиб қўйди. Шундан сўнг оромкурсига чўкди-да, унинг тахтасига қўлини қўйиб, кафтини иягига тиради.

– Кечирасиз, соатни ўрнидан қўзғатиб юбордим, – деди у.

Ўзим лов-лов ёнарди. Миямда минг хил фикр ғужғон ўйнарди. Лекин биронтасиниям илғай олмасдим.

– Бу жуда қадимги соат, – дедим мен ҳам довираб.

Назаримда уччовимиз ҳам соат ерда чил-чил синиб ётибди, деган хаёлда эдик.

– Сиз билан анчадан бери кўришмадик, – деди Дэзи Гэтсбига назокат билан қараб.

– Ноябрь ойида кўришмаганимизга беш йил бўлади.

Гэтсбининг тезда берган жавобидан сўнг орага яна сукунат чўкди. Ноқулайликнинг олдини олиб, барчамиз биргаликда ошхонага ўтиб, чой тайёрлашимизни таклиф қилдим. Улар рози бўлиб ўринларидан турдилар, аммо бахтга қарши оқсоч патнисда чой кўтариб кириб келиб қолса бўладими.

Ҳаммамиз ҳовлиққанча бир-биримизга чой ва ширинликлар узата бошладик. Ўртадаги ноқулайлик бир оз йўқолгандек бўлди. Биз Дэзи билан турли воқеалар ҳақида бафуржа суҳбатлашардик. Гэтсби эса бир бурчакка ўтириб олганча Дэзини соғинч нигоҳи ила кузатиб турарди. Мен қулай фурсат топгач, уларнинг иккисини холи қолдириб, узр сўраб, ташқарига чиқиб кетдим.

– Қаерга кетаяпсиз? – чўчиб сўради Гэтсби.

– Ҳозир қайтаман.

– Тўхтанг, сизга айтадиган икки оғиз гапим бор.

У ортимдан ошхонага чиқиб, эшикни ёпди-да, аянчли овозда: “ё тавба, ё тавба!” дерди тинмай.

– Сизга нима бўлди?

– Катта хато қилдим, – деди у бошини чайқаб. – Катта хато бўлди, ҳа, катта хато бўлди, – дерди тинмай.

– Парво қилманг. Бир оз ноқулай аҳволга тушдингиз, ҳаяжонландингиз, – дедим мен ва яна қўшиб қўйдим:

– Дэзи ҳам ҳаяжонда...

– У ҳам ҳаяжонланаяптими? – ишонқирамай сўради Гэтсби.

– Сиздан кам эмас.

– Илтимос, секинроқ гапиринг .

– Сиз ўзингизни ёш боладек тугаяпсиз, – ўзимни туголмай гапириб юбордим мен. – Тарбиясиз боладек. Нега энди уни ёлғиз ўзини ташлаб чиқдингиз.

Гэтсби ўзини қўлга олиб, чуқур тин олди-да, менга ёш боладек қараб қўйгач, эшикни очди-ю, меҳмонхонага кириб кетди.

Ярим соат аввал Гэтсби ҳаяжондан қутулиш мақсадида ҳовлига чиқиб кетган орқа эшикдан ташқарига чиқдим ва ёмғирдан қочиб барглари қуюқ дарахт панасига ўтдим.

Ёғаётган ёмғир янада кучая бошлади. Гэтсбининг боғбони қиртишлаб ўрган менинг ўнқир-чўнқир майсазорим майда қўлмакларга айланди. Дарахтлар орасидан Гэтсбининг муҳташам вилласи кўзга ташланиб турарди. Ярим соат давомида Кант худди қўнғироқхонасига тикилгандек, мен ҳам ярим соатдан бери вилладан кўз узмасдим. Замонавий меъморчиликка мослаб қурилган бу уйни ўн йил муқаддам бир бадавлат пивочи қурган экан. Айтишларича, бу пиво тайёрловчи атрофдаги қўшнилари уйларининг томини похол билан ёпсалар, уларнинг барча солиқларини беш йил давомида тўлашини таклиф этган экан.

Балки уларни бу таклифга рози бўлмаганликлари сабабли мазкур ерни ўз уруғ-аймоғига макон қилиб беришига имкон бергандир. Бу қайғу унинг соғлиғига катта путур етказди. Унинг фарзандлари таъзия тугамасиданоқ бу уйни сотиб юбордилар. Америкаликлар жуда осонлик билан қул бўлишга рози бўладилар, аммо ҳеч қачон ўзларини деҳқон деб тан олмайдилар, деган гапга энди ишондим.

Орадан ярим соат ўтгач, булутлар орасидан қуёш мўралай бошлади. Гэтсбининг вилласига кириш йўлагига хизматкор озиқ-овқат олиб келадиган автофургон кўринди. Оқсоч юқори қаватдаги деразаларни оча бошлади. У кетма-кет очаётган деразалар рўпарасида тез-тез пайдо бўларди. У ўртадаги катта фонус рўпарасидаги деразадан бошини чиқариб, хаёл сурганча боққа қараб қолди. Меҳмонларни ёлғиз қолдириш одобдан эмаслигини тушуниб, уларнинг олдига йўл олдим. Ёмғир тинай демасди. Меҳмонхонага яқинлашгач, уларнинг овозини гоҳ бир текисда, гоҳ баланд пардада гаплашаётганларининг шоҳиди бўлдим.

Мен ичкарига киришдан аввал ошхонадаги анжомларни жўрттага тақир-туқир қилиб тахлай бошладим. Ҳойнаҳой, улар бу тарақ-туруқимни эшитмаган кўринишарди. Улар диваннинг икки бурчагида бир-бирларига термулганча ўтирардилар, афтидан, улар ҳозир бир-бирларига қандайдир савол беришга шайланиб тургандек эдилар. Аввалги тортинчоқликларидан асар ҳам қолмаганди. Дэзининг кўзидан роса йиғлагани кўриниб турарди. Мен хонага киришим билан Дэзи ўрнидан сапчиб турди-да, кўзгу қаршисида юз-кўзини арта бошлади. Мени ҳайратда қолдирган нарса бу Гэтсбидаги ўзгариш эди. Унинг юзи ёришиб кетганди; борлигини роҳатбахш хотиржамлик қамраб олганди.

– Эй, биродар, бу сизмисиз! – деди у гўё биз бир неча йил кўришмаган ошналардек. Довдираганча менга қўлини узатиб кўришмоқчи ҳам бўлди.

– Ёмғир тинди, – дедим мен.

– Наҳотки? – сўзларим унга энди етиб борганди. Хонада қуёш нурлари жилва қилаётганини энди пайқади. У қувониб кулиб қўйди. Бу хабарни Дэзига айтишга ошиқди:

– Дэзи қаранг-а, ёмғир тинибди.

– Жей, жуда яхши бўлибди-да, – ёқимли овозда деди у ўзини кувноқликка солиб.

– Ҳозир ҳаммамиз бизникига чиқамиз, – таклиф қилди Гэтсби. – Мен Дэзига вилламни кўрсатмоқчиман.

– Балки менсиз иккинги борарсизлар?

– Йўқ, йўқ, биродар, сиз ҳам биз билан бирга борасиз.

Дэзи юзини ювиш учун юқорига кўтарилди. Мен сочиқларим қай аҳволда экан, деб ўйга чўмдим. Биз Гэтсби билан боққа чиқиб, Дэзини кута бошладик.

– Бу ердан уйим чиройли кўринар экан-а? – сўради у мендан. – Қаранг, уйим олдида қуёш чарақлаб, ўз нурларини сочиб турибди.

Мен кўшнимнинг гапини маъқулладим.

– Ҳа... – у уйдан кўз узмай ҳар бир кавакни синчиклаб кузатиб чиқди. – Бу уйни сотиб олишга сарф бўлган пулни топиш учун уч йил умрим кетган.

– Мол-дунёнгиз мерос қолган бўлса керак, деб ўйлагандим.

– Тўғри топдингиз, биродар, – саросимага тушиб жавоб қилди Гэтсби, – аммо мен уруш пайтидаги ваҳимада бор-будимдан айрилганман.

Афтидан, у хаёл суриб қолганди. Ўрни келганда ундан нима билан шуғулланасиз, деб сўраганимда, у: “Бу менинг ишим”, деб жавоб берди. Сўнг қўпол жавоб қилганини сезиб қолгач, уни тўғрилай бошлади:

– Ў, бу йиллар давомида мен кўп ишлар билан шуғулландим. Бир вақтлар дори-дармонлар билан, сўнгра нефть билан шуғулландим, ҳозир эса на униси, на буниси қолди. – У менга тикилиб қараркан: – Хўш, ўтган кундаги таклифимни рад этмайсизми? – деб сўради.

Мен жавоб беришга улгурмаган ҳам эдимки, ичкаридан қўйлагига икки қатор қилиб қадалган темир тугмачаларини ялтиратганча Дэзи чиқиб келди.

– Наҳотки, шу сизнинг уйингиз бўлса? – деди у бармоғи билан виллани кўрсатиб.

– Сизга ёқдими?

– Ёққанда-чи! Ҳайронман, сиз бу уйда қандай қилиб ёлғиз яшаяпсиз?

– Уйимдан эртаю кеч меҳмон аримади. Нуфузли ва машҳур одамлар ташриф буюрадилар.

Биз Гэтсбининг уйига бўғоз бўйлаб қисқа йўлдан юрмай, уйни айланиб катта йўлдан бордик. Асосий дарвозадан ичкарига кирдик. Дэзи муҳташам виллани томоша қилар экан, ҳайратини яшира олмасди. Ҳовлидаги гуллару дарахтлар уни маҳлиё қилиб қўйганди. Улардан таралаётган ёқимли бўйдан у сархуш эди. Пиллапояларга тўшалган ранг-баранг пояндозларни кўрмасликнинг, дарахтлардаги қушларнинг чуғур-чуғуридан бошқа товушларни эшитмасликнинг сира иложи йўқ эди.

Биз Marie Antoinette мусиқа салонлари бўйлаб юрдик, сўнг охирги услубда қайта тикланган меҳмонхоналарни томоша қилаётганимизда менга барча диванларда ва барча столлар атрофида худди жимгина ўтирган меҳмонлар бордек туюлди назаримда. Катта кутубхонага кирдик. Оптимиздан эшик ёпилиши билан кўзойнак тақиб олган ёқимсиз Филиннинг қаҳқаҳа отаётгани кўзимга кўриниб кетди.

Биз юқори қаватга ҳам кўтарилдик. Даҳлизга янги узилган гуллар қўйилган, ҳаворанг ва пушти рангдаги дарпардалар осилган ораста ётоқхоналарни, кийим ечиб қўйиладиган хонани ва ваннани айла-

ниб чиқдик. Хоналарнинг бирида эгнига спорт костюми кийиб, гилам устида машқ қилаётган кимсага кўзимиз тушди. Бу жаноб Клипспрингер Квартирант эди. Эрталаб у чўмилиш ҳавзаси бўйлаб сайр этиб юрганига кўзим тушганди. Биз шахсан Гэтсби фойдаланадиган барча хоналарни, Роберт Адам услубидаги кабинетини кўриб, барча кузатувларни ниҳоясига етказгач, ўтириб Гэтсби девордаги яширин жавондан олган “шартрез”дан бир қадахдан ичдик.

Гэтсби уйдаги ҳар бир буюмга Дээининг муносабатини юзидаги ифодасига қараб билиб оларди. Дээзи баъзан атрофга ҳайратланганча боқарди. Дээининг олдида улар ҳеч нарсадек кўринарди Гэтсбига. Дээзи қоқилиб, зинадан қулаб тушишига бир баҳя қолди. Гэтсби уни ушлаб қолди.

Гэтсбининг ётоғи бошқа хоналарга нисбатан анча содда ва камтарона жиҳозланган эди. Дээзи роҳатланиб, қўлига тароқни олди-да, сочини тарай бошлади, Гэтсби эса оромкурсига ўтириб, кўзларини юмганча, жилмайиб кўйди.

– Биродар, дунё қизиқ-да, – деди у қувониб. – Ўйлаб ўйимга етолмайман... Қанча ҳаракат қилсам ҳам.

Гэтсби афтидан икки босқичдан ўтиб, энди учинчи босқичга тайёргарлик кўраётган эди. Қаранг-а, неча йиллар қидирган севгилисини топиб, орзусига эришди, ҳаётига нурли кунлар кириб келди. Неча йиллар хаёл қилган бу кунларни у узоқ кутганди.

Гэтсби бир оз ўзига келгач, хонадаги иккита катта жавоннинг эшигини очиб юборди, бу ерда унинг сон-саноксиз костюмлари, халатлари, бўйинбоғлари осиглиқ турар, токчаларида эса саржиндек таҳланган кўйлақлари ётарди.

– Англияда кийим-кечак юбориб турадиган танишим бор. Баҳор ва кузда мен у ердан мавсумга мос барча кийимларни олиб тураман, – деди Гэтсби.

У бир боғлам кўйлақларини токчадан олиб, уларнинг турли хилларини бизга кўрсата бошлади. Бизнинг ҳайратга тушганимизни кўриб, қолганларини ҳам бир чеккадан намойиш эта бошлади. Дээининг қалбидан бир нидо отилиб чиқди, у кўйлақ боғламлари устига бошини кўйганча, хўнграб йиғлаб юборди:

– Қандай чиройли кўйлақлар-а. Мен ҳеч қачон, ҳа, ҳеч қачон бундай чиройли кўйлақларни кўрмаганман, – деди ғамгин овозда.

Барча уйларни кўриб бўлгач, яна биз боғни, сузиш ҳавзасини, гидропланни ва гулзорни томоша қилишимиз керак эди, аммо шу топда яна ёмғир қуйиб юборса бўладими.

Уччовимиз дераза олдида турганча, бўғоз сувининг тўлқинланишини томоша қилиб турардик.

– Ҳаво очиклигида кўрфазнинг нариги тарафидаги сизнинг виллангиз кўриниб туради, – деди Гэтсби. – Соҳилда эса тунни билан яшил чироқ ўчмайди.

Дээзи дабдурустан Гэтсбини қўлтиқлаб олди, назаримда у Гэтсбининг айтган гапидан ҳаяжонга тушиб хаёл суриб кетди. Балки ҳозир унинг кўзига яшил чироқ сирлидек кўриниб кетгандек туюлди менга. Дээзи ундан қанча йироқда бўлмасин, бу яшил чироқ Гэтсбига худди Дээининг ёнгинасида ёнаётгандек бўларди. Гэтсби эса бу яшил чироққа ойнинг ёнида милтираб турган юлдузга қараб тургандек ҳис этарди ўзини. Буларнинг барчаси Дээининг Гэтсби билан бирга ўтказган шодон кунларини ёдга соларди. Мен хона ичида у ёқдан-бу ёққа бориб келардим ва эътиборимни тортган турли хил буюмларни томоша қилардим. Кўзим

ёзув столининг тепасида деворга осилган катта суратдаги бошига яхта-чининг шапкасини кийиб олган ёши улуг одамга тушди.

Бу сурат менга танишдек туюлди.

– У ҳозир ҳаёт эмас. Бир вақтлар у менинг энг яқин дўстим эди.

Стол устида Гэтсбининг ўн саккиз ёшда тушган сурати турарди. Унинг ҳам бошида яхтачининг бош кийими бор.

– Суратингиз жуда ажойиб-а! – деди Дэзи. – Бу сочларни қаранг! Сиз менга яхтангиз борлиги ҳақида гапирмагансиз.

– Мана бу ёққа қаранглар, – деди Гэтсби шошиб. – Манави газеталар тахламидан қирқиб олинган парчаларни кўраяпсизми? Буларнинг барчаси сиз ҳақингизда.

Гэтсби билан Дэзи ёнма-ён турганча уларни варақлай бошладилар. Мен Гэтсбидан ёқутлар йиғмасини кўрсатишини илтимос қилмоқчи бўлиб турганимда, тасодифан телефон жиринглаб қолди. Гэтсби гўшакни кўтарди.

– Ҳа... Кечирасиз, ҳозир бандман... Биродар, бандман... Кичик шаҳарчаларда деб айтдим-ку... Кичик шаҳарча нима эканлигини тушунса керак? Агар Детройт унинг тасавурида кичик шаҳарча бўлса, унда бизнинг у билан гаплашадиган гапимиз йўқ.

У гўшакни қўйиб қўйди.

– Тезроқ бу ёққа келинглар, – деб қичқирди Дэзи дераза олдига бориб.

Ёмғир тинай демасди. Фарб томондаги қора булутлар тарқаб кетганди. Денгиз узра сарғиш-пуштиранг булутлар сузиб юрарди.

– Қандай ажойиб-а? – деди Дэзи шивирлаб, бир оз сукут сақлади-да, сўнг яна шивирлади:

– Қани энди шу ажойиб булут устига сизни ўтқазиб қўйиб, “сузаверинг”, деб туртиб юборсам.

Мен кетмоқчи бўлдим. Аммо улар кўнишмади; балки менинг ёнимда улар ўзларини бемалол ҳис этмаётгандирлар, деган хаёлга бордим.

– Биласизларми, ҳозир биз нима қиламиз, – деди Гэтсби. – Ҳозир Клипспрингердан бир куй чалиб беришини илтимос қиламиз.

Гэтсби хонадан чиқиб:

– Юинг! – деб қичқирди. Тез орада ёнида тақир бошли, тортинчоқ, кўзойнакли ёш йигит пайдо бўлди. У башанг кийинганди, эгнида қайрилма ёқали кўйлак, ўзига ярашган шим ва оёғида теннис туфлиси бор эди.

– Кечирасиз, бадантарбия қилишингизга халақит бермадикми? – одоб билан сўради Дэзи.

– Мен энди уйқудан турган эдим, – деди Клипспрингер уялиб.

– Клипспрингер роял чалади, – деди Гэтсби унинг гапини бўлиб. – Юинг, тўғри айтаяпманми?

– Очиғини айтсам, яхши чалолмайман. Биласизми... Йўқ, мен дярли чалолмайман. Мен умуман, унутиб юборганман...

– Юринглар, пастга тушамиз, – деди Гэтсби. У чироқни ёқиб юборди.

Муסיқа салонида Гэтсби фақат роял тепасидаги чироқни ёқди, холос. Дэзи кўлида тутиб турган сигаретига Гэтсби олов тутаётганда, унинг бармоқлари титрай бошлади; у Дэзи билан диванда ёнма-ён ўтирди.

Клипспрингер муҳаббат ҳақида куй ижро этди. Сўнгра ўтирган стулида ўгирилиб, нимқоронғуликда аянчли аҳволда Гэтсбини қидира бошлади.

– Ана, кўраяпсизми, эсимдан чиқазиб қўйганман, дедим-ку. Қўлларим чалишдан чиқиб кетган.

– Кўп таранг қилаверманг-да, чалинг, биродар! – буйруқнамо деди Гэтсби. – Қани, бошланг!

*Туну кун муттасил,
Туну кун муттасил,
Эрмакларга тўлиқ бу ҳаёт...*

Ташқарида шамолнинг ғувиллаши кучайгандан кучайди. Қаердадир момақалди роқ гумбирлади. Уэст-Эгг узра чироқлар ёна бошлади. Нью-Йорк электричкаси ёмғир ва туман орасида учиб бораркан, шаҳар атрофида истиқомат этувчиларни уйлари томон элтмоқда эди.

*Боёнлар орттирар қоп-қоп мол-дунё,
Қашшоқлар орттирар бола-чақани.*

*Ҳа-ҳа, дарвоқе,
Ҳа-ҳа, дарвоқе...*

Мен хайрлашиш учун Гэтсбининг ёнига келганимда унинг юзида эришган орзусидан чексиз бахтиёрлигини ҳис этдим. Лекин бу бахтиёрлик заминида бир шубҳа яширин эди. У Дээини беш йил интизорлик билан кутди. Ёнида туну кун кутган Дээи ўтирарди. Дээи қай аҳволда экан-а? Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади, деганларидек, беш йилдан сўнг улар яна юзма-юз туришибди. Қандай тасодиф... Гэтсби Дээини қанчалар қидирди, вилласида ундан бирон дарак топармиканман, деб меҳмондорчиликлар уюштирди. Қилган ишлари бесамар кетмади. Бу тимсолни рассом моҳирлик билан яратган эди. Унга доимо сирли нималарнидир кўшиб, янада ғўзаллаштириб борарди. Ҳаётдаги ҳақиқий ғўзаллик инсон қалби тубида яратган тимсолга ўхшамайди.

Гэтсби ўзини қўлга олмоқчи бўлганини сездим. У Дээининг қўлидан тутди. Дээи унинг қулоғига нимадир демоқчи бўлганди, Гэтсби ялт этиб унга қаради. Менимча, Дээи ўзининг ёқимли овози билан уни ўзига янада ром этганди.

Улар менинг бор-йўқлигимни тамоман унутиб юборишган эди. Дээи буни дабдурустан эслаб қолди-ю, бошини кўтариб, мен томон қўлини чўзди, аммо Гэтсби мени тамоман унутиб қўйганди. Мен яна бир бор уларга кулиб қараб қўйдим, улар ҳам менга табассум ҳадя этдилар. Аммо бу сўқир нигоҳ эди, ҳозир улар ўз севги ҳиссиётлари билан сармаст эдилар. Мен уларнинг иккисини ҳам ёлғиз қолдириб, хонадан чиқдим-да, ёмғир остида мрамар зинадан пастга туша бошладим.

Давоми бор

Фёдор ДОСТОЕВСКИЙ

Мактублар

М.М. Достоевскийга

Петербург. 24 март, 1845 йил

Онт ичдим, сув ва ҳаводай зарур бўлганда ҳам сабру тоқат билан буюртма асосида ижод қилмайман. Буюртма билан ижод қилиш истеъдод алангасини наинки заифлаштиради, балки тамомила сўндиради. Мен эса ҳар бир асарим, шубҳасиз, аъло бўлишини истайман. Бу борада Пушкиндан ҳам, Гоголдан ҳам ибрат олса арзийди. Асарлари нисбатан кўп бўлмаса ҳам, пайти келиб, ҳар иккиласига ҳайкал ўрнатилади. <...> Улар шону шуҳратни, айниқса, Гоголь йиллар давомида қашшоқлик ва гарибона кун кечирриш эвазига қўлга киритган. Кўҳна ижод услублари йўқолаётир. Янги қаламкашлар қоғозни булғашдан нарига ўтолмаяпти. Муайян ижодкорнинг жамики салоҳияти биргина зўриқишга сарфланапти, холос. Бунда қиёмига етказилмаган ҳайротомуз гоё билан салоҳиятнинг беҳуда чиранишигина кўзга ташланаётир, қилинган иш эса сариқ чақага ҳам арзймайди. Беранже замонавий француз фельетончиларини сув билан тўлатилган май жомига қиёслайди. Бизнинг қаламкашлар ҳам баайни шундай. <...>

Ёзган романимдан кўнглим тўқ. Бу жиддий ва тўқис асар. Дарвоқе, жиддий нуқсонлари ҳам йўқ эмас. Бундан қатъи назар, нашрдан чиқса, эйтироф қилиниши шубҳасиз.

<...> Жуда кўп ўқияпман, ўқиганларим жуда ғалати таъсир қилаётир. Қачонлардир ўқиган асаримни такроран ўқийман ва гўё қалбим янги кучқувват билан тўлади, синчиклаб мутолаа қилиб, барчасини тушунаман ва илҳомланаман.

Драма ёзиш масаласида бирон ваъда беролмайман. Бунинг учун дейлик, каминадан, кўп йиллик тажрибаю хотиржамлик талаб этилади. Ҳозир айни

“Ака-ука Карамазовлар”, “Жиноят ва жазо”, “Телба” сингари романлари билан жаҳон адабиёти хазинасига бебаҳо ҳисса қўшган адиб Фёдор Достоевский таваллудига 190 йил тўлди. Инсон руҳиятини чуқур бадиий таҳлил қилган Фёдор Достоевскийни мутафаккир адиб сифатида таърифлашлари бежиз эмас. Унинг асарлари барча фазилатлари қатори инсонга чексиз меҳр-муҳаббат, пировард-натижада инсонийликнинг тантана қилишига комил ишонч билан йўғрилган.

Буюк адибнинг мактублари ҳам фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий ғоялар билан суғорилган. Адиб мактубларини ўқиш асносида унинг ўзига хос ижод услуби, нақадар заҳматкашлик билан қалам тебратгани, зиддиятли замонасию мураккаб шахсий ҳаётининг қатор муаммоларини мардонавор ҳал қилганининг гувоҳи бўласиз. Энг муҳими, мактубларни ўқиган китобхон буюк адиб машҳур асарларининг яратилишидек сирли жараённинг бевосита шохидига айланади. Бинобарин, Фёдор Достоевский мактублари ҳаёти ва ижодининг ёрқин кўзгуси, дея комил ишонч билан айтиш мумкин. Фёдор Достоевский сингари жаҳоншумул шахсларнинг ҳаётининг ва ижодий фаолияти эса ҳаммиша беназир дорилфунун вазифасини ўтайди.

Улуғ адиб мактубларидан бирида “ижод бобида афсунгар бўлиш керак” лигини таъкидлайди ва бундай юксак ижодий мақом қандай машаққатлар эвазига қўлга киришига ҳам урғу беради. Хусусан, ижодкор “буюртма билан эмас”, балки қалб амри билан қалам тебратиши керак, деган қатъий фикрни билдиради. Айни пайтда Фёдор Достоевский, аввало, безовта ва беором қалб соҳиби бўлганига имон келтирасиз.

ижод палласи. Бугунги кунда драма эмас, мелодрама ёзиш одат тусини олган. Шухратпараст драматурглар Шекспир шухрати сўниб, шарпадай туюлаётир. Ёзда, эҳтимол, яна қўлимга қалам оларман. Икки-уч йил ва кўрамиз, ҳозирча эса кутамиз!

Бадиий адабиёт масаласида икки йил аввалги тасаввурларим тамомила ўзгарди. Илгариги болаларча гўллик, сафсатабозликдан асар ҳам йўқ.

Муҳтожликдан жиннихонада завол топган немис шоирлари ҳақида “Инвалид” да ҳозиргина фельетон ўқидим. Йигирмата шоир, лекин бири-биридан машхур! Юрагим орқага тортиб кетди. Наздимда, ижод бобида афсунгар бўлиш керак...

М.М. Достоевскийга

4 май, 1845 йил

<...> Бу романим фикру зикримни тамомила банд қилиб, шу даражада тинкамни қуритдики, шундай бўлишини билганимда, унга сира қўл урмаган бўлардим. Уни яна бир марта янгидан ёздим, Худо ҳаққи, анча эпақага келди; салкам икки баравар ютди. Ниҳоят сўнгги нуқта қўйилди, ортиқ таҳрир қилмайман. Қайта қўл урмасликка онг ичдим. Пушкин ҳатто кичик-кичик шеърларини ҳам қайта-қайта таҳрир қилган. Гоголь гаройиб асарларини икки йиллаб эринмай сайқаллаган. Вальтер Скотт, масалан, “Маеннеринг” сингари бадиий тўкис асарини бир неча ҳафтада ёзганига сира ақлим етмайди. Балки 40 ёшда бўлгани учун шундай натижага эришгандир.

М.М. Достоевскийга

(Петербург) 1 февраль, 1846 йил

<...> “Камбағаллар” романим ўн бешинчи санадаёқ чиққан. Нимасини айтмай, биродар! Бешафқат таъна-маломатлар ёғдирилдики, асти қўяверасан! “Иллюстрация” да босилган тақриз бошдан-оёқ ҳақоратлар билан йўғрилган. “Северная пчела” да эса ундан ҳам бешбаттар маломатнома босилди. Лекин, Гоголни дастлаб қандай кутиб олишгани ёдимда, Пушкинга илк кезларда қандай муносабатда бўлишганини эса ҳаммамиз биламиз. <...> Тинмай таъна тоши ёғдириш баробарида айни ўша асарни ўқишни ҳам қанда қилмайдилар. Гоголга нисбатан ҳам шундай йўл туттишган. Ҳақорат, ҳақорат, яна ҳақорат қилишган-у барибир қўлдан қўймай ўқиганлар ва эндиликда мурасага келиб, мақтай бошладилар. Ўзиям кутилмаган жумбоқни тортиқ қилдим-да!

Оломонга хос ботиний сезгирлик китобхонлар оммасида ҳам бор, бироқ бадиий дид, савия йўқ. Айни услуб билан ёзиш мумкинлигини ҳазм қила олмаяптилар. Улар жамики асарларда бевосита ижодкор сиймосини кўришга кўникишган; мен сийратимни очмаганман. Айнан камина адиб эмас, асар қаҳрамони Девушкин номидан баён қилинганларни китобхонлар англай олмаяпти, ҳолбуки, Девушкин ўзгача услубда сўзлай олмайди. Роман чўзилиб кетган дея таъна қиляптилар, аслида биронта ҳам ортиқча сўз қўлламаганман. Менинг ижодимни рус адабиётида тамомила янги йўналиш сифатида ҳам талқин қилаётганлар (Белинский) ҳам бор. Уларнинг наздида, менинг ижодимда Синтез, яъни умумлаштириш эмас, балки Анализ — таҳлил кучли, яъни теранликка шўнғиб, заррама-зарра элақдан ўтказиб, яхлитликни кашф этаман. Гоголь эса тўғридан-тўғри яхлитнинг ўзини олиб қўя қолади ва шу боис мен сингари теранлашмайди. Романини ўқисанг, ишонч ҳосил қиласан. <...>

М.М. Достоевскийга*Петербург. 1 апрель, 1846 йил*

<...> Сон-саноқсиз янги адиблар етишди. Айримлари каминага рақиб. Улар орасида Герцен ва Гончаров, айниқса, салоҳиятли. Герценнинг асарлари аллақачон босилган, иккинчиси ҳаваскор, ҳали биронта асари нашр қилинмаган. Уларни чунонам мақтаяптилар. Лекин ижод бобида биринчиликни ҳозир ҳам ва умид қиламанки, кейинчалик ҳам қўлдан бермайман. Сирасини айтганда, адабиёт оламида ҳеч қачон бу даражада кучли жўшқинлик бўлмаган. Бу эзгу натижа бериши шубҳасиз. <...>

М.М. Достоевскийга*Петербург. Петропавловск қамоқхонаси. 22 декабрь, 1849 йил*

<...> Наҳотки ортиқ ҳеч қачон қўлимга қалам олмасам? Тўрт йилдан кейин яна ижодга киришаман деган умиддаман. Нимаики ёзсам, ҳаммасини сенга юбораман. Ё Худойим! Мен минг азоб билан яна яратган қанча тимсоллар хаёлимда изсиз йўқолиб, сўнади ёхуд ҳаётимни барбод қилувчи заҳар-заққумга айланади! Эвоҳ, агар ёзмасам, кўзим очиқ кетади. Бундан ўн беш йиллик қамоқ муддатию қўлимдан қалам тушмагани афзал. <...>

М.М. Достоевскийга*Омск, 30 январь — 22 февраль, 1854 йил*

<...> Каторга — сургунда беҳисоб халқона тимсоллар, феъл-атворлар эгаларини ўргандим! Мен улар билан туғишгандай бўлиб кетдим ва феъл-атворларини жуда яхши ўзлаштиргандайман. Дайдилар ва қароқчилар қисматию жамики тийра, кулфатзада турмуш тарзига хос беадад қиссалар гувоҳи бўлганимга ишонгим келмайди! Булар асосида жилд-жилд асарлар яратса бўлади. Нақадар ажойиб халқ. Сургунда умрим беҳуда соврулмаганига беадад шукр. Россияни бошдан-оёқ кўрмаган тақдирда ҳам рус халқини шу даражада ўргандимки, бу бахт камдан-кам одамга насиб этади. Бироз манманлик ҳам қилдим. Умид қиламанки, кечирса бўлади. <...>

А.Н. Майковга*Семипалатинск. 18 январь 18 (56) йил*

<...> Шеърларингизни ўқидим ва жуда яхши таъсирот пайдо бўлди; славян халқларининг маънавий нажоткорлиги билан боғлиқ ватанпарварлик туйғуларингизга тўла қўшиламан. Бу олийжаноб Россия, улуг ва муқаддас она юртимиз зиммасига тушган оламшумул вазифа. “Клермонт ибодатхонасида” шеърингизни жуда яхши яқунлагансиз! Бағоят улкан фикрни шу даражада қойилмақом ифода этганингиз таҳсинга лойиқ!

Ижод билан банд эдим, лекин асосий асаримни ёзишни бироз кейинга қолдирдим. Кайфиятим маромига келишини кутаяпман. Адабиёт оламидаги янгиликлар ҳақида ёзинг. Бу йил мобайнида деярли ҳеч қандай асар ўқимадим. Сизга ўз хулосаларимни ҳам айтаман: Тургеневга айниқса, манзур бўляпти — фақат улкан истеъдод соҳиби бўлгани ҳолда қатор ўринларда талантини жиловлай билмаслиги афсуслантиради. Л.Т.¹ ижоди ҳам жуда ажойиб, лекин, фикримча, кўп ёза олмайди (янгилишгаётган бўлишим ҳам мумкин). Островскийни умуман билмайман, биронта ҳам асарини тўлиқ ўқимаганман,

¹ Л.Т. — Лев Толстой.

лекин асарлари таҳлилига оид кўплаб мулоҳазаларга кўзим тушди. У, балки, Руснинг муайян тоифалари ҳаётини яхши билар, лекин, менимча, чинакам санъаткор эмас. Боз устига, назаримда, у гоёсиз ижодкор. Янглишганимга амин бўлай, илтимос, унинг яхши асарларидан, Худо ҳаққи, менга юборинг, токи бу адиб ҳақида танқидчиларнинг фикрлари асосида мулоҳаза юритишни бас қилай. Писемскийнинг фақат “Фанфарон” ва “Бадавлат куёв” асарини ўқидим. Унинг асарлари менга жуда ёқади. Зукко, багрикенг ва ҳатто содда адиб: яхши ҳикоя қилади. Бир жиҳат кўнгилни хира қилади: шошиб ёзади. Жуда тез ва кўп ёзади. Ижодкор ўз қадр-қимматини билиши, салоҳияти ва санъатга алоҳида эҳтиром билан муносабатда бўлиши, айниқса, санъатни севиши керак. Ёшликда гоёлар шалоладай қуйилиб келаверади, лекин биронта фикр туғилгани ҳамано баён этишга шошилишнинг ҳожати йўқ. Яхшиси, бироз кутиб умумлаштирган, кўпроқ мулоҳаза юритган маъқул, токи бирон гоёни ифодаладиган кўплаб майда жиҳатлар яхлитлашиб, ягона йирик, салобатли тимсолга айлангани ва шундан кейин баён қилингани маъқул. Буюк адиблар яратган буюк бадиий қаҳрамонлар аксарият узоқ давом этган машаққатли меҳнат натижасида юзага келган. Оралиқдаги тажрибалару хомаки мулоҳазаларни қоғозга туширишга не ҳожат? Писемский хусусида айтмоқчиманки, назаримда, ижод бобида ўзини чекламайди. Айрим адибаларимиз росмана аёл адибалардай ижод қилади, яъни зукколик ва назокат билан фавқуллодда ошиқиб қалам тебратади. Айтинг-чи, адиба аёллар нима учун ҳеч қачон қатъиятли ижодкор бўла олмайди? Ҳатто шубҳасиз, улкан санъаткор *George Sand*¹ ҳам заифаларга хос феъл-атвори билан ижодкорлик бобида бир неча марта ўзига ўзи панд берган. <...>

И.С. Тургеневга

Турин. 18 октябрь, 18 (63) йил

<...> Петербургда менга жиддий иш мунтазир. <...> Журнални деярли янгидан ташкил этиш даркор. Уни яна ҳам замонавий, қизиқарли қилиш ва айни пайтда адабиётни ҳурмат қилиш керак — булар петербурглик қатор билимдонларнинг фикрига кўра, ўзаро уйғунлашуви мушкул вазифа. Бироқ адабиётга нисбатан бошланиб келаётган нафрат билан жон-жаҳдимиз билан курашмоқчимиз. Ниятимиздан қайтмаймиз. Бу борада ёрдамингизни дариг тутманг, марҳамат қилиб, имкон қадар қўллаб-қувватланг. <...>

И.С. Тургеневга

Петербург. 23 декабрь, 18 (63) йил

Қимматли ва муҳтарам Иван Сергеевич! П. В. Анненковнинг укамга айтишича, сиз аксарият фантастикадан иборат “Шарпалар” ҳикоянгизни журналда нашр қилинишини хоҳламаётган эмишсиз. Бундан жиддий азият чекаяпмиз.

Нима учун, Иван Сергеевич, “Шарпалар” ҳозирги даврга тўғри келмайди ва уни тушунишмайди, деб ўйлаяпмиз (башарти, шундай фикрда бўлсангиз). Аксинча, салоҳиятли адибларга тақлид қилган истеъдодсиз сафсатабозлар олти йил мобайнида узлуксиз ижод оламидаги ижобий анъаналарни шу даражада ерга урдиларки, соф бадиий (гоят шоирона) асарни журналда бажонидил чоп этамиз. Кўпчилик муайян ажабланиш, лекин кўнгилни илитадиган ажабланиш билан қабул қилади. Кексаю янги авлодга мансуб фаҳм-фаросатли кишилар шундай ҳолатга тушади. Ҳеч вақони

¹ Француз ёзувчиси Жорж Санд назарда тутиляпти.

англамайдиғанлар хусусида эса оғиз очишни ҳам истамайман. Улар адабиётга қайси нуқтаи назардан ёндошишларини айтсам, ишонмайсиз. Чекланган манфаатпарастлик — уларнинг бор-йўқ хоҳиши шу. Уларга чинакам шоирона асар ёзиб беринг; қабул қилмайдилар, аксинча кимдир аёвсиз калтакланаётган ҳолат тасвирланган асарни қўлга оладилар. Шоирона ҳақиқат ёввойилик сифатида талқин этилади. Уларга турмуш воқеаларидан нусха кўчириш керак, холос. Бундай насрни бадиий асар ҳисоблаб бўладими? Баайни жаҳолатпараст маъжусийлик. Шундан кейин уларга назар ташлашни ҳам истамайсан. Фафлатдан ниҳоят ўзига келаётган соғлом қатлам санъат, адабиётдан дадилликни кутаётир. Сизнинг “Шарпалар” ҳикоянгизда шундай кутилган дадиллик бор, башарти шунга мос қадам ташласангиз, бу барчамиз учун ўзига хос намуна бўлади. “Шарпалар” услуби барчани ҳайратлантиради. Мен, дарвоқе, манфаатпарастлик шаклларида бирини биламан, Сизнинг асарингиздан бу тоифанинг кўнгли тўлмаса ҳам оҳанрабодай жозиба кучига эга эканини эътироф этади. Бизда ёлгондакам нигилистларнинг сони бору, саногат йўқ, ахир. Лекин бу борада муҳими — мавжуд ҳолатни англашдан иборат. Бу ҳолат — замонамизда яшаётган ривожланган ва онгли мавжудотнинг илҳақлиги. “Шарпалар” айни илҳақлик билан йўғрилган. Айни “ришта туман ичра тор сингари жаранглайди” ва жуда мавридида акс садо беради. “Шарпалар” — мусиқадай оҳангдор. Дарвоқе, мусиқага нисбатан муносабатингизни билишни истардим. Сизнингча, мусиқа шунчаки кўнгилихушликми ёки ижобий заруриятми? Менимча, онг (мулоҳазагўйлик эмас, балки бус-бутун идрок) англаб етишга улгурмаган кечинмалар мусиқа воситасида баён қилинади, бинобарин мусиқа ижобий хусусиятга эга. Манфаатпарастлар эса бунни тушунмайди; лекин мусиқани яхши кўрадиганлари юз ўгиргани йўқ ва аввалгидек шуғулланыптилар.

Сизнинг “Шарпалар” ингиз шакли жуда қойилмақом. Агар бирон-бир жиҳатига шубҳа билан қараш керак бўлса, фақат шакли масаласида бош қотириш мумкин. Хуллас, ҳамма гап шундаки: фантастик хусусиятга эга асар адабиёт оламида яшаб қолиш ҳуқуқига эгами? Бу саволга ким ҳам рад жавобини берарди! “Шарпалар” ни етарли даражада фантастик тусга эга эмас, деган нуқтаи назардан, эҳтимол, танқид қилса бўлар. Яна ҳам фантастик тусга эга бўлганда, асар кучлироқ таъсир қилармиди? Сиз асарингиздаги мавжудотни вампир — қонхўр сифатида изоҳлагансиз. Менимча, бундай изоҳга ҳожат йўқ. Фикримга Анненков қўшилмади ва мулоҳазасини ижобий кучлар йўқотилгани, бой берилгани сингари далиллар билан исботлашга уринди. Унинг фикрини мен ҳам маъқулламадим. Ҳикояга хос орзиқиш ва гўзал шаклни англаганимнинг ўзи катта гап. Ҳикоя газабланиш бегона майин оҳанги билан ҳам эътиборга сазовор. Қоятош ва бошқа ҳолатлар билан боғлиқ манзаралар эса ҳозирча ҳал қилинмаган фавқуллодда муаммоларга ишора бўлиб, уларнинг ҳал қилиниши номаълум, ундан воз кечишни хоҳламаса ҳам айни пайтда юрак яна ҳам орзиқади ва ваҳимага тушади. Хуллас, бундай мулоҳазалар бугунги кун учун жуда ўринли бўлиб, бундай фантастик асарлар фақат наф келтиради.

М.Н. Катковга

Висбаден. 10 (22) – 25(17) сентябрь. 1865 йил

Қоралама

Сизнинг “Русский вестник” журналингизда қиссамнинг¹ чоп этилишига умид қилсам бўладими?

¹ “Жиноят ва жазо” романининг гоёси.

Мазкур асар гоёси, тахминимча, Сизнинг журналингиз йўналишига асло зид эмас, аксинча. Бу – бир жиноят тафсилотларига оид психологик ҳисобот.

Асар воқеалари айни кунларда рўй беради. Келиб чиқиши мешчан, дорилфунундан ҳайдалган ва ўта қашшоқ кун кечирувчи ёш йигит тутуруқсиз енгилтаклик билан хомхаёллар домига тушиб қолади ва аянчли аҳволига бир ҳамла билан барҳам беришга аҳд қилади. У судхўр бир кампирнинг ҳаётига зомин бўлишни кўнглига тугади. Кампир бемаъни, гаранг, хаста, очкўз, ақл бовар қилмас фоизлар ҳисобига кун кўради, ёвузнинг ёвузи, устига-устак синглисини оқсоч сифатида итдай ишлатади. “Ҳеч вақога ярамайди”, “Нима учун яшаяпти?” “Бирон-бир кимсага нафи тегаётирми?” ва ҳоказо. Шу каби саволлар йигитчани йўлдан уради. У кампирни ўлдиришга, бор-будини ўмаришга қарор қилади; олис қишлоқда яшайдиган онасини бахтиёр этиш, заминдорлардан бирига ёлланган опасини халос қилиш, ўқишни тугатиш ва чет элга жўнаб кетишнинг ва кейинчалик “башарият олдидаги бурчини” бажаришда софдил, қатъиятли, изчил йўл тутишни мўлжаллайди. Шу асно “жиноятини ювмоқчи” бўлади. Бемаъни, гаранг, хаста, очкўз кампирнинг умрига зомин бўлганини қотиллик деб аташга тили ҳам бормади. Унинг наздида, бу кампир дунёда нима учун яшаётганини билмайди, боз устига, эҳтимол, бирон ойлар орасида ўзи шундоғам жон таслим қилган бўларди.

Бундай жиноятлар ўта машаққат билан содир этилса ҳам – яъни деярли ҳар доим қатор далиллар жиноят жойида қолдирилади ва бу жиноятчилар қўлга олинишига олиб келади, у эса ўз қилмишини кўз очиб-юмгунча удалайди ва ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайди.

Сўнгги фожеага қадар салкам бир ой озодликда юради. Ундан сира ҳам шубҳаланишмайди ва шубҳаланишлари ҳам мумкин эмас. Айни шу ўринда жиноятнинг бутун психологик жараёни юзага чиқади. Қотил рўпарасида ҳал қилиб бўлмайдиган саволлар кўндаланг бўлади, илгари ҳаёлига ҳам келмаган фавқуллодда ҳиссиётлар ич-этини кемира бошлайди. Илоҳий адолату заминий қонун-қоидалар устун чиқади, ва у – ўз айбига ўзи иқрор бўлишга мажбур бўлади. Шундай қилишга мажбур, чунки яна одамлар орасида эмин-эркин ҳаёт кечириш учун ҳатто сургунда нобуд бўлишга ҳам рози; жиноят содир этгани ҳамано башариятдан айрилиб, ёлғизланиб қолгани боис ўзини қўйгани жой тополмайди. Адолат қонуни ва инсоний феъл-атвор голиблик қилади. Жиноятчи гуноҳини ювиш учун азоб-уқубат тортишга жазм этади. Дарвоқе, фикр-мулоҳазаларимни тўла-тўқис баён этишим қийин.

Асаримда шундай ишора ҳам борки, жиноят учун бериладиган ҳуқуқий жазо қонун ҳимоячилари ўйлагандан кўра жиноятчини оз чўчитади, зеро, муносиб жазога ахлоқий нуқтаи назардан, қисман, ўзи ҳам талабгор.

Ўта оми кимсалар ҳам шундай ҳолатга тушганининг шоҳидиман. Гоя ёрқин бўлиши ва таъсири кучли бўлиши мақсадида асаримга ёш йигитни бош қахрамон қилиб олмоқчиман. Сўнгги пайтларда рўй берган бир неча ҳодисалар мен ўйлаган мавзу фавқуллодда хусусиятга эга эмаслигига ишонтирди. Хусусан, эсли-хушли ва ҳатто ибратомуз хислатли ёш йигитлар ҳам қотиллик қилиши эҳтимолдан холи эмас. Москвадаги талабалар воқеасидан кейин университетдан ҳайдалган бир талаба ҳақида Москвада менга гапириб беришганидан – у почтани ўмариш ва хат ташувчини ўлдиришни мўлжаллаган. Газеталарда ёзишларича, гайриоддий хомхаёлларга берилиш даҳшатли воқеалар содир бўлишига олиб келаётир. Қисқаси, рўй бераётган воқеалар асарим мавзусини оқлайди.

Ўз-ўзидан аёнки, асар маъносини бошдан-охир баён қилганим йўқ. Ўқимишли чиқишига ишончим комил, нокамтарлик бўлмаслиги учун бадиияти ҳақида гапирмаганим маъқул. Муддатида топширишга уриниб, қолаверса, бошқа сабаблар боис қатор нуқсонларга ҳам йўл қўйганман. Лекин бу асарни шошилмай эҳтирос билан ёздим. Аввало, ўзимнинг кўнглим тўлиши

учун бу асаримни имкон борича яхши чиқишига ҳаракат қиламан.

А.Е. Врангелга

Петербург. 18 февраль, 1866 йил

Сургундаги маҳбусдай машаққат билан ишлаяпман. Бу — “Русский вестник” журналида чоп қилинаётган роман. Роман катта — олти қисмдан иборат. Ноябрь охирларида анчагинаси тайёр бўлиб қолган ва тайёр эди; ҳаммасини ёқиб юбордим; ниҳоят, бунини тан олсам бўлади. Ёзганларим ўзимга ёқмади. Романнинг янги тузилишию янги режаси сира тинчлик бермади ва қайтадан киришдим. Кечаю кундуз тинмаётганимга қарамай, ишим унмаяпти. Ҳисоблашимча, ҳар ойда “Русский вестник” журнаliga олти босма тобоқ ҳажмгача қўлёзма етказиб беришим керак. Бу даҳшат; лекин уддасидан чиққан бўлардим, афсуски руҳий хотиржамлик етишмаслиги панд беряпти. Роман — шоирона тусда бўлиши лозим, руҳий хотиржамлигу тасаввур ранг-баранглигини тақозо этади. Мени эса қарз берганлар тинч қўйишмаяпти; ҳатто қамоқхонага тиқиб қўямиз, деб дағдаға қилишяпти. Ҳалигача улар билан келиша олмадим, уларнинг кўпчилиги мулоҳазали кишилар бўлиб, қарз тўлаш муддатини беш йилга кечиктириш таклифимга рози эканликларига қарамай, бу масала ҳал бўлишига ҳамон ишончим комил эмас; айримлари билан ҳалигача бир битимга кела олмадим. Хавотирланишим боисини тушунарсиз, деган умиддаман. Бу кайфиятим ва кўнглимни ўта хижил қилмоқда, неча кундан буён ўзимга кела олмаяпман, бу ёқда эса романни узлуксиз ёзишим керак. Баъзан қўлимга қалам олгим келмайди. Шу боис қадрдон дўстлар билан суҳбатлашиш учун қулай фурсат топиш ҳам муаммо.

Худо хоҳласа, бу бебаҳо роман бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Икки ҳафта муқаддам “Русский вестник”нинг дастлабки январь сонидан романимнинг биринчи қисми чоп этилди. Номи — “Жиноят ва жазо”. Ҳозирданоқ кўплаб ҳаяжонли мулоҳазалар эшитдим. Романда журъат билан янги муаммолар кўтарилган. Сизга уни юбора олмаслигимдан афсусдаман! Наҳотки, Сизларда “Русский вестник”га ҳеч ким обуна бўлмаган?

Дарвоқе, бизнинг ички, русларга хос ақлий ва фуқаролик ҳаётимиз билан қизиқётганингиздан жуда мамнунман. Гарчи барча масалаларда фикрингизга қўшила олмасам ҳам Сизнинг нуқтаи назарингизни дўст сифатида қадрлайман. Кўплаб масалаларга фавқулодда нуқтаи назардан ёндошасиз. Асосий маълумотларни хорижий газеталардан олмайсизми? Уларда Россияга тегишли барча мавзулар узлуксиз нотўғри талқин қилинади. Бу, албатта, жуда кенг масала. Менимча, чет элда яшаш асносида хорижий матбуот таъсирига берилмасликнинг имкони йўқ. Бундай ҳолатни ўз бошимдан кечирганман.

А.В. Корвин-Круковскойга

Москва. 17 июнь, 1866 йил

Мен фавқулодда ва гайриоддий иш қилмоқчиман: тўрт ойда ҳар бири 30 тобоқ ҳажмга эга иккита роман ёзишни мўлжаллаяпман, бирини эрталаб, иккинчисини эса кечқурун ёзаман ва белгиланган муддатда ёзиб битираман. Биласизми, азизам, Анна Васильевна, мана шундай гайриоддий ва фавқулодда ишларни уйдлаш ҳалигача менга хуш ёқди. Мен бой-бадавлатлар сирасидан эмасман. Бу агар мақтанчоқлик бўлса, маъзур тутасиз! Мақтанмай нима ҳам қилай; бошқа жиҳатларим билан эътиборни тортишим мушкул.

Бугунги адабий ҳаёт қандай? Ишончим комилки, олдинги ва ҳозирги адиблардан ҳеч бири мен қалам тебратадиган шароитда ҳеч қачон ижод қилмаган. Тургенев бундай шароитда ижод қилгандан кўра жон таслим қилиб

қўя қолган бўларди. Лекин, кошки Сизга тушунтира олсам, хаёлингизда туғилган, қалбингизга илҳом берган, яхшилигини ўзингиз биладиган ажойиб фикрни ўзгартириш жуда оғир, — боз устига уни онгли равишда ўзгартиришга мажбур бўлсангиз.

А.П. Милоковга

Люблино. 10-16 июль, 1866 йил

Любимовнинг мўлжалида (кейинчалик) яна бир бошқа, менга нисбатан маккорона фикр ҳам бўлган, хусусан: мен топширган тўртта бобдан бирини чоп этиб бўлмайди, Любимов шундай фикрга келган ва Катков уни маъқуллаган. Иккаласи билан ҳам баҳслашдим — фикрини ўзгартиришни ўйламаяпти ҳам! Мазкур боб хусусида бирон гап айтишим қийин; лекин росмана илҳом билан ёзганман, эҳтимол, ножўя бўлса бордир; ҳамма гап шундаки, улар асарнинг бадий қиммати борасида қайгурмаяптилар, фақат ахлоқий мезонлар билан ёндошяптилар, холос. Бу борада ҳам, фикримча, ҳеч қандай эътирозга ўрин йўқ, улар эса аксини эътироф қиляптилар, устига-устак нилигизм нишонлари бор, дея даъво қилишяпти. Мазкур бобни ўзгартириш керак, дея Любимов қатъий туриб олди. Рози бўлдим, бобни ўзгартириш шунчалик тинкамни қуритдики, айна вақт мобайнида учта янги бобни ёзиб битирган бўлардим. Нима бўлганда ҳам талаб қилингандай ўзгартириб топширдим. Шунча асабийлашганим камдай, шундан кейин Любимовни кўра олмадим, шу боис ўзгартиришларим маъқулми ва ўзлари ҳам бирон ўзгартишлар киритмаяптилармикан, билолмай мушкул аҳволдаман.

Кейинчалик нималар рўй беради, билмайман, — лекин таҳририят аъзолари билан роман масаласидаги фикр-мулоҳазалар қарама-қаршилиги юзага келаётгани мени жиддий ташвишлантиряпти.

А.Н. Майковга

Женева. 12 январь, 1867 йил

Бошдан кечирганларим борасида айтадиганим шу: минг азоб билан ижод қилдим. Йирик бадий асар яратиш азобини биласизми? Худога шукрки, билмайсиз! Хусусан, буюртмага биноан узундан-узун бадий асар ёзишдек дўзах азобига дучор бўлмагансиз. “Русский вестник” журналидан жуда катта — 4500 рубль қалам ҳақи олдим. Йил бошида илҳом мени тарк этмайди, хаёлимда туғилган ижодий режалар бадий тадриж топиб, йилнинг охиригача барчани рози қиламан, деб мўлжаллагандим. Кўнглим шунинг учун ҳам хотиржам эдики, хаёлимда ҳам, кўнглимда ҳам ҳамиша жуда кўп ижодий фикрлар бўлади. Лекин ижодий фикрнинг чақмоқдай ялт этганидан наф йўқ, чунки мазкур фикр тўлақонли бадий шакл-шамойил касб этиши зарур; бу жараён эса дафъатан ва фавқулодда рўй берадики, айнан қачон содир бўлишини олдиндан билиб бўлмайди; фақат шундан кейин, дастлабки ижодий фикр кўнгилда тўла-тўқис тимсол қиёфасини касб этгач, уни бадий асарга айлантириш мумкин. Бу борада мўлжални беҳато олса ҳам бўлади. Хуллас, бутун ёз ва бутун куз мобайнида турли ижодий фикр-мулоҳазаларни жамладим (бошқа ўта қизиқарли фикрлар ҳам кўнглимдан кечди), лекин муайян тажриба боис у ёки бу мулоҳазанинг сохталлиги, мураккаблиги ёки аҳамиятсизлигини олдиндан ҳис қилардим. Ниҳоят, улардан бирини танлаб, ишга киришдим, кўп ёздим, лекин декабрнинг тўртинчи санасида ҳаммасини бир четга сурдим. Ишонтириб айтаманки, ўртамиёна роман бўларди; кўнгилдагидек ижобий эмас, балки айнан ўртамиёна бўлгани боис тамомила кўнглим қолди. Бунинг менга кераги йўқ.

Мени анчадан буён бир фикр безовта қилиб келади, лекин уни романга айлантиришга журъат қилолмасдим, чунки жуда мураккаб ижодий режа, устига-устак уни рўёбга чиқариш учун тайёр эмасман. Бу фикр – гоят ажойиб феъл-атвор соҳибни тимсолини яратишдан иборат. Менимча, бундан кўра огирроқ иш бўлмаса керак, айниқса, бизнинг давримизда. Сиз, албатта, фикримга қўшиласиз. Бу фикр илгари ҳам айрим бадий тимсол тарзида хаёлимдан кечган, афсуски, оний фикрнинг ўзи камлик қилади, тўла-тўқис ижодий гоя бўлиши керак. Жуда аламангиз ҳолатим айна фикр билан шуғулланишга ундаётир.

Умуман, ижодий режа мавжуд. Бўлажак асар билан боғлиқ айрим жиҳатлари ҳам аста-секин шаклланипти ва менга илҳом бағишлаётир. Лекин яхлит асар мавҳумлигича қолаётир. Қаҳрамон ҳам. Чунки бадий асарим айнан қаҳрамон воситасида яхлитлик касб этади. Бу мен учун одатий тус олган. Мен аввал тимсолни аниқ тасаввур қилишим керак. Асарни ёзиш асносида унинг қаҳрамони шубҳасиз қиёфа касб этармикан? Айтсам ишонмайсиз, шу асно утилмаган янги мулоҳазалар ҳам юзага келаётир: бош қаҳрамондан ташқари асар учун аёл бош қаҳрамон ҳам зарур бўлаётир, бир йўла икки бош Қаҳрамон! Бу икки қаҳрамондан ташқари яна икки тимсол бор – уларни ҳам деярли бош қаҳрамон сифатида талқин қилса бўлади. (Ёрдамчи қаҳрамонлар ҳам кўпдан-кўп – роман ахир саккиз қисмдан иборат бўлади). Тўрт қаҳрамондан – иккитаси кўнглимда шаклланди, биттаси тўла қиёфа касб этганича йўқ, тўртинчиси, яъни асосий, бош қаҳрамон – ҳозирча жуда заиф. Хаёлимнинг тубларида шаклланиб улгурган бўлиши ҳам мумкин, лекин аниқ тасаввур қилишим қийин кечаётир. Нима бўлганда ҳам асарни ёзиш учун камида икки ҳисса вақт зарур.

Дастлабки қисм, назаримда, кучсиз. Лекин, янглишмасам, яна бир хавф бор: ҳозирча ҳеч вақо жамулжам бўлгани йўқ, балки келгуси қисмларни ёзиш асносида ҳаммаси жойига тушиб кетар (кошки, шундай бўлса!). Биринчи қисм, моҳиятан, киришдан ташкил топган. Фақат шуниси зарурки, дастлабки қисм китобхонда қизиқиш уйғота олиши керак. Бу масалада ижобий фикр айта олмайман.

Роман “Телба” деб номланади. Дарвоқе, қизиқ устида ҳам, ҳеч кимга ўзи ҳақида ижобий фикр билдириш ҳуқуқи берилмаган. Биринчи қисм ҳам чакки бўлмаса, ажаб эмас. Агар бош қаҳрамон қиёфаси унда яққол кўзга ташланмаса, зарари йўқ, олдиндан шундай режалаштирганман. Айна шу боис Сизнинг фикрингизни сабрсизлик билан кутаётирман.

Н.Н. Страховга

Флоренция. 1869 йил, 26 февраль

Рус танқидчилигига хос бир жиҳатни пайқадингизми? Ҳар бир беназир танқидчимиз (Белинский, Григорьев) пешқадам адибга таянган ҳолда салоҳият касб этган, яъни бутун ижодини айна адиб асарларининг талқинига баҳшида этган ва ҳаёти мобайнида фикр-мулоҳазаларининг барчасини айна адиб асарларини таҳлил қилиш асносида баён этган. Бу холисона ва гўё зарурий тарзда рўй берган. Демокчиманки, бизнинг танқидчиларимиз азбаройи эҳтиром билан муносабатда бўладиган адиб билан ҳамжиҳатликда ўзлигини намоён этади. Белинский адабиётни ва шоиру адиблар ижодини тафтишдан ўтказиш баҳонасида эмас, ҳатто Пушкин тўғрисидаги мақола билан эмас, балки айнан Гоголга таяниб, танқидчи сифатида эътироф қозонди. Дарвоқе, у Гоголни ўспиринлигидаёқ ниҳоятда ардоқлаган. Григорьев эса Островский асарларининг таҳлили воситасида ва унинг ижодини ҳимоя қилган ҳолда майдонга чиқди. Сизни таниганимдан буён Лев Толстойга бевосита, бениҳоя хайрихоҳлик билан муносабатда бўлишингиздан хабарим бор. Тўғри, “Заря”

журналидаги мақолангизни ўқиб, даставвал пайқаганим шу бўлдики, шундай мақола зарур эди ва фикр-мулоҳазаларингизни баён этиш учун фақат ва фақат Лев Толстой ижодидан, хусусан унинг навбатдаги асаридан бошлашингиз талаб қилинарди. (Лев Толстойнинг тарихий фатализмни Сиз ҳам қўлаб-қувватлашингизни “Голос”да фельетон муаллифи қайд этган. Бундай бемаъни маломатга, албатта, эътибор беришнинг ҳеч ҳожати йўқ, лекин гап шундаки, улар бундай оҳанжама фикрлару теша тегмаган ибораларни қай гўрдан топишади? Тарихий фатализм дегани нимаси яна? Нима учун айнан мутаассиблик ва бурнининг тагидан нарини кўра олмайдиган чаламуллалар шу даражада мавҳум ва сирли ифода этадиларки, дафъатан англаб бўлмайди! Ахир, фельетон муаллифи қандайдир фикр билдирмоқчи бўлган, Сизнинг мақолангизни эса, шубҳасиз, ўқиган.) Бородина жанги ҳақида мулоҳаза юритар экансиз, Толстойнинг ҳам, Толстой тўғрисидаги фикрингиз моҳиятини ҳам баён қилгансиз. Бундан ҳам равшан фикр юритиш амримаҳол бўлса, ажаб эмас. Миллий, русларга хос тафаккур ошкора баён этилган. Айни шу жиҳатни тушунишмаган ва фатализм тарзида талқин этишган! Мақолага оид бошқа мулоҳазалар борасида эса давомини кутяпман (мен ҳалигача олганим йўқ). Маромига етказиб ёзилган ёрқин, мантиқан, қатъий анланган тафаккур. Лекин айрим тафсилотларга қўшила олмайман. Юзма-юз суҳбатлашсак, мактубдагидан кўра, албатта, ўзгача фикрлашган бўлардик. Сирасини айтганда, мен Сизни ҳозирги танқидчиларнинг келажаги порлоқ ягона вакили, деб биламан.

Баҳслашишни хуш кўрмайсизми? Эсиз. Баҳсу мунозара фикрни тушунтиришнинг фавқулодда қулай усули; шу боис маҳаллий омманинг баҳслашишга ихлоси катта. Дейлик, Белинскийнинг барча мақолалари мунозара тарзида ёзилган. Қолаверса, баҳсу мунозара воситасида муайян журналга хос нуқтаи назарни баён этиш ва унинг эътирофига эришиш мумкин. Устига-устак мунозарага тобингиз йўқлиги Сизга зиён етказиши ҳеч гап эмас: Сизнинг луғавий бойлигингиз ва баён услубингиз Григорьевникига нисбатан жуда яхши. Ниҳоятда равшан; лекин доимий хотиржамлик тусига эга эканлиги билан Сизнинг мақолаларингиз мавҳумдай таассурот пайдо қилади. Керакли ўринларида ҳаяжонланиш ҳам, муросасизлик ҳам керак, ҳатто долзарб жиҳатларни бандма-банд кўздан кечириш лозим. Бу мақолага ўта муҳим зарурийлик тусини беради ва ўқувчини ҳайратлантиради.

Мен воқеликка (санъатдаги) ўзгача нуқтаи назардан қарайман ва аксарият фантастик ва фавқулодда тусга эга деб ҳисоблайдиган ҳолатларни одатий ҳолат, деб биламан. Одатий воқеалар ва уларга нисбатан сийқа муносабат, менимча, реализм эмас, ҳатто унинг акси. Газеталарнинг ҳар бир сониди ўта ҳаётий ва гоаят оқилона далилларга оид ҳисоботларни кўрасиз. Адибларимиз учун улар мўъжиза; улар мазкур ҳолатлар моҳиятини англашни ўйлаб ҳам кўрмайдилар; холбуки, улар чинакам воқелик, рад қилиб бўлмайдиган ҳаётий далиллар. Ким уларни пайқайди-ю, батафсил тушунтиради? Улар фавқулодда эмас, балки оний ва кундалик тусга эга. Лекин адибларимиз гоаяларининг теранлиги айнан гоаялари қамрови таъсирида ўз ифодасини топмаса, масалан, (Гончаров асарининг қаҳрамони) Райский каби, бундан не фойда? Райский қандай сиймо? Азалий сийқа сохта рус кишисининг тимсоли; ҳаммасини инсон бошлайди, катта ниятлар билан ишга киришади-ю, ҳатто энг майдаларининг ҳам уддасидан чиқа олмайди. Минг йиллик сафсата! Сарик чақага ҳам арзимайдиган фикр, боз устига нотўғри! Белинскийнинг шоҳидлигида русларнинг феъл-атворида нисбатан маломат. Воқеликни акс эттиришда ҳам нуқтаи назари ўта юзаки ва қабиҳ. Фақат бир қозиқ атрофида айланади. Бу тарзда бутун воқеликни эътибордан қочирамиз. Далилларни ким қайд этадию, моҳиятини ким кўрсатиб беради? Тургеневнинг қиссаси ҳақида гапирмайман: нималиги фақат Худога аён! Менинг қаламимга мансуб

мўъжизавий “Телба” нимаси билан чинакам ҳаёт, боз устига одатий турмуш эмас! Дарвоқе, заминдан узилган жамиятимиз тойфаларида айни шундай феъл-атвор эгалари айнан ҳозир бўлиши керак, – мазкур тойфалар ҳақиқатдан ҳам ноёб бўлиб бораётир. Ортиқча гапга не ҳожат! Романнинг қатор ўринлари шошма-шошарлик билан ёзилган, чўзилган талай ўринлари рисоладагидек эмас, лекин муваффақиятли чиққан жиҳатлари ҳам бор. Мен ўз романимни ёқламоқчи эмасман, балки айни асар воситасида илгари сурилган гоёни ҳимоя қилмоқчиман. Фикрингизни ёзинг, албатта ёзинг ва имкон борича ошкора ёзинг. Қанча кўп танқид қилсангиз, Сизнинг самимиятингизни шу қадар юқори баҳолайман.

Абдуҳамид ПАРДАЕВ таржимаси

ХАТЛАР БЎЙИЧА ИЗОҲ ВА ҚАЙДЛАР

1. Достоевский Михаил Михайлович (1820-1864) – драматург, таржимон, ношир. Ф.М. Достоевскийнинг акаси.
2. Майков Аппалон Николаевич (1821-1897) – шоир, таржимон ва танқидчи. Ўн тўққизинчи асрнинг 40-йилларидан эътиборан Ф.М.Достоевскийнинг яқин дўсти.
3. Тургенев И.С. – шоир, адиб.
4. Катков Михаил Никифорович (1818-1887) – “Русский Вестник” журнали муҳаррири.
5. Врангель Александр Егорович (1838-?) – ҳуқуқшунос ва дипломат. Фёдор Достоевский у билан Семипалатинскда сургунда бўлган даврда, 1854 йилда танишган. А.Е. Врангель “Достоевский 1854-1856 йилларда Сибирда сургунда” хотиралар китоби муаллифи.
6. Корвин-Круковсой Анна Васильевна (1843-1887) – Париж Коммунаси қатнашчиси, таниқли инқилобчи. Адабий фаолиятини ака-ука Достоевскийларнинг “Эпоха” журналида ҳикоялар эълон қилиш билан бошлаган.
7. Милюков Александр Петрович (1817-1897) – тарихчи ва адабий танқидчи.
8. Страхов Николай Николаевич (1828-1896) – танқидчи, файласуф. 1861 йилдан эътиборан Страхов ака-ука Достоевскийлар нашр қилган “Время” ва “Эпоха” журналларининг фаол муаллифларидан бўлган.



Александр КУШНЕР

Шеър — бу дил таскини...

Александр Кушнернинг туғилган кунида шеърият ҳақида,
замон ҳақида ва ўзи ҳақидаги қалб изҳори

— Александр Семёнович, шеърият ҳали ҳам тирикми?

— Бугун баъзан, шеърият узлатларга чекиниб кетди, унга зарурат қолмади, у ҳеч кимга керак эмас, ҳали эртанги кунда одамлар шеъриятдан буткул юз буриб кетишса керак, деган гапларни эшитиб қоламиз. Бу ҳол мен учун — нафақат мен учун — жуда аянчли эканлиги шубҳасиз.

Баъзан мени поэзия ҳақидаги шундай ғамгин ўйлар чулғаб олганида, бундай гаплар бошқа замонларда ҳам бот-бот бўлганлиги, бу муаммога биз биринчи бор тўқнаш келмаётганлигимиз кўнглимга бирмунча тасалли беради. Жумладан, мен Пушкин хатларини қайта ўқирканман, унинг Вяземскийга ёзган ушбу фикрлари (1820 йилда битилган хатидан) билан танишиб, ҳайратландим ва юпандим: “...нима десанг дегин, лекин бизнинг аср шоирлар яшайдиган замон эмас, бундан ўқинишнинг ҳожат бўлмаса ҳам, барибир ўқинасан. Шоирлар давраси тобора торайиб бормоқда, шу кетишда шеър эшитувчилар камайгандан-камайиб, шеърларимизни бир-биримизнинг қулоқларимизга ўқийдиган кунга етсак ҳам, сира ажаб эмас. Шунисигаям шукр деймиз”. Не тонгки, бу сўзларни навқирон, эндигина йигирма бир ёшга қадам қўйган Пушкин ёзган!

Пушкиннинг бу сўзлари менинг яшашимга ёрдам беради: демак, унинг кўнглида ҳам шундай тушкунлик бўлган, бироқ улар муҳим бўлиб қолмаган. Шундоқ экан, биз оддий бандаларнинг кўнглидан бундай кечинмалар кечса нима бўлибди?

Бундай дилгир фикрлар фақат Пушкиннинггина кўнглидан ўтган эмас. Баратинский 1835 йилда “Сўнгги шоир” деган шеърда шундай дейди: “Аср ўтиб борар темир из узра, / Юракларда алам ва орзу фақат, / Уфқларга боқиб идрокнинг музлар, / Ҳаётдан кўнглингда ғашликлар қат-қат”. Жумладан, у шеъриятни чеккага суриб қўядиган “замон шиддатидан” ҳам нолийди. Бундан шундай таассурот тугиладики, у узоқларга, гўё бизнинг кунларимизга назар ташлагандек бўлади.

Бироқ Баратинскийдан кейин бизда жуда кўплаб ажойиб шоирлар дунёга келганлигини эсга олсак, унинг каромат борасида янглишганини англаймиз. Балки биз ҳам янглиш кечинмалардадирмиз. Бу ўринда шуни айтмоғим керакки, 90-йиллар бошида мен ҳам худди шу сарлавҳа билан шеър ёзган эдим, бироқ мен унда севимли шоирим билан баҳсга киришгандим: “Шоир қандай бўлмасин, у сўнгги шоирдир. Кейин билсаки, сўнггисидан олдингиси экан...” Шеър шундай тугалланарди: “Ким сўнгги? — саволига “мен” дея айтгум, / Ўқинма, дўст, менинг ортимдасан гар”. Умид қиламанки, бу каби шеърлар бизнинг қутлуғ заминимизда ҳеч қачон барҳам топмайди: шоир сўзи биз учун доим керак, билъакс ҳаёт шеърий каломсиз ачиқ ва нордондир ҳамisha.

— Сиз учун севимли бўлган Тютчев ҳам бу борада ўз гапини айтган.

— Ҳа, худди шундай. Ахир, унинг қаламига мансуб-ку ушбу сатрлар:

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

137

“Бизнинг асримизда шеър умри қисқа, / Тонда туғилган шеър унутдир оқишом”. Қаранг, шоир ўзининг шу қадар кераксизлигини ва унутилишга маҳкумлигини туяб яшаган, аммо-лекин умрининг охирига қадар шеърлар битишда давом этган.

Фетни ёдга олайлик — унда ҳам шу ҳолатни кўрамыз: унинг сўнги “Оқишом ёғдулари” китоби бор-йўғи 700 нусхада чоп этилган, жуда кам сотилиб, китоб дўконларида чанг босиб ётган.

Ҳатто бугунги кунда — бизнинг наздимизда поэзия гуллаб-яшнаган XX асрда ҳам Тиняновдек адиб 1924 йилда эълон қилинган “Ораликда” китобида, шеърнинг ҳеч кимга кераги бўлмай қолди, у насрнинг соясида қолиб кетди, дея ёзгиради. Тагин у ўз мақоласида ҳазилакам шоирлар эмас — Маяковский, Пастернак, Мандельштам, Ахматова, Ходасевич, Есенин, Тихонов, яқинда ҳаётдан қўз юмган Хлебников сингари шоирлар ҳақида гапира туриб, мазкур кайфиятини баён қилади. Улар ижодидан қониқмайди! Инчунун, бугун биз ҳам айнан шу кайфиятдамиз.

Бир вақтлар менинг шундай сатрлар билан бошланувчи шеърим бўларди: “Қари шоир шеъри — улар йўқ, абас, / Бироқ қулгилдир кекса мўйсафид — / Почанга ёпишиб олса ҳар нафас / Ииртқиш ё тиконли бир гийёҳ каби.”

Бу каби таскин топмас кечинма юрагимда бот-бот жунбишланиб туради, балки бу туйғу маълум бир маънода керакдир ҳам, зеро, бу шоирдан нима талаб қилинади ўзи деган фикр устида ўйлашга сени тез-тез мажбур қилади.

Ва шу асно сен шеърлар бугунги кунда бисёр ёзилаётганлигини кўрасан, бироқ шоирлар шу қадар ўзлари билан ўзлари бўлиб қолганки, уларни тева-рак дунё мутлақо безовта қилмайди, боз устига улар “тунд ва мубҳам” ёзишни хоҳлайдиларки, токи уларни ҳеч ким тушунмасин. Шеърлардан маъно қочди, фақат маънисизлик, кўп ҳолларда алаҳлашга ўхшаган нарса — устига-устига тиниш белгиларисиз — қолди.

— **Тиниш белгиларига бу қадар эътиборсизлик уларни тўғри қўллай олмасликдан эмасмикин, деган фикр келмайдими сизга баъзан?**

— Ундай шоирлар ўқувчини чалғитиш учун, айна аснода кўпроқ таассурот қолдириш, жуда бўлмаса мана шундай йўллар билан ўзига эътибор қаратиш учун тиниш белгиларини инкор этадилар. Бироқ биз, барибир, шеърларни ўқиркан, кўнглимизда вергулни ҳам, икки нуқтани ҳам, тирени ҳам кўямиз-ку. Не тонгики, ана шунда кўз олдимизда қандайдир ўртамиёна ва қашшоққина матн пайдо бўлади. Шундоқ экан, бошни қотиришининг не ҳожати бор тиниш белгиларисиз мисралар тузиб — бу созандага мусика ноталаридан воз кечмоқликни тавсия этиш дегани эмасми! “Сен, дилбарим! Бахт ато этдинг / Менга ушбу руҳсиз заминда ...” Бу шеърдан Фет вергул ва ундов белгисини олиб қўйганлигини бир тасаввур қилиб кўринг! Ҳаммаси нураб кетади.

— **Наҳотки дилни қувонтирадиган нарса қолмаган?**

— Албатта, бисёр товламачи ва назмбозлардан ташқари бизнинг замонамизда ҳақиқий шоирлар ҳам бор. Улар фақат пойтахтда эмас, чекка жойларда ҳам яшайдилар. Уларнинг айримларини санаб ўтсам: Москвада — Олеся Николаева, Евгений Рейн, Олег Чухонцев, Юрий Кублановский, Сергей Гандлевский, Дмитрий Биков, Михаил Синельников... Четда — Светлана Кекова — Саратовдан, Ирина Евса — Харьковдан, Омскда истиқомат қилаётган Олег Клишин, Томскдан — Владимир Крюков, Дмитрий Кантов — Владимирдан ... Ҳаммасини санаб адоғига етиб бўлмайди. Петербургда ҳам шоирлар бисёр топилади: Алексей Пурин, Давид Раскин, Александр Танков, Алексей Машевский, Иван Дуда, Александр Леонтьев, Валерий Трифонов, Александр Фролов, Вероника Капустина, Елена Ушакова, Елена Елагина, асли петербурглик Барселонага кетиб қолган Ксения Дьяконова ва Владимир Шемшученколар... Мен бу рўйхатни узоқ давом эттиришим мумкин, лекин, келинг, шу ерда тўхтатайлик. Бундай пайтларда, албатта, кимнингдир олдида хижолатли бўлиб қоласан, агар кимларнидир санамаган бўлсам, улардан узр сўрайман.

— **Асрнинг уч чораги шоир учун кўпми ё озми?**

– Шуни самимият билан айтаманки, юбилей — бу жуда оғир, кўнгилни оздирадиган тадбир. Юбилей сўзини эшитсам кайфиятим бузилади. Аммо бир нарсани таъкидлашим керакки: бугунги ҳаётимизни ва асримизни қоралаш жуда инсофдан эмас, менингча. Одамларнинг умри узайди. Яна шуни ажиб бир қониқиш ила таъкидлайманки, кексалик “дўконни ёпишга”, шеърдан воз кечишга кўп ҳам асос эмас экан. Яъни етмиш ёшда ва ундан кейин ҳам кўп ва ҳўб шеърлар ёзиш мумкин экан; зеро, бу паллада ёшлигингда ва ўрта яшарлигингда тушунмаган кўп нарсаларни англаб етасан. Кўнглингда дунёни янгидан туя бошлаганинг учун, шу чоққача англамаган нарсаларингни англаб етганинг учун Яратганга шукроналар тугилади: зеро, ҳаётни олдиндан билиб бўлмайди, у сирли ва қутилмаган ҳодисаларга тўлиб-тошиб ётибди. Мен ўз ҳаётим ҳақида ўйлаганимда битта эмас, бир неча умр-ни яшаганлигимни англайман. Биринчиси — бу болалик, уруш, ўттизинчи-қирқинчи йилларнинг бутун даҳшати... Иккинчиси — бу ёшлик, умид ва яхши даврларга ишонч, Хрушчев берган “илиқлик”. Кейин яна — Брежнев даврида умидларнинг сўниши. Кейинги яна бир умр — бу янги ўзгаришлар, биз ўз замонамизни ҳар қанча сўкмайлик, бу жараён мисли кўрилмаган ўзгаришларни ато этди. Мана, мен сиз билан суҳбатлашиб ўтирибман, исталган мавзуда эркин гаплашяпман ва мутлақо цензура ҳақида ўйлаётганим йўқ, нимани хоҳласам шуни эълон қилишим мумкин. Нолиш гуноҳ. Албатта, ҳаёт сиёсий эврилишлар ва ҳаётнинг талотўплари билан чегараланиб қолмайди, бинобарин ҳаёт — бу муҳаббат, бу дўстлик, китоблар, сафарлар, одамлар билан танишув, ижод қилмоқ, дунёни идрок этиш ва ҳатто энг қийин замонларда ҳам ички эркинлик учун имкон демакдир... *“Оқ булут, қалдирғоч, о, қалбим! / Мен — банди, сен эса ҳурсан ҳаммиша”* — бу туйғу 1969 йилда битилган шеъримда ифода этилганди.

– Сизни бугунги шеърда яна нималар безовта қилади?

– Менга шеърлардаги ортиқча мунг ёқмайди. Нола қилишгани-қилишган. Уларда ҳамма нарса аянчли. Ҳамма нарса нурсиз. Ҳаммаси зерикарли. Борингки, худди Лермонтовдаги сингари: “Бари зерикарли, бари қайғули, ёлғизман бирам ...”, фақат унда бу гусса гўзал сатрларда акс этган, бизнинг шоирларимиз эса Козьма Прутковдаги “ўзини отишга” аҳд қилган юнкер Шмитдга ўхшаб кетади.

Мен баъзан тўхтовсиз нола қилаётган шоирдан сўрагим келади: “Айтгин-чи, марҳамат қилиб, сенга ҳамма нарса зерикарли, ҳамма нарса расво. Сенинг қайси замонда яшагинг келади ўзи? Тегрангда пиводан бўшаган шишалар қалашиб ётибди ... Ҳамма ёқ жирканч, ҳамма ерда разиллик, сенга — ҳеч кимга ўхшамаган, ҳеч ким томонидан қадрланмаган шундоқ олижаноб шоирга бу фисқ-фасодли заминда муносиб бир гўша йўқ... Айтгин-чи, марҳамат қилиб, 1917 йил сенга манзур келадими? 1930 йил-чи? 1937 йил-чи? 1941 йил-чи? 1949 йил-чи? Балки сенинг нозик кўнглингга Николай I замони манзур келар? Ҳатто, эркисиз мужик бўлганингда ҳам? Балки Александр III замони маъқулдир? Сен Блокни ўқиганмисан, азизим? Ўқиган бўлсанг, эсингга тушар ушбу сатрлар: *“Фурбатли замонда туғилган кимса / Эслай олмас умрин тонглари сира, / Биз қабих йилларнинг фарзандимиз, ҳа, / Қалбимиз алами тортмас ҳеч хира”*. Блок, сенинг-ча, ошириб юборгандир ё?”

– Шундай аснода нима қилмоқ керак?

– Менимча, одам ўзини сал силкитиши керак, ўзида ҳамма замонларда яшай олишга ундовчи жасоратни уйғотиши керак. Шоирга эса бу ҳақда эслатиб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Зеро, *“истеъдод — бу вазифа”*, деган эди Баратинский. Ва бу вазифа адо этилиши керак. Шуни англамоқлик муҳимки, шеърлар нима учун ёзилади, мусиқа нима учун яратилади, нима учун рассом мольберт ёнида тер тўкиб ижод этади? Шоир, Мандельштам айтганидек, ҳаёлидаги сиймо рўпарасида ғойибона суҳбат қуради. Сен ўз ўқувчинг кимлигини яққол тасаввур қилолмайсан. Сен унинг ташқи қиёфасини ҳам, фикрлаш тарзини ҳам, нима билан шуғулланишини ҳам билмайсан. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, сен номаълум суҳбатдошинг учун ёзасан, у сенга ўхшайди, бироқ сендан яхшироқ, ақллироқ, олижаноброқ

ва куюнчакроқ... Ва сен унинг сени тушунишини жуда ҳам истайсан, токи у сенинг шеърларингни кўкрагига боссин.

Ва яна менга галати, лекин жуда муҳим бир туйғу куч беради: ҳар бир шеъримни шундоқ ёзишни истайманки, токи улар ўтмишдошларимга манзур бўлсин. Баъзан бир шеърни қоралаб бўлиб, ўйлаб кетаман: “Уни Иннокентий Анненский қандоқ қабул қилган бўларди? Бу шеърларга Пастернак қандай муносабат билдирган бўларди?” Бу мушқул вазифа, балки нокам-тарроқ ҳам, бироқ буни, менингча, ўз олдингга қўйганинг яхши.

– **Сиз замондошларингиздан кимнинг фикр-мулоҳазасини қадрлайсиз? Сизнинг биринчи ўқувчингиз ким?**

– Шеърларимнинг биринчи ўқувчиси – рафиқам Елена Невзглядова. Иккимизнинг поэзия борасидаги тушунчамиз ҳеч қачон айрича бўлмайдди, шу боисдан ҳам биргаликда умргузаронлик қиламиз. У баҳо беришда адашмайди ва мен унинг фикр-мулоҳазаларини жуда қадрлайман. Тагин дўстларим бор, улар орасида айримлари ёзмаса-да, уларнинг-да фикри мен учун жуда қадрлидир. Оддий ўқувчиларнинг дил изҳорлари ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Эълон қилинган ҳар бир шеърый тўпламимдан кейин кўплаб хатлар оламан – мен бу мактуб эгаларидан жуда миннатдорман. Бу “хайрихоҳлик” туйғулари биз қалам аҳли учун бамисли “мукофотдир”. Мен, ўқувчи мени қизиқтирмайди, дегувчи ижодкорларни тушунмайман. Балки улар ўта бахтиёр, ҳар жиҳатдан бадастурдирлар ва улар ҳеч бир кимсага муҳтож эмасдирлар, лекин мен уларнинг бу таманносига ишонмайман ва бундай бахтни истамайман ҳам. Қанчалар менга англашимлидир қалби шоирининг – шундоқ нидо қилган: *“Ўқувчи! Маслаҳатгўй! Шифокор! – Қани? / Ўтқир баҳслар қурса зинада туриб!”*

– **Танқидчиларга нисбатан муносабатингиз қалай, улар хуноб қилишмаганми сизни?**

– Менинг бугунги танқидчиларга катта ишончим йўқ. Танқидчилар орасида ўтмиш даврдан ўтган истеъдодлилари йўқ эмас, албатта. Танқидчилар борасида омадим чопган ҳам, чопмаган ҳам. Мени бутун умр давомида саваладилар ҳам, тепкиладилар ҳам (“Смена” газетасидаги, “Крокодил” даги, марказий “Правда” даги мақолаларни эсга олиш кифоя), мен ўша даврларда ҳам шикоят қилмагандим, ҳозир ҳам шикоят қилмайман. Бундан ташқари, менинг ёшимдаги бир мўйсафид шоирга ўз шеърларим ҳақида ўзимдан ортиқ ким нима ҳам дея оларди. Адолатсиз, калондимоғ фикрлар энди мени мутлақо безовта қилмайди: шеърлар ёзилди, мен менинг ўрнимга ҳеч ким бажармайдиган ишни адо этдим – бундан бошқа тақдирни хоҳламайман ҳам. *“Тентак ҳукмин, оломон гувлашин эшит, / Бироқ сен аҳдингда қатъий тур, қоим.”* Пушкиннинг бу васиятомуз сатрлари ёшлигимда мени кўп бор асраган бўлса, ҳозир ундан-да ишончлироқ паноҳдир. *“Сен – ўзингга энг олий ҳакам!”* – бу ўта топиб айтилган ҳикмат.

– **Сиз қандай шеърларни ёқтирасиз?**

– “Оммага қаратилган” шеърларни хушламайман. Масалан, Маяковскийни, тан олиб айтаман, севолмайман. Блок, Анненский, Пастернак, Мандельштам, Заболоцкийлар – улар бошқа шоирлар. Нима учун бундоқ? Чунки улар ҳамма одам тушунадиган услубда ёзадилар. Омма учун ёзганинда эса сен шир ёзадиган қаламда ёзсан, чунки сенинг ёзганларингни энг охириги қатордаги инсон ҳам илғай олиши керак. Сен шунда тунчироқ остида шеър мутолаа қилаётган одамга мурожаат қилиш ўрнига “омма фикри жарчиси”га айланасан.

– **Агар Маяковский бўлмаганида биз кимни мисолга олган бўлардик?**

– Бу ерда Маяковский бўлмасин деган фикр айтилаётгани йўқ. Худо кўрсатмасин! Унинг дастлабки шеърлари, масалан, “Тингланг!” ёхуд “Скрипка ёки жиндак асаб” шеърлари гоят гўзал. Қолаверса, мен ўз фикримни ҳеч кимга тикиштирмайман. Маяковский – гений, бироқ генийларга баъзан истеъдод етишмай қолади. Худди шу тақлид Достоевскийдан кўра мен Чеховни кўпроқ ёқтираман.

Мен яна шеърларда тагин нимани қадрлашим, уларни қай жиҳатдан севишим ҳақида ҳам гапирмоқчиман. Ҳақиқий шеърларда ҳаммиша муҳим

нарсалар ҳақида гапирилади: ҳаёт ҳақида, ўлим ҳақида, севги, табиат, санъат ҳақида, ҳаётнинг маъноси ҳақида. Шеър — бу дил таскини. Баъзи ҳолларда шоир, менингча, авлиёга айланади. Балки авлиёдан ҳам аълороқ. Шеърлар муҳим бир маънода тиловат ҳам, зеро, “аланга ва нурдан яралган” сўзлардир улар. Шеърлар — бу қувонч, бу тазарру, изҳор, инсон учун субҳи содиқ ҳамда юпанчдир.

— Наҳотки инсон таскинга, юпанчга зор бўлса? “Инсон — бу ном мағрур жаранглайди!” дейилган эмасми?

— Албатта, зор, чунки ҳаёт фожиага мойил. Шак-шубҳасиз, барчамиз ўлимга маҳкуммиз ва буни болалиқдан биламиз. Не-не кўнгилсизликлар, не-не хавф-хатар, талвасалар, қанчадан-қанча ёлғону қанчадан-қанча даҳшатлар кутиб турмайди дейсиз инсонни умр йўлида!... Освенцимни эслашинг ўзи кифоя... “Освенцимдан кейин шеър ёзиб бўладими?” Ҳа, бизнинг кўз ўнгимизда ҳам адолатсизликлар, алдовлар, фожиалар, зилзилалар, тўфонлар, урушлар, террорчилик ҳаракатлари бўлиб ўтаёттир... Ҳа, мудом шундай. Бари — ҳақиқат. Фаровон ҳаётни бизга ҳеч ким ваъда қилмаган, қилмайди ҳам. Бироқ шуниси қизиқки, мен мана фикр қилаёттирман — ҳаётда не маъно бор ўзи? Ва биламанки — бу маънони ҳар ким ўзича англайди. Кимдир бу маънони Яратганда ва эътиқодда кўради. Бошқа бир одам — руҳий фароғатда. Учинчи бир инсон — муҳаббатда. Тўртинчиси — фарзандларга меҳрда. Бешинчи одам — ўз касбига бўлган ихлосда кўради. Кимдир бу маънони маънисизликда кўради ва бундан қаноат топади. Бироқ, менингча, ҳамма учун умумий бўлган яна бир маъно бор... Ва мен буни ҳаёт поэзиясини ҳис этиш, ҳаётни поэтик англамоқликда кўраман. Ўйлайманки, дунёда бирон-бир одам йўқки, ҳатто энг учига чиққан аблаҳ ҳам баъзан, ҳаётида бир ёки икки марта денгиз мавжларидан, ўзи ўтиб бораётган дала сўқмоғи четидagi чечагу майсалардан, шовқин солиб оқаяётган сойдан, боши узра сузиб бораётган оқ булутлардан қалбида ажиб туйғулар туймаган бўлсин... Заминда ҳаёт худди ўчакишгандек жозигага лиммо-лимдир. Тунда юлдузлар ёнмоғи учун, денгиз шовилламоғи, қушлар сайраши, капалаклар ва ниначилар учмоғи, темирйўл ёнбошларида пушти, нопармон доғлар каби қизғиш чечакларнинг товланмоғи учун худди кимдир атайлаб тараддуд кўргандек.

Шумтол новдалари деразам олдида шовиллайди... Мен деразамни ланг очиб унга тикиламан... О, худойим, бу нақадар бахт! Кундуз ҳам, тонгда ҳам, шомда ҳам шовиллаши бирам ажиб! Бамисоли у менинг ҳаётимни алқайди ва унинг ич-ичига кириб боради. Фетнинг мен севган сатрларидан бирида шундай дейилади: *“О, дўстим, мен эмас, дунё бут, тўқис”*. Бу дунё, бу борлиқ аслида бизнинг қалбимиздир. Қалб ўзининг теграсидаги нарсаларни ўзига жо қилади, мана шу жо қилиш асносида бойиб, мукамаллашиб боради.

Шоирнинг иши нимадан иборат? Аслида у ҳеч нарсани тўқиб чиқармайди. Шеърлар хаёлдан тўқилган нарсалар эмас. Улар ҳаёт нафасига йўғрилган маънолардир, шоир уларни сўз билан мустаҳкамлайди. Уларни шеърларига мужассам қилади. Ўқувчи ўз навбатида шеърларда ўзидаги қайноқ туйғуларнинг тасдиғини, ҳаёт ва уни англамлари борасидаги ҳикматларни кўради.

Қандай шеър яхши, қандай шеър ёмон? Уларни қай тарзда баҳолаш мумкин? Ўқувчи иқтидори ҳам шоир иқтидори янглиғ ноёбдир. Афтидан, бу ҳам қалбнинг ҳассос хислати каби туғма бўлади. Шундай инсонлар ҳам бор. Масалан, Вологда вилоятида яшовчи Сергей Коробовни шундайлардан деб биламан. Мен ундан баъзан мактублар олиб тураман: у шеърни ҳар қандай филологдан кўра яхшироқ тушунади. Ва шу нарса аёнки, ҳар қандай илмий услуб, ҳар қандай чуқур таҳлил ҳам шеърини шуур, шеърини муҳаббат ўрнини босолмайди. Зулмат — нур, кундуз — тун, ҳаёт — ўлим ва ҳ.к. тазодлар ҳар бир шоирда ҳам бисёр, лекин булар ҳали ҳеч нарсани белгиламайди. Бармоқда Пушкин ҳам ёзган, бугунги шоир ҳам шу услубда мисралар тизмоқда. Ундаги рукнларнинг, оҳангларнинг, қофияларнинг қандайлиги ҳам унинг яхши ё ёмонлигини белгилай олмайди. Гап буларда эмас.

Унда сир-синоат нимада? Мезонни қандоқ қўйиш керак? Мусиқа ҳақида

гапириш қийин бўлганидек, шеър ҳақида гапириш ҳам қийин. Бироқ мен ўзим учун қуйидагича мезонни кашф этганман: қувонч туйғуларини бахш этадиган шеърлар мен учун яхши шеърлардир. Улар жуда гузасали ва қайғули бўлиши мумкин, бироқ қувонч-шодлик туйғуларини беради қалбга. Агар юракда шундай туйғуларни уйғотолса, шак-шубҳасиз, бундай шеърлар истеъдод ила битилган шеърлардир. Бу менинг қўлбола тажрибамдир, уни ҳеч кимга тиқиштирмайман, ўртоқлашаман, холос: шеърни мен шундай тушунаман.

– **Қабиҳлик ва тубанлик ҳам шеърий жозиблага йўғрилиши мумкинми?**

– Бу борада жуда эҳтиёт бўлиш керак. Нима учун? Бодлерни эсга олайлик. Маллармени эслайлик. Француз шеърияти (“лаънатланган шоирлар”) қабиҳ ва разил нарсалар ҳақида сўйлади ва поэзия бўлиб қола билди. Бу ерда ҳамма гап **ҚАНДАЙ** сўйламоқда. Ҳаётнинг тубан ва чиркин томонларидан юзни бурмаслик керак. Зеро, улар ҳақида гапира туриб ҳам, ҳаёт ҳақида янги фикр, янги тушунча, “янги ҳаяжон” бера оладиган туйғуларни акс эттирмоқлик мақсадга мувофиқдир. Ҳаётнинг одатий тарзига зид бўлган, бешафқат ва муҳим бўлган туйғуларни. Бироқ субутсизликдан завқланиш, бемазагарчиликдан шавқ туйиш ножоиз, менимча. Ундан нарисси — боши берк кўча.

Рус поэзиясини мен яна шунинг учун ҳам севаманки, у тубанлик ва разолатни жозиблага йўғирмаган. Жозиблага йўғирмаган, лекин тушунишга ҳаракат қилган: *“Чиркинлик, тубанлик азоб бўлса гар — / Қайдадир нуранган дўзаллик ҳаққи...”*

– **Сиз ўзингиздаги шоирона сурурни кимгадир юқтира олганмисиз?**

– Бунга умид қилишга журъат этаман, бироқ “сурур” сўзини бошқа сокинроқ, одмироқ сўзга алмаштирган ҳолда. Менинг омадим чопди. Кўп йилларки, тўғарагимга менинг дунёвий туйғуларим, тушунчаларимга қалби ҳамоҳанг йигит ва қизлар келадилар. Ўз-ўзидан якдил фикрлайдиганлар иттифоқи шаклланди. Зеро, ҳамма нарса аниқ-тиниқ қабул қилинар ва мени бир оғиз сўзимдан тушунардилар. Анъана шу тарзда бардавом бўлади ва сақланиб қолади. Бироқ шеър ёзишни ўргатиш мумкин эмас — зарурати ҳам йўқ. Аммоки кимгадир бунга лаёқат бўлса, унга кўмаклашиш мумкин. Энг яхши устозлар китоб жавонларидадир. Биз шеър ёзиш тараддудида қўлимизга қалам олганимизда ва сатрларни қоғозга тушира бошлаган дақиқаларимизда шеърий ҳис-ҳаяжоннинг дунёвий тармоғига боғланамиз. *“... Ёлгон калом айтмоқ мумкинмас мутлоқ, / Жоизмас шунчаки сўзлар айтмоқ ҳам. / Бизни тинглаб турар зулмат бағридан / Гомер, Алкей, Катулл, Горацій Флакк. / Шарт шу: шеърда бўлсин юрак мужассам”*.

Биз ҳар доим севадиган, жавондан гоҳ унисини, гоҳ бунисини олиб варақлашга тушадиган китобнинг қандай сеҳри бор? Китоб — бу куч йигиб берадиган, ақл ва юракни озиклантирийдиган қувват манбаидир. Тютчевни ўқийсанми, Михаил Кузьминнинг “Муздаги гулмоҳи”ними, Анненскийнинг “Сарв дўкони”ни ўқийсанми — томирингга тигиз куёш қуввати оқиб киради. Шундан кейин сенинг ёмон ёзишга ҳаққинг қолмайди. Бу дегани сенинг ёзганинг уларникидек яхши ва юксак чиқади, дегани эмас, бироқ сен шунга интилишинг керак.

– **Сиз ҳозир ҳам олдингидек ёзясизми?**

– Бундан ўн йиллар муқаддам бир шеъримда шундай ёзгандим: *“Настарин. Шўролар пайтида қандоқ / Гуллаган бўлса у гуллар бугун ҳам. / Бўлакламам мен ҳам умримни мутлоқ...”* Мен ўз шеърларим ҳақида ҳам худди шу настарин ҳақида айтган фикримни айтишим мумкин. Зеро, шеърлар (исталган санъат ҳам) табиатдан тўсиқ билан ажратиб қўйилмаган. Аксинча, улар ҳам бамисоли табиатдир, иккинчи табиат, иккинчи борлиқ. Менга баъзан мени ақл эмас, идрок эмас, ҳужайрамга мужассам шуур бошқараётганга ўхшаб туюлади. *“Асалари гуллар ишқида...”* Мен ўзимни худди шу асалари сингари ҳис этаман ҳар тонг. Мен ҳозир шеърларни кам ёзаётганим йўқ, балки аввалгиларидан ёмон ҳам ёзаётганим йўқ, албатта; ўзгарганман ҳам (асалари ҳам бир даладан иккинчи далага учиб ўтади-ку), ҳар бир янги китобим аввалгисидан фарқ қилади: зотан, шеърлар замирида тўхтамай

оқиб турадиган ҳаётнинг акс этмоғи табиийдир. Китобларим ҳам, шукрки, чиқиб турибди. Ўтган йили Москвадаги “Астрель-Аванта” нашриётида “Бўр билан, кўмир билан” номли шеърий тўпламим нашр этилди. Ўзимча бу китобим муваффақиятли чиққан кўринади, чунки аввалгиларидан айричадир. Қайси жиҳатлари билан? Балки бунда гусса теранроқдир, бироқ мен ўзимча тириклик ва ўлимни англашга интилиш чуқурроқ деб ўйлайман. Тўплам ушбу сатрлар-ла бошланадиган шеър билан очилади: “*Римликлар-дек, қатъий изн-ла / Кунба-кун ўт кўҳна очунни: / Ёруғ кунни бўр-ла белгила, / Кўмир билан омадсиз кунни*”. Мана шу сатрлар китобимга ном топиб берди. Ҳақиқатдан ҳам, барча кунларинг ёруғ бўлишини талаб қилиш инсофданми? Асло. Қадим замонлардаёқ Архилох айтиб қўйган “инсон ҳаётида маром бор, уни англаб олиш керак”, деб. Бу маром ҳар бир инсон учун муҳим ва бетакрордир.

— **Суҳбатимиз ниҳоясида ўқувчиларга қандай тилакларни айтган бўлардингиз?**

— Модомики, мен ўзимни улардан ақлли санамагач, нима ҳам дердим. Шеърларимда, йироқдаги бир инсонга ниманидир уддалаб айта олгандирман деб умид қиламан. Гумилёв Ахматовага мутойиба қилиб айтганидек, “халққа чўпонлик қилишга” сира ҳушим йўқ. Қандайдир ваъз ўқиш ёки насиҳат қилиш-ку, феълимга ёт, буйруқ оҳангидаги сатрлардан эса ҳамини қочиб келганман. Инсон эркиндир.

Владимир КАМИШЕВ
суҳбатлашди

*“Литературная газета”нинг
2011 йил 36-сонидан олинди.*

Мирпўлат МИРЗО
таржимаси



Иккинчи тўлқин муқаррарми?

Оёқни кўрпага қараб узатиш тўғрисидаги мақолни эшитган бўлсангиз керак. Маъноси — ҳар кимнинг харажати даромадига яраша бўлиши лозим. Бошқа бир мақолда айтилганидек, ётиб олиб еяверишга тоғ ҳам чидамайди. Бунга амал қилинмаса, ҳисоб-китоб чалкашиб кетади.

Кейинги йилларда дунёнинг мана-ман деган ҳар ишга қодир бели бақувват мамлакатлари иқтисодиётида, молия-банк тизимида юз бераётган нохуш воқеалар юқоридаги мақолларда акс этган халқ донишмандлигининг нақадар тўғрилигини яна бир бор исботлаб турибди.

Очиқ тан олиш лозим бўлган ҳақиқат шундан иборатки, молия-банк тизимининг дунёнинг бугунги реал ҳолатига кўп жиҳатдан мос эмаслиги, банклар ва қимматли қоғозлар бозоридаги спекулятив, яъни мижоз манфаатларидан кўра банк манфаатининг устун қўйилиши, кредит сиёсатидаги нуқсонлар Америка Қўшма Штатларида, Европа Иттифоқига аъзо қатор мамлакатларда жиддий танглик ҳолатини юзага келтирди. АҚШда давлат қарзи 14,6 триллион доллардан ошиб кетди. Бунча пулни босиб чиқариш учун станоклар бир неча йил давомида тўхтовсиз ишлаши керак. Бундан атиги беш йил аввал бу кўрсаткич 9 триллион доллар эди. Оқ уй маъмуриятининг иқтисодий сиёсатидан норози

бўлганлар Манхэттенда кўча харакатини бир неча соатга тўсиб қўйишгача боришди. Фонд биржалари олдида норозилик намойишлари давом этмоқда. Ягона ва баланд руҳ билан яшайдиган Америкада шундай воқеа юз берди.

Греция дефолт ёқасида турибди. Италиянинг ташқи қарзи мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан 124 фоизни ташкил этмоқда. Испания, Португалияда ҳам молиявий тақчиллик, иқтисодий беқарорлик мавжуд. Бу ҳол бутун Еврохудудга ёйилиб, янги рецессия — жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иккинчи тўлқинига сабаб бўлиши мумкин, деган таҳминлар билдирилмоқда.

АҚШ қимматли қоғозларининг 50 фоизи хорижий инвесторлар қўлида. Мамлакатнинг узоқ йиллардан бери муттасил баланд бўлиб келаётган кредит рейтинги пасайди, бу ҳол банкларга бўлган ишончни сусайтириши, етакчи биржаларда котировкаларнинг тушиб кетишига ва янада ташвишлиси — инвесторлар қўлидаги қимматли қоғозларнинг арзонлашуви сабаб бўлиши мумкин. Биргина Хитойда АҚШнинг 1 триллион долларга тенг қимматли қоғозлари мавжуд. Улар атиги бир фоизга арзонлашса, бу мамлакат шунинг ўзидан 10 миллиард доллар миқдоридан зарар кўради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, АҚШ иқтисодиётига қўйилма маб-

лаф киритганлар ҳозирнинг ўзидаёқ 2,5 триллион доллар зарар кўришган. Бу — Франциянинг бир йиллик ялпи ички маҳсулоти баҳосига тенг.

Молиявий танглик оқибатлари АҚШда камбағаллар сонининг сезиларли даражада ошишига, аҳоли харид қувватининг маълум даражада пасайишига, янги ишчи ўринларини барпо этиш режаларининг деярли барбод бўлишига олиб келди. Расмий статистика маълумотларига кўра, АҚШда камбағаллар сони айни пайтда 46 миллион кишига етган. Айримлар бунга мамлакат молия вазири Гайтнер олиб бораётган молиявий сиёсат сабабчи деб ҳисоблаб, унинг истеъфосини талаб қилишмоқда. Вазир жаноблари: “Республикачилар давлат қарзи даражасини оширишга аввалроқ рози бўлганларида, аҳвол бу қадар ташвишли бўлмас эди”, деган мазмунда хотиржам жавоб қайтарди. Республикачилар бўлса, ҳамма айбни Президент Обама маъмуриятига, у бошлиқ демократларга тўнкашмоқда. Бундан бир неча йил аввал янги президент инаугурация куни Американи янгилаш, қайта қуриш, иқтисодий салоҳиятини ошириш тўғрисида анча ёқимли гаплар қилганди. Рақобатчи партия вакиллари бу ваъдаларнинг кўпи амалга ошмагани боис, Обаманинг мамлакатнинг давлат қарзи даражасини 2,4 триллион долларга кўтариш тўғрисидаги қарорига жиддий қаршилик қилишди. Дефольт ҳолати деярли эшик қоқа бошлагач, Конгресс 26 та қарши овоз билан бу қарорни маъқуллади.

Ҳолва деган билан оғиз чучимганидек, қарз даражасини ошириш билангина молиявий тангликдан чиқиш мумкин эмас. Бунинг демократлар ҳам, республикачилар ҳам яхши тушунишади. Хўш, унда нима қилиш керак? Айбни фақат бир кишига тўнкашдан фойда йўқ. Шарҳимиз бошида айтиб ўтганимиздек, оёқни кўрпага қараб узатиш, ғоз

юриш қиламан деб, ортиқча чиранимаслик принципигина аҳволни ўнглаши мумкин. Бу — биргина АҚШга ёки Грецияга, Испания ёки Португалияга тегишли иқтисодий қоида эмас. Катта ёки кичик мамлакатда, эндигина иш бошлаган оддий фермер хўжалигида бўлсин, даромад ва харажатларнинг ўзаро мутаносиблиги сақланиши, экспорт ҳажмининг изчил ошиб бориши ва ишчи ўринларининг кўпайишига жиддий эътибор қаратилиши керак. Иккинчидан, молия-банк тизимида ўрнатилган тартиб-қоидалар жонсиз, қотиб қолган организм эмас. Берлин девори қулаганидан бери дунё бутунлай ўзгариб кетди. Наинки дунё, одамлар, уларнинг касб-кори, турмуш тарзи, фикрлаш қобилияти, харид қуввати ва бошқа кўплаб жиҳатлар ҳам ўзгарди. Бугун энг оддий касб эгаси ҳам ўзи истиқомат қилаётган мамлакатда, шу яқин-атрофда, дунёнинг олис чеккаларида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни фикран мушоҳада этиб, уларга мустақил равишда муносабат билдира олади, ўзи учун зарур хулосалар чиқаради. Бундан англашиладиган хулоса шуки, у ёки бу мамлакат иқтисодининг оғир юкини бошқалар елкасига ортиб қўйиб, бамайлихотир юриверадиган замонлар ўтди. Ҳар ким ўзи пиширган ошни ўзи тановул қилиши керак.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги жамики касбларнинг 20 фоизи бундан атиги 30 йил аввал мутлақо бўлмаган. Бугун Еврохудда истиқомат қилаётган аҳолининг ҳар ўндан бири шу ерда эмас, бошқа бир мамлакатда туғилган. Расмий ва норасмий миграция давом этмоқда, бу жараённи тақиб йўли билан тўхтатиш қийин. Чунки одамларнинг дунёқараши, инсоний ҳақ-ҳуқуқларини англаши ахборот оламининг ялпи глобаллашуви шароитида шаклланимоқда. Давлатга қарашли бўлмаган жамоат ташкилотлари, бирлашмалар, хайрия жамғармалари сони ва уларнинг

жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни тобора ошиб бораётир.

Обама “Ҳар иккала партия қўлни қўлга бериб, биргалиқда ишлаши керак, янги ишчи ўринларини яратишимиз, иш жойини йўқотганларга, йўқотиш арафасида турганларга, фарзандларини ўқишга, ишга жойлаш ниятида юрганларга ёрдам кўрсатишимиз зарур. Ҳамма муаммони оддий ходимларга, масалан, медицина ҳамшираларига юклаб қўйиш тўғри бўлмас, миллиардерлар, йирик нефть компаниялари янада кўпроқ солиқ тўлашлари лозим”, демокда. Унинг давлат қарзини камайтириш, янги ишчи ўринларини яратиш чоралари тўғрисидаги режаси бугун оддий америкаликларда маълум умид учкунларини уйғотаётир. 447 миллиард долларлик бу режа, президентнинг фикрича, мамлакат молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилашда, рецессиянинг иккинчи тўлқинидан имкон даражасида ҳимояланишда, иқтисодиётни соғломлаштиришда ва одамларни ишчи ўринларига қайтаришда маълум аҳамиятга эга бўлади, албатта.

Мазкур режага кўра, бу маблағнинг 35 миллиард доллари маориф соҳаси ва фавқулодда ҳолатлар хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга, 30 миллиарди мактабларни ривожлантиришга, 10 миллиарди автомобиль ва темир йўллари, кўприк ва аэропортлар қуришга сарфланади. Яна 50 миллиард доллар маблағ олти миллион кишига ишсизлик нафақаси сифатида тўланади. Обама режасида бадавлат америкаликлардан ва йирик компаниялардан олинадиган солиқ миқдорини сезиларли даражада ошириш кўзда тутилган. Мутахассислар бўлса, бу чоралар нари борса икки-уч йил самара бериши, молиявий танглик муаммосини тўла ҳал қила олмаслигини таъкидлашмоқда. Уларнинг фикрича, бугунги ҳолатда асосий этиборни мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратиш лозим.

Европага назар ташласак, бу ерда ҳам воқеалар ривожини “қизгин” паллага кирган. Тинкаси қуриган Греция Европа Иттифоқидан навбатдаги транш-ёрдам пулини кутиб турибди. Ҳукуматнинг давлат харажатларини қисқартириш режаси жамият ҳаётида кескин вазиятнинг юзага келишига сабаб бўлди. Иқтисодчиларнинг фикрича, бу режа аҳволни ўнглаш ўрнига, уни янада мураккаблаштириши мумкин. Қитъанинг ички ва ташқи муаммолари ўзига етиб ортади. Ёрдам сўраб қўл узатаётганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Йирик сармоядорлар учун узоқ йиллардан бери ишончли “сандик” бўлиб келаётган нейтрал Швейцарияда ҳам иқтисодий “об-ҳаво” салбий томонга ўзгарди. Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, Грецияда, борди-ю, дефолт юз берса, бу ҳолат қўшни мамлакатларга ҳам кўчади, натижада сармоядорлар Швейцария банкларидан бошқа “паноҳ” излашга мажбур бўлишади, шу боис Греция иқтисодини фақат янги “Маршалл плани” гина қутқара олиши мумкин деган фикрда қатъий туришибди. Бундай шароитда иш ташлаш, норозилик намойишлари авж олган мамлакатга шунчаки ебкетарга катта миқдорда, бунинг устига, бир эмас — бир неча марта ёрдам кўрсатадиган хотамтойни топиш ўта мушкул. Европада, АҚШда йўқ нарсанинг ўзи йўқ, аммо бекорга пул берадиган валломат қаерда дейсиз. Греция иқтисодиётини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган мамлакатлар ҳозирнинг ўзидаёқ ўз пулларини қандай қилиб қайтариб олиш тўғрисида ўйлашаётганининг, Швейцарияда эса Европа Иттифоқига аъзо бўлиш истагининг сустлиги сабаби ҳам шунда.

Евроиттифоққа аъзо мамлакатларнинг тегишли вазирлари молия операцияларини (пул жўнатмалари, акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар, олтин савдосига

доир олди-сотди шартномаларини) солиққа тортиш масаласини муҳокама қилишмоқда. Муаммонинг бир қисмини банклар зиммасига юклаш таклифи эса шусиз ҳам мураккаб шароитда турган банкирларга унча хуш келмаётганини тушунса бўлади. Халқаро валюта жамғармасининг янги бош директори Кристин Лагард хоним юзага келган тангликни жаҳон иқтисодиётида ўсиш суръатлари секинлашаётгани билан боғламоқда. “Жамулжам бўлиб, фаол ҳаракат қилмасак, йирик мамлакатларнинг иқтисодиётида барқарорлашиш ўрнига деградация ҳолатининг юз бериши хавфи мавжуд”, деб таъкидлади у. Жамғарманинг собиқ бошлиғи, лавозимидан шармандаларча кетган Доминик Стросс-Канн ҳам айтишга шундай гапларни айтган эди.

Тиббиётчиларнинг ҳаммага деярли таниш бир гапи ёдга тушади: “Касални даволашдан кўра, унинг олдини олган осонроқ”. Бугун дунёнинг умумий манзара-моҳияти шундан иборатки, йирик мамлакатлар у ёқда турсин, сафарга отланган оддий пиёда, уч-тўрт кишилик мўъжаз оила бошлиғи ёхуд оддий фермер хўжалиғи раҳбари ҳам фақат бугунги, бугунги муаммолар ечимини ўйлаб кунни кеч қилиши мумкин эмас. Эртани, яқин-олис келажакни, бу йўлда қандай тўсиқ ва муаммоларга дуч келиши мумкинлиги-ю, улардан соғ-омон, беталафот ўтиб олиш йўллари тўғрисида жиддий бош қотириши керак. Президентимиз Ислам Каримовнинг “Қарз олиш осон, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртани, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз зарур”, деган зарур ҳаётий кўрсатмаси кўпчиликнинг ёдида, албатта.

2008 йили АҚШ ипотекали кредитлаш тизимидаги тангликдан бошланган жаҳон молиявий инқирози, аслида, қутилмаган воқеа эмас эди. Кредит бериш соҳасидаги ортиқча хотамтойлик, ҳар бир

банкнинг конкрет қобилятини ҳисобга олмаслик давлатимиз раҳбарининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида айтилганидек, “жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айтиш вақтида бу инқироз асосан ўз кооператив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади”.

Мазкур асарда бундай инқирознинг кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши бир қанча омилларга, жумладан, ҳар бир мамлакатнинг молия-валюта тизими нечоғли мустаҳкам, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги, уларнинг чет эл корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилятига боғлиқ эканлиги чуқур ва атрофлича очиб берилган.

Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурининг қабул қилиниши, унда кўзда тутилган вазифаларнинг изчиллик билан бажарилиши ва, айтиш чоғда, истиқлолимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилига асосланган “Ўзбек модели”, жонли тил билан айтганда, айтиш муддао бўлди. Мазкур дастурга кўра, мамлакатимизда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ташқи бозорга маҳсулот чиқараётган корхоналарни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, ишлаб чиқаришда қатъий тежамкорлик тизими-

ни жорий этишга, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархидан камайтиришни рағбатлантиришга, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатини янада кучайтиришга, барча соҳаларда янги ишчи ўринларини яратишга алоҳида эътибор берилди ва ушбу жараён бугун ҳам давом этмоқда. Президентимизнинг фармонида биноан фуқароларнинг банклар депозитларидаги омонатлари, уларнинг миқдоридан қатъи назар, давлат томонидан тўла кафолатланади. Жаҳон “Мудис” рейтинг агентлиги Ўзбекистонда банк-молия тизимининг барқарорлигини расман эътироф этди.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида” алоҳида қонун қабул қилиш таклифи этилган. Ўзбекистон Республикасининг шу йил 14 сентябрда кучга кирган “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни фикримизга далил бўла олади. Ушбу қонунга биноан,

янги ташкил этилган фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида, акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти, шунинг-дек, фермер хўжаликларининг бюджет ва марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти дастлабки икки йил мобайнида режали текширишдан ўтказилмайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, янги асрнинг глобаллашув деб ном олган янги воқелиги одамлар, мамлакатлар ва минтақалар тақдирини бир-бирига чамбарчас боғлаб қўйди. Бугун дунёнинг бир чеккасида юз берган, бир қарашда оддий бўлиб туюладиган воқеа, ҳеч вақт ўтмай, бошқа бир чеккада одамлар ҳаётида, турмуш тарзида акс садо бериши, маълум мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, Қўшма Штатларда бундан атиги уч-тўрт йил аввал кредит беришда дуч келган кишига марҳамат кўрсатилаётгани бошқа бир қатор мамлакатларда неча минг-минг кишининг ишсиз қолишига, уй-жойидан ажрашига сабаб бўлишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз?! Шундай экан, бепарво, хотиржам, узоқни кўзламай яшаб бўлмайди. Нажот — огоҳлик, дунёнинг қай бир пучмоғида урчий бошлаган иллатни ҳам кўздан қочирмасликдадир.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

“Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал...”

Сўз санъатида азал-азалдан ёзилмаган бир қонуният бор. Хусусан, катта адабиётни беназир истеъдод эгалари — катта шахслар яратади. Бу нарса, аввало, сўз санъаткорининг истеъдод даражаси ва шахслик миқёси, нуқтаи назари билан адибнинг эстетик ғоялари, қарашлари бадиий образларга синдирилган ҳолда ифодалангани боис юксак қадр-қиммат топади. Бетакрор мазмун-моҳият касб этади. Эстетик ҳодиса сифатида бадиий маданиятда янги саҳифа очади.

Бадиий адабиёт, шу жумладан шеърятнинг ҳам ёзилмаган қонуниятларидан бири, бу — босма қолипларни асло ҳазм қилолмаслигидир. Юксак санъат асарлари онгда шаклланган тургун тасаввурларни синдириш асосида юзага келади. Бадиий тафаккур кўз очиб дунё танибдики, минг йиллар мобайнида ана шу асрий анъана давом этиб келаётир.

Поэтик тафаккур салоҳиятини симоб доначаларига қиёслаш мумкин. Симобни гарчанд, кўз билан кўрсак-да, қўл билан ушлаб бўлмаганидек, шеърдаги фикр билан туйғуни қўл билан ушлаб, кўриб бўлмайди. Уларни ёлғиз ҳис этамиз, ички ҳиссий идрок ила туямиз. Тахайюллар асосига қурилган мажозий образлилик, бу — воқеликни, инсонни, руҳоний ҳаётни реалистик идрок этиш шакллари билан бири. Бадиий тафаккурдаги мазкур йўналиш XX аср ўзбек шеъриятида Рауф Парфи ижодий изланишлари билан боғлиқ ҳолда гўзал ҳодисага айланди. Салкам ярим аср бадалида бадиият мактаби сифатида шаклланди. Бу — миллат бадиий диди ва эстетик савиясининг янги босқичи демакдир.

Хўш, бунинг моҳияти нимадан иборат? Хусусан, биргина Р.Парфи шеърияти мисолида кузатадиган бўлсак, Ватан мустақиллиги, миллат озодлиги, шахс эрки масалаларининг бадиий талқинларида, эзгулик, адолат, гўзаллик ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларни умумбашарий қадриятлар маъносида беҳад кенгайтириб юборди. Жумладан, Р.Парфи эстетик қарашларига кўра санъаткор асарларининг бадиий-эстетик нафосати, ижтимоий-фалсафий аҳамияти муаллиф қайси миллатга ёхуд Мағрибу Машриқ маданиятларига мансублиги билан белгиланмайди. Бадиий асарнинг қадр-қиммати миллий-башарий қадриятларни нечоғли ҳимоя қилганлигида, улуғлай олганлигида, умуминсоний мазмун-моҳиятида, инсон кўнглини қанчалик кашф эта билганлигида, деб тушунади.

Шу маънода, Рауф Парфи ва унинг авлоди шўро даври фарзандлари эмас, балки миллий маданият фарзандлари бўлиб қолди. Шоирнинг бадиий-эстетик тажрибаси шўро мафқурасининг таъқиб ва тазйиқлари остида онгимизга, дунёқарашимизга катта тўлқин олиб кирди. Хусусан, бу фаолият шахсларни тарбиялаш, шакллантириш мақсадини кўзда тутди. Ушбу жараёнда Рауф Парфининг ижтимоий-сиёсий қарашлари бадиий-эстетик туйғуси билан омухта ҳолда шаклланди. Шоир эстетик қарашларининг илдизи халқимизнинг минг йиллар мобайнида қарор топган ижтимоий, бадиий, фалсафий тафаккури сарчашмаларига бориб туташади. Шоирнинг адабий асарни баҳолашдаги нуқтаи назарини кўздан кечирадиган бўлсак, у шеърдаги сўзнинг бадиий-эстетик вазифасини белгилаш ҳолатида кўзга яққол ташланади.

Маълумки, жаҳон эстетикаси тарихида Шарқ шеърияти рамзлар асосига қурилган мажозий бадиий тафаккур маданияти, деб таснифланади. Гегел

“Эстетика” асарининг “Эпоснинг моҳиятан фарқли белгилари” бобида (XIV жилд, 275-бет) Шарқ эпоси символик типдаги, рамзлар асосида юзага келган, дея таъриф беради.

Тўғри, мажозийликни ёлғиз бир халқ шеърятига хос, дея чеклаш мумкин эмас. У турли шаклларда барча халқлар шеърятига мавжуд. Шу боисдан Рауф Парфи: “Биз биладиган барча тоғларнинг чўққилари бор. Бунда метафора энг баланд – бош фигура”, дейиши бежиз эмас. У шеърятимизнинг ўзига хослигини, ўзгариш жараёнида кечган хусусиятларини белгилашда унга ёпиштирилган турли хил зўрма-зўраки ёрликларни, сунъий аломатларни кескин рад этади.

Жаҳон шеърӣ тафаккурини жиддий ўзлаштирган ва ўз ижодига муваффақиятли талбиқ эта олган шоир метафоранинг гўзал намуналарини яратди. Бу борада юзлаб мисоллар келтиришимиз мумкин, аммо биз «Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал» деб бошланадиган гўзал шеърдан бир парча келтириш билан чекланамиз:

Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал,
Майсалар эгилиб ўқийди китоб.
Шодланиб хандалар отар бир лаҳза,
Бир лаҳза оҳ тортиб қўяди офтоб.

Мана шундай содда ва самимий, юракка тез етиб борадиган метафоралар, шоирона нигоҳ билан топилган шеърӣ образлар асосида фикр юритиш, шеър мазмуни, гоёсини чуқурлаштириш Рауф Парфи шеърятининг ўзагини ташкил этади.

Танқидчилик ўзбек шеърятининг XX аср 60-йилларида оддийлик, содалик, самимийлик сингари аломатларини бадииятнинг муҳим хусусиятлари сифатида қайд этган эди. Лекин бу мезон шеърятимизнинг мазкур даври ривожи учун хос етакчи хусусиятларни ўзида тўла акс эттирмайди.

– Шеърят фикран ботинийлиги туфайли ўзида жамиятга қарши танқид уруғини асрай олади, – дея тушунтиради шоир сўзнинг бадиий-эстетик маъно қирраларига эътибор қаратар экан. – У ҳамма замонларда ўз билганидан қолмай, ҳақ сўзни айтишнинг турли йўллариини топган, биз унинг овозини доим эшитиб турдик.

Англашиляптики, ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантириш ўзбек шеърятни тараққиётининг барча даврлари учун ҳам бош хусусият бўлиб келган. Лекин унга эришиш йўллари кўп, усуллари ниҳоятда хилма-хил. Хусусан, мажозий образлиқ ҳақ сўзни айтиш, воқеликни реалистик идрок этиш шаклларидан биридик. Р. Парфи таъбири билан айтганда, шоирни қуйлатган ҳазрати инсон. Унинг ҳаққи-ҳуқуқлари – шеърятнинг ҳам ҳаққи-ҳуқуқларидир. Жаҳолатнинг ранглариини, зулмнинг маъносини, адолатсизликнинг сирти шакар, ботини заҳар табиатини образлар тилига кўчирган тимсоллари билан йўғрилган реализм Рауф Парфи ижодий индивидуаллигини тайин этади.

Ўтган асрнинг 80-йиллари ўзбек танқидчилигида бадиий тафаккурнинг ушбу кўриниши моҳиятини тушунмасликданми ёки тушунишни истамаганликданми, писандали “Шоир нима демоқчи, шеър нима деяпти” қабилдаги мақолалар ҳам юзага келди. Уларда айрим ёш шоирлар шеърларидаги бадиий шартлиликни, мажозий образларни, рамзларни Фарбга тақлидчиликда, ўта мураккаблик ва мавҳумликка йўйиш расм бўлди. Тимсолли образлар сарбастдаги изланишларида ёрқинроқ тажассум топгани туфайли уларни Фарб шеърятига тақлид дея тушунишди. Ваҳоланки, маълум бўлишича, шеърнинг бу шакли аввалги минг йилликда мўйсафид Шарқнинг қадимий битикларидаёқ мавжуд экан. Ушбу ҳодиса, айрим танқидчилар айтгандек Фарб ва Лотин Америкаси адабиётига тақлид эмас, аксинча, эстетик таъсир самараси ўлароқ юзага келди. Шу боисдан ҳам шоир бу ёзувчиларда ўзимиз англамаган ўзимизникини топдик, дейди.

Шоир эстетикасида дил эркинлиги масаласи алоҳида ўрин тутди. Рух, кўнгил хуррияти, эрк феномени Рауф Парфи эстетикасида ижтимоий-фалсафий категория даражасида бадиий талқиқ этилади.

Рауф Парфи эстетик қарашларининг илдизларини, баҳрамандлик омилларини ёлғиз табиат манзараларидан излаш мумкин эмас. У жаҳон адабиётни бадииятнинг

мумтоз намуналаридан ҳаёт сувини ичади. Шу боисдан ҳам шоирни жаҳон эстетикасидаги тимсоллар реализмига, туйғулар реализмига мойил санъаткорлар кўпроқ қизиқтиради. Хусусан, реализм эстетикасига кўра, шоирни зулм-истибодга қарши шахс эрки масаласи, табиатнинг тўрт фаслига монанд кечинмалар тугёни, ҳаёти банд этади. Шу боис шоир адабий асарларнинг эстетик қиммати ва аҳамиятини белгилашда уларнинг бадииятини бош мезон деб билади. Бошига қилич келганда ҳам фақат рост сўзлаш, Ҳақ ва Ҳақиқатни ёқлаш, ҳар қандай ёлгон, риё, макр, зулм ва хиёнат кўринишларини инкор этиш, уларга қарши исён кўтариш Рауф Парфи эстетикасининг мағзини ташкил этади.

Шеър – бу сеҳр дунёси (Миртемир). Шоир кўнглини ўртаган оғриқли сўроқларга воқеликдан, жамиятдан жавоб излайди. Муайян қиёслар, образлар шу тариқа юзага келади. Хусусан, шахс эрки, кўнгил ҳуррияти одам билан бирга туғилади. Эркинлик бой берилган жойда фожиа юзага келади. Бахтини пойдор этиш ҳам, бахтсизлик чоҳига юзтубан йиқилиш ҳам руҳнинг нечоғлик уйғоқлиги, руҳоний саодатга боғлиқ. Рауф Парфи эстетикасида Турон-Туркистон мавзуи алоҳида саҳифани ташкил этади. “Турон-Туркистон мавзуи милоддан аввал ёзма адабиётларда юз кўрсатиб келади, – деб ёзади Рауф Парфи. – Миср-Бобил, Хитой-Ҳиндистон, Рум, Эрон, Оврупо, Америка сингари Турон-Туркистон, Турк дунёси жаҳон илму фани, маданияти, адабиёти ва санъати хазинасига гўзинингмуносиб меросини берди ва бераж ақдир” (“М оқият”, 2002, 17 май).

Ш оирнинг кўнглини, ижодини билмоқчи бўлсанг, унинг она юртини бориб кўр, деган макнат бор. Ш оирнинг Ватани – бу унинг сеҳри, туркимак маъноларни гўзга синдирган поэтик образлари Р Парфи лирикасидаги сўз, кўз, йўш ча, булоқ, дарахт, чироқ, хаёл, нур сингари образлар тақдор, турмаъно мазмун ифодалаш ита кўра тимсолга айланаёлди. Улар Туркистон халқларининг тарихий маёли саҳифаларини сурашлантиради. Туркий халқлар тақдирларидаги элтзлалани воқеалар моҳиятини акс этиради. М иллат тақдирда гўмас из ёлдирган ва айни кейинги юзйилликларда мудраган жўмардлик, курашчанлик рўини айта тирилтириш, оёйла итйиш, ф оолтикка даъват Рауф Парфининг Турон-Туркистон мавзудаги шеърларининг етакчи хусусиятларидандир.

Ана шу йғналиш да Рауф Парфи Чўлпон эстетикасидаги эрк Тоғларини нечоғлик ривожлантирганлигини кузатишимиз мумкин. Хусусан, Чўлпон эстетикасида миллийатчилик, асир Туркистон, эрк истиаби ва эрк рўи етакчилик йилади. Рауф Парфи шеърляти ана шу рўини гўз табиатида синдирган молда янли-янли йдраларини нурлантиради. Чўнончи, миллий бирликсизш ахс ҳам, миллат ҳам гўз борлигини саёлаб йола олмайди. Ватан мустаёйиллиги, миллат ҳуррияти, инсон эрки бевосита шу ахс рўининг эркинлиги, миллат рўининг уйёйлиги билан восил бўлади, деган бадий-ф алсафий концепция устувор.

Ш оир иллари сурган маэкур Тоғлар XX аср шу зўлмидан, коммунистик истибодд зуфумидан болалаган мулелик кўринишлари орияли ёритилади. “Туркистон ёди”, “Туркистон – энг ш ирин бгса”, “О на тилим”, “о зинтни аяма, бораёлган илдиз”, “У адимий туркийлардан”, “Ухлама сен, раийат”, “Уйёнар Туркистон, уйёнар дунё” каби гўлаб шеърлар ана шу йўшлу Тоғларнинг бадий-ф алсафий талпинлари гўроқ юзага келади (“Туркистон ёди. Н аёллар узундир, оёйдир буйгў”).

Яна йироқларга чорлайди мозий,
Ватан тушунчаси келар етаклаб,
Айрилган, жўланган улус овозин,
Ш оирнинг башини айтар этаклар.
Ясавий маёбари мунга йиш маёрур,
Товуш га айланди мар бир йиш транги.
“Дунёменинг деганлар...” Нидо келур,
“К аркас йўш дек...” йадим сўзлар жаранги.

“Ватанимизнинг энг буюк олимлари, ш оирлари Туркистон халқларининг бирлиги учун курашдилар. Туркистонни бир бутун молда кўришни орзу йилдилар, – деб ёзади Рауф Парфи. – Бумавзуш шеърлята Ватан, О на тупроқ каби муладдас сўзга айланди. М устаф о К амол О татуркнинг йўйидаги сўзларини эсланг: “Буюк давлатлар йўрган аждодларимиз буюк маданиятларга ҳам соғиб

бўлганлар. Буни ўрганмак, талбиқ этмак Туркни жаҳонга билдирмаклик бурчимиздир. Турк боласи аждоларни таниб оларкан, янада буюк ишлар учун ўзда қувват сезажакдир” (“Моҳият”, 2002, 17-май).

Рауф Парфи бадииятига хос хислатлардан бири, бу — Чўлпоннинг эркчилик ғояларини ривожлантирганликда кўринади. Яъни у Чўлпон йўлини давом эттирди. Адабиётда миллият, миллатсеварлик, ватанпарварлик, миллий руҳни янги босқичга кўтарди. Шу маънода, XX аср бошлари Чўлпон ва аср ўртаси — XXI аср тонги Рауф Парфи эстетикасининг маънавий маданият учун аҳамияти узвий. Чўлпон йўлини туган Рауф Парфи ўзбек руҳини, ўзбек сўзининг қадри-қаддини кўтарган, маданий-маънавий қадриятларни янгилашга, такомиллаштиришга интилган илғор шоир эди.

Рауф Парфи бадиий сўзнинг ана шу салоҳиятини тимсолли тафаккур қудрати ила бойитди. Дунёвий дил, оламгир ишқ, илоҳий ёруғлик инсоният тарихининг барча замон ва маконларида кечган санъаткорларни, уларнинг бадиий баркамол асарларини бирлаштиради. Зулм-залолат, ёлғон ва хиёнатдан ҳазар қилишдек муштарак салоҳият уларга юқтирилган, пешонасига битилган. Рауф Парфи эстетикасидаги дунёвий дил (кўнгил, руҳ эркинлиги), оламгир ишқ тушунчалари ўзининг теран маънолари ила ҳурмат уйғотади. Хусусан, шоирнинг санъатга қарашда неқбинлик хазин тушкунликдан холи, тимсолларга асосланган реалистик ифода маданиятини ривожлантириш, ўзбек сўз маданиятини ёлғондан, ялтоқи маддоҳликдан халос этиш сингари эзгу қарашлар мавжуд.

Рауф Парфи эстетикасида Руҳ эрки масаласи айрича аҳамиятга эга. У инсон ҳаётининг ҳар икки дунёсига дахлдор, таянч асоси. Одам маънавий фаолияти кўринишларида ўзлиги, демакки, руҳи ҳам мужассамлашган бўлади. Агар одамзод Руҳ деган олий маснадни билмаганда эди, башарият тарихи ҳам битилмаган бўларди. Инсон ҳаёти маънавий куч-қудрат тажаллиси эмас, қуп-қуруқ бўшлиқдан иборатлигигача қоларди. Одамни инсон деган олий мақомга кўтарган ҳам, тўрт оёқли жонзотдан фарқлантириб турган нарса ҳам, аслида, ана шу Руҳ. “Руҳсиз одам қул бўлади, — дейди Рауф Парфи. — Ичида Оллоҳ кўркуви бор одам эркиндир. У ҳамма нарсдан эркин. Худосиз одам қафасдаги одамдир. Улар ўзларини ўзлари қафасга солишган. Токи Оллоҳни топмагунларича бу қафасдан чиқолмайдилар. Ерда тирикчилик қилиб юрган одам учун ўлим ҳақида очиқ гапириб бўлмайди. Гувиллаб, гарангсиб юрган оломон буни англаши оғир. Санъат ҳамиша одамни, одамларни “ушлаб” турган.

Санъат — инсонни шакллантиради. Шаклланган одам ўзини енгиб, ўз қалбига сингишади. Ўзини текшира бошлайди. Фикрлайди. Шунча имконим бўла туриб шайтоннинг гапига кирдим, деймиз. Шайтон-аянчли, гўзал тимсол! Биз эса шунча хатоларимизни битта шайтонга юклаб кетаверамиз. Шайтон бизнинг бой берилган руҳимизни эгаллаб олган нафсимиздир. Шайтонга қарши кураш бутун илмдан иборат эканлигини, китоб шайтонга қарши ёзилганлигини била туриб, ҳар қадамингизда шайтонга дуч келаверасиз” (“Сухбатдош”, 1999, февраль).

Рауф Парфи эстетикасида бадиий сўз шафқатсиз ҳақиқатни ёқлашига кўра реализмнинг тахайюллар асосига қурилган тимсолли тафаккур йўналишига янги тўлқин олиб кирди, ўтли руҳ бағишлади. Лирикамик табиатини шартли реалистик ифода маданияти билан чуқурлаштирди. Бизни ҳамиша дил уйғоқлигига, ҳаёт маъносини, яшаш моҳиятини англаб етишга даъват этади. Ҳақиқат рангларини ҳис этишга, адолатнинг аччиқ таъмини тотиб кўришга мажбур қилади. Ҳақиқат, аслида, гўзаллик демакдир. Ҳаққа етишиш руҳоний эркинликнинг асл саодати. Адолат туйғусини кўнгилларда кўкартириш ҳам гўзаллик ҳодисасидир.

Рауф Парфи эстетикасида руҳоний эркинлик ҳақиқатнинг ўзидир, дея талқин этилади. У Оллоҳ жамолига етишиш йўлларида биридир. Лирик қаҳрамон тирикчилик водийсидаги кўримли ва сезимли нарсаларни ўз ҳаёт тарзига мувофиқ келмагани боис инкор этибгина қолмайди. Аксинча, иллатлар бўлгани учун уларни йўқотишга ошиқади. У руҳнинг буюк яратувчи, бунёдкор кучини алқайди. Йўқлик водийсидан борлик саодати сари йўналган руҳнинг соҳир туйғулари рангини кўрсатади, маъноларини суратлантиради.

Шу маънода туйғу ва фикр Рауф Парфи эстетикасида руҳоний эркинликка эришиш учун олис сафарга чиққан йўловчи. У ниҳоятда сезгир ва дилгир.

Хусусан, кўзларида титраган тонг шуълаларини силкитиб, шудрингдек тўкиб юбормайди. Оппоқ тонг тупроққа қоришиб кетмайди. У лирик қаҳрамоннинг қорачиғида кунларини узайтиради. Тонглар лирик қаҳрамон қорачиғида яшаб қолади. Фикр-туйғунинг ҳам жони бор, руҳи бор. Шоир шеъриятида улар миллат ва Ватан тимсолида қаддини ростлайди. Фикр – бу улкан Ватан. Қир-адирлару тоғлар, боғ-роғлару водийлар, кўллару дарёлар тафаккур томирлари. Шу боис фикр кўнгил булоқларидан сув ичади. Рауф Парфи эстетикасида ўтмиш ўз-ўзини англаш, янги сўз айтиш, келажакка одимлаш учун суянадиган таянч тоғ. Бир варақ қоғоз бамисоли жойнамоз бўлса, шоирнинг Оллоҳга тазарруси кечадиган майдон – бу шеър.

Келажак деганда шоирнинг лирик қаҳрамони руҳнинг эркинликка етишган эмин-эркин нафасини, довқур овозини тушунади. Миллат равнақи, Ватан иқболи билан боғлиқ эзгу интилишлар унинг қанотлари. Ҳар қандай мафкуравий қолиплар, чеклаш-чегаралашлар унга халақит беролмайди. Инсон ўзлигини, кўнглини қанчалик теран англай борса, эркиннинг табиатини тушунишга тайёрланади.

Руҳоний эркинлик – кўкдан қувилган осмон фаришталари эмас. Шоирнинг лирик қаҳрамони ана шунақа эркин тафаккур, ҳур туйғулар соҳиби. Тирикчилик – нафс манфаатдорлиги кўнгил эркини тушовлайди. Шу боис лирик қаҳрамон ушқдек эса-да, шукр қилади. Шукроналик ила яна фикрлашга тутинади. Дилни билиш – Ҳаққа етишиш йўлларида биридир.

Рауф Парфи эстетикасида сўз ўзини таниш, ўзликни билиш, кўнгилга қайтишгина эмас. Яна жамият сир-синоатларини, халқнинг дард-аламларини чуқур туйиш ва тушунтириш ҳам демакдир. Қайноқ воқеликка сингиб кетиш, халқ кўнглида бўлиш, миллат идеалини билишдир. Шоир таъкидлашига кўра, санъатнинг бош вазифаси инсонни ҳимоя қилиш, инсонни улуглаш, инсондаги одамийликни, юксак маънавий-ахлоқий хислат-фазилатларни ардоқлаш, камол топтириш ва шу тариқа Оллоҳ жамолига етишишдир. Алалхусус, Сўз Ватан демакдир. Зеро, “Ватансиз Сўз йўқдир. Инсон Оллоҳга ибодат вақтида ҳам сирли бир умид билан унинг овозини тинглашга чоғланаркан, аввало ўзининг сўзида ўзини эшитади. Сўз бизнинг вужудимиздадир. Биздан йироқлашиб ва яна бизга қайтиб, туғилганимиздан то ўлимимизга қадар миннатсиз хизмат қилади. Сўз Борлиқнинг руҳини, коинотнинг чексизлигини билдириб туради; бу ҳол ҳали-ҳозирча бизнинг билимларимиздан ташқари, биз фақат буни Сўзнинг сеҳридан деб хаёл қиламиз. Шу билан бир вақтда Сўз ҳар қачон шахсиятимизнинг айни тамгаланган фото нусхасидир” (Чингиз Айтматов).

Шоир талқинидаги ишқ, бу – туш мисоли тутиб ва етишиб бўлмас Эрк, Ҳақиқатга эришиш. Бу – фикр, туйғу ва Руҳ эркинлиги демакдир.

Шоир сўзни кўнгилга олиб кирди. Руҳ ифодасига айлангирди. Сўз – Рауф Парфининг хумо қуши, дулдули, буроқ тулпори. Сўз орқали у ҳақиқатга етишади. Кўнглидан силқиб, сизиб чиққан сўзлар сукунатнинг ўчоғига ўт қалайди. Ва шу тариқа, шоир шеъриятида сўз ёнади, тун ёнади, сукунат ёнади.

Демак, Сўз ҳаётнинг ўзи, ҳақиқатнинг кўзи. Бу – Рауф Парфи шеъриятининг мағзи демакдир.

*Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари доктори*

Порлоқ келажак башоратчиси

Чарлз Диккенс XIX аср инглиз адабиётининг йирик намояндаси бўлиб, унинг ижоди ҳануз тадқиқотчилар эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда. Ёзувчининг ижодий мероси рус адабиётшунос олимлари М.Т. Тугушева, И.Т. Сильман, Н. Михальская, Н.М. Александрова, В.В. Ивашев, А.Н. Аненская томонидан ўрганилган ва таҳлил қилинган бўлса-да, бироқ ёзувчи ижодий меросининг моҳияти ва услубий ранг-баранглиги тўлиқ қамраб олинмаган.

Чарлз Диккенс асарларида ўзи яшаган давр, замондошларини танқид қилиш билан бирга ахлоқий-эстетик идеалларни акс эттириш орқали одамларнинг руҳий кечинмаларини образли ифодалаб беришга муваффақ бўлди. Унинг асарлари орқали биз Англиядаги ижтимоий ҳаёт, одамлар, жумладан, болалар ҳаётининг характерли нуқталари ҳақида тасаввурга эга бўламиз.

Чарлз Диккенс ёлғизлик ва хор-зорлик азобини чекаётган минг-минглаб етим болаларнинг аҳволини яхши билган. Мурғак болаларни жисман ва руҳан майиб-мажруҳ этаётган, зодагонлар қатламини ўз асарларида аччиқ киноя остида фош этади. Айни шу мавзуда яратилган “Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари” романи Чарлз Диккенс ижодида, шунингдек, инглиз ва жаҳон адабиётида шу мавзудаги ноёб бадиий дурдоналардан ҳисобланади. Роман 1837-1838 йилларда яратилган бўлиб, истеъдодли таржимон Эркин Миробидов томонидан 1984 йили ўзбек тилига таржима қилинди.

“Чарлз Диккенснинг “Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари” романи бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ, – деб ёзади олима Сиддиқа Аъзамова. – Чунки жаҳон ҳали дунё Феджин, Сайкс, Монкс каби шахслардан бутунлай халос бўлгани йўқ. Шундай пайтда кишини руҳий ҳушёрликка қақирадиган асарнинг нашр этилиши айни муддаодир. Мазкур асарнинг ўзбек тилига таржима қилиниши адабиётимиз ва маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлиб қолди”.

Танқидчилар Американинг буюк адиби В. Ирвинг новеллаларидаги нозик юмор, инглиз адиби Чарлз Лэмнинг “Элия ҳақида бадиалар” китобидаги кинояли ҳазил-мутойибалар Диккенс ижодини озиқлантирган манбалар эканлигини айтишади. “Мўъжизавий кучга эга бўлган, инсон меҳнатини ва унумдорлигини ошириш учун кашф этилган машина ишсизлик, бинобарин, очарчилик ва қашшоқликни вужудга келтирмоқда. Янги ихтиро этилган бойлик манбалари тақдирнинг аллақандай қудратли афсунлари туфайли йўқчилик манбаига айланмоқда. Санъат ғалабалари ҳам, назаримда маънавий фазилатларнинг камайиб кетиши оқибатида қўлга киририлмоқда. Инсон табиат устунидан ҳукмронлигини қанчалик кучайтирса, ўзи шунчалик даражада бошқа инсонларнинг қулига, ёинки ўз тубанликларининг қулига айланиб бормоқда. Ҳатто илм-фан нури ҳам, чамаси, фақат жаҳолатнинг қуюқ зулматида ёрқинроқ порлайди”, дейди “Диккенс” номли асарига Т. Мальсам. XX асрдаги тараққиётнинг мана шундай зиддиятларининг жирканч манзараларини биз “Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари”нинг жуда кўп саҳифаларида учратамиз. Англия ҳукумати “Биз

дунёда энг яхши инсонпарварлик, хайр-эхсон намуналарини кўрсатаяп-миз”, деб мақтанаётган бир пайтда Диккенс бу гапларнинг мувофиқлик, риёкорликдан бошқа ҳеч нарса эмаслигини бадий заковат билан кўрсатди. Асар инглиз матбуотида бир қанча баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Уша замондаги танқидчилар асарнинг қадр-қимматини қийинчилик билан тан олдилар. Бундан ташқари Чарлз Диккенс ўз олдига ночор, заиф ҳолда яшаётган “паст табақа вакиллари”ни адабиёт оламига олиб киришни мақсад қилган эди. Аммо кўпчилик Диккенсни оддий халқни “сохталаштиришда” айблашди, меҳнат уйида туғилиб ўсган болани асарнинг бош қахрамонига айлантириб, адиб даҳшатли ҳақиқатни жасорат билан фош этади.

“Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари” асари устида ишлаш жараёнида ёзувчи ўз мамлакатидаги меҳнат уйлари ва уларда ўрнатилган тартиб-интизомларни синчковлик билан ўрганди ва чуқур таҳлил қилди. Айнан асарнинг дастлабки бобларида адиб меҳнаб уйидаги болалар ҳаётини тасвирлайди.

Асар қахрамонларидан бири Мэнн хоним ўта тежамкорлиги туфайли катта маблағга эга бўлади. Чунки меҳнат уйи мутасаддилари томонидан ажратилган пул ҳам болаларга эмас, Мэнн хонимнинг ҳаменини тўлдиришга хизмат қиларди. Болаларни кўришга келган меҳнат уйи вакиллари кўзлари эса ҳамиша озода кийинган, фермадаги ҳаётдан мамнун бўлган болаларни кўрар эди. Ёзувчи Мэнн хонимнинг хатти-ҳаракатини сатирик курул орқали мохирлик билан гавдалантиради. Чарлз Диккенс асарда тасвирланган ўғрилар макони бўлган Лондон асар объекти бўлиб, бу шаҳарнинг хароба жин кўчалари, мулкдорлар оламидаги ифлосликлар, муҳтожлик, жиноятлар аччиқ кулги йўсинида бадий идрок қилинади. Мана шундай гоёлар асарнинг “Социал фони”ни ташкил этиб, унинг сюжетини кучайтиришга хизмат қилади. Мусаввир Диккенс ўғрилар оламидаги воқеликни асарнинг бошқа эпизодларига қараганда рангбаранг бўёқларда тасвирлайди. Ҳаяжонли, мелодраматик мотивлардан ва ташқи эффектлардан узоклашмаган ҳолда анъанавий тарзда образларни талқин қилишда изчиллик билан воқеалар драматизминини акс эттиради.

Ёзувчи воқеликни ёритишда айнан комик усулдан, тилнинг бойлигидан унумли фойдаланган ҳолда ёзувчининг реал ҳамда индивидуал нутқи бири-бирига яқин бўлган персонажлар ишлатган жаргонлар орқали фарқланади. Асар давомида адиб комик лавҳалар билан бирга кўрқинчли сахналар тасвирини ҳам сақлаб қолади. Бу туйғулар биргаликда асар қахрамони Оливер Твистнинг “мусибатларни” енгиб ўтишига ёрдам беради. Воқеликни тасвирлашдаги ҳар бир сўзда диккенсона услуб мавжуд бўлиб, воқеаларнинг тасвирланишида характер қирраси – Оливернинг танҳолиги, унинг ёлғизлигида яққол сезилади. Асарнинг асосий қисми оилавий сир асосига курилади, ташландиқ бола таниқли, бой-бадавлат оиланинг аъзоси бўлиб чиқиши, бу инглиз романларидаги анъанавий мавзу бўлса-да, Англиядек аристократ заминда феодализмдан қолган ворислик тартиби инглиз жамияти пайдо бўлганидан бошлаб ўз кучини йўқотмаган эди. Асар Англияда мавжуд бўлган инглиз жамиятида кескин ўзгариш содир этди. Айнан болалар тақдирини долзарб мавзуга айлантириб, Чарлз Диккенс инглиз халқининг келажакни қандай бўлишини ойнадек равшан акс эттирди. Зеро, келажак авлод тақдири буюк мусаввир тасвирлаганидек ҳақиқат бўлиб юзага чиқди. Ҳақиқатдан ҳам Оливернинг бошидан кечирган мусибатлар минглаб инглиз болаларининг ҳаётидаги қора кунлар эди. Ўз жигарбандларини бундай аҳволга солган жамиятдан Диккенс асло рози эмас эди. У келажак авлод тақдирини бундай қолдириб бўлмади, улар кун келиб, бундай мамлакатнинг аҳолидан эътироз билдирадидилар. Англиянинг келажакни бўлган авлоднинг ҳақиқий инсон сифатида улғайиши керак, дея бонг урган Чарлз Диккенс ҳаётий ва аччиқ ҳақиқатни шу каби асарларида алоҳида қайд этган эди.

*Хулкар МУҲАМЕДОВА,
ЎзДЖТУ аспиранти*

Дунё тан олган аллома

Ўзбекистон тарихида XX асрнинг биринчи ярми алоҳида эътиборга молик. Айни шу даврда Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳаларда дадил қадамлар қўйилди. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида жадидларнинг даъвати қолоқлик, саводсизликка қарши кураш ва жамиятни янги ривожланиш сари бошлаган эди. Бундай йўналишни биринчи галда шу заминнинг улуг фарзандлари шоир ва ёзувчилари Бехбудий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдилла Асадиллаҳўжаев, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийлар бошлаб берган эдилар.

Ўзбек адабиётининг етакчи адиблари изидан Қори Ниёзий, Ҳабиб Абдуллаев, Малик Набиев, Муҳаммаджон Ҳрозбоев, Иброҳим Мўминов, Обид Содиқов сингари ўзбек фанининг фахри бўлган олимлар фаолият кўрсата бошладилар. Уларнинг ёрқин хотирасини ҳамиша ёд этиш муқаддас бурчимиздир.

Ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, етук олим, моҳир педагог, фаол жамоат арбоби, ўғитлар кимёси ва технологияси соҳасидаги Ўзбекистон олимларининг меҳрибон устози, Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ФА академиги Малик Набиев 1913 йил январда Тошкентда камбағал деҳқон оиласида туғилган эди.

У Иваново шаҳридаги Кимё ва технология институтини тамомлагандан сўнг 1935-1940 йиллар давомида Донбасда, Горловка шаҳридаги азотли ўғитлар ишлаб чиқариш заводида катта инженер вазифасида иш бошлади.

М.Набиев 1938 йили биринчилардан бўлиб “Кимё саноати халқ комитети аълочиси” нишони билан тақдирланди. Ушбу завод ишчи жамоасидаги беш йиллик фаолият Унинг келажакда етук мутахассис бўлиб етишишига муҳим асос бўлди.

27 ёшида М.Набиев Чирчиқ электрокимё комбинати ишга тушиши муносабати билан Тошкентга юборилди ва ушбу комбинатда бош муҳандис сифатида иш бошлади. Бу ерда М.Набиев асосий эътиборни малакали ишчи мутахассислар тайёрлашга қаратди.

1944-1945 йилларда у ўриндошлик асосида Ўрта Осиё Индустрининг институтини ноорганик моддалар технологияси кафедрасини бошқарди, кейинчалик ушбу кафедрада доцент лавозимида ишлади. Ушбу даврда М.Набиев томонидан аммиакли селитра қовушқоқолигига қўшимчаларнинг таъсир этиш механизмининг назарий асослари ишлаб чиқилди. Қоратог фосфоритларини ва апатит концентрантининг азот кислотаси билан ишлов бериш орқали олинган РАН ва РФМ моддаларининг аммиакли селитранинг физик-кимёвий ва механик хоссаларига таъсирини ўрганди. Булар эса 1949 йилда Чирчиқ электрокимё комбинатида ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

М.Набиев табиат инъом қилган кўп фазилатларга эга шахс бўлиши билан бирга ўзига хос улуг кашфиётчи сифатида кўпгина замондош олимлари ичида алоҳида ажралиб турар эди.

Олимларни бир-бири билан маслакдошлик, дунёқарашидаги яқинлик, ҳамдардлик яқинлаштиради.

М.Набиевдек олим билан катта бир илмий баҳс-мунозарада қилган маърузаларимиздаги ҳамоҳанглик, инсон саломатлигига бефарқ қарамаслик талаби бизни яқинлаштирди.

Вақт ўтган сари илмий йўналишимизда беморларни касалликдан асраш учун профилактикага эътибор зарурлиги ҳақидаги қарашларимиз ҳам муштарак эканлиги маълум бўлди.

М.Набиев дунё олимлари эътироф этган қишлоқ хўжалигида ўта зарур ўғитлар тайёрлаш кимёсининг Ўрта Осиёда ягона мактабини яратган академик эди. Унинг жонбозлиги туфайли янги-янги кимёвий минералларга бой моддаларни кашф қилиш натижасида Ўзбекистон ҳудудларида қўлланиб келинган ўта заҳарли ДДТ, бутифос каби зарарли моддаларни қишлоқ хўжалигида қўллаш давлат қарорлари асосида бутунлай йўқ қилинди. Бу юксак инсонпарварлик иши академик Малик Набиевнинг жасорати туфайли амалга оширилди.

1951 йилда Ўзбекистон ФА Кимё институтида ўғитлар кимёси ва технологияси лабораторияси ташкил этилди. Унинг замини 1966 йилда таркибида 12 лаборатория, жумладан, Чирчиқда, Самарқандда ва Олмалиқда синов-тажриба ишлаб чиқариш базасига эга бўлган ўғитлар кимёси ва технологияси бўлимини узоқ йиллар академик М. Набиев бошқарди.

Олим фосфатларни азот кислотаси билан қайта ишлаш кимёси ва технологияси муаммоларини ўрганишга ҳам катта эътибор берди.

Фосфатларни азот билан қайта ишлаш кимёси ва технологияси борасида олиб борилган илмий изланишлар натижалари М.Набиевнинг 1957 йилда “Фосфатларни азот кислотаси билан қайта ишлаш”, 1965 йилда “Фосфатларни азот кислотаси билан қайта ишлаш асосида олинган суюқ мураккаб ўғитлар” ва 1976 йилда икки жилдли “Фосфатларни азот кислотаси билан қайта ишлаш” номли монографияларида ўз аксини топган.

Азот кислотаси билан фосфатларни қайта ишлаш жараёнини ўрганиш ва изланиш натижасида М.Набиев раҳбарлиги остида Қоратоғ фосфаритларини азот-сульфат кислоталари билан қайта ишловчи янги технологиялар яратилди.

М.Набиевнинг оддий ва қўш суперфосфатлар хоссаларини аммиак ва аммиакатлар билан аммонизация қилиб яхшилашга қаратилган кўп йиллик изланишлари 1952-1967 йилларда Қўқон, Самарқанд, Жамбул ва бошқа кўплаб суперфосфат заводларида амалиётга жорий қилинди. Бу борадаги заҳматли илмий изланишлар М.Набиев ва А.Вишняковаларнинг 1960 йилда нашр қилинган “Қоратоғ фосфаритларидан аммонизация қилинган суперфосфат” номли монографияда кенг умумлаштирилган. 1968 йилда аммонизация усули яратганлиги ва ишлаб чиқаришга жорий қилганлиги муносабати билан муаллифлар Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландилар.

М.Набиевнинг раҳбарлигида 9 докторлик, 100 дан ортиқ номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Олим 1966-1985 йилларда Ўзбекистон ФА биосфера муаммолари бўйича илмий кенгаш раисининг ўринбосари бўлиши билан бир қаторда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласига доир катта ишларни амалга оширди.

М.Набиев микроэлементли ва физиологик фаол моддалар мавжуд бўлган ўғитлар яратиш соҳасида ҳам илмий изланишлар олиб борган. Самарқанд кимё заводи таркибида мис ва молибден бўлган аммонизацияланган суперфосфат, Чирчиқ “Электрохимпром” ишлаб чиқариш бирлашмасида таркибида мис ва рух мавжуд карбамид, Олмалиқ кимё заводида таркибида мис, рух, каҳрабо мавжуд бўлган аммофос ўғитлари ишлаб чиқарилган.

М.Набиев раҳбарлигида Ўрта Осиё конларидаги кальцийнинг табиий бирикмалари таркиби ва хоссалари ўрганилган. Тюбегатан, Хўжаикон, Қорлуқ, Карабил, Лалимкон ва бошқа туз конларидаги моддаларнинг таркиби аниқланган ва кальций рудаларини технологик қайта ишлаш юзасидан изланишлар олиб борилган. Илмий изланиш натижасида М.Набиев, Р. Осичкина ва бошқаларнинг “Тюбегатан калийли тузлари” (1972й.) номли монография нашр қилинган.

М.Набиев раҳбарлигида калий хлоридни фосфор кислотаси ва полифосфор кислотаси билан парчалашга асосланган чиқиндисиз, хлорсиз комплекс азотли-фосфорли-калийли ўғит ҳамда преципитатлар олиш технологияси ишлаб

чиқилган.

М.Набиев раҳбарлигида ноорганик моддалар асосида янги заҳарсиз, юқори самарадорли дефолиантлар — ЦАКС ва УДМ яратилиб, амалиёт тавсия қилинди. УДМ сериясидаги дефолиантлар магний хлорати ва аммофоснинг иккиламчи тузи асосида (УДМ-1), карбамид асосида (УДМ-4) дефолиантлар яратилган. “Сихат” деб номланган юқори самарали дефолиант Фарғона “Азот” ИБ ишлаб чиқара бошлаган.

1956 йилда М.Набиев Ўзбекистон ФА академиги унвонига сазовор бўлди.

Академик М.Набиев 13 монография, 500 дан ортиқ илмий мақола, ахборотномалар муаллифидир. Унинг муҳаррирлиги остида ноорганик моддалар кимёси ва технологияси бўйича ўндан ортиқ илмий тўпламлар нашр этилган. Олимнинг илмий изланишлари бир юз ўттизга яқин муаллифлик гувоҳномаси билан тақдирланган.

М.Набиев ажойиб ташкилотчи, қатта жамоат арбоби сифатида ҳам машҳур эди. У 1957 йилдан 1987 йилгача “Ўзбекистон кимё журнали”га муҳаррирлик қилди. 1966 йилдан 1986 йилгача Ўзбекистон ФА кимё-технологиялари фанлари бўлимида академик котиб лавозимини ҳам бажарди. Шу йиллар давомида Ўзбекистон ФА Президиумининг аъзоси бўлди. М.Набиев 1966-87 йилларда Ўзбекистон ФАнинг кимё ва кимёвий технология фанлари мутахассислиги бўйича бирлашган илмий кенгаш раисининг ўринбосари, 1976-87 йилларда эса Ўзбекистон ФА Кимё институти қошидаги докторлик ҳимояси бўйича давлатларо илмий кенгашнинг раиси бўлди.

Виждон амрига итоат этиб ижод қилган Малик Набиевдек миллат фидойисининг табаррук номи авлодлар хотирасида абадул-абад сақланади.

*Шабот ХЎЖАЕВ,
академик*



Янги ҳалқа — янги саҳифа

Шавкат КАРИМОВ. Немис адабиёти тарихи.
Тошкент, “Мумтоз сгз”, 2010.

Адабий алоқалар жаҳон халқлари маданиятлари яқинлашувида юксак аҳамият касб этади. Чунончи, чинакам миллий адабиёт фақат бошқа халқлар адабиётлари билан самарали ҳамкорлик натижасида раванқ топиши мумкин. Бу борада инсоният оламшумул тажрибага эга. Рус олими, профессор И.Г.Неупокоева тўғри қайд этганидек, “Дунёда ҳеч қайси адабиёт Вильям Шекспир ва Йоханн Вольфганг Гёте, Александр Пушкин ва Оноре де Бальзак, Адам Мицкевич ва Лев Толстой каби буюк даҳоларнинг, сўз санъатининг улкан сиймоларининг ижодий тажрибаларини ўрганмасдан туриб, ўзининг ривож йўлини танлагани бизга тарихдан маълум эмас.”¹ Айнан адабий алоқаларга муносабатини немис адиби Й.В. Гёте котиби Эккерманнга ёзган мактубида шундай ифодалайди: “Биз французлар, инглизлар ва бошқа халқларнинг адабиётларини билишимиз яхши, бундан фақатгина жаҳон адабиёти фойда кўради. Чунки адабиётларнинг бир-бирига боғлиқлиги занжирга қиёсланади, зотан, занжирнинг бир ҳалқаси бўлмаса, орада узилиш пайдо бўлади”². Айнан шу занжирни янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети немис филологияси факультети лексика ва стилистика кафедраси профессори Шавкат Каримов томонидан 2010 йилда университетлар ва олий ўқув юрларининг ихтисослиги немис тили ва адабиёти бўлган факультетлар ва бўлимлари талабаларига мўлжалланган “Немис адабиёти тарихи” дарслиги яратилди. Дарслик ҳақида, унинг муаллифи ҳақида кўп гапириш мумкин. Адабиётшунослар Сайди Умиров ва Бойбўта Дўстқораевлар “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида чоп этилган “Арзигулик ҳодиса” номли мақолада дарслик муаллифининг илмий фаолияти ҳамда дарсликдаги янги фазилатларни таҳлил қилиб ўтадилар. Шунинг учун биз ўз мақоламизда эътиборингизни дарсликдаги, бизнинг назаримизда, муҳим ва аҳамиятли томонларга қаратмоқчимиз. Интернет саҳифаларида ҳам, Германияда чоп этилган немис адабиёти тарихига доир дарслик ва рисолаларда ҳам мазкур адабиёт тарихи даврларининг умумий баёни мавжуд. Уларга амал қилинмаса, қандайдир мавҳумлик вужудга келади. Тўғри, шундай дарслик ва қўлланмалар борки, улар адабиёт тарихининг фақатгина бир даврини ёритади. Аммо уларга қўйиладиган талаб бироз бўлса-да, бошқачадир. Берлин ва Ҳамбург таълим серверида, шунингдек, Клетт нашриёти томонидан чоп этилган бир қатор немис адабиёти тарихига оид қўлланмаларда ушбу адабиётнинг асосий тарихий босқичлари ўрта асрлар, уйғониш даври, барокко даври, маърифатпарварлик даври, “Бўрон ва ҳужум” даври, классицизм, романтизм, фгедермайер, реализм, натурализм,

¹ И.Г.Неупокоева. “Проблемы взаимодействия современных литератур”, М. 1963 стр. 67.

² Stussel. M.D.Geschichte der deutschen Literatur (von den Anfängen bis Mitte des XIX. Jahrhunderts) M.Verlag “Hochschule” 1974 S. 54.

экспрессионизм, модернизм даври адабиётлари тарзида даврлаштирилган. Янги дарсликда ҳам юқорида санаб ўтилган адабий даврлар асос қилиб олинган. Унда, энг аввало, “Нибелунглар ҳақида қўшиқ” ва “Хильдебрандт қўшиғи” каби қадимий қаҳрамонлик эпосларининг таҳлили, дунё халқлари адабиёти, юқорида таъкидлаганимиздек, занжирнинг ҳар бир ҳалқаси каби бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлиги аниқ кўринади.

Рицарлик адабиёти ўрта асрлар даври адабиётининг ажралмас қисми бўлиб, дарслик муаллифи немис ҳамкасблари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Хартманн фон Ауэнинг “Бечора Ҳайнрих” романига мурожаат қилгани табиий ҳолдир. Ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистонда долзарб бўлган ёш авлодни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётган бир даврда “Бечора Ҳайнрих” каби романларнинг ўрни каттадир. Китобда Уйғониш даври адабиёти, реформация даври адабиёти, бюргерлик адабиёти, XVII аср немис адабиёти, XVIII аср биринчи ярмида маърифатпарварлик даври адабиёти жуда ҳам батафсил ва кенг ёритилган. Мазкур дарсликда Йоханн Вольфганг Гёте, Фридрих Шиллер ва Ҳайнрих Ҳайнелар ижоди кенг таҳлил этилгани, гарчи баъзи даврлар жуда қисқа баён этилган бўлса-да, таҳсинга лойиқдир. Айниқса, Гётенинг “Фауст”и таржимасига алоҳида тўхталган дарслик муаллифи фанларнинг бир-бирига нақадар боғлиқлигига жиддий эътибор бергани ҳам таҳсинга сазовор. Машҳур адибимиз Эркин Воҳидов “Фауст”ни таржима қилиш жараёнига нафақат таржимон, балки китобхон, танқидчи, шоир ва “асар муаллифи” сифатида иштирок этади. Таржимон асар руҳиятини чуқур англаган ҳолда, уни ўта мураккаб формулага дахлдор деб таърифлайди. Дарҳақиқат, “Фауст”ни ўқиб, тушунмиш учун фақатгина бир соҳадан хабардор бўлиш кифоя қилмайди. Бунга амин бўлган закий китобхон ўзини ушбу асарни ўқишга тайёр эмаслигини дарҳол англаб этади. Аммо “Фауст”да келтирилган воқеа-ҳодисалар, агар асар қаҳрамонларининг номлари ўзгартирилса, ҳар бир миллатга, ўша миллат адабиётига мансублигига шубҳа қолмайди. Бу эса жаҳон адабиётининг занжир ҳалқаларидек мустаҳкам боғланиб кетганлигига яна бир исботдир. Натурализм даври адабиётига тўхталиш жараёнида муаллиф фақатгина Герхард Хауптманн ижоди билан чекланиб қолмасдан, нега бу давр айнан натурализм деб аталишига алоҳида урғу берганида, дарсликнинг қиммати янада ортган бўларди.

XX аср немис адабиёти ва янги постмодерн адабиётининг кенг ёритилгани дарслик муаллифининг яна бир ютуғи ҳисобланади, чунки талабалар бу боблар орқали ҳатто замондошлар ижоди билан ҳам танишиш имконига эга бўладилар.

Муаллиф дарслик олдига қўйилган мақсадни аниқ бажаришда янада мукамалликка интилган. Таъкидлаш лозимки, мавзулардан сўнг берилган адабий даврларга дахлдор матнлар ва топшириқлар, адабиётшунослик терминлари лугати талабаларга катта ёрдам беради. Айниқса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатининг тиллар бўйича, даврлар ва жанрлар бўйича берилиши ўзини тўла оқлаган.

Дарсликда бир қатор техник камчиликлар учраши соҳа мутахассислари кўзига ташланиши табиий. Адабий персонажлар, адиблар ва шоирлар номлари ёзилишидаги ҳар хилликни мусахҳихларнинг лотин графикаси бўйича тажрибалари етарли эмаслиги билан изоҳлаш ўринлидир.

Профессор Шавкат Каримовнинг “Немис адабиёти тарихи” дарслиги жаҳон адабиётига эндигина ошно бўлиб келаётган талабаларга “адабиёт” атамасини изоҳлашдан, адабиёт фанининг объекти ҳамда унинг бошқа фанлар қаторидаги ўрнини тайин этишдан бошланади. Аммо шу ўринда немис адабиётининг тарихий даврларига ҳам тўхталиб ўтилганда,

талабаларда биринчи маърузадаёқ адабиёт тарихий даврлари ҳақида тасаввур ҳосил қилинган бўларди.

“Бўрон ва ҳужум” даври адабиёти, XVIII аср немис адабиёти, романтизм мавзулари аввалги мавзулардаги каби режага эга эмас. Бу эса асар архитектоникасига таъсир кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, шуни таклиф сифатида таъкидламоқчимизки, агар имкон бўлса, дарсликнинг қайта нашрларида муаллиф маълум бир даврга тўхталиш жараёнида ўша даврнинг етакчи ёзувчи ва шоирлари ижодига тааллуқли асарлардан намуналарни топшириқ, саволлар билан бирга берса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ёзувчи – бадий матн – китобхон. Бу учлик бир-бирига шунчалик боғлиқки, унда адабиётшунослик, танқидчилик, эстетика, психология фанларининг жуда кўп томонлари синтезлашади.¹ Ушбу учлик механизми ўртасидаги муваффақиятли алоқа асарнинг яшовчанлик даражасини белгилаб беради.

Юқоридаги механизмнинг асосини китобхон (ўқувчи) ташкил этадики, асар яратувчиси (ёзувчи) ўз асарини ёзаётганда, авваламбор, асар қайси аудиторияга мўлжалланишига эътибор қилади.

Адабиётшуносликда ҳам, психологияда ҳам китобхон нимани (қайси асарни) севиб ўқиши ва нима учун ўқиши алоҳида тадқиқ талаб қиладиган масалалар сирасига киради. Китобхон психологияси ва бадий асар таъсири ўртасидаги боғлиқлик асар муаллифи учун ҳам муҳимдир.

Профессор Шавкат Каримовнинг “Немис адабиёти тарихи” дарслигининг яратилиши фанимизнинг ютуғидир. Пойдевор яратилди. Дарслик кейинги нашрларида баъзи камчиликлардан холи бўлади деб умид қиламиз.

Абдулазиз ҚОСИМОВ,
тадқиқотчи

Ина МИҒОС,
Мюнстер университети магистри (Германия)

Дунё кезаётган китоб

Shamsiddin KAMOLIDDIN. Ancient Turkic Toponyms of the Middle Asia: Ancient Turkic Place-Names in Ancient and Early Medieval Sources. Lambert Academic Publishing, Germany, 2010. (инглиз тилида.)

2006 йилда “Шарқ” нашриёт-матбаа ҳиссадорлик компаниясида тарих фанлари доктори. Шамсиддин Камолиддиннинг “Древнетюрская топонимия Средней Азии” номли китоби нашр этилган эди. Бу китобнинг айрим боблари бир неча халқаро конференцияларда ҳам баён этилди ва мақолалар шаклида турли илмий журналлар, илмий тўпламлар, шу жумладан, чет элларда ҳам босилиб чиқди. 2008 йилда “Жаҳон адабиёти” журналининг сентябрь ойидаги сониди мазкур китобга ижобий тақриз эълон қилинган. 2010 йилда яна бир қувончли воқеа юз берди. Германиядаги Lambert Academic Publishing илмий нашриётида мазкур тадқиқотнинг инглизча таржимаси – Ancient Turkic Toponyms of the Middle Asia: Ancient Turkic Place-Names in Ancient and Early Medieval Sources (ISBN 978-3-8383-9828-0) нашрдан чиқди.

¹Қаранг: А. Расулов «Бадиийлик – безавол янгилик», Илмий-адабий мақолалар тўплами, Т. «Шарқ» НМАК, 2007 йил, 97-бет.

Ушбу монографияда қадимги туркий битиклар (VII-VIII асрлар) ва илк ўрта асрлар (VIII-XIII бошлари) да араб, форс ва туркий тиллардаги ёзма манбаларда қайд этилган Ўрта Осиёнинг қадимги туркий жой номлари тадқиқ этилган. Шунингдек, тадқиқотда сурёний, арман, юнон, хитой, тибет ва бошқа тилларда ёзилган манбалардаги маълумотлар ҳам келтирилган.

Китобнинг «Introduction» (муқаддима) қисмида Ўрта Осиё халқларининг этногенези ва этник тарихи билан боғлиқ масалаларни ўрганишда топонимик тадқиқотларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилган.

1-боб «Physico-Geographical Toponyms» («Физик-географик топонимия») деб аталган бўлиб, унда Ўрта Осиё минтақасининг макротопонимияси, сув билан боғлиқ жой номлари (гидронимлар) ва тоғларнинг номлари (оронимлар) тадқиқ этилган.

2-боб «Types of Turkic Toponyms» (Туркий жой номларининг турлари) деб аталган бўлиб, унда халқ номлари (этнотопонимлар) ва исмлар (антропонимлар) билан боғлиқ номлар, шунингдек, бошқа тиллардан олинган атамалар, қоришиқ топонимлар, жой номларини ясовчи воситалар ва аффикслар ҳақида сўз юритилган.

3-боб «Northern Turkistan» (Шимолий Туркистон) деб аталади. Унда Туркистон ўлкасининг шимолий қисмида жойлашган Еттисув, Сирдарё ҳавзаси, Чоч, Фарғона ва Хоразм тарихий вилоятларидаги туркий атамалар таҳлил этилган.

4-боб «Central Turkistan» (Марказий Туркистон) деб аталган бўлиб, унда Туркистон табиий-географик ўлкасининг марказий қисмида жойлашган Уструшона ва Суғд тарихий вилоятларидаги туркий жой номлари ҳақида гап боради.

5-боб «Southern Turkistan» (Жанубий Туркистон) деб аталиб, унда Туркистоннинг жанубидаги Тохаристон ва Хуросон тарихий вилоятларидаги туркий жой номлари тадқиқ қилинган.

Китобнинг «Conclusion» (Хулоса) қисмида тадқиқотнинг умумий натижалари ва улар асосида чиқарилган илмий хулосалар баён этилган.

Изланувчан олимнинг тадқиқоти шуни кўрсатадики, илк ўрта асрларда туркий жой номлари Ўрта Осиё топонимиясининг катта қисмини ташкил этади. Маълумки, ҳар қандай жой номи фақат унинг ёзма манбаларда қайд этилган вақтидан бошлаб мавжуд бўлмасдан, балки юзлаб ва минглаб йиллар илгари оғзаки нутқда ишлатилиб келган бўлиши мумкин. Бу маълумотлар туркий тилли халқлар Ўрта Осиё ҳудудларида қадимдан яшаб келганлигини исботлайди, илк ўрта асрларда эса улар маҳаллий аҳолининг катта қисмини ташкил этганлар ва Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида – Еттисувдан тортиб Хуросонгача бўлган ерларда яшаганлар.

Ушбу китоб тарихчи ва филолог олимлар, шарқшунослар ва туркшунослар, шунингдек, Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихи билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Ноёб тадқиқотнинг дунёдаги энг обрўли илмий нашриётларидан бирида нашр этилиши катта маданий ҳодисадир. Бу эса ўз навбатида мазкур китоб жаҳон илм-фани талабларига жавоб беришини ва тарихий топонимия, умумий ва қиёсий лингвистика соҳаларида ёзилган жиддий асар эканлигини кўрсатади.

Волида АБДУЛЛАЕВА

Кўнгил қуши наволари

Икром ОТАМУРОДОВ *Харитага тушмаган жой.*
Тошкент., Шарқ НМАК, 2011.

Шеърят бир дарахт бўлса, унинг илдизи анъанавийлик заминидан, “кўнгил дурж”лари яратган латиф туйғулар, изтироблар манбаидан баҳра олиб, ривожланади. Ана шу бахрамандлик даражаси қайсидир маъ-

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

нода бу дарахтнинг баъзан тотли, баъзан нордон мевалар беришига сабаб бўлади. Зеро, нақл қилинишича, “Биз инсонни ҳасратда яратдик”, мазмунидаги ояти-карималар диний манбаларда такрор-такрор учрайди. Дарҳақиқат, “Қисаси Рабғузий” асарида таъкидланишича, (“... Қирқ йил ул туфроқ уза ёғмури ёғди, ўтуз тўқуз йил қазғу ёғмури ёғди, бир йил севунч ёғмури ёғди. Ул йўлдин Одамға севунчдин қазғу ортуқроқ бўлди...”) Оллоҳ Одам сафий алайҳиссалом тупроғи узра қирқ йил ёмғир ёғдирди: ўттиз тўққиз йил қайғу ёмғири ёғди, бир йил шодлик ёмғири ёғди. Бундан шу нарса англашиладики, инсоннинг бу дунёдаги асл шодликлари, яъни бахтли онлари бир ерга жамланиб, ҳисоб-китоб қилинса, бир йилга тўғри келади, холос. Бинобарин, инсоннинг чинакам инсонийлик касб этиши ҳам кўпроқ унинг ички руҳий изтиробларида намоён бўлади. Илло, бу изтироб машаққатлари қанчалик нордон, борингки, аччиқ бўлмасин, пировардида у инсонга тотли онларни бағишлайди. Ниҳоят у (инсон) бу ҳолатдан ўзлиги, яъни инсонийлигини топади ва шубҳасиз, унга тинимсиз интила боради. Мана шу мезон, интилиш кучи инсонни комиллик сари етаклайди. Шу маънода таниқли шоир Икром Отамурод шеъриятида инсоннинг ички кўнгил руҳи изтироблар оламидаги нозик ҳолатлар, яъни ундаги кўнгил ичидаги кўнгил қуши наволари гўзал тарзда қаламга олинади. Бу – ҳар бир шеърят муҳибига алоҳида бир эстетик завқ-шавқ бағишласа, ҳеч ажаб эмас.

Адабиёт оламида “Агар Замин ёрилиб кетса, дарзи шоир юрагидан ўтган бўлар эди”, – деган машҳур нақл бор. Дарҳақиқат, ҳар бир ҳақиқий шоир юрагида доимо ўз халқининг шодлик ва қайғулари уфуриб туради. Икром Отамурод ҳам дунёга шеър дарди билан келган ана шундай шоирлар сирасига киради.

Яқинда “Шарқ” нашриётида шоирнинг “Харитага тушмаган жой” номли шеърий китоби чоп этилди. Тўпламнинг номланишида ҳам катта рамзий маъно бор. Зотан, инсоният ўзи ўйлаб топган қонунларига бўйсунмайдиган хилқат, ҳатто унинг яратган харитасига тушмаган жой – кўнглидир. Ушбу кўнгил китобидан шоирнинг сара шеърлари билан бирга дostonлари ҳам ўрин олган.

Тўплам “Юрагингни оч садоларга” номли шеъри билан бошланади. Унда киши кўнглининг ички олами, табиат манзаралари гўзал тарзда тараннум этилади. Мана бу мисралар ўқувчи хаёлини узоқ-узоқларга олиб кетади. Уларда шоирнинг ўзига хос нигоҳи, образлар дунёси шоирона тимсолларда очилади:

*Сарин-сарин эсган бир гўзал насим –
Ёмғирлар ҳидини келтирган садо.
Чирқираб чарх урган тўрғайлар саси –
Қовжираб бужмайган яланғоч сахро.*

Кўрамизки, шоир шеъриятида сўзнинг ботиний маъно олами, сўзнинг тимсолга айланиши ва энг муҳими, рамзий тимсоллар тадрижи яққол кўзга ташланади.

Икром Отамуроднинг мазкур шеърий мажмуасида ҳам кўнгил тимсол даражасига кўтарилади. Шоир “кўнгил”– “кангул”га урғу бериши асносида мазкур сўзга инсоннинг ўзлигини кашф этиши ҳамда, Эътиқод, Имон, Виждон маъноларини ҳам юклайди. Зеро, шоир келажакда олимлар виждонни ўлчайдиган қурилма яратишини орзу қилади:

*Ҳамон сирли қолар Бермут бурчаги:
Фаразлар, тахминлар бермас тасалли.
Шундай бир ихтиро – виждон ўлчагич
Олимлар фикрига келмаган ҳали.*

Шоир сара шеърларида ҳар бир сўз, ҳар бир иборага сайқал беришга, шоирона туйғулару тафаккурнинг санъаткорона уйғунлигига эришиш-

га интилади ва бунга имкон даражасида эришади ҳам. Илло, шоир дил билан бирга тилни ҳам яхши ҳис этади.

Чунки шоир қадимги туркий тил, мумтоз асарлар ва шева материалларидаги анъанавийликдан такрор-такрор фойдаланади. Жумладан, шеърий тўпламда “чунгирак”, “сира”, “ялавоч”, “табаддул”, “Ҳақиқат – дунёнинг жулдур жандаси”, “Хувуллайди бўм-бўш совиган инлар/юлғун суюқларин ғажир нимжон ўт” сингари сўз ва шеърий мисраларнинг кўплаб қўлланилиши эътиборга молик. Бизнингча, шоир шеърларидаги “туфроғ”, “тош”, “дарахт”, “ёбон”, “дашт”, “сукут” каби анъанавий шеърия-тимизга хос шеърий образлар мазмун жиҳатидан тимсол даражасига кўтарилган. Ушбу шеърий тўпламдан жой олган “Ичкари... Ташқари...”, “Истарим”, “Харитага тушмаган жой” каби достонлари адабий жамоатчилик томонидан эътироф этилганининг сири ҳам шунда. Айни достонларнинг номланишидан ҳам шоирона хилватнишинлик, ёлғизликни соғиниш, кўнгил ҳайратлари билан яшашга мойиллик кайфиятлари уфуриб туради.

Ҳозирги даврнинг умумбашарий муаммоларидан бири инсоннинг ўзлигидан, қалбидан бегоналашуви экани ҳақида файласуфлар ўтган асрдаёқ бонг урган.

Шоирнинг кўнгил оламида кўнгил даъвати билан яшашга иштиёқини инсоннинг ўзлигини соғиниш сифатида талқин қилиш мумкин. Инсоннинг ўзлигидан бегоналашуви, Имом Ғаззолий таърифи билан айтганда, қалб хасталигига чалиниш демакдир.

*Ёмғирдан сўнг... ойнинг сочини
эркалаб силайди насимлар.
Суманбардай кетар очилиб,
ёмғирдан сўнг осмон тирсиллаб.*

*Ёмғирдан сўнг... ажиб бир тусда
ер билан кўк кетар қовушиб,
Ёмғирдан сўнг... олис-олисдан
эшитилар сойлар довуши...*

*Ёмғирдан сўнг... тарқар хилма-хил
ташвишлар, сиралар, тангликлар.
Ёмғирдан сўнг... мовий, ям-яшил
руҳимда уйғонар кенгликлар.
Ёмғирдан сўнг...
Ём-ғирр-дан сў-ў-нг...*

Шоир талқинида ёмғир ёғиб бўлгандан сўнг манзаралар ажиб бир тус ва тароват олади. Манзаралар гоҳ, “насим”, “мусаффо осмон” шаклида кўринса, гоҳ самодаги “юлдуз”ларнинг чақнашида, гоҳ ердаги “гул”ларнинг бетакрор жилоси, рангида намоён бўлади. Аммо, шеърнинг ёзрилишидаги рамзий муддао бу ҳам эмас. Чунки бу манзарадаги шоир назарда тутган асосий муддаолардан бири худди ана шу табиат ҳодисаларига урғу бериш асносида инсон руҳининг тозариш ҳолатини тасвирлашдир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, айниқса, шоирнинг ушбу шеърдаги “Ёмғирдан сўнг мовий ям-яшил/руҳимда уйғонар кенгликлар” сатрлари шеъриятимизда руҳият шоири сифатида эътироф этилган Рауф Парфининг “Ёмғир эмас, марварид ёғар” каби руҳий хуррият тараннум этилган шеърларига ҳамоҳанг янграйди. Зотан, ёмғир тимсолида кўнгил даъвати билан руҳий изтиробларни баён қилиш йўсини Икром Отамурод шеъриятида муҳим ўрин тутди. Демак, у шеърларидаги сиқикликда аслида қадим анъаналарга суянган ана шундай руҳий кенгликлар мавжуд.

Шоир шеърларини мутолаа қилар экансиз, хокисорлик аслида азалдан инсоннинг инсонлик фитратида мавжуд – бу ундаги камёб фазилятлардан бири эканилигини дил-дилдан ҳис этасиз ва бунга жавобан

беихтиёр ана шундай фазилат соҳибларидан бири бўлган авар халқининг машҳур шоири, чинакам ҳассос сўз санъаткори Расул Ҳамзатовнинг қуйидаги сатрлари кўз ўнгингизда намоён бўлади:

*Шеъримнинг нуқсони, кучи ҳақида
Олим, танқидчилар китобидамас,
Шу чолларнинг шинам саклаларида
Бир сўз айтилишин қиламан ҳавас.*

Шоирнинг ижодий такомил тадрижини кўздан кечирсак, шеърдан шеърга мавзулар доираси кенгайиб, аъъанавийлик, халқоналик ёрқин тус олаётгани ва уларни чўнг бир инсоний дард ичдан нурлантириб бо-раётганини кўрамиз. Бу шоир ўз шеърларида ва дostonларида мумтоз адабиётга хос аъъаналар билан бирга жаҳон шеърлятидаги энг яхши йўналишларини умумлаштиришга тинимсиз изланмоқда.

*Манзар АБДУЛХАЙРОВ,
филология фанлари номзоди*



Густав ЭМАР

Соҳибчангал

9. ЯНГИ ОДАМНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Тинч океан бўйида ястанган Сонора вилоятида оромбахш денгиз шамоли эсиб, гоҳ-гоҳ намхуш салқини билан унинг жазирама ҳавосини бўшаштириб туради. Бунинг устига тушдан то соат учгача офтобнинг қайноқ нури қиздирган ердан дамни қайтарадиган ҳовур чиқиб, иссиққа одам чидаёлмай қолади. Тўнкарилган ва роса қизиган тунука томни эслатувчи осмон тагидаги далалар чиндан ҳам ҳазин тусга киради. Қушлар ҳолдан тойганларидан япроқлар остига яширинадилар, сайрашлари тинади, дов-дарахтларнинг виқорли шохлари пастга эгилиб қолади. Тирик жон борки, соя-салқинга ошиқади. Йил-қи уюрлари, мол подалари ва қўйларнинг отарларидан кўтарилган оқиш чанг оғиз ва бурунга киради. Сонора бир неча соат бирон-бир тириклик аломати сезилмайдиган жонсиз сахрога айланади.

Одамлар бирорта салқин жой топиб, айрича бир ҳолатда пинакка кетадилар ё ётадилар. Улар на ухлайдилар, на сергак бўладилар, балки мудраб, ширин ва эзгу хаёлларга берилдилар, одамнинг танаши яйраб, ясама елвизакдан баҳра олади. Хуллас, одамлар ана шунақа пайт-ларда иссиқ минтақаларда сиеста деб аталадиган ҳолатда бўладилар. Тиниб-тинчимас ва серташвиш шимолликлар одамнинг жисмоний ва руҳий ҳолатига тинчлантирувчи ва ҳаётбахш таъсир кўрсатадиган бундай серроҳат ҳордиқ онларини жуда ҳам қадрлайдилар. Бироқ серкўёш жанубда яшайдиган халқлар ҳам сиестани хуш кўрадилар. Итальянлар буни дольче фарниенто¹, турклар эса ҳузур, дейишади.

Ёвуз сеҳргарнинг таёқчаси бир қимирлаши билан одамлари тош бўлиб қолган эртақдаги араб шаҳарчасидагидай дель Тора асиенда-сида ҳам ўшандай ҳордиқ онларида ҳаёт тўхтаб қолган каби туюларди. Пеонлар, чўпонлар, хизматкорларнинг бари сиестага берилишарди. Асиендада иккита кимсагина туш пайтидаги одамни беҳол қиладиган иссиқни писанд қилмай, ухлашни хаёлларига келтиришмасди. Улар нафис жиҳозланган кабинетда ҳордиқдан мусоҳабани афзал кўришарди. Уларни эл орасида ўрнашиб қолган сиеста удумини бузишга қандайдир жуда муҳим сабаблар мажбур қилганди, албатта. Зеро, америкалик испан, айниқса мексикалик арзимаган нарсага ўша ҳордиқ онларини сарфламайди. Бунақа пайтда

¹“Роҳатбахш бекорчилик” дегани. Давоми. Боши ўтган сонда.

французларни унча хушнуд этмайдиган “офтобда фақат итлар билан французлар югуришади”, деган мақол бор.

Хонадаги ҳамсуҳбатларнинг бири дон Фернандо де Могюер бўлиб, у билан танишиб олганмиз... Ёши ўтинқираганидан баланд қомати сал букчайган, пешонасини чуқур ажинлар босган, чекка сочларига кумуш қўнгандай туюлади. Оғир машаққатлар муҳри бўлган маъюслик юзидан сал сезилиб турса ҳам мулойим, тортинчоқ ва андак истеҳзоли кўринарди.

Биз дон Фернандонинг суҳбатдоши қандай кўринишини батафсил тасвирлаш учун пича тўхташимиз лозим. Бу одамнинг маънавий қиёфасига келсак, китобхон тез орада биз айтмасак ҳам билиб олади.

Бу бақалоқдан келган, пастак, қизил юзли, ранги сўлган киши эди. Қирқдан сал ошган бўлса ҳам сочи буткул оқариб кетган, пешонаси серажин, қовоқлари кўкимтир, шишган, қалин, тўзғиган қошлари тагидаги кўзлари чуқур ботган, бу уни кекса сифат кўрсатар, кескин ҳаракатлари ва ўзини эркин тутиши эса бунга сира ёпишмасди. Қуш тумшугига ўхшаган узун, ингичка, илмоқсифат, оғзи узра эгилган, бинафшаранг бурни, кўкиш томирлар босган ва чиқиб турган ёноқлари япалоқ қушга жуда ҳам ўхшаб кетадиган бу башарани тўлдириб турарди. Қорни осилган, қўл-оёқлари калталигидан бесўнақай гавдасига ёпишмайдиган бу беўхшов одамнинг тиниб-тинчимас жиҳатлари бор эди. Шундан бўлса керак, бақалоқнинг афтига боқиб, айниқса суҳбатдошининг жонсиз ва совуқ кўзларига тикилиб қолганида хаёлидан нималар кечаётганини сира ҳам билиб бўлмасди. Қисқаси, бу нусхани одам бир кўргандаёқ худди бузоқ бошига кўзи тушган ҳолга тушарди.

Бу одам дон Руфино Контрерос бўлиб, Соноранинг давлатманд заминдорларидан бири, бир йил муқаддам Колима штатидан Мексика штатига сенаторликка сайланган.

Шундай қилиб, дон Фернандо уч соатдан бери мусоҳаба қилаётган кишининг ташқи кўриниши билан танишиб олдик. Ҳозир эса бу жиддий суҳбатга нималар сабабчи бўлганини билиб оламиз.

Соат мили кундузги учга яқинлашган. Суҳбатдошлар ўтиришган хонага асиенда ишчилари уйғонишганидан далолат берувчи ғалати шовқин эшитилди. Дон Фернандо қўлларини орқасига қилганича хонада у ёқдан-бу ёққа юрар, дон Руфино бўлса ўриндиққа суянганича ундан кўзини узмай ўтирарди. Сенаторнинг лабларида айёро-на табассум ўйнар, ўзини эса ўнг қўли тирноғи билан шимидаги йўқ доғни кеткизишга берилган одамдай кўрсатарди.

Тинимсиз одимлаётган маркиз дон Руфино рўбарўсида тўхтади-да, унга истеҳзо аралаш синовчан назар билан тикилди.

— Демак, — дон Фернандо ҳаяжонини босолмай деди, — сизга бу маблағ нимаики бўлса ҳам саккиз кундан кейин керак экан-да?

— Ҳа, саккиз кундан кейин, — жавоб қилди Бақалоқ иршайиб.

— Нега менга илгарироқ айтиб қўймадингиз?

— Нозик томони бор эди-да, сеньор.

— Нозик томони? — дон Фернандо ҳайратдан ирғиб тушди.

— Сизга дўст эканлигимга шубҳаланмасангиз керак, дейман?

— Ё Худойим!.. Сўзларингизга қараганда...

— Бунга амалда кўрсатувдим, шекилли.

— Шундай бўла қолсин. Бунга юзимга солишнинг ҳожати йўқ.

— Мен ҳам шунақа фикрдаман. Давом этайлик. Мен қийналиб турганингизни билганимдан бу маблағни бошқача йўл билан то-

пишга уринувдим. Бунчалик катта маблағни талаб қилиб, шусиз ҳам мушкул аҳволингизни оғирлаштирмоқчи эмасдим. Ноилож қолганимдан кейин сизга мурожаат қилишга жазм этдим. Энди дўстлик ва хайрихоҳликдан шундай қилганим сизга равшан бўлгандир, қадрли сеньор. Афсуски, ҳозир замон оғир, президент билан жанубий штатлар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлаётганидан савдо деярли тўла турғунликни бошидан кечиряпти, шунинг учун бошқа қарздорлардан озгина ҳам маблағ йиғолмадим. Бунинг устига, ўзим пулга зориқяпман, сиз эса кўпдан буён қарздорсиз, тагин қарзини қистаяпти деб ўйламанг. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, сизга айтишдан бўлак чорам қолганмиди?

— Очиғи, билмайман... Бироқ бирорта пеондан хат юбориб, олдиндан огоҳ қилсангиз бўларди.

— Мен бўлсам худди шундай кишидан қочдим, илтифотли сеньор. Бунинг устига, бу ерга уйимдан келмадим. Мен, керакли маблағни топарман ва бу ерга пул сўраб кирмасман, деб ўйловдим-да.

Дон Фернандо суҳбатдошига бир қараб қўйди. Дон Руфино бу пайт-да шимидаги йўқ доғни, хаёлий доғни кетказиш билан овора бўлмаганида ўйланиб қолган бўларди. Маркиз бир дақиқа жим турди-да, яна хонада айлана бошлади.

Бу пайтда қуёш уфқ томонга бош қўйган, асиендадаги ҳаёт яна ўз измига тушганди. Ҳовлидан буқаларнинг маъраши, юк ортилган отларнинг кишнаши, чўпонларнинг ҳай-ҳайлаши ва қамчи овозлари эшитила бошлади. Дон Фернандо деразага яқинлашиб, чий пардани кўтарганди, хонага анча салқин тортган ҳаво оқими кирди. Дон Руфино енгил хўрсиниб, ўриндиқда қаддини ўнглади.

— Уф! — деб қўйди у ҳузур қилиб. — Бугун отда кўп юрганимдан эмас, ёмон иссиқ бўлганидан толиқдим.

Дон Фернандо илон чаққандай сапчиб тушди. Дон Руфинонинг шамаси унга қарз олган одамнинг талабларидан бўлак одамдаги бор нарсаларни унутиб, мексикача меҳмондўстлик қоидаларини бузганини эслатиб юборди. Дон Фернандо толиққан сайёҳнинг кўзига ҳозирги иши роса хунук кўринганини ўйларкан, аъзои бадани музлаб кетиб, қўнғироқ чалди-да, кирган пеонга:

— Муздек ичимлик келтир! — деди. Кейин дон Руфинога ўгирилди. — Очиғини айтадиган бўлсам, ногаҳон талабингиздан довдираб қолиб ҳозиргача сизга тамадди таклиф қилишни ҳам ўйламабман. Сиз учун ҳозирланган хона тайёр. Дам олишингиз керак, суҳбатимизни эса бугун кечқурун ё эртага давом эттирамиз. Сизга ҳам, менга ҳам бирдай мақбул битимга келармиз, дейман.

— Шу топда бундан бошқа нарсани кўнглим тиловди, ишонинг, қадрли сеньор! Худо ҳаққи, бу айни муддао бўлди, — жавоб қилди дон Руфино пеон оранжат¹ тўла стаканни оғзига яқинлаштираркан. — Бироқ афсус! Сизга ёрдам бериш учун қанчалик интилмай, бирор битимга келишимиз қийин бўлар деб кўрқаяпман. Мабодо фақат...

— Нима мабодо? ... — Дон Фернандо унинг сўзини кескин бўлди.

Дон Руфино шошилмай ичимликни охиригача хўплаб ичди-да, стаканни столга қўйиб, мамнун ҳолда ўриндиққа ястанди.

— Мабодо барча қарзни тўла-тўкис тўламасангиз. Бироқ очиғини айтсам, — қўшимча қилди у похитоскасани ҳафсала билан ўраркан, — сўзларингизга қараганда, бу мен учун жуда мушкул иш кўриняпти.

¹ О р а н ж а т — тропик мамлакатларда тарқалган ва пўртаҳолдан тайёрланган ичимлик.

– Шунақа денг! – дон Фернандо норози ҳолда деди. – Нимага бунақа хаёлга боряпсиз?

– Хаёлга борганим йўқ, қадрли сеньор, омади гапни айтаяпман, холос, – деди у. – Ўзингиз ҳозиргина қийналганингиздан ҳасрат қилувдингиз!

– Тўғри, хўш бундан нима чиқаркан?

– Жуда оддий нарса. Етмиш беш минг пиастр – катта пул. Ҳаттоки жуда бадавлат одамларнинг ҳам, қолаверса, қийналиб турганларида бунча нақд пуллари бўлмайди.

– Мен бўлсам у-буларни сотишим мумкин!

– Унда виждонан қийналаман, ишонинг, синьор.

– Бўлмаса пича сабр қилинг.

– Яна айтаман, бунинг иложи йўқ. Менга қаранг, илтифотли синьор доирамиздаги дуруст одамларнинг ишга дахлдор муносабатларида англашилмовчиликларни кўпайтирмаслик учун яхшилаб гаплашиб қўя қолсак бўлмасмикин? Демак, мен озгина фойда эвазига сизга қарз бердим. Шундайми?

– Сиздан жуда миннатдорман, – маркиз виқор билан жавоб берди.

– Оҳ, Худойим-ей, бунинг миннатдорчилик билдирадиган жойи йўқ! Бир ҳожатингизни чиқарай дегандим-да. Бироқ бунда сизга шарт қўювдим, қабул қила қолдингиз.

– Ҳа, – деди дон Фернандо, – бекор қилган эканман!

– Эҳтимол. Бироқ гап бунда эмас. Бу шартда – яна таъкидлайман, сиз қабул қилган шартда пулни қачон сўрасам дарҳол қайтаришингиз айтилган.

– Буни тортишаётганим йўқ-ку?

– Йўқ, албатта. Ҳамма гап шундаки, ҳозир ўзим пулга зориқиб турибман, шунинг учун қайтаринг, деяпман. Бу табиийдир. Шунда шартимизни сира ҳам бузмаган бўламан. Сиз шунақа кун келишини олдиндан кўришингиз ва унга тайёр бўлишингиз керак эди.

– Бундан чиқди, агар бир ой муддат сўрасам...

– Бу мен учун жуда оғир, бироқ сизга рад жавобини беришга мажбурман. Пул менга бир ой эмас, саккиз кундан кейин керак. Худо ҳаққи, аҳволингиз қанақалигини кўриб турибман, бироқ... ноиложман!

Дон Фернандога бу талаб қанчалар оғир ботмасин, ҳозир уни бу талаб эмас, балки сенаторнинг ясама ҳиммат ва одамни камситувчи раҳмдиллик билан гапираётгани газабга соларди. Маркиз энди ўзини тутолмай қаҳру газабига эрк бериб, ораларини очиқ қиладиган сўзларни дон Руфинонинг афтига айтмоқчи бўлиб турганида ҳовлидан шодон ҳайқириқлар ва отларнинг дупур-дупури эшитилиб қолди.

Дон Фернандо шошилиб деразага қаради, сўнг тезда ўгирилиб, пахитоскани ҳузур қилиб тортаётган меҳмонга қараб деди:

– Болалар келишди! Илтмос, кабальеро, улар олдида ишимиздан оғиз очманг.

– Менга ишонсангиз бўлади, – деди дон Руфино ўзини ўрнидан турмоқчидек кўрсатиб. – Дарвоқе, ижозатингиз билан оилавий қувоңчингизга халал бермаслик учун нарироқ кетмоқчиман.

– Йўқ, йўқ! – деб дон Фернандо уни тўхтатди. – Сизни ҳозироқ болаларим билан таништирганим маъқул.

– Ихтиёрингиз, илтифотли синьор... Жуда хурсанд бўламан, албатта!

Эшик очилиб, остонада бошқарувчи дон Хосе Барадес кўринди.

У баланд бўйли, чорпахилдан келган, қирқларга борган метис бўлиб, қийшиқ оёқлари ва букчайган гавдасидан ажойиб чавандозлигини бир қарашдаёқ билиб олса бўларди. Чиндан ҳам бу ажойиб одамнинг бутун умри от устида ўтганди. Бошқарувчи дон Руфинога зимдан боқаркан, шляпасини олиб, хўжасига таъзим қилди.

– Синьор амо¹, – деди у дон Фернандога дагал овозини иложи борица мулойимроқ чиқаришга уриниб, – Ниньо² билан нинья Кап-мелит мададида эсон-омон етиб келишди.

– Миннатдорман, дон Хосе, – жавоб қилди маркиз. – Майли, киришсин, уларни бағримга босишдан бахтиёрман.

Дон Хосе четланиб, кимгадир қўл силкиганди, ёшлар хонага киришди, тўғрироғи, ёпирилиб киришди. Улар бир сакрашда ўзларини ота кучоғига отишди. Дон Фернандо уларнинг икковини ҳам кўксика босарди. Шунда унинг эси бирдан ўзига келиб, болаларини ўздан четлатди-да, қўли билан хонада бегона одам борлигини кўрсатди.

Ёшлар дон Руфинога мулойим таъзим қилишди.

– Сиз билан ўғлим дон Руис де Могоер ва қизим донья Марианани таништиришга ижозат берасиз, синьор дон Руфино, – деди маркиз... – Болаларим! Бу киши дон Руфино Контрерас, энг яхши дўстларимдан бири.

– Бундай унвоним билан жуда фахрланаман! – деди дон Руфино.

Сенатор ёшларга эгилди. Шунда донья Мариана беихтиёр қизарди-да, меҳмон кўм-кўк кўзларини совуқ тикиб турганидан ер сузди.

– Болаларнинг хоналари тайёрми, дон Хосе? – сўради дон Фернандо.

– О, албатта, жаноб! – жавоб қилди бошқарувчи кўзини ёшлардан узмай.

– Синьор Руфинонинг ижозати билан дам олсанглар бўлади, йўлдан толиқиб келгансизлар, – деди маркиз.

– Ижозатингиз билан мен ҳам дам олай, – деди сенатор жавоб ўрнига маркизга.

Маркиз, майли, дегандай бош ирғади.

– Биз қулайроқ пайтда суҳбатимизга қайтамиз, – гапида давом этди дон Руфино акасининг кетидан хонадан чиқаётган донья Марианага ўгринча қараб. – Сизни хафа қилмай бу ишни текислаш йўлини топганга ўхшайман.

Дон Руфино нигоҳини бундай ваъдадан таажжубда қолган маркизга тикиб, ўз навбатида таъзим қилди-да, мурувватли илжайганича чиқиб кетди.

10. ДОН ХОСЕ БАРАДЕС

Дон Руис билан синглицси қайтиб келганидан бери анча кун ўтган бўлса ҳам дон Руфино асиендага пулдан зориқиб қолишганди. Шу сабабли қарзини узишга етадиган маблағ топиш учун бошини минг ёққа ураётган маркиз ҳам унга яқиндаги суҳбатларини ҳатто шама қилмаслиги ўз-ўзидан маълум эди. Дон Руфино эса бу ерга зарур иш билан бош суққанлигини, асиендага келган куни пулга жуда зориқиб қолганлигини пеш қилиб, маркизга муддатни андак чўзишдан ҳам бош тортганлигини гўё мутлақо унутгандек эди.

Асиендадаги ҳаёт ўз маромида кетарди. Дон Румс ҳар куни эрта

¹ Синьор амо – жаноб.

¹ Бу ерда навқирон жаноб маъносида.

билан дон Хосе ҳамроҳлигида даладаги ишларни ва боқилаётган молларни кўздан кечиргани кетар, уйдаги меҳмондўстлик вазифасини отаси билан синглисига қолдирарди.

Дастлабки пайтларда донья Марианани дон Руфинонинг сирли илжайишлари ва эҳтиросли боқишлари жуда хижолатга солди. Бироқ кўп ўтмай бунга кўниқиб кетди ва бақалоқ меҳмоннинг бачкана қилиқлари ва кулгили гўдаишларидан ичида куларди. Сенатор қизга қилаётган хатти-ҳаракатларини яхши биларди, албатта. Шундай бўлса ҳам табиатан суюқ бўлгани учун тап тортмай илиқишини қўймасди. Дон Руфино қизнинг отаси ва акаси олдида кўзини бақрайтириб, уялмай-нетмай бунчаликка бориши маълум мақсадга эришиш йўлидаги мўлжалларидан бўлиб, бундан унинг қанақа одамлигини билиб олиш унчалар қийин эмасди.

Чиндан ҳам сенаторнинг донья Марианага оғиз солиш нияти кўп ўтмай барчага аён бўлди. Бу эса сенаторни келин қилишни сира-сира истамаган маркизнинг иззат-нафсига тегди. Бироқ маркиз ҳар бир дақиқада қарзини қистаб қолиши мумкин бўлган сенаторга муте бўлгани сабаб бор гапини ҳам ичига ютарди. У меҳмонни ўз ҳолига қўйиб, кузатиб юрди, холос. Кун ўтаётганига шукур қилар, бироқ ўлиб-тирилиб пул топар ва бу бераҳм одамга оласини тезроқ бериб, кейин қувиб солиш ҳаракатида эди. Афсуски, пул тўлаши жуда чўзилди, Дон Фернадодан пул олишган жуда кўп одамлар қарзларини беришга шошилишмасди. Ш ваядан маркиз қарзининг чорагини тўплай олди, холос. Бунинг устига уни бемалол сарфлай олмас, нега деганда асиенда хўжалигининг кундалик харажатларига пул зарур эди.

Дон Руфино бўлса бу пайтда хат ёзиб, хат олишдан бўшамасди. Ўлканинг ҳар тарафига хат билан одам жўнатар, ўзи ҳам анча-мунча хат оларди. У ажойиб кунларнинг бирида дон Фернандо кун бўйи ҳисоб-китоб билан бош қотириб ўтирадиган кабинетга тап тортмай кириб келди. Маркиз бу хонага киришга ботинолмайдиган дон Руфинони кўриб, ҳайратидан қотиб қолди. Юраги беихтиёр сиқилса ҳам ўзини босиб, меҳмонга илтифот билан, ўтиринг, деди.

– Қадрли сеньор, – дон Руфино ўриндиққа ялпайиб ўтириб олиб, гап бошлади, – бу ерда ҳам тинч қўймаётганим учун кечирасиз. Бироқ ишим зарурлигидан ортиқча мулозамат қилиб ўтирмай эшигингизни тақиллатишга жазм этдим.

– Яхши қилибсиз, – жавоб қилди маркиз ҳаяжонланганини унчалик яшира олмай.

– Мен доим хизматингизданман. Нима хизматлари бор менга?

– Вақтингизни кўп олмайман, ўзим ҳам гапни айлангириб ўтиришни истамайман. Хуллас, эски ишимизни охирига етказгани келдим.

Асиенда соҳиби меҳмондан бунақа дангал гап эшитаркан, пешонасини совуқ тер босди.

– Уни унутганим йўқ, ишонинг, – жавоб қилди маркиз, – ҳозир ҳам шу муаммони ечиш билан банд эдим, бир неча кундан кейин сиз билан орани очиқ қилсам керак...

– Э, гап бунда эмас! – деди дон Руфино унинг гапини шартта бўлиб. – Бу пулнинг менга кераги ҳам йўқ. Мен ҳатто сиздан уни кўпроқ сақлашни илтимос қилмоқчийдим.

Дон Фернадо унга қараб қулоқларига ишонмади.

– Ҳайрон бўляпсизми? – гапида давом қилди сенатор. – Бу эса жуда жўн нарса. Сизга бераҳм қарз берувчи эмас, балки садоқатли

дўст эканимни кўрсатиб қўйгим келди. Арзимаган шу қарзни тўлашга қийналаётганингизни кўриб турибман, энди, бошқа қарздорларимдаги пулни ундириб, сиздай олижаноб ва ажойиб одамни безовта қилмасликка жазм этдим.

– Бироқ, – деб қўйди дон Фернандо янги қопқонга тушишдан кўрқиб, – гапингизга қараганда...

– Ҳа, ўзим ҳам шундай ўйловдим, – дон Руфино унинг гапини бўлди, – бироқ хайриятки, буёғи бошқача чиқди. Мана сизга далил: ҳамма векселлар бўйича тўловлардан қутулишимдан ташқари яна қўлимда анча-мунча пул қолди. Ҳозир буни қасёққа қўйишни ҳам билмай турибман, мободро ундан қутқарсангиз борми, сиздан хурсанд бўлардим. Бу пул ҳозир менга мутлақо керак эмас, уни таниш-билишларим орасидаги энг дурусти бўлган сиздан бўлак кимга ҳам ишона оламан.

Дон Фернандодан садо ҳам чиқмади. Яқиндагина оёғини тираб турган бу одамнинг ногаҳоний таклифидан лол қолганди-да. Иш бирдан бошқача тус олиб кетганини нимага йўйишни билмас, жавобга ҳам сўз тополмасди.

– Бунинг устига, – дон Руфино боягидай тап тортмай гапида давом этди, – бу ерда бир неча кундан бери турганимдан катта хўжалигингизни оқилона бошқараётганингизга ишониб улгурдим. Яқин келажакда катта фойда кўришингиздан шубҳаланмайман. Бироқ сиз оз маблағ билан катта иш қиладиганлардан экансиз, ҳамма касалингиз шунда! Сиз ҳар сафар кўпроқ зарур бўлганда пул етишмаслигини сезасиз. Бу анча кенг тарқалган нарса, бундан сиз ҳам мустасно эмассиз. Хўжалигингизга анча-мунча пул сарфлаб қўйгансиз, яна сарфлашингиз керак, эҳтимол кутилган натижа чиққунча олдингидан кўпроқ кетар. Энди шундай: сизга муомалада бўлиб турадиган маблағ етишмаяпти, менда эса ортиқча пул бор, шуни сизга илинаяпман. Йўқ, десангиз, наҳотки буни тўғри ниятда қилаётганимга шубҳалансангиз, деб хафа бўламан.

– Йўқ, албатта. Шусиз ҳам сиздан анча қарздорман, – гўлдиради маркиз.

– Шуям гап бўлди-ю! Мендан кўпроқ қарздор бўласиз-қўясиз-да!

– Менга нисбатан хайрихоҳлигингиз, дўстона мурувватингиздан беҳад миннатдорман, бироқ кўрқаманки...

– Сиздан яширмайман...

– Бекорчи гап!.. Менга қаранг, дон Фернандо, сиз мендан етмиш беш минг пиастр қарз бўлсангиз керак, шундайми?

– Афсус!

– Афсус қилишнинг кераги йўқ, – кулди сенатор. – Етмиш беш минг пиастр ва ҳозирда кўрсатган одамга Эрмосильо шаҳридаги “Вилсон ва ўғли” банкчилар уйи тўлайдиган олти вексел тариқасида сизга тутқизадиганим эллик минг пиастр анча-мунча пул бўлади... Кечирасиз, сизга қанча муддат маъқулроқ келади?

Дон Фернандо иккиланиб қолди. Дон Руфино ажойиб таклифи билан бирор мақсадни кўзлаётгани аниқ бўлса ҳам маркиз бунинг тагига етолмасди. Сенаторнинг қизга ишқу муҳаббати унда бунчалар сахийликни уйғотмасди, албатта. Бунчалар меҳрибонлик тагида қопқон бор эди. Бироқ у қанақа қопқон экан?

Дон Руфино маркизнинг дилидан кечаётган сирли ўйларни билмоқчи бўлиб, кўзини узмай турарди.

– Ботинолмаяпсизми? – сенатор яна гап бошлади. – Бекор қилияп-

сиз! Очкқчасига гаплаша қолайлик. Сиз саккиз-тўққиз ойсиз даромад олишга ишонмаяпсиз, шундайми? Бу муддат ичида менга шунча пулни қайтаришга кўзингиз етмай хавотир оляпсиз-а? Қойил! — дон Руфино кармонидан вексел чиқариб, столга қўяркан, гапида давом этди: — Эллик минг пиастрингизни олинг-да, менга бир юз йигирма минг пиастрни бир йилда қайтариш учун векселга қўл қўйинг. Сизни бемалол қўйиб бераётганимни кўриб турибсиз! Ўша муддатда ёнингизда зарур нақдина бўлмайди, деб фараз қилайлик! Худо ҳаққи, бунга ишонаман. Ушандай бўлган тақдирда ҳам сира қўрқадиган жойи йўқ! Биз векселни бошқатдан ёзамиз, вассалом! Мен жуда ҳам золим одам эмасман! Хўш, қани, қўл олишамизми? Ё менга векселларингни қайтариб олгин, дейсизми?

Пул қайдан келаётганидан қатъи назар унинг корчалон, айниқса, қийналиброқ турган корчалон кўзига бениҳоя сеҳрли кучга эгадай кўриниши ўз-ўзидан маълум. Дон Фернандо қанчалар уриниб, ҳар қанча катта пул сарфлаётганига қарамай, хонавайронлик қаъри томон тинимсиз тойиб бораётганини биларди. Уни фақат муддатгина сақлаб қолиши мумкин эди. Дон Руфино эса нияти қанчалар сирли бўлишига қарамай, унга фақат фурсатгина эмас, балки маркиз тополмаётган зарур маблағни ҳам муҳайё қилаётганди-да. Бу ёғига иккиланса ақлсизлик бўларди. Де Тобар де Могюер шунинг учун ҳам дон Руфинонинг векселини ўзиникига алмаштириб олди.

— Мана бу ишимиз ҳам тугади! — деди дон Руфино кармонига қарз-дорининг векселини яхшилаб жойларкан. — Уф! Умримда бунақа тентакни кўрмовдим. Азизим сеньор, сизни пул тўлатишдан ҳам пул олишга унатиш мушкулроқ экан.

— Сизга қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмай қолдим, дон Руфино... Энди очигини айтсам бўлади: бу пул жуда ҳам керак бўлиб турувди.

— Пул доим керак бўлади! — кулди сенатор. — Энди бу гапни бас қилайлик. Мободо ишончли одамингиз бўлса, вексел билан пул олгани Эрмосильога юборинг. Иложи борича тезроқ йўлга чиқсин. Пул ҳозир қадрлироқ, бекор ётадиган вақти эмас.

— Бугуноқ дон Хосе Парадесни шаҳарга жўнатаман.

— Қойил?! Энди сизга бир ўтинчим бор.

— Ўтинч? Менга-я? Тезроқ айта қолинг! Миннатдорлигимни тезроқ кўрсатгим келяпти.

— Гап шундаки, қарз масаласидаги гапни тугатиб, асиендангизда туришдек расмий баҳонамдан айрилдим.

— Бунинг қанақа аҳамияти бор?

— Анча-мунча бор, зеро, сиз билан яна бир неча кун бирга бўлсам девдим.

— Ҳазиллашяпсиз, дон Руфино! Сизнинг асиендамизда бўлишингиз бизга катта бахт. Қанча кўп турсангиз шунча кўп хурсанд қиласиз. Бир неча кун дейсиз-а! Хоҳлаганингизча қолаверинг!

— Жуда яхши, мақсадим ҳам шу эди. Энди менга жавоб берсангиз: ишингизга ортиқча халал бермайман.

Соат ўн бирда бошқарувчи даладан қайтиб келгандан кейингина маркиз уни чақиртирди.

— Ишончли отингиз борми? — сўради дон Фернандо зумда етиб келган бошқарувчидан. — Мен, — маркиз дон Хосе кулимсираганини пайқаб гапида давом этди, — Эрмосильога боришга ярайдиган бақувват отни кўзда тутаяпман.

— Албатта, жаноб. Бизда Эрмосильога чопиб бориб, чопиб қай-

тишга ярайдиган ва шаҳарда тўхтаган пайтдагина дам оладиган мустанг бор. Қачон йўлга тушай?

– Қанча тез бўлса шунча яхши. Дам олиб тулинг.

– Нимадан дам оламан, ми амо.¹

– Бугун далада озмунча юрдингизми?

– Бу мени сира ҳам толиқтирмайди, жаноб! – деди дон Хосе хушчақчақ ҳолда. – Мен отда юрганда дам оламан. Жаноблари сафаримни кечиктирмасалар, ярим соатда отни тутиб эгарлаб йўлга тушаман.

– Сиеста пайти ва тушки ёмон жазирама яқинлашяпти-да.

– Биз чала ҳиндилар – олов фарзандилигимизни яхши биласизку, жаноб. Офтоб эркалайди, аммо куйдирмайди.

– Сизнинг ҳамиша жавобингиз тайёр туради. Миннатдорман, дон Хосе.

– Бу сизни таажжублантираяпти-я, дўстим, тўғрими? Сиз барча ишларимдан воқифсиз, шунинг учун ичингизда бир олам пулни қайдан топа қолди, деяётган бўлсангиз керак.

– Ичимда ҳеч нима деяётганим йўқ, жаноб. Сиз буюрасиз – мен бажараман. Бошқасининг менга дахли йўқ.

– Бу пулни битта дўстим қарз қилди, сахийлигининг эса, ўзингиз кўриб турганингиздек, чегараси йўқ.

– Илоё, адашмасангиз бўлгани, жаноб.

– Бу билан нима демоқчисиз, дон Хосе? Нимага шама қиляпсиз?

– Ҳеч нимага шама қилаётганим йўқ, ми амо. Фақат хаёлимга ҳозирги вақтда сиздай қийналиброқ турган одамга биргина хоҳиш туфайли эллик минг пиастр қарз берадиган дўстларни топиш жуда машаққатдай туюлади. Очиқ-ойдин гапирганим учун кечирасиз, жаноб. Менимча, бунчалар сахийлик сабабини суриштирсангиз ёмон бўлмасди.

Дон Фернандо хўрсинди. Ичида ўзи ҳам дон Хосенинг хавотирига шерик эди. Бироқ хатосини бўйнига олишни ва буни қандай оқлашни истамайдиган кишилардай тутиб, гапни бирдан бошқа ёққа бурди:

– Учта... майли, тўртта пеонни ёнингизга олинг.

– Нимага, жаноб?

– Сизни қайтишда қўриқлашади.

– Қўйинг-е, жаноб! – дон Хосе қулди. – Қўриқчиларнинг менга кераги йўқ. Пеонлар мендан кўра бу ерда сизга кўпроқ иш беради. Эрмосильода олтин ташишга хачир сотиб оламан... Ўшанда кўрайчи, мендан уни тортиб оладиган эпчил топилармикан?

– Мен, барибир соқчи олсангиз зарар қилмасди, деган фикрдман.

– Сизга айтсам, жаноб, қўриқчи олсам менга қароқчилар қўл кўтаришлари мумкин.

– Бу билан нима демоқчисиз? Ажаб!

– Оппа-осон, ми амо: ҳозирда турлича тоифадаги қароқчилар ачиб ётган йўлларимиздан ёлғиз йўловчининг бировга сездирмай ўтиб кетиши осонроқ.

Дон Фернандога бошқарувнинг мулоҳазалари ажойиб туюлганидан беихтиёр илжайди.

– Сизга айтсам, дон Хосе, сўзларингизда ишонтирадиган жойи камроқ.

¹ М и а м о – тақсирим.

– Аксинча, – дон Хосе эътироз билдирди. – Сизга айтсам, жаноб, прерия қароқчилари муғомбир, ҳатто жуда муғомбир бўлганларидан кўпинча чув тушишади. Қирчанғи хачир етаклаган қандайдир харобметис эллик минг пиастр билан кетаётгани уларнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Куролли пеонлар кўриқлаб кетишаётганини кўришса нимага бунақа дабдаба, деб текширмоқчи бўлишади ва мен таланаман.

– Балки сиз ҳақдирсиз, дон Хосе.

– Мутлақо ҳақман.

– Майли, бошқа зўрлаб ўтирмайман, дон Хосе. Билганингизни қилаверинг.

– Хотиржам бўлинг, жаноб, бир пиастрини ҳам қолдирмай ўзингизга келтириб бераман. Ваъда қиламан.

– Илоё, шундай бўлсин! Мана сизга векселлар. Хоҳлаган вақтингизда йўлга чиқинг. Оқ йўл!

– Бир соатдан кейин йўлда бўламан, жаноб.

Дон Хосе векселларни яхшилаб буклаб қўйнига тиқиб, маркизга таъзим қилганча чиқиб кетди. Тўппа-тўғри яйловга бориб, бир неча дақиқада оёқлари ингичка, боши мўъжазгина ва кўзлари ёниб турадиган мустангни арқон отиб ушлади-да, яхшилаб тозалаб, эгарлади. Сўнгра қуролини текширди, альфорхасига яна порох ва ўқ солди, йўлда егулик нарсаларини ҳам унга жойлаб, эгарга минди. Бироқ асиендани тарк этишдан олдин асосий бинолардан наридаги иморатга яқинлашди-да, отининг бошини тортиб, деразани оҳиста икки марта урди.

Дераза очилиб, дон Руионинг боши кўринди.

– О, бу дон Парадес-ку! – хитоб қилди у. – Плантациягами? Кутиб туринг, бирга борамиз.

– Безовта бўлманг, ниньо. Плантацияга боришга ҳали эрта. Мен сафарга отландим.

– Кетяпсизми?

– Ҳа, жанобларининг топшириқлари билан уч-тўрт кунга.

– Қанақа иш билан?

– Маркизнинг ўзи ҳаммасини айтиб беради, ниньо.

– Майли. Бироқ фақат хайрлашиш учун деразамни тақилатмагандирсиз?

– Ҳа, жуда жиддий маслаҳат. Мен йўғимда, ниньо, меҳмонни кузатиб турасиз.

– Сенаторними?

– Ҳа, дон Руфино Уонтрерасни.

– Нима гап ўзи?

– Уни кузатиб туринг, ниньо, сира кўздан қочирманг. Бори шу. Кўришгунимизча хайр, ниньо!

Дон Хосе йигитнинг кейинги саволларига жавоб қилиб ўтиришни истамагандай отини ниқтади-да, асиенда дарвозасидан елганича чиқиб кетди.

11. ЙЎЛДА

Аҳолиси билан ҳудудини нисбат қиладиган бўлсак Мексика ер куррасидаги энг кимсасиз мамлакатлардан биридир.

Европа мамлакатларида транспортнинг талай хилма-хил ва қулай турлари мавжуд. Мексикада бўлса йўл босишнинг битта тури бор – отда юрилади, холос. Марказий штатларда, шунингдек Атлантика

океани соҳилига яқинроқдаги штатларда баъзи бир шаҳарлар орасида дилижонлар қатнаб туради. Бу экипажлар отларни кичикроқ қовоқхоналарда ёки карвонсаройларда алмаштиришади. Сайёҳлар ўша ерда тунасалар ҳам бўлади.

Сицилиядаги ошхоналарни ёки испанларнинг майхоналарини эслатувчи бундай қовоқхоналарда эса сайёҳ бошпанадан ташқари ҳеч нарса ололмайдди, жуда ибтидоий бўлган қошиқ-пошиқлар тегиши мумкин, холос. Бошқача қилиб айтганда, сайёҳ йўлда ейдиган овқатидан таш-қари тўшагини ҳам бирга кўтариб юриши даркор. Бўлмаса Мексика карвонсаройининг тақир ерида чакмонига ўралиб ётаверади.

Тинч океан соҳилига туташган штатларда эса сайёҳ бундай жўнгина қулайликлардан ҳам маҳрумдир. Бу ерларда сайёҳ бир ердан иккинчисига ўтиб, отда эллик-олтмиш лье йўл босадиган бўлса битта ҳам қовоқхонага дуч келмайдди, ҳаттоки ёмғирдан ёки жазирама иссиқдан, тунги зирқиратадиган аёздан ва муздай шабнамдан жон сақлайдиган хароб ранчони ҳам учратмайдди. Қаерда кеч тушса, ўша ерда, очикда ётаверади, эрталаб эса йўлга тушаверади.

Марказий штатларнинг йўлларида турлича босқинчилар ва қароқчилар қайнаб ётади ҳисоб. Катта йўлнинг жўмардлари бу ерларда ўзларини хўжайинлардай сезишади ва куппа-кундузи сайёҳларни талаб, ўлдиришаверади. Сонорада ўғрилар ва босқинчилар ондасондагина учрайди. У ернинг йўллари бирмунча бехатар. Бироқ у ерда ҳам сайёҳлар, айниқса, ҳиндиларнинг қўзғолонлари ёки навбатдаги бирорта пронунсиаменто аскарларнинг қутурган оломонларини занжирдан бўшатган кунларида анча-мунча хатарли учрашувларга дучор бўлади. Аскарлар касби босқинчилик ва қотиллик бўлганларнинг изидан бориб, қўлларига тушганни сира уялмай-нетмай талаб, ўлдираверадилар. Дон Хосе Парадес узоғи билан беш-ўн лье йўлни босиб ўтиши лозим эди. Бироқ йўл ёмонлиги ва ўзини эҳтиёт қилиши зарур бўлганидан Эрмосильо сафарига камида тўрт кун кетарди. Европа маданиятининг барча қулайликлари талтайтирган одамга отда бошпанасиз тўрт кун йўл босиш оғир синов бўлур эди. Бироқ бизнинг моҳир бошқарувчимиз кўпинча бошпанадан кўра очик осмон остида тунашга ўрганганидан ҳар қандай қийинчиликларга ва ноқулайликларга дош берар, шунинг учун ҳам бунга бунақа сафар кўпроқ ёқимли сайрдай гап эди.

Чиндан ҳам дон Хосе эгарда бошини бепарво чайқаб, дам пахитоска чекиб, дам қандайдир таниш ашулани хиргойи қилиб кетаркан, бу теваарак-атрофни зийраклик билан кузатиб боришига халал бермас, қўли эса эгарига кўндаланг қўйилган милтигининг тепкисида эди.

Сафарнинг иккинчи куни ҳам қариди. Дон Хосе Ариспани босиб ўтди. Кеч тушиб келмоқда эди. Кучли шамол тез-тез чанг кўтариб, йўловчидан ёруг дунёни яширар, уни куюқ пардага ўрарди. Кун ботган бўлса ҳам ҳаво ҳамон одамни беҳол қиладиган даражада иссиқ эди. Қорайган осмон кўкимтир – кўрғошинсифат тусга кирди. Тўдалашган сарғиш булутлар уфқни тезда қоплай бошлади. Қушлар хавотирли ва аянчли чийиллаганча чарх уриб учар, ўшал дақиқада дон Хосе илгарилаётган даранинг ўнг ва сўл томонларини қуршаган қоялар орасида дам-бадам кучли хуштак ва қандайдир ноаниқ товушлар эшитиларди. Қирилган ер эса ёмғирнинг илк томчиларини ютоқиб шимарди.

От ваҳимада қулоғини чимириб, бошини силкир ва безовтала-

ниб пишқирарди. Бу ҳол мазкур кенгликларда бўладиган бўрон бошланишидан дарак берарди. Булар Африка самумидай чинқириб ёпириладиган ва жойларда манзарани бир неча соатда ўзгартириб юборадиган ҳақиқий офатдир. Ғазабкор шамол баҳайбат дарахтларни эгиб, илди-пилди билан қўпорар, дарёлар соҳилидан тошарди. Чамаси заминнинг ўзи қутурган табиатнинг даҳшатли қучоғида қалтираётганга ўхшарди.

– Агар адашмасам, – гўлдиради дон Хосе теварак-атрофига безовта жовдираб, – бир соатга кордоннасода қолсак керак ва бу жойларда қутурган бўронларнинг энг ашаддийси бўлса, ажабмас. Бу ёғига жуда мазза қиларканман-да! Бу лаънати довул мени танг аҳволга солди. Иблиснинг малайи яна қирқ саккиз соат сабр қилса бўларди!

Дарвоқе, бошқарувчи бекорга вайсамаганди. Аҳволи тобора мушкуллашиб борарди. У довул ўзи бораётган торгина ва чуқур дарада роса қутуришини биларди. Мабодо бўронда қолиб кетса, омон қолмаслигини биларди. Шу ваздан нимаики қилиб бўлса ҳам бу қопқондан чиқиб олишга уринди. Ихтиёрида санокли дақиқалар қолганди. Ҳатто жиндай иккиланишга ҳам вақти йўқ эди. Парадес қатъиятли, фақат ўзига, довураклигига, кучи ва гайратига ишонадиган одам эди. Чакмонига яхшилаб ўраниб, шляпасини бостириб кийди, эгарга эгилганича этигининг тепкиси билан отни ниқтаб, гулдураган овозда:

– Сантьяго! – деб ҳайқириб юборди.

Бунақанги қистовга ўрганмаган ҳақиқий мустанг бир кишнадида, олдинга қуюндай учди.

Қора булутлар бу пайтда осмонни бутунлай қоплаганидан ҳаммаёқ борган сайин қоронғилашар, офтоб нурларининг кучи қирқилганди. Дон Хосе отни ҳадеб ниқтаётганидан қутурган от тинимсиз шамолдай еларди.

Дон Хосе ниҳоят дарадан чиқиб олди. У рўбарўсидаги ястанган ва уфқдаги, баланд тоғларга туташиб кетган чўлни кўрганида суюнганидан ҳайқириб юборди. Бошқарувчи ўша тоғларга етиб олмоқчи эди. Фақат ўша ердагина жон сақлай оларди-да. Хуллас, дарадан чиқиб олган йўловчининг аҳволи бирмунча яхшиланди. Шундай бўлса ҳам уни олдинда ҳали оғир машаққатлар кутарди. Дон Хосе бир неча дарё ва жилғалар кесиб ўтган бу чўлнинг бошидан оёғигача хатардан паналаниб, бошланай деб турган момақалдиуроқни қаршиласа бўладиган бирорта бошпана йўқлигини фаҳмлади. У бир дақиқани ҳам бой бермай боягидай ҳайқирганди, мустанг яна ҳам тезроқ ела кетди. Бу ақлли жонивор ўзи ҳам, чавандози ҳам омон қолиши фақат ўзига боғлиқлигини фаҳмлагандай дулдул мисол учарди.

Бирдан оқиш чақмоқ қора булутларни ёритиб, ёмон қалдиуроқ турди. Мустанг ҳуркиб, ўзини чеккага ташлаганди, чавандоз уни тўғри йўлга солди. Шундан кейин у шаррос қуяётган жалада яна йўлнинг танобини торта бошлади.

Қуёш қора булутлар ортида қолди, қоронғи тушган бўлса ҳам Парадес бўшашмаган, табиий офатлар билан олишувларда унинг иродаси тобланганди. У ўлим билан бетма-бет келиб ҳайқирганча отни ниқтаб қистаркан, унинг ёлига ёпишиб олгандай эди. Фақатгина чимирилган қошлари билан қоронғиликни пармалаётган кўзларидангина мушкул аҳволга тушганини сезиб олиш мумкин эди. Бироқ афтидан хотиржам ва бепарво, прерияда яшаб, бунақа нарсаларни кўраверганидан яна бирини бошидан кечиряпти-да, деб ўйлаш мумкин эди.

Бўрон бу пайтда кучайиб, довулга айланди. Шамол гўё занжирдан бўшатиб юборилган йиртқич ҳайвонга ўхшаб, газабкор ташланар, ёмғир савалаб, ерни балчиққа айлантира бошлади.

Ногаҳон шўрлик йўловчининг қулоғига сувнинг мудҳиш шовуллаши урила бошлади. Бу эса тошқин бошланганининг аломати эди. У ер-бу ерда бўзранг, кўрғошин тусли кўлмаклар кўрина бошлади. Тинимсиз қақиб турган чақмоқнинг оқиш нурида бу кўлмаклар аста-секин кенгайиб, йўловчини тобора исканжага оларди. Шамол қанотида келган олисдаги гулдурослар дон Хосенинг қулоғига борган сари аёнроқ эшитила бошлади. Йўловчининг хавотири ортди. Уни ҳалокатдан фақат бир соатлик фурсатгина айириб турар, текислик шу муддатда кўпираётган кўлга айланмоқда эди. Парадес яшин ёруғида дам у ер, дам бу ерда қочаётган жониворларнинг қораларини кўрарди. Улар ҳалокат яқинлашаётганини сезган жонзотлар бўлиб, инларини тарк этмоқда ва кўрққанларидан ёмон ўкирганларича текисликда жонсарак бўлиб югурмоқда эди.

Теварак-атрофдаги барча нарсалар қутурур ва ўкирарди. Тошган сувнинг шовқини момақалдироқ гулдуросларига ва шамолнинг увиллашига қўшилиб кетарди. Бўроннинг барча шовқинлари даҳшатли гумбурлашларга жўр бўларди. Дон Хосенинг мустангини этикнинг учли тепкисидан кўра кўпроқ кўрқув олдинга қуварди.

Бу фаройиб пойга ҳақида озгина тасаввурга эга бўлиш учун ана шу кенгликларда шамол ётоғидан қўзғотган сув тошқинининг бир неча соат ҳаракатга келиб, жазавага тушиши ва қирғоғидан ошиб, текисликни бир неча лье доирада босганини одам ақалли бир марта ўз кўзи билан кўриши керак.

Йўловчининг кўксидан бирдан даҳшат ва газаб нидолари отилиб чиқди. Ўша лаҳзада у қаддини ўнглаб, жиловни шу қадар қаттиқ тутганидан от жойида қотиб қолди. Дон Парадесга олисдан кўнғироқнинг даранглагани эшитилганди. Пастликда бўладиган катта тошқин пайтларида асиендаларнинг эгалари адашган йўловчиларга кўнғироқ чалиб нажот йўлини кўрсатишарди.

Дон Хосе бир дақиқа қулоқ солди. Ниҳоят ингроққа ўхшаган оҳиста овозни илғади. Бошқарувчининг сезгир қулоғи уни алдамаганди: чиндан ҳам ўша ёқдан элас-элас кўнғироқнинг овози келаётган эди. Бироқ овоз йўловчимиз келаётган томоннинг қаршисидан келарди. Чамаси, дон Хосе бу зим-зиё қоронғиликда йўлдан адашган ва сув тошган текисликда айланиб қолган, бу ерда эса мадад кутиб ҳам бўлмас ва ҳалокатга йўлиқиш аён эди.

Парадес қанчалар довюрак бўлишига қарамай, беихтиёр чўчиб тушди. Пешонасини совуқ тер босди.

Ана шу қалтис пайтда дон Хосени фақат бир нарса, бутун бир оиланинг ўзимга топширилган бойлиги билан сувга чўкиб кетаман, деган фикр қийнарди. Бундан бир неча дақиқа муқаддам прерияни узунасига ва кўндалангига кезиб чиққан, энг даҳшатли хатарларни ҳам қилт этмай қаршилаган бу шерюрак, мард сайёҳ тинкаси қуриб, гўдакдай заифлашиб қолганини сизди. Бироқ бу ҳолат кўпга чўзилмади, ўзини тезда ўнглаб олди. Руҳи кўтарилиб, бир дақиқа бўшашганидан ичида уялди. Ҳамма қийинчиликларга туриб беришга жазм этди. У охирги имконгача, сўнгги нафасигача, кўзи юмилгунича курашишга жазм этаркан, шу чоққача иродаси бунчалар мустаҳкам бўлмаганини пайқади.

Бир дақиқа муқаддам бу довюракнинг юраги тарс ёриламан, деб турганди. Энди эса ҳозирги мардонавор режаси вужудига янги куч

бахш этди. Кафтининг орқаси билан юзидаги терни сидирди-да, жо-йидан қимирламай у ёқ-бу ёққа аланглаб, қай томонга қараб юришини аниқлаб олиш учун яна яшин чақнашини кута бошлади.

У теварак-атрофни ёритиб юборган чақмоқ нурида ўнг томонида, бор-йўғи бир неча қадам нарида баланд бир тепаликни кўриб суюнганидан қичқириб юборди. Тепалик устида назарида бир чавандоз бамисоли тош ҳайкалдай қимирламай турганга ўхшарди.

Сув тезда дон Хосега етиб келиб, отнинг қорнигача кўтарилди. Шунга қарамай у оғир синов соатидаги матонатли одамлар сингари таваккал қилмасликка жазм этди. Балки бу одам бениҳоя асабий ҳолда бўлганида кўзига кўринган бир саробдир? Дон Хосе чақмоқ яна чақишини кутиб, тепаликдан кўзини узмасди. Бу сафар жуда зориқиб кутилган чақмоқ зулматни ёритганида дон Хосенинг қулоғига бўроннинг увиллашини босиб, қаттиқ бир овоз эшитилди. Бу овозда ичида одам жуда мушкул ҳолга тушганида касб этадиган кучли жарангдорлик мужассам эди.

– Тезроқ! Олдинга! Тўппа-тўғри менга қараб юринг! – деди кимдир Хосега.

Дон Хосенинг кўкрагидан йиртқичнинг тантанавор ўкиришини эслатувчи шодон ҳайқириқ отилиб чиқди-ю, отининг жиловини силтаб, них билан унинг биқинига ниқтаганича тепаликка ошиқди, сершовқин оқим эса изма-из келарди. У ўн дақиқалар ўтар-ўтмас тепалик чўққисига кўтарилди-да, ўз нажоткори қўлига беҳуш йиқилди.

12. ТУНГИ МУСОБАҚА

Жисмоний толиқишдан кўра кўпоқ руҳий кечинмадан ҳуши оққан дон Хосе тезда ўзига келди. Кўзини очиб қараса, тепаликда ёлғиз ўзи ётибди, устига адёл ёпилган. Чамаси, кимдир уни қаттиқ совуқдан асрабди. Дон Хосе устидан адёлни олиб, теварагига синчиклаб разм сола бошлади.

Момақалдиरोқ ҳамон гулдирар, бироқ унинг кучи энди анча қирқилганди. Ёмғир тинган. Қорамтир-кўкиш осмонда юлдузлар чақнарди. Уларнинг чалкаш ёғдуси теваракдаги бор манзарага қандайдир ёввойилик бахш этганди. Шамол боягидай қутуриб, тепалик устигача етиб қолган сув юзасидаги кўпикларни ўйнарди.

Бошқарувчининг оти эгасидан бир неча қадам нарида бемалол ўтлаб юрарди. У мазза қилиб дарахтларнинг ёш новдаларини ва яшил гиламдай ерда ястанган қалин майсаларни чимдирди. Ёнида эса бошқа бир от ўтларди.

“Қойил! – хаёлидан ўтказди дон Хосе. – Менинг довурак халоскорим яқин атрофда бўлса керак. Демак, уни ҳали замон кўраман. Бироқ қаерда бўлиши мумкин? Бу ерда қанақа иши бор экан унинг? Дарвоқе, уни тинчгина кутганим маъқулроқ”.

Бу фикрлар кўнглига келишига улгурмасиданоқ нимқоронғиликда бир одамнинг қораси кўринди.

– Туриб олибсиз-да! – деди нотаниш киши ҳушчақчақ ҳолда. – Қойил! Менга ҳар ҳолда боягидан ҳам ҳозирги ҳолатингиз кўпроқ ёқади.

– Миннатдорман, – деди дон Хосе самимий. – Чала сўйилган буқадай қўлингизга тушганимда жуда ночор кўринган бўлсам керак! Шундай бир сўлоқмон аёл ёки нимжон болага ўхшаб ҳушидан кетса. Уят-е, тўғрими?

– Сира ҳам, ошна, – нотаниш киши эътироз билдирди. – Офат-

га қарши курашганингизни тасодифан кўриб қолдим. Сизга ёрдам беришдан ожиз бўлсам ҳам, бироқ, Худо ҳаққи, бақувват жангчи эканлигингизга овчилик номусим билан қасам ичаман! Бўронни мардона қаршиладингиз. Сизнинг ўрнингизда кўп одамлар, жумладан ўзим ҳам бунчалар осон қутулмаган бўлардим, гапимга ишонаверинг.

Ана шу гапдан кейин гап гапга қовушиб, икковлари янада иноқлашиб қолишди.

Одамзоднинг табиати шунақа. Куч ва ақл борасида тенг бўлган одамларгина дўстлаша оладилар. Парадес нотаниш кишидан ҳар қанча миннатдор бўлса-да, унинг ўзидан қандайдир устунлигини сезганида бунчалар бемалол муомала қилолмасди. Халоскорининг очиқлиги дон Хосе ишончини ўзига қайтарди, чўлда эса одам ўзига ишонмаса тирикчилик қилолмайди. У ўзини зумда бемалол тута бошлади.

— Омон қолишдан умидимни узган пайтим бўлганини айтишим керак, — деди дон Хосе янги дўстига қўлини узатиб. — Сиз бўлмасангиз чиндан ҳам ўлиб кетишим турган гап эди.

— Қўйинг-е, қўйинг-е! — нотаниш киши узатилган қўлни қисқаркан, эътироз билдирди. — Менга сира ҳам бурчли эмассиз. Офатдан ўзингиз қутулдингиз-ку, ҳе, жин урсин-е!.. Бироқ бошқа гапга ўтайлик. Биз бу ерда бехатар жойдамиз. Шундай бўлса ҳам аҳволимизга биров ҳавас қилолмайди. Бу ердан қандай чиқиб олишни ўйласак ёмон бўлмасди.

— Мен ҳам шунақа фикрдаман. Афсуски, дастимиз анча қисқа.

— Эҳтимол. Бироқ аввало “ҳиндилар удуми”ча ўтириб, кенгашиб олсак девдим. Розимисиз?

— Албатта. Ҳозирги аҳволимизда эсга дурустроқ бир нарса ҳам келмайди. Қолаверса, — дон Хосе ҳавога қараб гапида давом этди, — тонг отишига яна уч соат бор.

— Ҳа, вақтимиз етарли.

Икковлари гаплашиб турганларида бўрон бутунлай тинган ва шамол энди ўқтин-ўқтин эсарди.

— Ишни гулхан ёқишдан бошлаймиз, — таклиф қилди Парадес. — Шамол тинганида йиртқичлар бу тепаликка сузиб бўлса ҳам келадилар. Жониворларнинг нозик сезгиси уларни бу ерга бошлайди. Мабодо олдиндан эҳтиёт чораларини кўрмасак, улар бизга ҳамла қилади.

— Ажойиб фикр! Мана, овчилигингиз ҳам билиниб қолди!

— Ҳа, кўп йил ов қилдим, — деб қўйди дон Хосе хўрсиниб. — Бироқ бу ўтди-кетди. Прерияда санғишларим тугади.

— Сизга дилимдан ачинаман, — деди нотаниш киши самимий ҳолда, — бунақа ҳаётга ҳеч ким чидаёлмайди.

— Буни кимга айтяпсиз! Умримнинг энг ажойиб йиллари Прерияда ўтган.

Иккала ошна суҳбатни бўшаштирмай мачете билан баҳайбат эманнинг пастидан чуқур кавлашди. Уни қатронли шох билан тўлдириб, олов ёқишди. Бунинг учун тагидаги эман баргига ўралган озгина порохни ишга солишди. Аланга тепага бўй чўзди, шохлар сонсаноқсиз учқун сачратиб, чирсиллаб ёна бошлади.

Оловнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти жуда катта. Кўп хосиятларидан ташқари одамларнинг ақл ва вужудларини қувнатади. Одам унинг хуш ёқадиган алангасида исинаркан, бошига тушган оғир ва хатарли дақиқаларни эсдан чиқаради.

Икки йўловчи индамай жиққа ҳўл бўлган кийимларини қуритишди.

Иккиси ҳам иссиқ таналарининг ҳар бир ҳужайрасига етаётганини, ҳузур билан қонларини иситаётганини ва увушган оёқ-қўлларини жонлантираётганини сезиб, жуда роҳат қилишарди.

– Vivo días! – дон Хосе хурсанд силкиниб тилга кирди. – Яна аслимга қайтаётганга ўхшайман. Айниқса қалтираб турганинда олов жуда зўр бўлади-да! Уни ишга солсак, нима дейсиз?

– Йўқ демайман, – жавоб қилди нотаниш киши. – Бироқ қандай қилиб?

– Қорнингиз очмаганми?

– Мана уч-тўрт соатдирки, оғзим ушоқ кўрмади. Бироқ, афсуски, менинг егулик ҳеч нарсам йўқ.

– Бўлмаса менда бор! Баҳам кўрамиз!..

– Унда ҳаракатга тушинг! Сиз яхши ўртоқ кўринасиз!

Бошқарувчи йўлда ейдиган нарсаларни чиқарди.

– Мана! – деб қўйди у егуликларни гулхан атрофига ёяркан, хурсанд ҳолда.

– Карамба, – нотаниш киши қувониб кетди. – Емиш сира ҳам ҳозиргидай асқотмаганди!

Иккала йўловчини ўлгудай қувонтирган бу емишни европалик ҳўранда кўрса борми, башараси буришиб кетиши турган гап эди. Бор емиш озгина тузлаб, дудланган гўшт, эчки сутидан тайёрланган жиндай пишлоқ ва бир неча зогора нондан наригача ўтмасди-да. Бундан ташқари альфорхадан зўр мескаль солинган мўжазгина меш олингандан кейин йўловчиларимизнинг қулфи диллари янада очилиб кетди.

Ошналар тузланган гўшт тез пишадиган сих ясашиди-да, димоғлари чоғ бўлиб, тамадди қилишга тушишди. Бунда мешни бир-бирларига дўстона тутиб, мескалдан ютиб туришди. Шундан кейин пахитоска тутатишди. Мексикаликларнинг меҳмондўстлиги доимо шунақа яқунланади. Ошналар чекишаркан, уфқни диққат билан кузатишарди. Уфқ-да кенг бир саҳн ёришиб турарди.

– Энди, ижозатингиз билан, кенгашимизни очсак бўлади, – деди нотаниш киши тамакини мазза қилиб тортиб, оғиз-бурнидан чиқараркан.

– Сиз бу жойни олдин эгаллагансиз, – деди дон Хосе қулиб, – шунинг учун ҳамма нарсаларини яхши билишингиз керак. Биринчи гапириш навбати ҳам ўзингизга.

– Яхши!.. Бўлмаса бундай: атрофимизни ҳамма томондан сув ўраган. Довул тинди, бироқ бу сувнинг кўпи соҳилга тушиб, бир қисмини текисликдаги қум шимгунича анча-мунча вақт ўтади.

– Тўғри, – жавоб қилди дон Хосе. – Бироқ бу ердан бир амаллаб чиқиб олишимиз керак-ку!

– Ҳамма гап шунда-да! Бизда иккита имкон бор: ер селгигунича туриш...

– Бу бўлмайди, – бошқарувчи ошнасининг гапини кесди. – Бунга кўп кетади, бу эса жуда ҳам зиён беради. Ҳа, офтоб чиқиши биланоқ отни сувга соламиз-да, анави тоғлар томонга йўналамиз. Хайриятки, улар унча узоққа ўхшамайди.

– Сиз ихтиёримизда яна битта имкон борлигини унутяпсиз: қайиқда сузиб, отларни етовга олсак ҳам бўлади. Шунда улар толиқмайди, ҳам сузиб, ҳам бизни тортмайди. Шу йўл билан ўша тоғларга, албатта, етиб оламиз, сиз тўғри пайқагандай, улар биздан бир ярим-икки лье нарида, холос.

– Яхши фикр, гапингизга тўла қўшиламан. Афсуски, буни амалга оширгани бир нарса етишмайди.

- Нима экан?
- О, арзимаган нарса – қайиқ!
- Адашасиз, ўртоқ.
- Нима дедингиз?
- Сиз беҳуш ётганингизда маконимизни текшириб кўрдим. Ёмғирлар мавсумидан олдин маҳаллий халқ қайиқларини тошқинда қолган йўловчиларга ташлаб кетадиган одатлари борлигини эшитган бўлсангиз керак. Улар қайиқларини баланд жойларда, кўпинча дарахтларга яширишади.
- Ростданми? Шунақа қайиқни топдингизми?
- Ҳа! Сизга айтсам, уни ўзимиз макон қилган дарахтдан топдим. Қайиқ жойида, иккита яп-янги эшкаги ҳам бор.
- Баракалла! Бундан чиқди, тонг отиши билан хоҳласак йўлга чиқарканмиз-да.
- Албатта, гарчи ўзим ишонмаётган бўлсам ҳам. Баъзи бир сабабларга кўра бу ерларда яна бир неча кун бўлишимиз керак.
- Демак, келишдик. Ҳозир эса тонг отишига ҳали вақт борлигидан фойдаланиб, кўзимизни пича илинтирамиз.
- Бемалол ухлайверинг, менинг уйқум келмаяпти. Икковимизга ҳам қоровул бўламан.
- Таклифингизни бажонидил қабул қиламан, бироқ сиз билан яхшилаб танишиб олмагунимча кўзимни юмолмайман.
- Сиз билан шундай ҳам ошнаимиз-ку!
- Албатта, ўзим учун, ҳар ҳолда жавоб бераман. Икковимиз ҳам бир-биримиз ҳақимизда ҳеч нима билмаймиз, бирортамиз кимлигимизни айтганимиз йўқ-ку ҳали.
- О парвардигор... бунақа расмиятчиликлар прерияда жуда ҳам ортиқча нарса-да.
- Бир-биримизга бирдан керак бўлиб қолсак-чи?
- Сиз ҳаққа ўхшайсиз. Энди гап шундай: мен оддий овчиман, ўрмон дайдисиман. Ўртоқларим мени Соҳибчангал, дейишади. “Негаки, дўстига, ўзига узатилган бу қўлга бемалол ишониш мумкин” дейишади улар.
- Худо ҳаққи, кабальеро, сиз бу номга муносибсиз! Сизни кўп марта эшитгандим. Кўпдан бери сиз билан танишиш иштиёқида юрардим ва тақдир икковимизни учраштирганидан мамнунман. Хўш, энди ўзимга гал келди: исмим Хосе Парадес, маркиз де Могюернинг бошқарувчисиман.
- Нима?! – Соҳибчангал ҳайратини яширолмади. – Маркизнинг бошқарувчиси сизмисиз ҳали?!
- Ҳа, худди ўзиман. Нега бу сизни ҳайратга соляпти?
- Икки кун муқаддам маркиз Эрмосильога жўнатган ва инглиз банк эгасидан анча-мунча пул олишни буюрган одам сизмисиз?
- Буни сиз қайдан билдингиз?! – хитоб қилди бениҳоя таажжубда қолган дон Хосе.
- Билганимдан кейин барибир эмасми! — Жавоб қилди овчи. — Менга ишонинг, — у гапини маънодор қилиб давом эттирганди, дон Хосе беихтиёр ҳушёр тортди. — Тақдир икковимизни атайлаб учраштирди.
- Ажаб, — гўлдиради дон Хосе. — Хўжайиним фақат ўзимга айтган сир қандай маълум бўлди?
- Бу билишга боғлиқ! — Соҳибчангал эътироз билдирди. — Дарвоқе, ҳозирча менга сафарингиздан мақсад маълумлигига қаноат қиласиз. Сиз мен ҳақимда илгари ҳам эшитганингизни айтувдингиз.

Одамлар мен тўғримда нима дейишувди?

– Яхши томонларингизни гапиришувди. Сиз жуда яхши ва синалган довюраклардан экансиз.

– Ана шу гапларга ишонасизми? Менга ишонасизми?

– Тўла-тўқис: сиз олижаноб одамсиз, бунга шак-шубҳа қилмайман.

– Мен ҳақимдаги фикрингиз ўзгармаса дейман. Тақдирнинг ўзи маркизингиз фойдасига иккимизни дуч келтирганини яқин орада тушуниб оласиз. Билсангиз, ўзим ҳам сизга йўлиқмоқчи бўлиб турувдим!

– Ҳеч нимани тушунмаяпман!

– Бунинг ҳожати ҳам йўқ! Тез орада бари аён бўлади-қолади.

– Қани эди!

– Ишонаверинг! Маркиз де Могюерга содиқмисиз?

– Жону таним билан содиқман! Унга жонимни беришга ҳам тайёрман!

– Зўр! Гапимга диққат билан қулоқ солинг, сеньор Парадес. Хўжайнингиз буткул хонавайрон бўлиш арафасида. У ўзини жувонмарг қилмоқчи бўлган ярамаслар қўлидаги ўйинчоққа айланган. Сизни қайтишингизда талашмоқчи, ярамаслар тайёрлаётган қопқонда нобуд бўлишингиз турган гап.

– Бўлиши мумкин эмас! – ҳайрон қолган Парадес қичқириб юборди.

– Яна айтаман – менга ҳаммаси маълум. Бунга тил бириктириб олган одамлар гапларини эшитиб олганимни хаёлларига ҳам келтиришмайди.

– Аблаҳлар!

– Гапингизга тўла қўшиламан. Мен худди шунинг учун ҳам бу ерданман. Бўлмаса қопқонларимни бемалол қўйиб юришим керак эди. Мен ярамасларнинг шум ниятларини барбод қилмоқчиман.

– Бундай иш тутишга сизни нима мажбур қилипти? – дон Хосе ишонқирамай гапирди.

– Бу савол жавобсиз қолади. Сиз вақтинча синчковликни йиғиштирасиз. Менга тамомила ишонишингиз ва манфаатингизни ҳимоя қилишимда ҳамма нарсада кўмаклашингиз лозим. Келишдикми? Менимча, бу келишувимиз сизнинг фойдангизга хизмат қилади, амалда эса мендан кўпроқ хатарда бўлмайсиз.

Орага анча жимлик чўкди. Бошқарувчи эшитган гапларининг мағзини чақишга уринарди. Овчи эса ундан кўзини узмас, яна қачон гапга тушаркин, деб сабр-тоқат билан кутарди. Ниҳоят дон Хосе ишонч билан қўлини чўзганди, ошнаси самимий қисишга ошиқди.

– Менга қаранг, Соҳибчангал, – деди Парадес, – аввало бу гапларингиз менга жуда галати туюлганини очиқ айтишим керак. Бироқ овозингиз ниҳоятда самимий: обрўйингиз ҳам прерия одамлари орасида баландлигидан ҳаётимни сира иккиланмай қўлингизга топшираман. Ҳа, мени сотишга қобил эмассиз! Ҳозирдан бошлаб то хўжайиним билан бирга нобуд қилишмоқчи бўлишган ярамасларнинг кимликларини айтишни лозим топган пайтингизгача иродамга бўйсунмайман. Мени нақ буюмдай кўраверинг, хоҳлаган маҳалингизда кетиб-келаверинг, билганингизни қилинг, сизга ҳамма нарсада бўйсунаман, ҳеч нимани суриштирмайман. Бу сизга ҳуш келадими?

– Қойил, биродар! Кўнглимдагини топдингиз. Бошлаган ишим-

нинг кети яхши чиқиши учун шунақа бемалол бўлишим керак. Ҳеч ким менчалик маркиз де Могюернинг фаровон ва бахтли бўлишини қадрламайди, бу ҳалол гапимга ишонинг.

– Демак, келишдик, – деди дон Хосе жавоб тариқасида, – тонг отиши билан йўлга тушамизми?

– Ҳа, бироқ тўғри Эрмосильога эмас. Бу шаҳарга йўл олишдан аввал изимизни йўқотмасак бўлмайди. Қаршимизда чегарадаги тажрибали қароқчилар туришганини эсингиздан чиқарманг. Улар бизни кузатишяпти. Биз айёрларни лақиллатишимиз, уларнинг ҳарбий ҳийлаларига чап беришимиз керак.

– О-о! Овчилик касбимни эслашимга ажойиб фурсат келибди-да.

– Прериядагиларнинг: “дарахтларнинг кўзи, япроқларнинг эса қулоғи бор”, деган севимли мақолини эсланг. Бахтимизга изингизга тушган ярамаслар бу ишдан манфаатдорлигимни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Мен бундан буён ҳам ана шундан фойдаланмоқчиман.

– Эрмосильога бўлмаса, қайга борамиз? – сўради дон Хосе.

– Сиз буни эрталаб, кундузи гапимизни биров эшитмаётганига ишонганимдан кейин айтаман. Ҳозир эса ухлаб, дам олинг. Куч тўпламаса бўлмайди: эртага йўлингиз оғир кўчади.

Соҳибчангал гўё бундан кейинги сўраб-суриштиришларга чек қўймоқчи бўлгандай чакмонига яхшилаб ўралди-да, эман танасига суяниб, оёғини гулханга чўзганича кўзини юмди. Парадес суҳбатни давом эттиришни жуда-жуда хоҳлаб турганига қарамай, овчининг ёнига чўзилди. Орадан бир неча дақиқа ҳам ўтмай дон Хосе бўрон тинкасини қуритганидан қаттиқ уйқуга кетди.

13. КОНЧИЛАР ЛАГЕРИ

Сонора қимматбаҳо маъданлар захираси бўйича дунёдаги энг бой музофотлардан бири. Расмий ҳисоботдан маълум бўлишича, биргина 1839 йилнинг ўзида Эрмосильо шаҳрининг намуна палатасига олти юзта кумуш ва олтмишта олтин қуймаси келтирилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати бир миллион пиастрдан ортиқроқ бўлган. Бу катта рақамни солиқ тўламаслик учун палатага тақдим этилмайдиган ноқонуний маъдан ҳисобига кўпайтириш керак бўлади.

Бу жойлар мис маъданига ҳам бой. Бироқ аҳоли мис ишлаб чиқаришни ёқтирмай, ўзини олтин қидиришга урган.

Жаҳондаги бирорта ҳам мамлакат бунчалар бой ва беҳисоб олтин конларига эга эмас.

Олтин бу ерда дарёнинг лойқа оқавасида, ёмғир ювган жарларда, кўпинча эса текис ер юзасида ёки бир неча фут чуқурликда учрайди.

Ариспа вилоятининг шимолий қисмида Квитовак ва Сононтак деган очиқ конлар бўлиб, булар ҳақида яна анча-мунча тўхталишимиз керак бўлади. 1836 йилда очилган бу конлардан уч йил мобайнида ҳар куни икки юз унциядан соф олтин олинган.

Олтин изловчилар бу ерда тупроқни ўткир учли оддий таёқ билан кавлайдилар ва кўзга ташланган олтин зарраларини териб оладилар. Бу ерда олтин саноат усулида ювиб олинса борми, анча юқори кўрсаткичларга эришиш мумкин бўларди.

Сонорада оғирлиги бир неча унция келадиган ёмбилар кўп топилган. Биз Ариспада қиммати тўққиз минг пиастр бўлган олтин бўлагини топган битта кончини учратдик. Мадридаги испан қиро-

ли музейи кўплаб бундай ажойиб олтин ёмбилари билан мақтанса бўлади.

Китобхонга кейинчалик бу конлар қандай сабабларга кўра ташлаб қўйилганини хабар қиламиз.

Сонора пуэолоси¹ аҳолисининг кўпчилик қисми дайди ишчилардан ва кон ишга тушиши билан теварагида туроқлашиб қоладиган майда савдогарлардан иборатдир.

Ишчиларнинг бундай қароргоҳи бу ерда Real de minos дейилади. Мободо кон кўп йиллар даромад келтирадиган бўлса, аҳоли бутунлай ўрнашиб қолади. Мексиканинг талай катта шаҳарлари шундай бунёд топган.

Бу жойда Европа саноат моллари кўплаб истеъмол қилинишига сабаб олтин изловчиларнинг енгил ва тез бойишларидир. Ҳар бир оддий кончи бу ерда бир неча кунда олти-етти фунт олтин сарфлайди, буни эса у бир ҳафтада топади. Афсуски, Мексиканинг чинакам офати бўлган, одамларнинг обрўсини тўкиб, уларни бузаётган ашаддий қиморбозлик капитал жамғарилишига путур етказиб, олтин саноати ривожини сустлаштиряпти.

Энди эса ҳикоямизни давом эттиришдан олдин китобхонга Сонорада яшайдиган ҳиндилар борасида баъзи бир маълумотлар бермасак бўлмайди.

Бу ерда якилар, опатос, майи, хиленос ва апачи деган беш мустақил ҳинди қабиласи бор.

Якилар билан майилар Гойомасдан Рио де Фуертагача бўлган ерларни эгаллашган. Бу қабилаларнинг ҳиндилари креолларга галлакорлар, гишт терувчилар ва кон ишчилари сифатида ёлланадилар. Уларнинг сони тахминан қирқ минг нафарни ташкил қилади.

Опатослар Рио де Си-Мигоель-Хоркаситас, Рио де Ариспа, Рио де Лос-Юрес ва Рио де Осопур дарёларининг бўйларида яшайдилар. Улар уддабурон ишчилар ва зўр жангчилардир. Ҳар маҳал аввалига испан, сўнгра унинг ўрнини эгаллаган Мексика ҳукуматиға садоқатли бўлганлар. Опатослар сони йигирма минг кишидан ошмайди.

Рио Хила ва Рио Колорадо соҳилларида истиқомат қиладиган хиленослар, шунингдек, ватанлари Сиерра Мадре тоғ тизмаларидаги водийлар бўлган апуаслар билан апачилар папагослар деб аталган халқнинг фарзандларидир.

Бу бўйсунмас кўчманчи қабилалар овчилик қиладилар. Бир замонлари улар чиуауа² билан Соноранинг шимолий чекка жойларида кўчиб юришарди. Бироқ жанубдан ва ғарбдан америкаликлар ва тегасликлар бу жойларга тобора чуқурроқ кириб келаверганларидан ҳиндилар Мексика ерларига кириб, ўзларининг жанговар босқинлари билан аҳолиға катта зарар етказмоқдалар.

Папагосларда ўқотар қуроллар кўп, уни Рио Браво де Норте соҳилларида ястанган Арканзас ва Миссуридаги Америка факторияларида мўйнаға алмашадилар.

Сонора вилоятидаги ҳинди қабилалари саноғини тўлдириш учун Эрмосильо шаҳри дарвозаси яқинидаги қасабада истиқомат қиладиган беш юз ҳиндидан иборат серис қабиласини ҳам эслатиб ўтамиз. Бу жойларда бир вақтлари қудратли қабилалардан бўлган мазкур қабиланинг минг атрофидаги одами океан соҳилида, Гдаймас-

¹ Пуэоло — қасаба, шаҳарча.

² Чиуауа — Мексиканинг шимолий музофотларидан бири, Техасға чегарадош.

нинг шимолида ва Тибурон¹ оролида яшайди.

Китобхонни маълум воқеалар содир бўладиган Квитовак шаҳрига олиб ўтиш учун Соҳибчангал билан Парадесни тепалик устига яна пича қолдиришимизга тўғри келади.

Кечки пайт бўлиб, олтин изловчилар лагерининг кўчалари ва майдонларида қурама одамлар қайнарди. Квитовакнинг хилма-хил аҳолисини ташкил қилувчи яки қабиласининг ҳиндилари, овчилар, кончилар, гамбусинослар², роҳиблар ва шунчаки саргузашт-талаблар биров отда, биров пиёда бир-бирларига сўз қотиб, салом бериб, кулиб ва сўкишиб у ёқдан-бу ёққа юришарди.

Уларнинг баъзилари иш куни тугагани учун кондан қайтишар, бошқалари уйларида тоза ҳаво олгани чиқишганди. Кўпчилик қовоқхоналар томон юрар, майхоналарнинг очиқ деразаларидан эса мастона овозлар ва гитараларнинг нотекис садоси келарди.

Ана шундай қовоқхоналардан бири, сиртдан қараганда анча ҳашамдор, аниқроғи, бошқаларга нисбатан сал озодароғи гавжум бўлиб, майхўрларни ўзига кўпроқ тортарди.

Хўранда жуда пастак эшик остонасидан ўтиб, иккита бир-бирига нотенг зинадан исқирт инга тушади. У жой ертўлага ҳам, саройга ҳам ўхшамайди. Бу хунук маконга биринчи бор тушганлар ҳар қадамда қоқиладилар. Ичкарига беҳисоб кириб-чиқиб турганларнинг этиклари зарбидан ер дабдала ва ғадир-будур эди.

Кирган кишининг димоғига гўё дўзах бўсағасидан чиқаётган спирт ҳиди ва бадбўй нарсалар аралашган тер ҳовури урилиб, кўз билан томоқни ачиштиради. Кўз бу уянинг нимқоронғилигига аста-секин ўрганганда, хўранда меҳмонлар сал қимирласалар ҳам тепаларида буралиб турган кўкиш-бўзранг тутун орасидан у-буларни пайқай оларди. У ер-бу ерга қўйилган ва тутаб ёнаётган чироқлар нурида анча катта ва шифти баланд танобийни кўрса бўларди. Танобийнинг бир вақтлар бўялган деворининг пастки қисми бошлар, елкалар ва яғринлар ҳадеб тегаверганидан қорайиб кетганди.

Ичкарилиқда, эшик қаршисидаги ердан бир фут баландликда эстрада супаси қўққайганди. У танобийнинг энига чўзилганидан икки қисмга бўлинганди. Ўнг қисмини пештахта банд қилган, ортида эса бадқовоқ юзли ва кўзлари муғомбирона боқувчи сўлоқмон майхоначи кўринарди. Еоспето деган жарангдор исм соҳиби бўлган бу “мўтабар” кимсанинг тепасида мўъжазгина ўйиқ жой бўлиб, унда чақалоқ Исони кўтариб турган Биби Марямнинг ҳайкалчаси турарди.

Ҳайкалча олдида қатор темир шамдонлар саф тортган. Ҳар бирида икки-уч дюйм келадиган шамлар ёнарди.

Эстраданинг чап томонида созандалар ўтиришарди. Ҳеч қанақа мебель бўлмаган танобийнинг ўртаси рақс тушадиганларга мўлжалланганди. Бу ерда рақс шинавандалари мириқиб хумордан чиқишарди.

Танобийнинг иккала томонида қийшиқ ва исқирт, сал-пал рандаланган ва номигагина маҳкамланган столчалар териб қўйилганди. Булар атрофида одамлар уймалашишарди. Бир хиллари ўтирар, баъзилари тик оёқда турарди.

Улар кулишар, чақчақлашишар, бир-бирларидан ўтказиб бақир-ришга уриниб, тортишар, мескаль, рефиньо,³ пульке,⁴ ҳиндилар

¹ Т и б у р о н — акула (*муаллиф изоҳи*).

² Г а м б у с и н о с — конларда олтин изловчилар, авантюристлар.

³ Р е ф и н ь о — мексика ароғи.

⁴ П у л ь к е — мексикаликларнинг агава деган тропик ўсимлигининг улкан япрогидан тайёрланадиган миллий ичимлиги.

хурмосидан тайёрланган ичкилик ичар ёки кун бўйи топган олтинларини тикиб, монте¹ ўйнади. Қиморбозлар олтин олиш учун чўчинқираб жандаларининг чўнтақларига қўл суқишарди.

Ана шу оломонга ичкиликбозлик ва уйқусиз тунлардан юзлари кўпчиган бир неча аёл аралашиб қолганди. Ҳамма — эркаклар ҳам, аёллар ҳам чекар, биров сигара, бошқаси жўхори баргидан ўралган пахитоска тутатарди.

Одамзотнинг қуйқалари жам бўлган бу тўдага расволикда ҳеч нима тенг келолмасди. Бу ерда инсониятдаги мудҳиш қусурларнинг барчасидан топиларди.

Китобхон, сиз билан бу ерга бош суққанимизда хурсандчилик роса авжига чиққанди. Танобий ичкиликбозлару рақс тушаётганларга лиқ тўла эди. Оломон кулар, бақирар, қутурарди. Шовқинсурон иблиснинг ҳам миясини қоқиб қўлига берарди.

Бошқалардан чеккада, кираверишда турган столчани сербар чакмонига ўралган киши банд қилган, чакмонининг салгина кўтарилган ёқаси юзини беркитиб турарди. У деворга суянганича ўйин тушаётганларга бепарво ва лоқайд тикиларди. Бироқ у нақ икки соатдан бери кутган одами келмаганидан, ҳафсаласи пир бўлиб, кўзини четга олди.

Афтидан, унга ҳеч ким эътибор қилмаётгандай туюларди. Бу ердаги ҳар бир одам ўзи билан ўзи овора бўлганидан сершовқин даврада ёлғиз ўзи ўтирган нотаниш кишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмасди. Орадан кўп ўтмай ана шу индамас ва бадқовоқ киши, кутиш жонига тегди, шекилли, эшик томонга қарамай қўйди. Бошини қўлига ҳор-гин қўйди-да, кўзини юмиб, мудради. Эҳтимол, бошқаларнинг эътиборини тортмаслик ё хаёлларини бўлмаслик учун ўзини ухлаётганга солган бўлса ҳам, ажаб эмас.

Танобийда бирдан ёмон ғалва кўтарилди. Биров бир уриб қандайдир столни ағдариб юборди. Ёмон сўкиш эшитилди, қўнждан олинган пичоқлар ялтиради. Созандалар жимиб қолишди. Ўйин тушаётганлар ҳам таққа тўхташди-да, ҳамма жанжал қилаётган иккита қиморбозни ўраб олди. Улар эса қошларини чимирганча даргазаб бўлганларидан кўзлари ёниб, бир-бирларига ташланиш учун пайт пойлашарди. Ҳар бири қалқон ўрнида хизмат қилиши керак бўлган чакмонини чап қўлига ўраб, ўнг қўлидаги навахи² билан қонли жанг бошлашга ҳозир эди.

Шу чоққача хизматкорларга кўз-қулоқ бўлиб, хўрандаларга хизмат қилиб турган майхоначи теварагидаги нарсаларга бепарво ва хотиржам эди. Ғалва чиққан заҳоти пештахтадан мушукдай ирғиб ўтди-да, кейин эшикни ёпиб, бақувват елкаси билан тираб турди. У ичкаридаги мўътабар хўрандалардан битта-яримтаси тўполонда еган-ичганларининг ҳақини тўламай қочиб қолмасин, деган хавфда эди. Майхоначи шу тариха хўжайинлик бурчини бажарди-да, афтидан, ажиб олишувни томоша қила бошлади.

Рақибларнинг ҳар бири тиззасини сал букиб олишган, чап қўлини олдинга чиқариб эгилган кўйи ўнг қўлидаги пичоқни чангаллаганича душманидан кўз узмас, ҳамлага ҳам, ҳимояга ҳам тайёр эди.

Бурчақда жимгина мудраётган ҳалиги сирли хўранда эса ногаҳон орага тушди. У рақиблардан бирининг овозидан уйғониб, жанжалкашларга қараб турди-да, сакраб улар томонга отилди.

— Нима гап ўзи? — деганди у кескин оҳангда, иккита ғалвачи довираб қолди.

¹ М о н т е — қарта ўйини

² Испанларнинг буклама пичоғи.

– Бу одам, – деди улардан бири, – менга монтеда уч унция олтин ютқазди.

– Хўш, нима бўпти? – сўради нотаниш киши.

– У, қарталар белгили экан, тўламайман, деяпти. Ёлғон!.. Vivo dios! Мен кабльероман, буни ҳамма билади!

Нотаниш кимса бу кулгили гапни эшитиб, лабларида билинар-билинемас табассум ўйнагандай бўлди. Шундай бўлса ҳам ўзини жуда жиддий тутарди.

– Буниси тўғри, сиз кабльеросиз, – деди у. – Мен ҳам зарур бўлса бунга кафолат бера оламан. Бироқ энг ҳалол одамда ҳам шундай ҳол содир бўлганига аминман. Ҳалол ва дуруст одамлиги аниқ кўриниб турган бу сеньор билан муштлашиш ўрнига сиз уч унцияни талаб қилишдан воз кечиб, олижаноблик кўрсатинг. У эса ўз навбатида алам қиладиган сўзлар айтгани учун сиздан узр сўрайди ва ҳаммаси яхшиликча тугайди, бундан барча ҳам мамнун бўлади.

– Тушунарли, бу кабльеронинг ҳалоллигига ишонанман. Буни ҳар ерда айтишга тайёрман, ўртамизда чиққан англишомовчиликдан жуда афсусданман, – деди шу чоққача индамай турган рақиб.

Шунга қарамай у сергак турар, бу эса мулойимлик билан ҳозиргина айтган сўзларига сира ҳам қовушмасди.

Сирли нотаниш кимса яна чамаси ўзига таниш бўлган қиморбозга сезилар-сезилмас бош ирғади-да, пича истехзо аралаш деди:

– Хўш, бунга нима дейсиз энди?.. Менимча, сиз тўла ва батамом муносиб жавоб олдингиз.

Қиморбоз бир дақиқа иккиланди. Чамаси, унинг кўнглида қандайдир ички олишув кетарди. У тўдалашиб турганларга жиддий тикилди, бирортасининг башарасида салгина нафрат кўлкасини сезгудай бўлса қайтадан жанжал бошлаши турган гап эди. Бироқ барча одамлар хотиржам ва бепарво турар, уларнинг башараларидан фақат қизиқсинаётганларини пайқаса бўларди, холос. Қиморбоз ниҳоят чакмонини қўлидан сирғалтириб туширди, пичогини кўнжигига тикиб, рақибига қўлини узатди.

– Мен янглишдим, кечиринг, бундан жуда таассуфданман, кабльеро, – оҳиста таъзим қиларкан, хўрсиниб юборишига оз қолди.

Иккинчи қиморбоз унинг таъзимига жавоб қилди, сўнгра орқасига ўгирилиб, жангариликлари яхши маълум бўлган иккита қиморбознинг жанжали бунчалар тинч тугаганидан лол қолган оломон орасида кўринмай кетди.

– Исоий Масих ҳаққи, маэстро Кидд, – деди ёнида одимлаётган қароқчига самимий оҳангда, – галати одам экансиз! Мазкур пуэблонинг мендай комендантини куттириб қўйишингиз етмагандай, марҳаматингиз билан сизни ўша исқирт уядан қидиришга мажбур қилдингиз, роса уч соат сўқимдай-сўқимдай каллакесарлар даврасида ўтиришга мажбур бўлдим! Учрашувни шу ерга ўзингиз тайинловдингиз. Мен рози бўлдим, сиз эса келганимда хушёр бўлишни ҳатто хаёлингизга ҳам келтирмадингиз.

– Бу ортиқча уринишимдан, капитан. Тўғри, мендан беҳуда хафа бўляпсиз, сеньор, – деб қўйди қароқчи муғомбирона. – Ҳаммасига сиз билан учрашувга кечикишдан чўчиганим сабабчи. Бундан тўрт соат муқаддам мўътабар сеньор Коспетого рўбарў бўлгандим. Қарта ўйнагани ўтирдим – бир амаллаб вақт ўтказиш керак эди-да! Қарта қўлдаю олтин столда бўлганида оламда борини унутасан киши.

– Бу ёғи майли, – деди нотаниш киши. – Энди қулоқ солинг: мабодо мени алдасангиз, сотмоқчи бўлган маълумотларингиз ёлғон

чиқса... ор-номусим ҳаққи, бу сизга жуда ҳам қимматга тушади! Мени яхши биласиз, шундаймасми, маэстро Кидд?

– Албатта, капитан дон Маркос де Ниса. Сизни яхши биламан, бироқ мени ҳам биласиз, деган фикрдаман. Лекин ҳозирдан бир-биримизга от солиб тортишишимизнинг нима ҳожати бор? Ишимизни тезроқ битирайлик, кейин билганингизни қилаверинг.

Капитан ҳамроҳига ишонқирамай кўз югуртирди.

– Майли, – деди у бир уй олдида тўхтаб ва эшикни тақиллатди. – Кириг, сиз билан қовоқхонангизда эмас, уйимда гаплашганим маъкулроқ.

– Ихтиёрингиз, – жавоб қилди Кидд.

Икковлари уйга кириб, эшик ёпилди.

14. КЕЛИШУВ

Қиссамизнинг дастлабки саҳифаларида танишганимиз Сан-Мигель қалъаси капитани Маркос де Ниса Республика Президентининг махсус фармони билан яқинда Квиток ҳарбий ва фуқаро маъмуриятининг бошлиғи қилиб тайинланганди.

Ҳамма гап кейинги кунларда президент тезда аралашмаса бўлмайдиган воқеалар рўй берганида эди.

Ҳинди қабиласининг орасидаги норозиликдан дарак берадиган бирор нарса бўлмаса ҳам, ҳиндилар узоқ ва махфий музокаралардан кейин қўзғолон кўтаришга ва уруш эълон қилмай, Мексика ҳудудига бостириб киришга қарор қилишганди.

Бу қўзғолонда асосан хиленослар, бошқача айтганда команчилар, агуаслар ва апачилар қатнашишиларидан уруш жуда кенг ёйилиб кетиш хавфи ҳам йўқ эмасди. Бу папагослар қабиласининг қудратли иттифоқи эди-да. Сонаора билан Синалоа, яъни иккита таҳликадаги штатнинг генерал-губернатори душманга қарши чегара кўшинларида узоқ йиллар хизмат қилганидан ҳиндиларнинг стратегиялари ва усталикларини яхши биладиган одамни кўйиш кераклигига ақли етарди. Бу талабларга фақат биттагина зобит жавоб берар, у ҳам бўлса капитан де Ниса эди. Шунинг учун ҳам унга Сан-Мигель қалъаси гарнизони билан Квитовакка етиб келиш, қалъани эса ҳиндилар таянч пунктларига айлантиролмасликлари учун бутунлай бузиб ташлаш буюрилганди.

Капитан буйруқни кекса ҳарбий хизматчиларга хос эпчиллик билан адо қилди. У Квитовакка келиши биланоқ ҳиндилар шаҳардагиларни ғафлатда қолдирмасликлари учун бутун чора-тадбирларни кўрди. Шаҳарча капитаннинг буйруғига кўра тевараги кенг чуқурлик билан ўралди, атрофига кучли тўсиқлар, катта кўчаларида эса баррикадалар қурилди.

Сонаора билан Синалоа генерал-губернаторининг бор армиясини олти юз пиёда ва икки юзта отлиқ аскар ташкил қиларди. Унда ҳатто дала артиллерияси ҳам йўқ эди. Генерал жуда чекланган бу кучларни иккала штат чегарасига сочмаса бўлмасди. У ҳар қанча истамасин, дон Маркосга мадад юбора олмаслиги аниқ-равшан сезилиб турарди. Шундай қилиб, капитан ихтиёрида фақат Сан-Мигель қалъасининг юз элликта пиёда ва саксонта отлиқ аскардан иборат гарнизони бор эди, холос.

Кўшини жуда кам бўлгани билан капитан сира тушкунликка тушмасди. У бурчни ҳамма нарсадан аъло кўрадиган кишилар тоифасига кирарди. Ҳатто бир қараганда сира бажариб бўлмайдиган буйруқларни ҳам адо этишга ҳозир эди.

Ўқотар қуроллари сероб бўлган ўн минг, ҳатто ўн беш минг кишилик ҳиндилар армияси ҳужумини ҳар соатда кутса бўларди. Капитан бу армиянинг испанларга қарши курашларда чиниққан жангчиларга дош бериши осонмаслигини билар, шу ваздан турли йўллар билан гарнизонини тўлдириш ва таркибини қўмондонлик шаҳарнинг барча истеҳкомларини ҳимоя қилишни таъминлай оладиган даражага етказишини зарур, деб ҳисобларди. Дон Маркос бу мақсадга эришиш учун қуйидаги чораларни кўрди.

Аввало йирик кон эгаларини ё шахсан, ё конда банд бўлган пеонлардан бир нечасини капитан ихтиёрига бериш билан шаҳар ҳимоясида қатнашишга кўндириш лозим эди. Капитан уларга бу ишни манфаатлари талаб қилаётганини, ҳиндилар Квитовакни ишғол қилсалар бойликлари манбаларидан айрилажакларини осонгина тушунтирди. Олтин конларининг эгалари дон Маркоснинг даъватини хурсанд қаршилаш билан бир қаторда унинг ихтиёрига, юқорида айтганимиздай, Мексиканинг содиқ иттифоқдошлари бўлган опатосларнинг бир юз эллик кишилик отрядини беришди. Олтин саноатчилари бу отрядни уруш ҳаракатлари тугагунча озиқ-овқат билан таъминлашни ўз ҳисобларига олишга сўз беришди. Шу тариқа Квитовак комендант армиясини деярли икки баравар кўпайтириб олди.

Тилла конлари эгаларининг бепарволиклари ва очкўзликларидан яхши хабардор бўлган капитан бунчалар муваффақиятни кутмагандан руҳланиб кетиб, яна битта чорани қўллашга жазм қилди. Бу чора тегишли ҳақ эвазига чегара яқинидаги жойларда қайнаб ётган турли саргузашт талабларнинг анча-мунчасини ёллашдан иборат эди. Капитан, ҳар бир одамга икки унциядан — отрядга кирганда бир унция, уруш ҳаракатлари тўхтаганидан кейин яна бир унциядан тилла тўлайман, деб эълон қилди.

Одамни қизиқтириши мумкин бўлган бу таклиф эса кутилган натижани бермади. Чегарадаги дайдиларга комендантнинг чақириги ёқинқирамади. Талончилик билан кун кўрадиган бу одамларга ватанпарварлик туйғуси ёт эди. Фақат фойдани кўзлайдиган бу жўмардларнинг дили жамоат тартибини сақлаш ўрнига унга қарши курашга ундарди. Ҳиндилар кўзғолони эса ҳаммаёқни нотинч қилар, бунда эса улар анча-мунча бойиб олишарди-да.

Шунга қарамай қирқта дайди капитаннинг даъватига қулоқ солишди. Дон Маркос бу фирибгар сифат ва бетартиб одамлар ўзига кўмаклашишдан кўра кўпроқ дардисар бўлишларини биларди. Бироқ улар ҳиндиларнинг ҳарбий ҳийлаларини яхши биладиган абжир йигитлар эдилар. Капитан уларни ўзининг отлик аскарларига қўшиб олди.

Дон Маркос де Ниса шу йўсинда уч юзта пиёда ва бир юз йигирмата отлик аскардан иборат армияга бошлиқ бўлди. Бу ўзининг назарида мудаббирлик билан қўмондонлик қилганда истеҳкомлар панасида ҳиндиларнинг кўп сонли армиясига дош бера оладиган қўшин эди.

Оқ танлилар қизил танлиларга қарши урушларда кўпинча ҳиндилар катта жасорат кўрсатган ва сон жиҳатидан кўпчилик бўлганларига қарамай, уларни енгиб чиққанларини айтиб ўтиш керак. Оқ танлилар душмандан ботирликда устун бўлганларидан эмас, балки интизомли ва ҳарбда билимдонликлари учун ҳам зафар қучганлар.

Дон Маркос бир куни кечқурун қалъани ҳар маҳалгидай айланаиб қайтаётганида қандайдир чаламаст, жулдур кийимли киши унга

таъзим қилди-да, исқирт бир хат тутқазди.

Капитан де Нисанинг ҳеч нимадан тап тортмайдиган одати бор эди. Майда ҳодисаларга ҳам, муҳим воқиаларга ҳам бирдай қарарди. Шу ваздан ҳозир ҳам хатни олди, бундан жулдур кийимли киши жуда суюнди. Капитан шундан кейин шаҳар марказидаги уйга кирди. Шляпа билан қиличини столга ташлаб, хатни очди ва олдиниға шунчаки кўз югуртирди. Бироқ ҳуши жойига келиб, хатни қайтадан синчиклаб ўқиди. Бирпасдан кейин хатни буклаб: “Бораман”, — деб қўйди. Бу сўз унинг мулоҳаза юритганидан кейин қатъий бир қарорга келганини кўрсатарди.

Бу хат Киддан эди.

Капитан бу қароқчини анчадан бери билар, унинг баъзи бир жинойтларидан ҳам воқиф эди. Кидд дайдиликдаги тирикчилиги сирларидан капитан хабардорлигини билса борми, анча мазаси қочарди, албатта. Кекса ҳарбийлардан бўлган капитан Кидда мутлақо ишонмаса ҳам таклифини менсимасликка ўзини ҳақсиз санади. Шунинг учун ҳам дон Маркос бунда эҳтиёткор бўлишга ва мабодо лақиллатиб кетадиган бўлса, уни қаттиқ жазолашга қарор қилди. Квитовак коменданти шу тариқа қовоқхонага Кидд билан учрашгани борганди.

Энди ҳикоямизга қайтайлик.

Дон Маркос Киддни кабинетга олиб кириб, эшикни зичлаб ёпди, каллакесар қанчалар сурбет бўлмасин, қўйхонада қўлга тушган бўридай теварагига қўрқа-писа қаради. Капитан унга стул кўрсатди, ўзи стол ёнига ўтирди-да, олдиға иккита тўппончани қўйиб, қароқчиға деди:

— Энди қулоғим сизда, Кидд.

— Карай, — тап тортмай жавоб қилди у. — Бунга бажонидил ишонман, капитан. Бироқ гапиришни истайманми, йўқми, буниси муаммо.

— Нега энди гапирмас экансиз, дўстим?

— Столдаги мана бу ўйинчоқлар одамни унча гапиртирмайди, капитан.

Дон Маркос муттаҳамга тикилиб қараганди, у беихтиёр ерга боқди. Сўнгра тирсақларини столга тираб, масхараомуз деди:

— Эшитиб олинг, маэстро, мен очиқчасига ҳаракат қилишни ёқтираман. Шунинг учун муомаламиз бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолсин. Сиз нотинч ҳаёт кечирасиз. Тиниб-тинчимаслигиниз, ҳаққингиз бўлмаган нарсаларни ўзлаштиришга ўчлигингиз сори, мабодо очилиб қолгудай бўлса, оқибати жуда ёмон бўлади.

Қароқчи сергак тортиди.

— Мен бўлсам сизни хижил қилиши мумкин бўлган нарсаларга тўхталмайман. Сизни бу ерга келтирган ишга ўтайлик. Бунда ўзингизнинг кимлигингизу менинг кимлигимни унутманг. Бу шаҳарнинг коменданти эканлигим ва унинг ташқи хавфсизлиги ҳамда ички осойишталигини сақлашим лозимлиги сизга маълум бўлса керак. Шундайми?

— Албатта, капитан, — жавоб қилди Кидд, гап сал берироқ нарсаға кўчганидан хотиржам тортиб.

— Давом этамиз, — деди дон Маркос гапни бўшаштирмай. — Сиз хатингизда баъзи жуда муҳим, ўз сўзларингиз билан айтганда, шаҳар осойишталигини ва хавфсизлигини сақлашда зарур бўлган маълумотларни сотаман, деб таклиф қилгансиз. Ҳа, худди шундай дегансиз. Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганида, бошқача фар-

мойиш берарди, яъни сизни қўлга олиб, ёмон қийноққа соларди. Одамларнинг айтишича, ўзингиз анча тубан мақсадларни кўзлаб шундай қилар экансиз. О, унда булбулигўёлик қилиб, энг нозик сирларингизни ҳам тўкиб солардингиз! Мен эса сиз билан дурустроқ одамдек муомала қилишни лозим кўрдим.

Капитан шу сўзларни айтганида Кидд салгина хўрсаниб қўйди.

– Сиз ишониб бўлмайдиган одамлар тоифасидан бўлсангиз, – гапида давом этди дон Карлос, – улар эса, ишонч деган нарсани виждонлари сира қийналмай суиистеъмол қилаверадилар. Шунинг учун мабодо мени лақиллатсангиз, пешонангиздан отишга ҳақли бўламан.

– Пешонангиздан отаман, деб қаёқдаги ваҳимали гапларни айтасиз-а! – гўлдиради қароқчи.

– Мабодо шундай ҳодиса рўй берса, ўртоқларингиз жиддий мусибат чекишларига ишонасизми, азизим сеньор?

– Ҳим!.. Виждонан айтганда, бунга унчалар ишонмайман, – Кидд ҳазилга буришга уринди. – Одамлар жуда ёмон-да!.. Бироқ сиз таклифимни қабул қиларкансиз ... уни қабул қиласиз-а, шундайми, капитан?

– Қабул қиламан.

– Қойил! Бунга нима оламан?

– Сиз сотасиз, мен оламан. Баҳонгизни айтинг. Мабодо менга баландроқ кўринмаса кўнаман. Қани, айтинг, қанча сўрайсиз?

– Эллик унция... унчалик баландлик қилмайдими?

– Арзийдиган нарса бўлса, йўқ, албатта.

– Дукат, тилла билан эллик унция. Келишдикми, капитан? – Муттаҳам мамнун ҳолда деди.

– Қайтараман: арзийдиган нарса бўлса.

– Кўрасиз, капитан, – деди қароқчи хурсандлигидан қўлларини бир-бирига ишқалаб.

– Қойил, бироқ ортиқча сўзнинг ҳожати йўқ! Айтмоқчи, манови ниятим холислигига далил, – қўшиб қўйди капитан столининг тортмасидан зилдай ҳамённи олиб. – Бунда ўшанча олтин пул бор.

Шундан кейин дон Маркос иккита тўппонча орасига олтин пулни йигирма беш унциядан иккита устунча қилиб тахлади. Қароқчи олтинни кўрганида кўзлари ўлжага дуч келган йиртқичнинг кўзидай ёвуз ялтиради.

– Худо ҳақи, капитан, – хитоб қилди у, – сиз билан муомала қилиш роҳатижон экан! Яна фурсат келганда бунга эсламан.

– Хурсанд бўламан, маэстро. Энди эса бошланг!

– Икки оғиз сўз билан айтадиган бўлсак: папагослар император сайлашибди.

– Император?!

– Худди шундай! Қабила бошлиғи эмас, император.

– Нимага бунақа қилишибди?

– Озодликка чиқиб, ҳақиқий мустақилликка эришишни хаёл қилишибди. Ўша императорни ўз кўзим билан кўрдим.

– Қанақа одам экан?

– Хатарли одам: чамаси, оқ танлилардан, бироқ айни пайтда ҳиндилардаги барча восита ва имкониятлардан хабардор.

– Ёшми?

– Олтмишларда, лекин анча ёш кўринади.

– Тушунарли. Гапираверинг.

– Муҳим хабар-а, шундайми?

- Муҳим, бироқ бу эллик унция турмайди.
- Сабр қилинг!
- Кутаяпман.
- Якилар, майи ва серисларнинг бошлари қовушган. 1827 йил режалари яна ҳаёлларини банд қилибди. Ҳиндилар битта қолмай бош кўтарган кунлар ёдингиздами?
- Ёдимда. Гапираверинг!
- Биринчи зарба Квитовакка берилади.
- Биламан.
- Мумкин. Бироқ, капитан, манави нарсани билмайсиз. Ҳиндиларнинг одамларингиз орасида ҳам айғоқчилари бор. Хужумга барча нарсалар ҳозирлаб қўйилган ва папагослар яқин кунларда сизларни гафлатда қолдиришмоқчи.
- Бу маълумотларни қайдан олдингиз?
- Муттаҳам маънодор кулди:
- Бу билан нима ишингиз бор, капитан? Тўғрилигига ишонаверсангиз бўлди-да.
- Душман билан тил бириктирган кимсаларни биласизми?
- Ҳа, капитан.
- Номларини айтинг.
- Бу ақлсизлик бўларди, капитан.
- Ақлсизлик дейсизми?
- Ўзингиз ўйлаб кўринг. Номларини айтдим, деб фараз қилинг. У ёғи нима бўлади?
- Капитан унинг гапини кескин бўлди.
- Бўладиган нарса шуки, бошқаларга ибрат бўлди, деб уларни қутурган итдай отиб ташлайман.
- Худди шуниси хато бўлади.
- Хато?
- Ёмон хато, капитан! Айтайлик сиз ўн кишини отарсиз ...
- Керак бўлса, ҳаттоки йигирматасиниям.
- Борингки, йигирматасини! Садқаи сар. Мен беҳабар бўлган бошқалар эса барибир сизни ҳиндиларга сотишади. Сиз эса аҳволни енгиллаштириш ўрнига баттар мушкуллаштирасиз, холос.
- Ҳим! Ҳим! – гўлдиради дон Маркос. – Менинг ўрнимда бўлсангиз нима қилардингиз?
- Жуда жўнгина иш қилардим: ўша йигитларни шумликларингизни қилаверинглар, деб ўз ҳолларига қўйиб берардим-да, уларга кўз-қулоқ бўлиш билан чекланардим. Кейин душман ҳужуми олдидан ими-жимиди барини қўлга олардим. Шундай қилганда, биз гафлатда қолмаймиз, ҳиндилар алданишади, ёлғончилар эса алдов қурбони бўлишади.
- Капитан бир дақиқа ўйланиб қолди.
- На чора, балки бу дурустроқ маслаҳатдир. Бунга амал қилсам керак. Майли, жиноятчиларни айтинг.
- Шундан кейин Кидд айтиб турди, капитан ўнларча одамнинг номларини ёзиб олди.
- Унциянгизни олинг, – деди охири дон Маркос. – Ҳар сафар менга шунақа маълумотлар келтирганингизда шунчадан оласиз. Сўз бераман, мен яхши тўлайман, сиз ҳам нақд олганингиздан садоқат билан хизмат қиласиз. Бироқ шуни эсингизда тутинг: мабодо мени алдашни ҳаёл қилсангиз борми, жазодан қочиб қутулолмайсиз. Айтиб қўяй: жазо даҳшатли бўлади.
- Кидд кўпдан кутаётган ўлжасига ташланган шердай олтинга ўзини

отди. Олтин зумда унинг чўнтагида кўринмай кетди.

– Сеньор Маркос, – деди у кетаётиб, – мен ҳамма вақт дунёда олтин ҳукмдор, деб ўйлардим. Итоаткор қулингиз фақат ўшанга бўйсунди.

Кидд шундай дея таъзим қилди-да, капитанни кабинетда қолдириб, чиқиб кетди.

15. ПАПАГОСЛАР

Энди Соҳибчангал билан дон Хосега қайтамиз. Икковларини тепалик устида анча куттириб қўйдик.

Тун тинчгина кечди. Парадес тош қотиб ухлади, Соҳибчангал эса бир дақиқа ҳам мижжа қоқмади.

Кун чиққанига анча бўлганди. Эрталаб соат тўққиз, Соҳибчангал эса келишганларига қарамай, йўлга чиқишни, афтидан, хаёлига ҳам келтирмаётганди. Кун ажойиб бошланаётганди. Осмон тип-тиниқ, тунги довул булутларни тўзитиб юборганди. Офтоб тобора қиздираётган бўлса ҳам, момақалдиروقдан кейин бегубор ҳавода ажиб бир енгиллик мавжуд эди. Тунги довул пайтида далаларни қанчалар тез сув босган бўлса, шунчалар шиддат билан тропик офтобида буғланар ва қумларга сингирди. Прерия энди чўлга ўшамас, ҳамма нарса тушгача ер бутунлай қуришидан дарак берарди.

Кучли тошқин ва сувнинг бирдан йўқолиб кетиши – бу ўлкалардаги энг ғалати ва деярли тушуниб бўлмайдиган ҳодисалардандир. Бу ажойиб ҳодисанинг сирини бу ерларнинг офтоб қовжиратган тупроғи мўртлигидан топса бўлади, холос.

Қайиққа ҳожат ҳам қолмаганидан Соҳибчангал уни дарахтдан олишга ҳатто уринмади ҳам.

Соҳибчангал эманга суяниб, қўлини кўксида чалиштириб, бошини куйи солинтирганча хаёл сураркан, ухлаётган шеригига меҳрибон нигоҳ ташларди.

Дон Хосе ниҳоят кўзини очди-да, узоқ эснаб, мацца қилиб керишди.

– Карамба! – кун кўтарилиб қолганини билиб деди у. – Роса ухлаганга ўхшайман, вақт ҳам ўтгандир!

– Соат ўн.

– Ўн?! – деб юборди дон Хосе ирғиб туриб. – Мен дангасани уйғотмаганингизни қаранг-а!

– Жуда ширин ухлаётувдингиз, дўстим, бунга кўнглим бўлмади.

– Ҳим, – деди парадес. – Мен, очиги, сизни боплаб сўкишимни ҳам ёки бунчалар меҳрибонлик қилганингиздан миннатдор бўлишимни ҳам билмай қолдим. Анча қимматли вақтимиз кетиб қолибди-да.

– Кюнаверманг! Қаранг: сув кетиб, ер қурияпти... Тушки жазирама сал шаштидан тушиши билан отга минамиз-да, бир неча соатда йўқотилган вақтнинг ҳиссасини чиқарамиз.

– Гапингиз тўғри, ўртоқ! – деб қўйди дон Хосе прериянинг кекса одамидай теваракка кўз ташлаб, хушчақчақ ҳолда. – Хўш, ундай бўлса, нонушта қилайлик, вақт ҳам сезиларсиз ўтади.

Ошналар кечаги тамаддидан сира фарқ қилмайдиган егуликлар билан нонушта қилишди.

Жўнайидиган фурсат ҳам келди. Икковлари тепаликдан отларини етовга олиб тушишларига тўғри келди. Кеча кечаси хатар хавф со-

лганда ўзлари учиб чиққан қиялик энди уларга хунук кўринар, унинг жару унгурулари кўп ва юриш машаққатли эди.

– Энди эса, дўстим, – деди Соҳибчангал отга минганларидан ке-йин, – битта атпетлга борамиз, қарши эмасмисиз?

– Шахсан мен бундан хўжамга нима фойдалигини тушунолма-яман.

– Буниси сизга ҳозирча мен жавоб беролмайдиган саволлардан бири. Сиз буни хўжангиз манфаати йўлида қилаётганимизни тушунсангиз, кифоя. Сафаримиз хўжангизнинг ишларига зиён бермайди, аксинча, катта наф келтиради.

– Худо ёр бўлсин, йўлга тушамиз! Ўша ҳиндилар эса бу ердан олисдамасми, ишқилиб?

– Бошқа одамларга бу бутун бир саёҳат бўларди. Сиз билан биз эса моҳир чавандозлармиз, бунинг устига отларимиз зўр. У ерга эртага тушдан кейин камида соат учда ёки тўртда етиб борамиз.

– Хўш, бундан чиқди, унча олис эмас экан. Ўша қишлоқ қайси томонда ўзи?

– Мабодо илгари ўша томонларга йўлингиз тушган бўлса, уни эшитган бўлсангиз ҳам керак. Ўша қишлоқ Дель Торо асиендасидан бор-йўғи ўн икки лье нарида.

– Шошманг, шошманг! – хитоб қилди бошқарувчи зўр бериб эслашга уриниб. – Биламан, албатта! Тўғри, у қишлоқда сира бўлмаган эсам-да, кўп эшитганман. Ҳиндиларнинг ажойиб бошлиқларидан бири бўлган оқ танли ўша ерда турмайдими?

– Шунақа гаплар бор, – овчи сал қизариб, талмовсиради.

– Оқ танли одам ўзига ўхшаганларидан ёввойилар орасида яшашни афзал кўрса, галати-ку!

– Нимага энди “ёввойилар” дейсиз?

– Ё худойим! Ҳиндиларнинг болалардай тентакликларини ҳамма биледи-ку.

– Овчи Парадесга сирли тикилиб, елкасини салгина қисиб қўйдую, лекин индамади. Бунда у жавоб тариқасида кўп нарсаларни айта олиши мумкинлигини билдиргандир, балки бу ҳафтафаҳм бошқарувчи гапимга тушунмаса керак, деган ўйга ҳам борган бўлиши мумкин. Улар бир-бирлари билан узук-юлуқ сўзлашганларича йўлга тушишди.

Кун тинч ўтди. Улар қоронғи тушгунча жадал йўл босишди, фақат онда-сонда кечки тамадди учун ёввойи парранда отиб олишгагина тўхташди. Ошналар чекиб, гаплашганларича тунайдиган жойларига отларини елдириб боришарди. Ҳиндилар айтганидай, чўлни қуш учгандай кесиб ўтишарди. Карж-карж тепаликларга кўтарилишар, кечув қидириб ўтирмай, дарёларнинг дуч келган жойидан отни солиб кетаверишарди. Йўлни тикка солган йўловчи ҳар қадамда шаҳар ёки қишлоққа дуч келаврадиган бундай сафарга Европа мамлакатларида сира ақл бовар қилмайди. Бироқ одам яшайдиган жойлар онда-сонда учрайдиган Мексикада сафарнинг бунақа усули йўлнинг анча танобини тортади.

Ниҳоят, ошналар йигирма тўрт соатда Парадеснинг ўзи қирқ саккиз соатда босиб ўтадиган ўша кенгликни орқада қолдиришди. Гап шундаки, бошқарувчи Дель Торо асиендасидан чиқиб, ҳамма юрадиган йўл билан то тошқинга йўлиққан тепаликкача борганди. Энди бўлса, икки дўст ўшанақа йўллардан қочиб, ёввойи ҳайвонларнинг сўқмоқларидан боришарди. Улар асиенданинг нариги томонидаги ўрмонда тунашга ҳозирлик кўраётганларида қоронғи туш-

ди. Асиендани оқшом тушгунча босиб ўтишган бўлса ҳам қасрнинг тунд ва мағрур қораси олисдан кўриниб турарди.

Теварак-атрофдаги манзара тобора кескин ва ваҳимали тусга кирмоқда эди. Ўт-ўланлар қалинлашар, дарахтлар баҳайбат ва қалин бўлганидан юриш тобора қийинлашиб борар, ҳамма нарса “маданийлашган олам” чегарасига яқин қолганидан дарак берарди. Яна бир қадам босилса, одам ўзини ҳиндилар ерида кўрадигандай. Бу жойлар барча жуғрофий хариталарда Мексика майдони саналса ҳам ҳарҳолда шундай аталарди.

Ошналар гулхан ёқиб, иштаҳа билан тамадди қилишди-да, чакмонларига ўраниб, оёқларини оловга чўзганларича бирпасда уйқуга кетишди. Улар, бизни гафлатда қолдиришмайди, икки оёқли ёки тўрт оёқли душман яқинлашса кишнаб хабар қилишади, деб отларнинг сезгирликларига ишонишарди.

Тун ҳарқалай осойишта ўтди. Офтоб чиқиши билан йўловчиларимиз яна сафарни келган жойидан давом эттиришди.

– Сизга айтсам, адашибман, – овчи Парадесга қараб ногаҳон гап қотди. – Сизга кеча куннинг иккинчи ярмида етамиз, девдим, биз бўлсак у ерга соат ўн бирда борарканмиз.

– Карамба! Ажойиб янгилик!

– Ҳу анави тепаликни кўраяпсизми? Ўша ердан бошқа тепалик ёнбағрида ястанган қишлоқ кўринади. Қасабанинг охиридаги кулбалар жилга бўйигача тушади. Ўшанинг тиниқ ва тезкор суви атепетлга яқинлашганда табиий тўсиқ бўлиб туради.

– Бунинг бари яхши, бироқ улар бизни қандай қаршилашлари ҳали муаммо-да, – деб қўйди дон Хосе.

– Папагослар – меҳмондўст халқ.

– Шубҳам йўқ. Афсуски, уларнинг самимийликларига ишонадиган асосим ҳам йўқ. Боз устига улар ҳаммага ишонавермайдиган халқ, қасабаларига бурилган оқ танлиларни ёқинқирамай қаршилашди, деб эшитувдим.

– Оқ танлилар у ерга нима ниятда боришларига қараб-да.

– Ана шу нарса мени ўйлантиряпти.

– Нимага?

– Айтишларича... мен, албатта, буни рост дея олмайман, бироқ айтишларига қараганда...

– Ҳўш!

– Папагослар жуда нотинчмиш ва мабодо қўзғолон кўтаришмаган бўлишса ҳам қўзғолон кўтарамиз деб туришганмиш.

– Улар анча кун олдин қўзғолон кўтаришган, – деди Соҳибчангал бамайлихотир.

– Нима?! – деб юборди дон Хосе даҳшатга тушиб. – Тагин сиз мени уларнинг ҳузурига бошлаб боряпсизми?

– Нимага энди бошлаб бормас эканман?

– “Нимага” деганингиз қанақаси? Улар бизни янчиб ташлашадди-ку.

– Эсингизни ебсиз! – деди овчи унга жавобан.

– Эсимни едим, эсимни едим! – Парадес бошини чайқаганича вағиллади. – Сизга гапириш осон! Менинг эса ҳеч нимадан-ҳеч нима йўқ сиртмоққа тушишим турган гап.

– Қайтараман, сизга ҳеч нима бўлмайди. Худо шоҳид! Наҳотки, мени қопқонга бошлаяпти, деб ўйласангиз?

– Йўғ-е, ор-номусим ҳаққи! Бироқ ким биледи дейсиз! Бу ёввойиларни яхши, деб мақтаб адашишингиз ҳам мумкин-да.

– Нима дейишимни биламан. Хавфсирашингизга ҳожат йўқ. Бундан ташқари, сизни яхши кутиб олишади.

– Яхши кутиб олишади? – дон Хосе ишонқирамади. – Ҳим, ишонмайман.

– Кечирасиз! Ҳамроҳимга қўл кўтарган одамнинг шўри қурийд!

– Бунақа деяпсиз, сиз кимсиз ўзи?!

– Бор-йўғи овчиман, холос! Бироқ папагосларнинг дўстиман ва қабиладардан бирига ўғилман. Шунинг учун ҳам ёнимдаги ҳар қандай одам менга бўлган ҳурмат туфайли барча сашемлар¹ ва қабила жанг-чилари томонидан биродаримдай кутиб олиниши керак.

– На чора! – деди Парадес суянадиган сўнгги нарсаси ҳам қўлидан кетиб, тақдирига тан берган одамдай.

– Дарвоқе, – қўшимча қилди Соҳибчангал, – энди иккиланишининг ҳам вақти ўтди ва ҳаттоки бу ёғи хатарли ҳам. Ўрмонлар ва сайхонликларга сочилган ҳиндиларнинг айғоқчилари яқинлашаётганимизни пайқаб, хабар беришган бўлса ҳам керак. Энди орқага қайтишга салгина уринсак, уларда шубҳа уйғонади ва ҳар тарафдан зумда ўраб олишади.

– Иш чигаллашяпти, жин урсин! Демак, бизни пайқашган, деяпсизми, ўртоқ?

– Ҳали ҳам ишонганингиз йўқми?

– Чин сўзим, бунга шахсан ишонсам йўқ демасдим!

– Сиз қавли йўқ одам экансиз.

– На чора! Табиатим шунақа.

– Майли, сизнингча бўла қолсин.

– Йўловчилар бу пайтда тепалик этагида туришарди. Баланд ва қалин ўсган ўт-ўланлар уларни бегона кўзлардан буткул пана қилганди. Соҳибчангал отининг бошини тортди-да, икки марта қаторасига қарчиғайга ўхшаб қичқирди. Ўша лаҳзанинг ўзида бир ҳинди буталар орасидан ирғиб чиқди-да, Соҳибчангалдан икки қадамча нарида тўхтаб, қоп-қора тийрак кўзларини жимгина овчига тикди.

Ҳиндининг ногаҳон пайдо бўлганидан бошқарувчи ҳайратда қолиб қичқириб юборди.

Ҳинди йигирма иккидан ошмаган йигит эди. Белигача яланғоч, қадди-қомати келишганидан флорентийча бринч ҳайкални эслатарди. Устидаги бор кийими митассесдан² иборат бўлиб, иккита почаси соч толаси билан қўклаб қўйилганди. Митассес болдири бўғилган, белида эса уни хом терили тасма ушлаб турарди.

Бу ҳинди жангчисининг қуроли тасмасига осилган болтача ва узун милли америка милтиғидан иборат бўлиб, ҳозир унга бемалол таяниб турарди. Белида тери шиладиган пичоғи кўринар, бирорта ҳам ҳинди усиз юрмасди.

Соҳибчангал мулойим илжайганича ҳиндига таъзим қилди-да, кафтини осмонга кўтариб деди:

– Оааа! Халқимга кетаётганимда йўлда биродарим Қарчиғай қаршиларкан, Ваконда³ мени марҳаматидан дариф тутмас экан!

Навқирон ҳинди ҳам ўз навбатида барча қизилтанлиларга хос илтифот билан таъзим қилди-да, хирилласа ҳам мулойим овозда деди:

– Довюрак яқинлашаётганидан воқиф бўлишган сашемлар Соҳибчангал истиқболига қабилабошини юборишни маъқул топди-

¹ С а ш е м – ҳиндилар қабиласи бошлиғи.

² Шим, иштон.

³ В а к о н д а – талай ҳинди қабиладари тавоф қиладиган яхшилик арвоҳи, олий илоҳ.

лар. Бу нарса чекига тушганидан Қарчиғай бахтиёр.

– Менга бунчалар олий ҳиммат кўрсатишган халқимнинг сашемларидан миннатдорман! – жавоб қилди овчи ҳамроҳига маънодор кўз қисиб. – Биродарим сиз билан қишлоққа қайтадими ё олға борадими?

– Қарчиғай халқимиз фарзандининг ўғли меҳмони, довюрак ҳамроҳига муносиб равишда қарши олинишини айтиб қўйгани олдинроқ боради.

– Маъқул. Биродарим қабила бошлиғининг бурчи буюрганидай ҳаракат қилади. Соҳибчангал уни ортиқча ушлаб турмайди.

Навқирон ҳинди рози бўлгандай бир сакраб, бутазорда кўринмай кетди. Бу иш кўз очиб-юмгунча юз берганидан у яширинган буталар чайқалиб турмаганида борми, уни тушга йўйса ҳам бўларди.

– Бу ёғига ҳам кетаверамизми? – сўради таажжубланган ва хижолатда қолган ҳамроҳидан Соҳибчангал.

– Майли, – беихтиёр жавоб қилди Парадес.

– Хўш, – Соҳибчангал гап бошлади, – ҳалиям папагослардан хавотирдамисиз?

– Кечиринг. Назаримда, эсим чиндан ҳам жойида эмас экан.

Ҳарбийча ясан-тусан қилишган йигирмата папагос ажойиб тулпорларда жилға бўйида саф тортганларича қимир этмай туришарди.

Ҳиндилар йўловчиларни кўрганларидан кейин бор овозлари билан қичқиришди, милтиқларини бошлари узра силкитиб, тинимсиз ҳавога ўқ узганча елиб кела бошладилар. Шамол уларнинг оқ бизон¹ жунидан қилинган либосларини ҳилпиратарди. Бу либосни эса фақат номдор сашемларгина кийишларини эслатиб ўтишимиз керак.

Бизнинг ошналаримиз ҳам мустангларини ниқтаб, ҳайқириқлар ила ўқ ўзиб, сашемлар истиқболига ошиқишди.

Араб чавандозларига хос бўлган бундай қий-чув атиги бир неча дақиқа дақом этди.

Отлиқлар ниҳоят қабила бошлиқларидан бирининг амрона ҳайқиригига бўйсуниб тўхташди-да, қисқа жимликдан кейин йўловчиларнинг иккала томонига фахрий қоровуллардай саф тортишди. Шундан кейин улар дарёдан кечиб ўтишди ва аёллар ҳамда болаларнинг қийқириқлари остида қишлоққа киришди. Уларга итларнинг хунук вовуллаши, қўштавақали чиганоқларнинг хириллаши ва бошқа чийилловчи чолгулар жўр бўларди.

16. АТЕПЕТЛЬ

Ҳамма ҳиндилар бир-бирларига ўхшайдилар, битта қабиланинг турмуши ва хулқ-атвори билан таниш бўлган одам бошқа барча ҳинди халқларининг урф-одатлари ва ҳаёт тарзларини ўрганишга ҳожат қолмайди, дейдиганлар кўплаб топилади. Бундай қўпол хатони тўғрилаш пайти келди. Американинг туб аҳолиси бўлган ҳинди қабилалари орасида тилда, турмуш тарзида ва бошқа нарсалардаги тафовут Европадаги ҳар қандай халқлардаги миллий хусусиятлардан кам эмас. Балки кўпроқдир ҳам. Ҳиндилар сўзлашадиган талай хилма-хил лаҳжаларни санаб чиқиш мушкул. Бир қабиланинг одатлари бир неча лье нарида турувчи бошқасининг хулқ-атворидан тамоман фарқ қилади. Олис Фарб кишиси прери-

¹ Б и з о н – Шимолий Америкадаги ёввойи қорамол.

яларни ҳатто кўп вақт кезиб, ҳиндиларнинг турмуш ва миллий хусусиятларини чуқур ўргандим, деб ўйлаганида ҳам қаттиқ янглишади ва энг ёмони, бу борада тасаввур бермоқчи бўлган одамларни ҳам чалғитади.

Ҳиндилар ўзларининг ҳаёт тарзларига кўра иккита катта оилага бўлинадилар. Улардан бири галлакорлик билан машғул бўлган ўтроқлар ва иккинчиси овчилик билан кун кўрадиган ҳиндилардир.

Овчи ҳиндилар теридан ясаладиган, бир жойдан бошқасига енгил кўчирса бўладиган вигвамларда¹ турадилар. Уларни Мексикада “индиос бравос”, яъни “бўйсунмаган ҳиндилар” дейишади. Булар бирон ўлкани макон қилишади-да, отларига озуқа, ўзларига паранда ва жониворлар мўл бўлган ўша ерда яшайдилар.

Ўрмонлардаги қалин чангалзорлар ёки Сиерра Марренинг ўрганилган дараларида бравос ҳиндиларининг ҳарқалай қишлоқлари бор эди. Қишловга мўлжалланган бу қишлоқлар тупроқдевор ёки ёғочдан қурилган чайла ва кулбалардан иборат эди. Бу уруш даврида аёллар, болалар ҳамда чолларга бошпана бўларди. Бравос ҳиндилари ўша ерда босқинларда қўлга киритилган ўлжаларни ҳам сақлайдилар.

Галлакор ҳиндилар, аксинча, турар-жой, чорва қишлови ва ҳосилни сақлашга мустаҳкам иморатлар қурадилар. Бу ҳинди қабиалари турмушда ўзларининг қонунлари ва урф-одатларига амал қиладилар, бироқ айни пайтда улар Мексика қонунларини эътироф қиладилар ва Мексика ҳукуматига бўйсундилар. Ҳукумат эса уларнинг қабила бошлиқларига алькальд² унвонини беради. Ўтроқ ҳиндилар “индиос мандос”, яъни “бўйсундирилган” деб аталади.

Талай ҳинди халқларидан иборат папагослар уюшмасига ҳиндиларнинг бўйсундирилган ва бўйсундирилмаган қабиалари ҳам кирди. Таркибида ҳар бири ўзининг алоҳида тотемига³ эга бўлган бир юз ўн саккизта қабилани бирлаштирган қудратли хиленос халқи папагослар иттифоқининг асосини ташкил қилади.

Хиленослар — асосан деҳқонлардир. Ўзларини прерия шоҳи атаб, асосли равишда Мексиканинг биринчи истиқлолчилари бўлган чичимекларнинг авлодлари деб биладиган команчилар бир вақтлари “Қабила бошлиқлари кенгаши” қарори билан иккита халққа ажраганди. Бу нарса қачон рўй берганини аниқлаш қийин, чунки ҳиндилар йилнома тутмайдилар, ўз тарихларини фақат оғзаки ривоятлардан биладилар. Бундай қарорга анчадан бери чўзилаётган ва фуқаролар урушига айланиб кетиш хавфида бўлган жанжалга чек қўйиш мақсадида келинганди. Шу халқнинг ажраб чиққан шохобчаси “команчи” номини сақлаб қолиб, Узоқ ғарбнинг бепоён чўл-биёбонларида кўчманчилик қилиб юраверди. Бу буюк халқнинг бошқа қабиалари Рио Хило соҳилларида ўтроқлашиб қолганларидан ўшанинг номи билан хиленослар деб атала бошлади. Хиленослар овчиликни деҳқончиликка алмаштирдилар. Кейинчалик улар испанлар ҳукмронлигини, сўнгра Мексика ҳукуматини расман эътироф қилсалар ҳам ўз мустақилликларини сақлаб қолавердилар.

Команчилар ана шу иккита халққа ажраганларидан кейин ҳам бир авлод эканликларини унутмай аҳил яшайвердилар ва зарур бўлганда бир-бирларига мадад ва кўмак бердилар.

¹ В и г в а м — тахланадиган ёғочлардан қилинадиган ва устига пичан ёпиладиган чайла.

² А л ь к а л ь д — қишлоқ жамоаси оқсоқоли.

³ Т о т е м — бирорта ҳинди қабиласининг айрича белгиси, герби.

Хиленослар ота-боболарининг урф-одатлари ва васиятларига қаттиқ амал қиладилар. Булар орасида спиртли ичимликлардан ўзларини қаттиқ тийишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Улар Мексика ҳукумати бўйсунган ҳиндилар қабилаларини бераҳмларча эзишда қўллайдиган сиқув усулларига сира ҳам тоқат қилолмай келганлар. Хиленосларнинг қишлоқлари бошқа ҳиндилар қишлоқларидан ўзига хослиги билан бутунлай ажралиб туради. Уларда хиленослар миллий характерининг баъзи хусусиятлари сезилади.

Ошналаримиз атепетлга келганларидан фойдаланиб, китобхонга хиленослар қишлоғи ҳақида тасаввур берамиз.

Соҳибчангал қишлоққа яқинлашгандаёқ дон Хосега тепалик ёнбағрига қапишгандай туюлган кўп қаватли иморатларни кўрсатди.

Ана шу иморатлар турган тепалик чамаси навбатдаги бирорта зилзила билан қоқ иккига ажраган бўлса керак. Ҳосил бўлган қўш тепалик оралиғида квебрада дейиладиган чуқур жарлик ҳосил бўлганди. Унинг тубида тоғ жилғаси кўпириб ва айқириб оқарди.

Ана шу квебрадининг иккала томонида ҳиндилар иккита эҳромнамо баҳайбат иншоот бунёд этишган бўлиб, баландлиги тахминан саксон метр келарди. Турар-жойлар, бостирмалар, қурол-яроғ омборларидан иборат ана шу иншоотларда саксонга эркак, аёл ва болалар истиқомат қиларди. Улар бу ғалати иншоотлар оралиғига чирмовуқдан қилинган кўприк орқали бир-бирлариникига ўтиб туришар, кўприк ҳам ниҳоятда баландликда эди. Иншоотларга фақат кечаси олиб қўйиладиган чирмовуқ арқонлардан чиқиларди. Эшиклар ердан йигирма метр баландликдалигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу жуда ҳам муҳим эҳтиёт чораси эди.

Олисан ана шу минорали ва қўшнарвонли, юқорисида ва пастидо одамлар тинимсиз ғимирлаб турган бу ажиб қишлоқдан ҳам кўркамроқ ва қизиқарлироқ жойни бунёд этишнинг ўзи бўлмасди. Йўловчиларимиз бу ерга келишларидан бир неча кун муқаддам қишлоқ хавф-хатардан холи бўлиши учун катта ўра билан қуршалган ва чирмовуқлар билан маҳкамланган ёғоч панжаралар ўрнатилганди. Ҳиндилар отларимиздан айрилиб қолмайлик, деб бу эҳтиёт чорасини кўришганди. Чегара ҳаёти кундалигида бунақа нарсалар тез-тез учраб туради. Оқсоқоллар кенгаши эса ўз қомусини тайёрларкан, ҳинди отлиқ аскарларининг ҳаракатларидан умиди катта эди.

Йўловчиларимизни асъасаю дабдаба ҳамда фахрий қоровул билан майдонгача кузатиб боришди. Майдоннинг бир тарафида “биринчи одамнинг қўналғаси”, бошқа томонида эса “кали медесин”, “оқсоқолларнинг маслаҳатхонаси” қад кўтарганди.

Дон Хосе бу ерга келаётганларидаёқ ҳиндилар тўдасида бир неча оқ танлиларни пайқаганини Соҳибчангалга маълум қилди.

— Сиз адашмадингиз, — деди овчи. — Бу ерда ҳиндилар билан савдо-сотик қилишадиган талай мексикалик тижоратчилар истиқомат қилишади. Бунда ажабланарли ҳеч нима йўқ: чунки хиленослар — “мансос ҳиндилар”дир... Мана сизга роҳиб ҳам тайёр!

Чиндан ҳам қип-қизил юзли, қориндор роҳиб майдондан ўтиб келаркан, ўнгу сўлида учраган ҳиндиларни дуо қилар, улар эса бунга унчалар парво қилишмасди ҳам.

— Бу мўғтабар биродарлар, — гапида давом этди Соҳибчангал, — ҳиндиларнинг қишлоқларини тиним билмай айлансалар ҳам одамларни бирор жойда ўз динларига киритолмайдилар. Бу ердаги халқ ота-боболарининг динидан чиқмайди. Бироқ команчилар жуда ёввойи бўлсалар ҳам бошқа диндагиларнинг нафсониятларига тег-

майдилар, — овчи кулиб қўйди, — роҳиблар диний таълимотларини тарғиб қилаверсин, деб ўз ҳолларига қўйиб беришган, бироқ бунда команчиларнинг ишларига бурунларини тикмасликларини қаттиқ шарт қилиб қўйишган. Роҳибларга ҳатто бу ерга бутхона қуришга ҳам ижозат беришган. Унга гоҳо битта-яримта ўткинчи бош суқади, бироқ шу ерликлардан ҳозиргача бирортаси ҳам унинг остонасидан ҳатлаб ўтмаган.

— Хўш, энди, уруш эълон қилинганида роҳибларнинг ҳоли нима кечади? — сўради бошқарувчи.

— Уларга бало ҳам урмайди! Тинчгина яшайверишади, уларни ҳеч ким турткиламайди ҳам. Тўғри, ҳиндилар ёввойи халқ, шунга қарамай бировларнинг жинояти учун бегуноҳларни жавобгар қилишга ёвво-йиликлари йўл бермайди.

— Мени кечиринг, Соҳибчангал, — дон Хосе қайнаб кетди, — сўзларингиздан сезилиб турган заҳархандалик таъбимга ўтиришмаяпти! Олийжаноб одам туйғулари қанча эзгулигидан қатъи назар холис бўлиши керак.

— Сиз ҳақсиз, дўстим. Бироқ мени яхши билиб олганингиздан ке-йин ана шу қусуримга бирмунча ён беришингиз турган гап. Суҳбатимизни шунда тугатсак, қолаверса, етиб ҳам келдик.

Сайёҳлар етиб келган майдон қасабанинг сўлминораси салгина кўтарилган узун тўғри бурчак шаклда эди. Ҳашамдор ва қулай уйлари бўлган талай кўчалар майдонга олиб чиқарди. Ана шу қасабада оқ танли креоллар туришса борми, у сиюдад, яъни шаҳар аталиш ҳуқуқини оларди, албатта.

“Оқсоқоллар маслаҳатхонаси” олдида уч киши турарди. Вигонь¹ жунидан қилинган, олтин уқали шляпалари ва кумуш тутқичли узун асоларига қараганда улар қасабанинг бош сардорлари эканликлари яққол кўриниб турарди, гап шундаки, испанлардан мексикаликларга мерос бўлиб қолган бошқа урф-одатлар қаторида ҳиндиларнинг қабила бошлиқларига ҳукмдорлик нишонлари бериш ҳам сақланиб келарди. Губернатор номидан қилинадиган бу русум алькальдларга юқорида айтилган ҳукмдорлик белгилари бўлган шляпа билан асоларни беришдан иборат эди.

Хиленосларнинг қабила бошлиқлари ҳокимиятни Мексика ҳукуматидан номигагина олишарди. Амалда эса ҳукумат ҳиндилар қабилаларининг ижтимоий тузуми билан ҳисоблашишга ва ватандошлари томонидан кўпдан бери эътироф қилинаётган кишиларга ҳокимият беришга мажбур эди.

Сайёҳлар фахрий қоровул билан алькальдлар ёки ҳиндилар тили билан айтганда сашемлар олдида тўхташди.

Сашемлар улуғсифат кексалар эдилар. Уларнинг энг каттаси ўзининг улуғвор қадди-басти билан ажралиб турар, кўринишидан ёши олтмишларга борганди. Узун, оппоқ соч-соқоли, баланд бўйи, кенг пешонаси, салгина қирра бурни бу одамнинг кучли табиатидан дарак берарди, либоси ҳам ҳиндича эмас, балки чўл-биёбон овчиларининг кийимидан эди.

Эгнида мовий митқалдан тикилган қўйлак, белида одатда қурол ва ўқ осиладиган чарм камар, тиззасигача илма тугмалари бўлган ва почаси ботфортигача тикилган шим бор эди. Этигининг пошнасидаги нихлари жуда бошқача, катталиги чой ликобчасидай филдиракли эди.

¹ В и г о н ь — Жанубий Америкада яшайдиган туясимон ҳайвон.

Бу сашем ҳинди эмасди, буни бир қарагандаёқ билса бўларди. Бунинг устига, кўркам ва хушсуратлиги асли испанлар насабиданлигини кўрсатиб турарди.

Дон Хосе уни кўрганида ҳайратдан ёқа ушлади. Бу одамни бунақа жойда ва бунақа одамлар орасида кўраётганига ҳам ақли сира бовар қилмасди. У Соҳибчангалга энгашиб, ажабланишини яширолмайд шивирлаб сўради:

– Бу одам ким?

– Кўриб турибсиз-ку! – Соҳибчангал қуруққина қилиб жавоб берди. – У ана шу қишлоқнинг катта алькальди... бошқа гинг деманг! Бошқалар шивирлаб гаплашаётганимизга шундоқ ҳам ҳайрон бўлишяпти.

Дон Хосе жим қолса ҳам овчи ошнаси сал истеҳзо билан катта алькальд деган одамдан сира кўзини узмасди.

Учта сашемдан сал орқароқда бир жангчи инкларнинг¹ муқаддас паррандаси саналган кондор² тасвири туширилган тотемни кўтариб турарди.

Майдонни хотин-халаж, чоллар, болалар ва қуролли кишилар зумда тўлдиришди. Уларнинг ҳаммалари тантанали учрашувда бўлишни хоҳлашарди.

Тантанани Қарчиғай очди.

– Халқимнинг падарлари, – деди у отидан ирғиб тушиб, – қабиламининг довураги қайтди ва оқ танли дўстини ола келди.

– Хуш келдингиз! – жавоб қилишди учта қабила бошлиғи бараварига. – Унинг дўсти ҳам хуш келибди. Бу ерда кўнгли истаганича меҳмон бўлсин. Уни ўз биродаримиздай кўрамиз!

Энди Соҳибчангал олдинга чиқиб сўз бошлади:

– Ўз номимдан ва дўстим учун ҳам миннатдорлик билдираман, – деди у. – Биз олисдан келдик, йўлимиз узоқ ва оғир бўлди, жуда толиқдик. Бир неча соат дам олишга рухсат бергайсизлар!

Паҳлавондай бақувват, толмас овчи деб ном чиқарган Соҳибчангал толиқишдан гап очганидан бениҳоя ҳайратланган ҳиндилар бунинг жуда муҳим сабаби бўлса керак деган, хаёлга боришди.

– Соҳибчангал билан дўсти ўзларига тахт қилиб қўйилган уйга боришлари мумкин. Ўғлимиз Қарчиғай уларга ҳамроҳ бўлади.

Соҳибчангал билан Парадес оқсоқолларга эҳтиром билан таъзим қилишди-да, йўл берган оломон орасидан Қарчиғайга эргашишди.

Очиғини айтганда, Соҳибчангалнинг ўзи ҳам йўлни биларди, чунки ўша уй ўзиники эди. Бироқ ҳозир таомил бўйича келган меҳмоннинг ҳурматини қилиб қабила бошлиқларидан бири узатиб бориши талаб этиларди.

Соҳибчангал кулбасининг эшигига етганларида Қарчиғай овчининг қулоғига ниманидир шивирлаб, нари кетди.

– Ўз уйингиздай кўраверинг, дўстим, – деди Соҳибчангал Қарчиғай нарироққа кетгандан кейин дон Хосега. – Бемалол жойлашиб олаверинг. Сизни вақтинча танҳо қолдираман. Бир одам билан кўришишим керак.

Соҳибчангал жавоб кутмай отининг бошини бурди-да, елдириб кетди.

– Ҳим, бу ерда қандайдир шумлик бор, – гўлдиради Парадес ёлғиз қолганида. – Бу одамга ишониб чакки қилдикмикан? Ҳушёр

¹ И н к л а р – Перудаги қадимий халқ.

² Жанубий Америкада яшайдиган ўлаксахўр йирик йиртқич қуш.

бўлишга тўғри келадиганга ўхшайди.

17. САШЕМЛАР КЕНГАШИ

Соҳибчангал уйдан бироз узоқлашгандан кейин отининг юганини тортиб, секинлатди. У энди отини лўкиллашиб теварак-атрофга бепарво тикилар, амалда эса қишлоқ кўчаларида нимадир бўлаётганини пайқаб борарди.

Қаршисидан келаётган ҳиндилар у билан эски танишлардай саломлашишарди. Аёллар билан болалар эса шўх-шўх кулишар ва келганини табриклаб, эътиборини ўзларига қаратишга интилишарди. Соҳибчангал эса ҳар кимнинг ўзига яраша бир гап айтиб борарди.

Овчи кетидан қизиқиб келаётган талай одамлар ҳамроҳлигида қишлоқ оралаб, сўл минора олдида тўхтади. Шу ерда отдан тушди, жиловни қандайдир болага тутқазиб, ўзи камайиш ўрнига кўпайиб бораётган оломон орасидан аранг ўта бошлади.

Ниҳоят, зина вазифасини ўтайдиган арқон нарвонга етди. Соҳибчангал унинг тутқичига ёпишди-да, тўпланган ҳиндиларга хайр дегандай бош ирғаб, нарвондан тез кўтарилиб, минора эшигига кириб ғойиб бўлди.

Сиртдан ғалати кўринган бу иншоот қулай ва ичкариси ҳам жуда яхши ишланганди. Бироқ овчи у ёқ-бу ёққа алангламай, шоша-пиша қатор хоналардан ўтди ва ички зинадан эҳромнинг энг тепасига кўтарилди.

У ерда парда ўрнига ҳайвон териси осилган эшик олдида Қарчиғай посбонликда турарди.

– Биродарим узоқ куттирмади, – деди Қарчиғай овчига мулойим таъзим қиларкан.

– Кенгаш бошландими?

– Қуёш тўрт марта чиқса-да, халқимиз оқсоқоллари ҳали ҳам “кенгаш гулхани”дан нари силжишмаяпти. Улар биродарим Соҳибчангал келиши муносабати билан ишдан бир соатгина бош кўтаришга аҳд қилишди.

Овчининг қовоғи солинди.

– Буюк сашем билан бир неча дақиқа гаплашсам бўлармикин?

– Очиғи, бу борада биродаримга нима жавоб қилишни ҳам билмайман, – жавоб қилди Қарчиғай.

– Маъқул, – деди овчи бирдан гапни буриб. – Қарчиғайнинг менга топшириғи йўқми?

– Мутлақо. Қарчиғайга фақат Соҳибчангал пайдо бўлганда келганини етказиш топширилганди.

– Оааа! Мана мен келдим! Қарчиғай биродарим олинган буйруқни бажариб келганимдан хабар бердимми?

Қарчиғай жавоб ўрнига пардани кўтарди-да, четланиб, овчини маслаҳатхонага киритиб юборди.

Стуллар вазифасини ўтайдиган бизоннинг қурилган каллаларини айтмаганда мутлақо жиҳозсиз кенг танобийда йигирмадан ортиқ одам давра ясаганча тантанавор ва ўйчан ҳолда калюметни¹ қўлма-қўл қилиб чекишарди.

Давра марказидаги олтин товада Монтесуманинг² сўнмас олови ёнарди. Ривоятларга кўра, Мексиканинг ўша сўнгги императори ўзининг энг яқин тарафдорларига бу оловни тарқатган, олов эса

¹ К а л ю м е т – ҳиндилар чилими.

² М о н т е с у м а – испанлар босиб олган ацтеклар давлатининг сўнгги императори.

ҳиндиларнинг ҳозирда ҳам уқтиришича қуёшнинг ўзидан туғилган экан.

Оддий одамлар назари тушмасин, деб асраб-авайланадиган бу ўт жуда керакли пайтдагина чуқур зиндондан бу ёққа олиб чиқиларди.

Унинг бу танобийга олиб келинганининг ўзиёқ кенгаш биринчи даражали ишни муҳокама қилажагини кўрсатарди. Бу ерда жам бўлган қабила бошлиқлари жиддий ва ўйчан ҳолда кўр тўкиб ўтиришлари ҳам бундан гувоҳлик берарди. Улар ҳозир одатга хилоф ҳолда қуролсиз эдилар.

Буюк сашем ташаббуси билан қўлланган бу эҳтиёткорлик чорасига тўпланган қабила бошлиқларининг кўплигидан ташқари уларнинг турли қабилаларга мансублиги ҳам сабабчи эди. Чунки бу кенгашда папагослар уюшмасидаги ҳар бир қабиланинг вақилларидан ташқари папагослар билан одатда уруш ҳолатида бўлган ва ҳозирда ҳиндиларнинг беаёв душманларига қарши ялпи кўзғолонда қатнашиш учун адоватни вақтинча йиғиштирган халқларнинг сашемлари ҳам иштирок этишарди-да.

Бу ерда якиларни ҳам, майларни ҳам, серисларни ҳам кўрса бўларди. Ҳаммалари ясан-тусан қилишган, либослари бўри думи билан безатилганди. Бундай қилишга эса фақат энг довюракларгина ҳақли эдилар. У ер-бу ерда оқ танлилар ва креоллар кўзга ташланиб қоларди. Улар чўл-биёбонларнинг эркин овчилари ва траппеплар эдилар.

Мазкур йиғинга Оловкўз раислик қилар, у биз юқорида тасвирини қилганимиз чол эди. Соҳибчангал ичкарига кирганида барча жангчилар ўрниларидан туришди ва лутфан таъзим қилиб, ораларига чақирди.

Бундай қаршилаш дилига хуш келган овчи ҳам ўз навбатида кенгаш аъзоларига муносиб таъзим бажо қилди ва олдин қуролни Қарчиғайга топширди, кейин Оловкўз ёнидан жой олди. Қарчиғай эса, шу он қуролни хонадан олиб чиқди. Соҳибчангал ўзига узатилган чилимдан уч-тўрт тортди, орага жимлик чўкди. Жимликни Оловкўз бузди.

— Ўғлимиз хўп вақтида ҳузуримизга келди-да, — деди у овчига қараб. — Соҳибчангалнинг биродарлари қайтишини сабрсизлик билан кутишарди. У душманларимиз диёрида бўлди, бизга айтадиган гапи ҳам бордир, албатта.

Овчи ўрнидан турди-да, кенгашдагиларга кўз югуртириб, гап бошлади:

— Мен чиндан ҳам гапучинлар¹ мамлакатидан келдим, уларнинг шаҳарларида, қишлоқларида бўлдим, қалъаларига кирдим. Улар ўзларига таҳдид қилаётган хатарни билганларидан унинг олдини олгани барча чораларни кўришяпти, хуллас, улар бизга ўхшаб, урушга тайёрланишяпти.

— Бу анча умумий ва мубҳам хабар. Биз Соҳибчангал душман кучларининг ҳаракатидан аниқ хабар беради, деб ўйловдик, — Оловкўз овчидан ёзғирган бўлди.

— Мен чиндан ҳам уддалай олмадим... — жавоб қилди Соҳибчангал.

— Унда сукут сақламоқнинг не ҳожати бор?

Йигит ҳамма ўзига тикилиб турганидан бир лаҳза тек қолди.

¹ Га п у ч и н — ҳиндилар мексикаликларни масхаралаб шунақа дейишади.

– Оқ танлиларда бир мақол бор, – деди у ниҳоят, – ўша мақолнинг ҳикматини жуда ҳам қадрлайман.

– Қанақа мақол экан?

– Сўз – кумуш, сукут – олтин...

– Эҳтимол, ўғлим аниқроқ қилиб гапирар? – тиқилинч қилди Оловкўз.

– Оқ танлиларнинг энг даҳшатли қуроли – душманлар орасига хиёнат уруғини соча олишдир, – сўзида давом этди овчи. – Улар ҳиндилар билан юзма-юз очиқчасига ва ҳалол тўқнашишдан қочиб, доимо хиёнат кўмагида бизни енгиб келишди. Мана шунинг учун ҳам кўп нарса боғлиқ бўлган бунақа кўп кишилиқ кенгашда масалани ҳал қилмаслигимиз керак. Орамизга сотқин кириб олган-олмаганини ким билади, дейсиз. Урушнинг умумий масалалари ҳақида гап кетаётганида бу бир нав. Бироқ урушнинг тақдири ҳал бўладиган ҳаракатлар муҳокамасига киришар эканмиз, душман қандай қарорга келганимиздан воқиф бўлмаслиги чораларини кўришимиз зарур.

– Бизнинг бошқа иложимиз ҳам йўқ-да.

– Бор. Уруш эълон қилиниши билан улар уч, узоғи билан беш кишилиқ ҳайъат тузишади. Унинг вазифаси ҳарбий ҳаракатлар режасини тузиш. Биз ҳам ўшандай қилсак бўлмайдами? Бу оддийгина иш бўлса ҳам бошқа яхши томони бор. Мабодо мексикаликлар ана шундай оз кишилиқ ҳайъатнинг қарорларидан хабар топсалар ҳам сотқин борлиги маълум бўлади. Бошқа қабила бошлиқлари ва дўст халқларнинг ҳамда иттифоқчиларимизнинг вақилларига келганда эса улар катта кенгашда ҳинди халқларининг умумий манфаатлари ва уларнинг ўзаро муносабатлари билан шуғулланадилар. Бу кўпгина англашилмовчиликлар туфайли туғиладиган ва деярли доимо қонли ҳамда бениҳоя қирғинларга айланадиган жанжалларни мурғаклигида йўқотамиз, деган сўздир. Мен борини айтдим, энди эса биродарларим сўзларимни эътиборга олиш керакми-йўқми, ўйлаб кўрсинлар.

Соҳибчангал кенгашдагиларга ўгирилиб, бирма-бир таъзим қилди-да, яна жойига ўтирди.

Соғлом фикрлаш – ҳинди халқининг айрича хусусияти. Соҳибчангал гапининг барини айтмагани ҳаммага тушунарли эди. Бунинг устига қабила бошлиқлари гапини жуда яхши фаҳмлашганди ҳам. Улар то овчи вақт-соати келмағунича тегишли номни тилга олмаслигига асоси борлигини сезишди.

Мулоҳазалари ҳаққонийлигини баҳолашди ва овчи айтган қарорга келишларини сезишди, бундан эса барча ҳинди халқлари хабардор эдилар.

Соҳибчангал сўзини тамомлаганида залдагилар унинг гапларини шивирлаб маъқуллашганига ажабланмаса бўларди. Нотиқ қаерда гапни ўхшатиб қўймасин, муваффақият қозонганининг бундай аломати доимо қулогига хуш ёқади.

Оловкўз кенгашнинг барча аъзоларига синовчан кўз югуртирди. Уларнинг ҳар бири тасдиқлагандай бош ирғади.

– Ўғлимиз Соҳибчангалнинг таклифи қабул қилинди, – деди буюк сашем овчига. – Ҳаммамиз уни амалга оширишга қарор бердик. Бироқ ўғлимизнинг донолигидан яна бир бор унга ўтинишга мажбурмиз: бизга ҳайъат аъзоларини қандай тайинлашни ўргатсин.

– Менимча, бу ишни тасодиф ҳал қилиши лозим. Бу ерга тўпланган барча сашемлар – ўз халқларининг сараланган ва энг довурак

жангчиларидир. Бироқ тақдир чеки қай бирларига тушмасин, ўз вазифасини шараф билан адо қилади.

– Бугун ҳам қабила бошлиқлари ҳар галгидай Соҳибчангалнинг фикрини сўраганларида ўелимиз доно сўзлар айтди. У яхши бошлаган ишини охиригача етказиб, бизни тақдир иродасини билишга ўргатсин!

Овчи ўрнидан қўзғалиб, эшикка юрди.

– Мен отам Оловкўзнинг иродасини адо этаман, – деди у танобийдан чиқаркан.

Соҳибчангал фақат бир неча дақиқа йўқ бўлди, кейин у бир ўзи эмас, Қарчиғай билан қайтиб кирди. Бу ерда гап орасида Қарчиғай ҳам қабила бошлиғи сифатида кенгашда қатнаша олишини айтиб ўтишимиз керак. Бироқ унга кенгашни топширганлари билан бу имкониятдан фойдалана олмасди. Навқирон қабила бошлиғи қопга ўшатиб ўралган жун кўрпани кўтариб олганди.

– Мен ана шу қопга, – гап бошлади Соҳибчангал, – бу ерда қанча қабила бошлиғи бўлса ўшанча ўқ солдим. Бу ўқларни қабила бошлиқларининг ўқдонларидан биттадан олдим. Катта-кичиклиги турлича ўқлар. Ҳар ким навбати билан қуръа ташлайди. Кейин биз ўқларни солиштирамиз ва учтами ёки бештами, у ёғи сизларнинг ихтиёрингизда, катта ўқ чиқса, ўша қабила бошлиғини сайлаган саналади.

– Амалий таклиф! Шунда жилла бўлмаганда ҳеч кимнинг нафсониятига тегилмайди! – деди Оловкўз. – Менимча, буни маъқуллашимиз даркор.

Ҳамма рози бўлгандай бош ирғади.

– Биз ҳайъат аъзолари нечта бўлишини ҳал қилишимиз керак. Учтами? Бештами?

Бу сафар кенгашнинг оқ танли аъзоларидан бири сўз сўради.

У ёши қирқлардаги чорпаҳилдан келган, кўринишдан очиқ ва ғайратли, Олис гарбда “Ҳуштакбоз” деган ғалати лақаб билан ном чиқарган эди.

– Доно ва машҳур жангчилар кенгашни олдида мендай оддий овчи фикрини айтишга ижозат бергайсизлар. Менимча, уч кишилик ҳайъат бундай муҳим ишларни самарали муҳокамадан ўтказиб, ҳал қилолмайди, чунки бирорта фикрга овоз тўплаш енгиллашади. Беш кишилик ҳайъатда бу қийинроқ кечади, одамлар ўз фикрларини ҳимоя қилиб, тортишишади, ҳақиқат эса тортишувда туғилиши маълум. Шунинг учун мен беш кишилик ҳайъат тарафдориман. Ҳа, яна битта гап: бу ерда ўтирган креоллар билан оқ танлилар қуръада қатнашишадими?

– Нима, улар биз билан ёнма-ён жанг қилишмайдими? – дарров сўради Оловкўз.

– Шундайку-я, – жавоб қилди Ҳуштакбоз, – Ҳар қалай буни ўзларингизга қўйиб берсак яхши бўлар. Бизлар амалда сизга кўмаклашармиз-да.

– Йўқ, сизлар биродарларимиз ва дўстларимизсиз! Сизни андиша қилаётганингизни муносиб қадрлаймиз, Ҳуштакбоз. Бироқ бу таклифингизни рад этамиз. Сиз биз билан ҳуқуқ ва бурчни баҳам кўришингиз керак.

Кенгаш беш кишилик ҳарбий ҳайъат тузишга қарор қилганидан кейин қуръа ташлашга киришилди. Жангчилар навбати билан Қарчиғайга яқин келиб, коплан ўқ олишарди. Ўқларнинг катта-кичиклиги ҳиндиларнинг ўзаро муносабатларидаги ҳалоллик ва холис-

ликка қиёс қилгулик эди.

Одамлар кўпгина тасодифиятга суяниб, ажойиб натижаларга эришмоқчи бўладилар. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ўз истеъдодлари, ақллари ва ҳарбий тажрибаларига кўра кўпроқ овоз олишлари мумкин бўлганлар бу сафар бошқача йўл қўлланганда ҳам муваффақият уларнинг чекига тушади.

Ирим-сиримчи сашемлар дилларидаги истаклари тасодифан руёбга чиқиб қолганидан буни дарҳол урушнинг кети яхши бўлишига йўйишди. Бешлик ҳайъатга Оловкўз, Қарчиғай, Соҳибчангал, Ҳуштакбоз ва апачиларнинг Пекари деган қабила бошлиғи сайланганди.

Сайлов тугаб, қабила бошлиқлари яна жой-жойларига ўтиришганларида Соҳибчангал ўзининг кўзига ташланмасликка уриниб, ҳиндилар панасига яшириниш учун ҳаракат қилаётган бир оқ танли трапперга яқинлашди. Унинг елкасига қўл ташлаб, оҳиста, бироқ шиддатли қилиб деди:

– Икки оғиз сўзим бор, Кидд.

Дайди Соҳибчангалнинг қўли теккандаёқ титраб кетганди. Бироқ лаҳзада ўзини қўлга олди-да, ясама мулойимлик билан овчига таъзим қилди.

– Ҳизматингизда ҳозирман, – деди Кидд сохта илжайиб. – Наҳотки, мен ҳам сизга фойдам тегишдек бахтга мушарраф бўлган бўлсам?

– Эҳтимол! – қуруққина жавоб қилди овчи.

– Тезроқ айтинг, сеньор, буюринг! Кўнгилни тўқ қилаверинг, нимаики қўлимдан келса...

– Бас! – Соҳибчангал унинг сўзини бўлди. – Ишга ўтайлик!

– Қулоғим сизда, – деди каллакесар хавотирини сездирмасликка уриниб.

– Гап шундаки, бу сизга ёқадими, йўқми, бу ердалигингиздан гижиниб кетяпман...

– Афсуски, бу масалада сизга ёрдам беролмайман, марҳаматли синьор.

– Берасиз! Бу жуда ҳам осон.

– Қанақасига?

– Тезда бу минорани тарк этасиз, отга миниб, кўзимдан йўқоласиз.

– Ҳо-ҳо! – дайди ўлганининг кунидан кулди. – Гапиришга ижозат берадилар, таклифингиз менга жуда ғалати туюляпти.

– Шундай туюляптими? – Соҳибчангал совуққина эътироз билдирди. – Менимча, бу ажойиб фикр. Хаёлимга келгани ҳам жуда табиий.

– Сиз ҳазиллашяпсиз, албатта, – деди довдираб қолган қароқчи.

– Менга қаранг, Кидд! Мен билан ҳазиллашишнинг кети яхши бўлмаслигини биласиз. Шундай эмасми? Сизга яна айтаман: бу ердан тезроқ даф бўлинг! Сизга маслаҳатим... фойдангизни кўзлаб айтаяпман.

– Бундай қочишимга дурустроқ баҳона ҳам топишим керак-да. Мени бу кенгашга чақирган ҳинди қабила бошлиқлари нима дейишади, ҳарбий ҳаракатлар бошланиши арафасида узрсиз ташлаб кетсам, овчи дўстларим нима хаёлга боришади?

– Менинг нима ишим бор? Бу ердан ҳозироқ йўқолинг, бўлмаса...

– Нима “бўлмаса”?

– Бўлмаса ҳамманинг кўзи олдида сотқин ва жосус сифатида

пешонангиздан отиб ташлайман.

Қароқчи беихтиёр қалтираб кетди. Юзи кўкарди, бир неча сония илонникига ўхшаган кўзини ўзига жирканиб қараб турган овчидан узмади.

– Соҳибчангал, – Кидд ниҳоят овчининг қулоғига шивирлади, – бугун мендан қўлингиз баланд, қаршилиқ кўрсатсам, тентаклик бўлади. Сизга ён бераман. Бироқ ҳақингизни оласиз, эсингиздан чиқарманг!

Соҳибчангал нафратланганича елкасини қисди:

– Эпласангиз ўчингизни оласиз. Ҳозирча эса йўқолинг, бўлмаса айтганимни қиламан!

Соҳибчангал шундай деб ёвуз қароқчидан нари кетди. У эса овчини сўкиб юборишдан аранг ўзини тийиб индамай залдан чиқди.

Ўн дақиқалардан кейин Кидд кончилар лагери томон от қўйиб бораркан, хаёлида бири биридан мудҳиш режалар гужгон ўйнардди.

*Рус тилидан Эркин НОСИРОВ
таржимаси*

Давоми бор

